

М.Д. Закиров, К.А. Атамуродов, Я.Х. Хайдаров

ҲАЙВОНЛАР ХОМ АШЁСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ



Тошкент
1999

†
М.Д. Закиров, К.А. Атамуродов, Я.Х. Хайдаров

ЎВОНЛАР ХОМ АШЁСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ

Тошкент
1999

Закиров М.Д., Атамуродов К.А., Хайдаров Ё.Х.

Ҳайвонлар ҳам ашёси товаршунослиги.

17 напир, кайта ишланган ва кушимчалар киритилган.


Тошкент: "Эльдинур" нашриёт уйи, 1999 й. бет.

Ушбу ўқув қўлланмада Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида тайёрланган ҳайвонлар ҳам ашёсининг асосий хусусиятлари ёзилган; уларнинг хусусиятларини ташкил этувчи ва сифатини белгиловчи курсаткичлари, ҳамда ҳам ва ярим фабрика тегиларни баҳолаш услубий асослари кўрсатилган; тегиларни экологик зоналар бўйича таърифи ва мўйнадан қилинган бўмлар ассортименти берилган.

Ўқув қўлланма ихтисослаштирилган Ўрта ва Олий юртларнинг талабалари, тайёрлов ташкилотлари, мўйначилик корхоналари (фирма, кооперативлар), ҳайвонотчилиқ ва қорақулчилиқ хўжалиқларининг мутахасислари, ҳамда илмий-педагогик ходимлар учун мўлжалланган.

Такризчилар:

- | | |
|-----------------|--|
| З.Н. Ризаев | – Самарқанд кооператив институти-
нинг профессори |
| Т.Т. Джурабеков | – Марказий-Осиё халқ академияси-
нинг мухбир аъзоси |
| С.Ю. Юсупов | – СамКХИнинг доценти |



© Закиров М.Д., Атамуродов К.А., Хайдаров Ё.Х.

© Тошкент, "Эльдинур" нашриёт уйи, 1999 й.

КИРИШ

Ҳайвон дунёсидан олинадиган хом ашёлар (тери, мўйна, пўстин) товаршунослиги ихтисослашган ҳўжаликларда урчитиладиган мўйнали ҳайвонлар ва қоракўл қўйларидан олинадиган маҳсулотларни енгил саноат учун баҳоловчи ва уларнинг хусусиятларини тавсифловчи фан тармоғидир.

Ҳайвонлар хом ашёси товаршунослиги фан сифатида XX асрнинг бошларигача тавсифий характерга эга бўлган. У кўпроқ ҳар хил турдаги товарларни таснифлаш, уларнинг объектив таърифларини белгилаш масалаларини ўз ичига олган, бу эса ўз навбатида саноатда қайта ишлаш даврида товарларнинг юқори сифатини таъминловчи ишлов беришнинг рационал услубларини танлаб олишга имкон яратган.

“Мўйна” бўйича биринчи ўқув қўлланмаси 1883 йилда профессор П.П.Петров томонидан ёзилган. У мукамаллашмаган тадқиқот усуллари бўлмаган шароитида, ҳолбуки бу материал мўйна товаршунослигининг ягона фан тармоғи сифатида ривожланишига асос ярата олмаса ҳам, товаршунослар, овчи-тайёрловчи кадрларни ўқитишда материал асосини яратди.

Ҳайвонлар хом ашёларини ўрганиш билан Москва давлат Университетининг профессорлари Б.М.Житков (1972-1943 й.й.) ва Н.М.Кулагинлар шугулланишган. Улар мўйна-тери хом ашёларининг тери ва жун қопламаларини микроскопик тузилиши, уларнинг товар хусусиятлари ва бирламчи ишлов бериш усулларини тадқиқот қилдилар. Б.М.Житков ва унинг сафдошлари янги материаллар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишни давом эттирдилар. 1952 йилда Б.А.Кузнецов “Мўйна-тери хомшёлари товаршунослиги асослари”, 1977 йилда Б.Ф.Церевитинов, А.Н.Бесединлар “Мўйна-тери хом ашёлари товаршунослиги”, 1972 йилда И.П.Стефанович ва бошқалар “Мўйна ва қўй-тери-пўстин ярим фабрикатлар ва буюмлар товаршунослиги” ва бошқа дарсликларни яратдилар, натижада булар малакали овшунос, товаршунос ва илмий кадрлар учун асосий билим манбаи бўлиб хизмат қилдилар.

Қоракўл-барра хом ашёси товаршунослиги алоҳида фан сифатида 20 асрнинг бошларида шаклланди. М.Ф.Иванов ва В.М.Юдинлар томонидан 1932 йилда ёзилган “Қоракўл терилари” номли моногра-

фия биринчи марта Бухоро воҳасида бокиладиган қорақул қўйлар ва тийёрланидиган қорақул териларини тавсифлаб бериш ва хом ашёларни биринчи примитив навлашни илмий асослаб беришга хизмат қилди.

Бу монография биринчи қорақулчилик ва қорақул-барра хом ашёлари товаршунослари мутахассисликларини тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

Б.А.Кузнецовнинг 1954 йилда ёзилган “Қорақул ва қўзи, тери-си” номли китоби иккинчи катта илмий иш бўлиб, унда қорақул-барра хом ашёларини консервациялаш, ишлов бериш ва бўяш пайтида уларнинг товар хусусиятларини ўрганиш бўйича тўпланган материаллар умумлаштирилди. Бу материаллар юқори малакали қорақулшунос ва товаршунос кадрларни тайёрлашда яхши ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилди.

60-йилларга келиб, қорақулчиликда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Қорақулчиликнинг йўналиши ўзгарди. Қорақул қўйларини барра типлари бўйича урчитишдан олинган товарлар-қорақул териларининг сифати жаҳон мўйна-тери бозори талаблари даражасига кўтарилди. Шунга мувофиқ равишда ҳар хил тип ва ранглардаги қорақул териларига давлат стандартлари ўзгарди. Олинган терилар ўзининг товар хусусиятлари билан - узун гуллари, уларнинг чиройли расми, жун толасининг юқори сифат кўрсаткичлари, сатҳининг катталиги, енгиллиги билан ажралиб, юқори сифатли маҳсулотлар (манто, бош кийимлари ва бошқалар) тайёрлаш имконини яратди.

Проф. М.Ж.Зокиров ўзининг “Қорақулшунослик” (Тошкент, 1970, 1976, 1978, 1987 йиллар) номли ўқув дарслигини, кўп йиллик экспериментал тадқиқот маълумотлари билан тўлдирди, чет давлатлардан ва мамлакатимиздан йиғилган материаллар мазмунини янгича ёндашган ҳолда умумлаштириб берди. Дарсликда қўйларнинг бўғоз бўлиши, ҳомиланинг ривожланиши, қорақул жингалаклари ва терисининг шаклланиши, қорақул жингалакларининг таснифи ва морфологиясининг таърифи, жун ва тери хусусиятлари, ҳар хил рангдаги ва турдаги қорақул териларини қуриштириш, тузлаш, қваслаш, ишлов бериш ва бўяш жараёнларида термик хусусиятлари ўзгаришининг ижодий асоси берилган. М.Ж.Зокировнинг янги нуқтаи назарда ёзилган тўпламлари 1983 йилда ўзбек тилида, 1991 йилда рус тилида “Қорақулчилик” номи билан чоп этилди.

Ушбу нашр авторларининг шахсий тадқиқотлари натижалари билан тўлдирилган, аслида босиб чиқарилган материалларни қайта ишлаш асосида, ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари регионларида тайёрланадиган ҳайвонлар хомшёлари спецификациясини ҳисобга олиб тузилган компилятив иш ҳисобланади. Қорақўл-барра хом ашёларни тайёрлаш ва қайта ишлаш мўйна-тери ва пуштинбоп хом ашёларини тайёрлаш ва қайта ишлаш технологиясида фарқ қилганлиги сабабли, биз бу ҳақида I-бобнинг бошида ифода этишни маъқул кўрдик.

Ушбу ўқув қўлланма биринчи марта 1970 йилда “Қарақўл Узбекистана”, сўнгра 1976 йилда “Қорақўлшунослик”, 1987 йилда “Смушководение”, 1993 йилда “Товароведение каракулево-смушкового, пушно-мехевого и овчинно-шубного сырья” номи билан чоп этилган. Сиз мухлисларга тақдим этилаётган “Ҳайвонлар хом ашёси товаршунослиги” ўқув қўлланмаси қайта ишланиб, янги материаллар билан бойитилган.

Мадомики, тақлиф қилинаётган ўқув қўлланманинг аналоги йўқлиги сабабли айрим саволлар, тақлиф ва мулоҳазалар қуйидаги манзилгоҳ бўйича юборилиши мумкин: Самарқанд шаҳри, А.Темур кучаси, 9-уй. Самарқанд кооператив институти.

МЎЙНА-ТЕРИ ХОМ АШЁСИ САВДОСИ ТАРИХИГА ОИД

Мўйна товар сифатида жуда қадимдан маълум. Қорақўл хом ашёси савдоси тарихини ёритиб беришдан олдин, бир оз мўйна-тери хом ашёси ишлаб чиқариш, мўйна саноати ва мўйнадўзлик савдоси тарихига таълуқли масалалар тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Дунё халқлари тарихидан маълумки, феодализмнинг бошланғич давларида ҳам мўйна (тери) пул функциясини бажарган. Улар билан солиқлар, саёҳатчиларнинг харажатлари тўланган, совға қилиш учун энг яхши буюм бўлиб ҳисобланган ва ҳоказо.

Ўрта Осиё халқлари IV ва V асрлардаёқ мўйна билан ўзаро қизғин савдо-сотиқ қилганлар.

VII-VIII асрларда металлдан қилинган пуллар ҳаракатда бўлса ҳам, элчилар чет мамлакатларга кетишда ўзлари билан кўплаб қимматбаҳо мўйналар (сувсар, қора бурунли тулки, сув кундузи) олиб

кетганлар. Улар билан ўзларининг йўлдаги, ҳамда борар жойларидаги харажатларини тўлаганлар.

VIII асрнинг бошларида Лейпциг шаҳрида дунё мўйна ярмаркаси ташкил қилинган ва у ерда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари мўйна билан савдо қилишган.

VI асрнинг охиридан бошлаб, Новгород савдогарлари, Ганзей савдогарларига рус мўйналарини сотишган, улар эса бу мўйналарни Англия, Франция, Гения ва бошқа давлатларга қайта сотишган.

XV -XVI асрларда Вена (Австрия) ва Генуеда (Италия) мўйна савдоси кенг йўлга қўйилган эди. Бу ерларга мўйна Москва, Новгород шаҳарларидан, Скандинавия ва Осиё мамлакатларидан келтирилган.

XVI асрда Рус давлати, кўплаб, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан қизғин савдо олиб борган. Персия, Хитой ва Мўғилистон билан савдо алоқаларини йўлга қўйишган. Бухоро савдогарлари эса фақатгина қоракўл билан савдо қилмай, Москва, Тоболь ва бошқа шаҳарларда рус мўйнасини сотиб олишган.

XVII асрда Ғарбий Европа мўйна савдосининг маркази Лондон бўлган: Бунга Франция савдогарлари, Англияга, Шимолий Америка, ҳамда дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидан катта мўйна партияларини келтириб имкон яратиб беришган.

1671 йил октябр ойида Англиянинг “Гудзон-бей энд компания” савдо компаниясининг кемалари Лондонга Шимолий Америкадан жуда катта партия мўйна келтирган, лекин фирма омборларидан уларни сота олмаган. Натижада улар мўйналарни ким ошди савдоси (аукцион) билан сотишга қарор қилишган. Кўп ўтмай кенг реклама ташкил қилинган ва 1672 йилда мўйначилик тарихида биринчи марта Лондонда мўйна “ким ошди” савдоси (аукцион) ўтказилган.

1889 йилда “Лапсон К⁰” фирмаси Лондонда рус мўйнасининг биринчи “ким ошди” савдосини ўтказди (шу вақтгача рус мўйнаси бошқа мамлакатлар мўйналари билан биргаликда сотилган). Шундан кейин рус мўйналари Хитой, Австралия ва Америка мўйналари билан бир қаторда ҳар йили Лондон “ким ошди” савдосига чиқа бошлади, АҚШ эса “ким ошди” савдосига биринчи жаҳон уруши йилларидан бошлаб қатнаша бошлаган.

Ўша пайтда Россияда мўйна етиштиришни кенгайтириш чоралари кўрилиб, унинг ривожланишини мамлакат хўжаликлари манфаатларига боғлиқ қилиб қўйилган ҳолда назоратини давлат томонидан

ушлаб туришга уринган. Ташқарига чиқариладиган мўйна товарлари мамлакат ичида давлат ёки ҳукуматнинг монополик ҳуқуқига эга бўлган асосий компаниялари ёки ижарадор (откупщик) томонидан сотиб олиниб, сўнгра экспорт қилинган.

Чет эллардан мол келтириш (импорт) соҳасида Россия рус саноатини чет мамлакат товарлари рақобатидан ҳимоя қиладиган протекционистик сиёсат олиб борган. Бундай божхона сиёсати натижа-сида Россиянинг ташқи савдоси ҳамиша актив баланслар билан р-вожланиб келган.

XVII-XVIII асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон савдогарлари Қозон, Тобольск, Астраханда, XIX асрда эса - Ниженовгород ярмарка-сида қизғин савдо олиб боришган. Ўрта Осиёдан Москва давлатига Тобольск ва Тарск вилоятлари орқали товар ўтказганлиги тўғрисида, шу вилоятлар божхонасининг ёзувлари қуйидагиларни тасдиқлайди: 1640 йилда 1604 дона, 1645 йилда 375 дона, 1649 йилда 373 дона, 1650 йилда 528 дона, 1658 йилда 1094 дона қорақўл териси келтири-лган. Ундан ташқари Ўрта Осиёдан қорақўлнинг кўп қисми Эрон орқали Ғарбий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига олиб борилган. Ўлскин Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари Россия империяси тарки-бига қўшилгандан сўнг қорақўл хом ашёлари асосан рус ярмаркаси орқали сотилган. XIX асрнинг 40-йилларида Бухородан ҳар йили ўртача 144 минг дона қорақўл келтирилган. XIX асрнинг охирига келиб Бухоро савдогарлари фақатгина Ниженовгород ярмаркасида йилига 1 млн. донадан кўпроқ қорақўл сотишган.

XIX асрда мўйна саноатининг маркази Германияда ташкил то-нади. “Торер ва Голендер”, “Меркле” фирмаларига ўхшаш йирик мўйна савдоси корхоналари мўйналарга ишлов бериш ва бўяш бўйи-ча ихтисослаштирилди. Ишлаб чиқариш рақобати ва кризислар ша-роитида “Торер ва Голендер” фирма компаниялари Германиянинг мўйна бозорида кўплаб бошқа фирмаларни ўзларига қаратиб олдилар. Улар АҚШ, Англия, Швеция ва бошқа мамлакатларда ўзларининг корхона тармоқларини тузишган, мўйна ва қорақўлларни тайёрлаш бўйича Россия, Афғонистон, Эрон ва бошқа ерларда олиб сотувчи идоралар ташкил қилишган; Жанубий-Ғарбий Африкада қорақўлчи-ликни тузишда актив қатнашишган ва уларнинг фермерлари фаоли-я-тини назорат қилишган; хом ашё базасини тузишган.

Буни шундай ҳолат билан тушунтириб бериш мумкин, яъни қорақўл ташқи бозорда чегараланмаган талабга эга бўлган. Қорақўл савдоси эса, фойдали савдо бўлиб борган.

1903 йилда Ўрта Осиёнинг фақатгина Бухоро ва Чаржўй бекатларидан 1 млн. дон қорақўл терн ортилган, кейинги йилларда Россия ва Ғарбий Европа мамлакатларига қорақўл чиқариш ошиб борган.

1910-1913 йилларда Ўрта Осиёдан йилига 1,5 млн.дан 2,0 млн. гача қорақўл терилар жўнатилган. Революцияга қадар Бухородан қорақўлни сотиб олиш билан ўзбек ва чет эл савдогарлари, бой чиновниклар ва амир ҳукумати шуғулланган. Улар хом ашёларни бойлар, йирик ва майда савдогарлардан сотиб олишган, охирида эса товарларни қорақўлчи ва айрим шахслардан сотиб олишган. Шу жумладан, 30-35% ни ички бозор заруриятлари учун рус фирмалари сотиб олишган, қолган қисмини эса Англия, Германия, АҚШ, Австро-Венгрия, Швеция ва бошқа мамлакатларга жўнатилган.

1950 йилда Париждаги халқаро кўргазма ўзининг мўйнадан қилинган манто ва жакетларини таклиф қилган дунёдаги биринчи мамлакат Франция бўлиб ҳисобланади. Хушбичим мўйна кийимлар модага кириб бошлаган эди. Модани расмийлаштирувчи эса Парижнинг ўзи эди. Шу вақтдан, бошлаб қорақўлнинг нархи яна кўтарилди. Мўйначилик фирмалари бир йилда икки марта буюмлар кўргазмасини ташкил қилар эдилар. Жумладан, мўйна тикиш фабрикаси “Ревильон” нинг Парижда буюмлар кўрсатадиган зали бўлган. Бу кўргазмага келувчиларнинг эътиборини кучайтириш учун маълум тартибда эҳтиёжга қараб кўрсатишга кенг доирада кўрсатиш учун шарт-шароитлар бўлмаган. Шунга қарамайдан кўргазмага биргина Европа мамлакатлардангина эмас, балки Америкадан ҳам келишган. Келган фирма вакиллари ўзларининг мамлакатлари учун модалар намуналарини сотиб олишган. Парижнинг “Кристиан Диар”, “Пакен”, “Ревильон” ва “Шапаль” фирмалари модалар яратишган ва уларга яқинлашиб келаётган фаслга қараб ўзгартиришлар киритган. Ундан ташқари улар қорақўл тери ва мўйналарни танлашга маълум талаблар қўйишган.

XX асрнинг бошларида Лейпцигнинг мўйна савдоси маркази сифатида моҳияти яна ўсди. Немис савдогарлари Лондон билан рақобатлашиб бир йилда уч мартагача ярмарка ташкил қилдилар: янги йил, баҳор ва кузги. Энг асосий ярмарка бўлиб, баҳорги ярмарка

хисобланган. Бу ярмаркалар қорақўл териларига дунё нархларини қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эдилар. Германияга ҳам мўйналар бир неча мамлакатлардан, асосан АҚШ ва Россиядан келиб тушган; Англия Германияга Америка, Австралия ва Хитой мўйналарини камдан-кам ўтказган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг у ўзининг олдинги ўрнини дунё мўйна бозорида доимо қўлга киритиб келган. Бунга эса кўпгина мўйначилик фирмаларининг савдо алоқалари, мўйна савдоси ва навлашдаги кўп йиллик малака ва амалиётлар имконият яратиб берган. Бунда аукцион компаниялари ва Англия банклари томонидан четга чиқарувчи ва четдан олиб келувчи (экспорт ва импорт) фирмаларини кенг қўламда кредитлаш бош ролни ўйнаган.

Октябр Социалистик революцияси Россияда мамлакат ташқи савдосини миллийлаштирди, яъни у ягона, умумхалқ, давлат савдоси бўлиб қолди. Чет эл фирмалари билан савдони СССР ташқи савдо министрлигининг экспорт ва импорт бирлашмаси вакили томонидан олиб борилди. Совет Иттифоқидан биринчи марта қорақўл ва мўйна чет эл бозорларига 1918 йилдан бошлаб чиқарилди. Совет мўйнасининг экспорти сезиларли даражада кенгайди. Мамлакатнинг сифатли мўйнаси Англия, Германия, АҚШ ва Хитойга сотила бошлади.

20-йилларнинг бошларидан бошлаб, Совет Иттифоқининг мўйна товарларини сотиш учун вақти-вақти билан “ким ошди” савдосини навбатма-навбат Лондонда, бир мунча вақт ўтгандан сўнг, Парижда ташкил қилинди.

Октябр Революциясидан сўнгги биринчи йилларда, Владивостокда бир неча катта бўлмаган аукционлар ташкил қилинди.

Қорақўлни экспорт қилиш мамлакат халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эди, чунки қорақўлни сотиш натижасида олинган чет эл валюталарига ўша даврда ёш социалистик давлат учун керак бўлган янги машиналар, ускуналар ва бошқа товарлар сотиб олинар эди.

1920 йилга келиб, СССР, дунёда мўйна ва қорақўлчилик ишлаб чиқариш бўйича асосий ўринда бўлиб, 20% дан кўпроғини экспорт қилди.

Мўйналарни тайёрлаш ва сотиб олиш бўйича савдо - Савдо ваколати, Давлат савдоси, Центросоюз ва “Союзпушнина” ташкилотлари орқали олиб борилди.

1925 йилдан 1930 йилгача, яъни беш йилда иттифоқнинг 80% га яқин мўйна ва қорақўли “Аркос” ва “Амторг” корпорациялари

орқали сотилди. Совет мўйнаси ва қорақўли йилига уч марта Лондон мўйна қим ошди савдосига қўйилди.

1930 йилда давлат монополияси асосида мўйна бўйича барча чет эл савдо операцияларини олиб бориш ваколатига эга бўлган Бутуниттифок мўйна синдикати тасдиқланди. 1932 йилда СССР Ташқи савдо Министрлиги қошида В/О “Союзпушнина” тузилди.

1933 йилда фашистлар партияси ҳукуматни қўлга олиши билан қўшлаб мўйна фирмалари Англия ва Франциянинг янги базаларига қўчиб келдилар, Лейпциг эса мўйна савдоси марказлигидан чиқди.

1923 йилдан бошлаб, СССР да қорақўлни экспортга сотиш аукцион шаклида бошланди. Совет мўйнаси савдосининг ривожланишига СССР ҳудудида мўйна аукционларини ташкил қилиш ҳал қилувчи қадам бўлиб ҳисобланди. Биринчи халқаро мўйна аукциони 1931 йил март ойида Ленинград шаҳрида ташкил қилинди. Бу аукционда 11 мамлакатдан 78 фирма вакиллари қатнашди. Савдога катта партиядаги мўйналар (Сибир олма-хони, сувсар, оқ сассиккузан, ҳамда ишлов берилган ва ошланмаган қорақўл терилари) қўйилди. Шу жумладан 20060 дона қора қорақўл, 2710 дона қўк ва 1556 дона қорақўлча кўргазмага қўйилди. Аукцион эса катта ютуқлар билан ўтди ва қўйилган молларининг 95% сотилди. Бошқа дунё мамлакатларида ўтказиладиган аукционларда эса қўйилган молларнинг атиги 50-60% сотилар эди, холос.

1932 йилдан – 1939 йилгача Ленинградда халқаро мўйна аукцион мунтазам равишда йилига икки марта, март ва июлнинг охирида ёки август ойларида ўтказилиб турилди. 1939 йилда Ленинград шаҳрида “Мўйна саройи” қурилди.

Халқаро бозорда асосан қорақўл қўзи терисининг жакет гуруҳи барқарор талабга эга бўлиб келган. Қўзи териларининг бошқа гуруҳларига ҳам нархлар юқори бўлган, аммо улар тез-тез ўзгариб турган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Лондон ва Ленинграддаги мўйна аукционлари ўша даврда эълон қилинмаган. Мўйна хом ашёлари савдосининг маркази АҚШ ва Канадага (Монреаль) қўчирилди.

Уруш даврида АҚШ га қорақўл терилари Афғонистон ва Жануби-Ғарбий Африкадан, мўйналар эса - Канада, Австралия, Жанубий Америка ва Совет Иттифоқидан импорт қилинган.

Уша даврда совет мўйначилик молларининг яккаю-ягона сотиб олувчиси – АҚШ бўлган, улар спецификация бўйича молларни кўрикдан ўтказмасдан битим тузишган. Савдо келишуви Москва, Ленинград ва Омскда ўтказилган, молларни эса Владивосток орқали ортиб жўнатилган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мўйна бозори яна Лондонга кўчирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет қорақўли ва ишлов берилмаган қўзи терилари экспорти янада ошди, буларга тўланган эркин валюталар максимал даражада фронт эҳтиёжларига ишлатилди.

1947 йилда Ленинградда мўйна аукцион қайтадан тузилди.

Урушдан кейин қорақўл ва ишлов берилмаган қорақўл терисининг экспорти сезиларли даражада ўсди. Қайта тиклашнинг сўнгги даврида қорақўл терилари совет мўйнаси экспортининг деярли ярмини ташкил этган.

Сотиладиган қорақўлнинг асосий массасини ишланмаган қорақўл, камроқ эса ишлов берилган ва бўялган терилар ташкил қилган.

Мўйна ва қорақўл териларини чет давлатларга сотиш йилдан-йилга катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Қорақўл қўзиларининг ишлов берилмаган териларини сотиб олувчилардан асосийлари Франция, Италия, ГФР, АҚШ, Англия ва Скандинавия мамлакатлари ҳисобланади; бўялган қорақўлларники – Швейцария, Скандинавия мамлакатлари, Англия ва Канада фирмаларидир.

Ҳозирги кунда асосий истеъмолчилардан бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ГФР дунё бозорига қўйиладиган қорақўлнинг 36% га яқинини сотиб олади, Канада - 17%, АҚШ - 15%, яъни булар дунё экспортининг 70%га яқинини сотиб олишадилар. Италия, Франция, Англия, Швейцария Скандинавия мамлакатлари ва бошқалар унча йирик бўлмаган импортёрлар бўлиб ҳисобланадилар.

1962-1967 йилларда аукциондан 86-88% дан кўпроқ, омборлардан 7-8% ва битим бўйича эса фақат 6% мўйна ва қорақўл сотилди. Ҳозирги пайтда 65% дан кўпроқ мўйна ва қорақўл Ленинград мўйна аукционидан, 32% га яқини Лондон ва 3% эса Лейпцигда сотилади.

Мамлакатимизда ва чет мамлакатларда 1980 йилларга келиб қорақўл қўиларини парвариш қилиш Ариели сезиларли даражада кенгайди. Жаҳон бозорини қорақўл терилари билан таъминлашда

учта йирик рақобатлашувчи таъминловчилар вужудга келди: собик СССР, Жануби-Ғарбий Африка билан Жанубий-Америка Иттифоқи ва Афғонистон.

Сўнгги маълумотларга қараганда 1989 йилда дунё миқёсида 22 млн. дона қорақўл териси ишлаб чиқарилган, талаб эса 40-50 млн. билан белгиланади.

Ўзбекистон 1991 йилдан 1996 йил 1.01гача Санкт-Петербург аукциони орқали 267,5 олинг дона қорақўл териги 3554,7 минг АҚШ доллорига сотган.

1 ҚИСМ

ҚОРАКЎЛ - БАРРА ХОМ АШЁЛАРИ ТОВАРШУНОСЛИГИ

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ВА МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қоракўл қўйлар асосан собиқ СССРнинг жануби шарқидаги қурғоқ районларида, табиий жиҳатдан ғоят хилма-хил бўлган чўл ва чўл зоналарида боқиб кўпайтирилади.

Чўл ва ярим чўлларнинг оғир шароитида вужудга келтирилган қоракўл қўйлар зоти қуруқ ва мустаҳкам конституцияли бўлиб, суяклари бақувват, мускуллари кучли, ўзлари ниҳоятда серҳаракат ва чидамлидир. Уларнинг бу хусусиятлари қоракўл қўйларини турли таъбиий-иқлим шароитларида-иссиқ тропик районларда ҳам боқиш ва кўпайтириш имконини беради.

Қоракум чўлида яшовчи туркман қоракўл қўйи юқори сифатли тери беради: жун қоплами тим қора рангда, жун толалари унча узун эмас, жингалаги жуда пишиқ, терисининг ўзи юпка ва пишиқ. Қўзилари анча йирик, яхши ривожланган ҳолда туғилади.

Ўзбекистонда яшовчи қоракўл қўйларининг табиий эгизак болалаши 4-8% га тўғри келади. Катта ёшли қўйлар яхши ривожланган узун тушли ва оёқлари кам этли бўлади. Жакет типидagi қўзиларининг сирти ипаксимон майин ва ялтироқ жун толалари билан қопланган.

Қоракўл қўйларнинг серҳаракатлигини уларнинг сийрак ўтли чўл шароитига юксак даражада мослашганлиги билан изоҳлаш мумкин, бундай шароитда кераклича ўт териб ейиш учун қўйларга яйловларда суткасига 15-20 км йўл босишган ва 1 ёки 2 суткада бир марта тахир-сув ичиш билан қаноатланишга тўғри келади. Мана шундай қаттиқ шароитда қоракўл қўйлар юксак даражадаги яшовчанлиги ва маҳсулдорлигини сақлаб қолади.

Қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлик муддати 6-7 йилни ташкил қилади. яъни тишлари ейилиб кетгунга қадар давом этади. Аммо боқиш ва асраш шароити яхши бўлса, улар 12 ёшгача яшайди. 1,5-2 ёшда қўйлар биологик етуклик палласига киради. Болалаган ҳар 100 бош совлиқдан 105-110 қўзи олинади. Боқиш ва асраш шароити

яхшиланса, серпуштлиги 18-25% гача кўтарилади. Қорақўл қўйлар 3-6 ёшлик чоғида энг юқори маҳсулдорлик даражасига етади. Бу даврда совлиқлар йирик қўзи беради. Қўзиларнинг туғилган чоғидаги тирик вазни 4,0-4,5 кг ни ёки совлиқлар вазнига нисбатан 10% ни ташкил қилади. Қочириш пайтигача совлиқларнинг ўртача тирик вазни 40-45 кг. га, кўчқорларники 55-65 кг етади. Совлиқларнинг жун қирқими 2,5-3,0 кг ни, наслдор қўйларники 3,5-4 кг ни ташкил қилади. Қорақўл қўйларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари урчитиш ва яйловда бокиш шароитига қараб ўзгариши мумкин.

Қорақўл қўйлар рангининг ғоят хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Қора рангли қўйлар 75-80% дан кўпроқни, кул ранг (кўк) қўйлар 13-17% ни, сур рангли қўйлар 5-6% ни, бошқа хил рангли қўйлар 3,1% дан камроқни ташкил қилади. Қора қорақўл қўйлар шу зотнинг асоси ҳисобланади. Улар мустаҳкам конституцияли бўлиб, қорақўл тери маҳсулдорлиги энг юқоридир. Кўк қўйларнинг жуссаси бирмунча йирикрок, аммо конституцияси бўш, сур рангли қўйлар эса бирмунча нозик конституциялидир.

ҲОМИЛАНИНГ ОНА ҚОРНИДА РИВОЖЛАНИШИ ВА ТЕРИ-ЖУН ҚОПЛАМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Қорақўл қўйлар ҳомиласининг она қорнида ривожланиши ҳали етарли даражада ўрганилаган эмас. Н.Ф.Никольский, И.Н.Дьячков, С.Н.Боголюбовский, Б.А.Кузнецов ва бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра ривожланишнинг дастлабки ойларида эмбрионнинг ташки формалари ўзгаради ва ички органлар шаклланади. Ҳомиланинг боши пайдо бўлади, гавдаси ва думи ажралади, олдинги ва орқа оёқлари вужудга келади.

Икки ой давомида эмбрион катталашади ва қўй шаклига киради. Бўйни ажралиб туради, кўзлари қовоқлар билан қопланади, оёқлари жуфт туёкли шаклга киради, ташқи жинсий белгилари пайдо бўлади. Терисида, кўзлари атрофида ва лабларида сезги мўйларининг муртаклари ҳосил бўлади. 60 кунлик ҳомиланинг вазни 40-60 г келади, териси қалинлашади, оч пушти рангга киради, терисининг қалинлиги 150-220 мк келади. Эпидермиси беш қатламдан иборат бўлади. Бу даврда дерма ҳамон мезенхима характерида бўлади-ю, аммо унинг ҳужайраларида заифгина табақаланиш бошлангани кўзи ташланади ва дастлабки ингичка толали структуралар пайдо бўлади.

Хомиланинг она корнида ривожланиш даври мобайнида терининг қалинлиги ва қатламларининг нисбати потеқис ўзгариб боради. Хомила танасининг эпидермис вужудга келган ҳамма жойида - каншар ва энса соҳаларида, почасида, тўпик ортларида, туёқлари атрофида ва думининг учида жун фолликулалари вужудга кела бошлайди.

Хомила ривожланишининг учинчи ойида терисида пигмент пайдо бўлиб, жун фолликулаларида тўпланadi, вазни 120-180 кг келади-ган 70 кунлик хомиланинг териси салгина кўкимтир тусга киради ва унинг қалинлиги 300 мк чамасида бўлади. Эпидермиси тўрт ва беш қатламли бўлиб, жун қоплами бўлмайди. Хомила гавдасининг олдинги қисми терисида эпидермиснинг ўсув қатламидаги хужайралар қалинлашмаси тарзида қилтиқ жун муртаклари вужудга келади. Хужайралар урчиб кўпайган сайин қилтиқли жун муртакларининг баъзилари тери қопламига бирмунча оғма ҳолатда дермачига ботиб киради. Мазкур муртаклар жун фолликулалари деб аталади. Эпидермис остидаги базалпарда кескин қалинлашиб, зич толасимон тузилиш касб этади. Дерманин мезохиматик тузилиши сақланиб қолади, аммо кўп қаторли дугсимон хужайралар ўртасида сийрак ҳолдаги жуда ингичка коллагенли толалар кўзга ташланади. Мазкур толалар



1-расм. Хомиланинг ривожланиши ва қорақўл тери хоссаларининг шаклланиши (В.А. Юдиндан):
1 - 115 кунлик, 2 - 125, 3 - 127, 4 - 130, 5 - 135 кунлик.

горизонтал йўналишда қўзилган қокилчаларнинг буш урамларини ҳосил қилади.

74-кунга бориб ҳомиланинг лаблари, кузлари, бурун катаклари ва туёқ учлари атрофидаги териси сезиларли даражада қорамтир тусга киради, бошининг юз қисмида, каншари ва оёқларидаги терисининг қорайганлиги камроқ сезилади (1-2 расм).

84-кунга бориб бутун тана-сида мўйлар ҳосил бўлади. Тери қопламининг қорамтирланиши бошидан бўйнига, сўнгра яғринига тарқалади. Елкаси бўйлаб ингичка лента шаклида орқасининг уртасига қадар қўзилиб боради ва кукра-гига ҳам ўтади. Ёнлари ва сағриси анчагина оч рангда бўлиб қола беради. Эпидермиси беш, олти қатламли, устки қатламларида қотиб қолиш белгилари сезила бошлайди. Бошида оралиқ мўйлар вужудга кела бошлайди, мўй мур-таклари ичидаги хужайраларда табақаланиш бошланганлиги сези-либ туради, бунинг натижасида фолликулалар иккита: ташқи ва ички қинларига ажралади.

Фолликулалар дерманинг ре-тикуляр қаватига етиб боради, бу қаватлардан бўлғуси жун пиёзчаси-нинг (сўғонининг) кенгайган қис-мига, қон томир тармоқларига эга бўлган бириктирувчи тўқима пар-часи ўсиб киради. Озиқ кела бошлагач, хужайралар тез урчиб,



2-расм. Фолликулаларнинг ривож-ланиши ва терида сўғонлар шакллани-ши (Шихов, Диамидова, Зокировдан): 1-60 кунлик, 2-75, 3-82, 4-123, 5-132 кунлик.


пиезчанинг ингичка қисмига ва бўйин қисмига итарилиб киради, бу ерда жун толасининг ўзаги шаклланади. Тери безларининг найчалари вужудга келади. Дермадаги коллагенли тутамларда якқол кўзга ташланиб турадиган ўрамли кокилчалар бўлади, анча пастки қаватларда бу кокилчалар яхшироқ ривожланган бўлиб, ўрамларнинг зич тармоғини ташкил этади. Учинчи ойда ҳомиланинг боши, яғрини, елкаси ва бошқа қисмларида ўрталик жун ва тивит ҳосил бўла бошлайди.

Вазни 1,1-1,6 кг келадиган 3,5 ойлик ҳомила эпидермиси кўп қаватли бўлиб, устки қавати қота бошлагани кўзга ташланади. Дермада пилляр ва ретикуляр қаватларга бўлиниш кузатилади. Пилляр қаватни кўп микдордаги оғма ҳолатда жойлашган ва ўсаётган жун илдизларига эга бўлган жун фолликулалари тешиб ўтган. Улар ўрта-сидаги қаватчалар ғовак тўқима билан тўлган. Жун халталари ва ёғ безлари эластик толалар ўрамлари билан қуршалган. Ретикуляр қават горизонтал йўналишда чўзилиб кетган коллаген толалар тутамларининг ниҳоятда бўш чирмашганлиги билан характерланади. Пастки қисмларида коллаген толалар чирмашмаси ғовак ҳолда бўлиб, астасекин тери ости клетчаткасига ўта боради. Ҳомиланинг бутун танасидаги жун муртаклари шаклланаётган жунлари бўлган жун фолликулаларига айланади. Боши, бўйни ва яғринидаги мўйтоб толаларнинг учлари қуйидаги муддатларда: бошнинг энса қисмида 100 кунда, бўйиннинг олдинги қисмида 103 кунда, бўйиннинг орқа қисмида 106 кунда, кўкрагида 107 кунда, яғринида 108 кунда, қорнида 109 кунда, кўкраги, орқаси сонларида 110, белида 112, ёнбошида 112, думғазасида 115 кунда тери юзасига чиқади.

Тўртинчи ойнинг бошида ҳомиланинг териси жуда қалинлашади, шу билан бир вақтда жунларнинг жойланиш чуқурлиги ва ҳомила танасининг турли соҳаларида уларнинг қалинлиги ўзгара боради.

Бўғозлик даврининг биринчи ярмида ҳомила секин ўсади ва ривожланади, бўғозликнинг иккинчи ярмида эса ўсиш суръати анча тезлашади, шу билан бирга териларнинг юзаси катталашади, қалинлиги ортади ва жун фолликулалари ривожланади. Бироқ тери қалинлиги, жунларнинг зичлиги ва уларнинг ўсиб ривожланиш интенсивлиги ҳомиланинг ёшига қараб турлича бўлади.

Шундан кейинги ойларда тери структураси, жун халтачалари янада кўпроқ шаклланади. Ҳомиланинг бутун гавдаси устида жунлар ўса бошлайди, ҳомила 130-133 кунлик бўлганда мўйларнинг узунлиги қуйидагича бўлади: бош соҳасида 7,1 мм, бўйин соҳасида 5,8 мм,



яғринида - 4,4, орқасида - 3,3, белида - 3,2, думғаза соҳасида 2,9, думида - 4,2, куракларида - 3,3 ва сонларида - 3,7 мм. Демак, мўйларнинг узунлиги бошдан думғазага қараб қисқара боради ва дорзал чизикдан икки ёнбошга қараб сезиларли даражада орта боради.

Кейинчалик мўйларнинг ўсиш суръати гавдасининг ҳамма қисмларида бир хил бўлмайди: сағриси ва орқа соҳасида анча секин, яғрин, бўйин соҳаларида бирмунча тезроқ ўсади.

ҚОРАҚҮЛ ҚҮЗИЛАР ТЕРИ ҚОПЛАМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Янги туғилган қорақўл қўзиларнинг тери тўқимаси гавда ҳароратини туғрилаб туради, организмдаги сувни йўқотишдан, микроорганизмлар киришидан, шикастланишидан асрайди ҳамда организм ҳаётий фаолиятининг баъзи бир маҳсуллариини айириш органи хизматини ўтайди.

Тери уч хил қаватдан: эпидермис, чин тери ва тери ости клетчаткасидан иборат.

ЭПИДЕРМИС - тери қопламаниннг ташқи қатлами бўлиб, асосан эпителий тўқимасининг икки қатор ҳужайраларидан иборат: ташқи қотган ҳужайралар қатори ва ички - мальпигий ҳужайралари қатори. Жун халтачалари яқинида эпидермис чин тери - дерма ичига чуқур ботиб киради, дерма эса ўз навбатида кўп сонли сўргичлари билан эпидермиснинг ичига кириб туради.

Қорақўл терига ишлов берилаётганда эпидермиснинг яхлитлигини бузмасликка ҳаракат қилинади, чунки жун халтачаларининг тузилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу қатламнинг бузилиши жунларнинг бўшашиб қолишига ва кейинчалик тўкилиб кетишига олиб келади. Эпидермиснинг ва қисман дерманиннг (сўргиччали қатламнинг) узилиши ёриқ ва синиқ деб аталувчи нуқсонлар ҳосил бўлишига олиб келади.

ЧИН ТЕРИ (ДЕРМА) - терининг бевосита эпидермис тагида жойлашган асосий қатламдир. Бу - қалинлиги ва мустаҳкамлиги жиҳатидан энг кучли қатлам. Чин тери қўшувчи тўқима толалари тутамларининг мураккаб чирмашуви натижасида вужудга келган бўлиб, асоси икки қатламдан: сўргиччали (пиляр) қатлам билан тўрсимон (ретикуляр) қатламдан иборат.

ТЕРМОСТАТИК ЁКИ СЎРГИЧЧАЛИ (ПИЛЯР) КАТЛАМ, - қалинлиги жиҳатидан бутун дерманиннг 57-70 % ига тенг бўлган бу

қатлам жун халтачалари, фолликуллар ҳамда тер ва мой безларининг секретор бўлимлари билан, шунингдек, эластик ва коллаген толалар билан, капилляр қон томирлар, нерв учлари, мускуллар ва ҳ.к. тури билан қопланган соҳани ташкил этади.

ТҶРСИМОН (РЕТИКУЛЯР) ҚАТЛАМ - сўргиччали қатлам билан тери ости клетчаткаси оралиғида жойлашган бўлиб, чин тери қатламининг 19 дан 21% гача қисмини ташкил этади. Унинг асосий тўқима структуралари коллаген толаларидан иборат бўлиб, улар бир-бири билан ўзига хос тарзда чирмашганлиги билан ажралиб туради ва у чирмашма деб аталади. Тутамларнинг йўналиш ва уларнинг бир-бири билан чирмашганлиги, яъни коллаген чирмашмасининг характери ва тутамлар қалинлиги тери сифатини ва унинг пишиқлигини белгилайди.

Ретикуляр толалар бутун дерма орқали тешиб ўтиб, эпидермис билан чегарадош қатламда, айниқса қалин тўр ҳосил қилади. Бирмунча калтароқ ретикуляр толалар коллаген толалар тутамлари атрофида сийрак тўрсимон филофлар ҳосил қилади. Ретикулин толалар ўртасида фибробластлар жойлашган бўлиб, улар тола ҳосил қилишда иштирок этади.

ТЕРИ ОСТИ КЛЕТЧЕТКАСИ - коллаген ва эластик толалардан ташкил топган ғовак қўшувчи тўқимадан иборат бўлиб, бевоқифа тўрсимон қатлам тағида жойлашади ва паст томонда мускуллар билан чегараланиб туради. Тери ости клетчаткаси дерма билан ҳайвон танаси ўртасида боғловчи звено хизматини ўтайди, унинг йчида қон томири ва лимфа томирлар тармоклари ривожланган. Ғўштпардани тарашлаганда осонгина ажралиб туради.

Қўзиларнинг қандай типда қорақўл тери бериши, териларнинг сорти, ранги, серпуштлиги ва ҳ.к. белгилари асосан тери қатламларининг турлича нисбатда бўлиши билан характерланади.

Тери сортига биноан қора қорақўл қўзиларнинг тери қоплами қатламлари белгиланган нисбатга, мўйларнинг қалинлиги ва уларнинг жойлашиш чуқурлигига эга бўлади.

Тери қоплами қатламларининг нисбати¹

Коракўл сорт	Тери қоп- ламининг умумий қалинлиги, мк	Қатламлар нисбати, %			1 мм да мўйлар қалинл иги	Мўйларнинг жойланиш чуқурлиги (мк), тери қопла- мининг умумий чуқурлигига нисбатан %	
		Эпидер- мис	Пилляр қатлам	Ретикуляр қатлам		қилтик	тивит
Жакет I	647	1,5	68,7	29,8	46	54	33
Қалин жакети	2064	1,5	71,8	26,7	43	52	32
Москва жакети	1462	1,2	68,9	29,9	32	53	37
Кирпук	1531	1,6	60,4	38,0	42	44	30
Қалин Кавказ	2433	1,2	70,6	28,2	38	59	33
Юпка ковурғасимон I	1904	2,0	65,9	32,1	35	50	37
Қалин ковурғасимон I	2322	1,3	68,2	30,5	42	52	34

¹ Тери ости клетчаткаси ҳисобга олинмайди, чунки коракўл терига ишлов бериш ва бўйаш олдиан у сидириб ташланади.

1-жадвалдан кўриниб турганидек, жакет гуруҳига кирувчи те-
рилар ўртача қалинликда бўлиб, тери сиртидаги жунлари жуда қалин
ва ўртача чуқурликда жойлашган, кавказ типдаги териси ниҳоятда
қалин, пилляр қатлами кучли даражада ривожланган, жун қоплами
унча қалин эмас ва жун толалари жуда чуқур жойлашган, коворғаси-
мон гулли типнинг тери қоплами энг қалин, жун қоплами ўртача
қалинликда ва жун толалари бирмунча юза жойлашган.

Рангдор коракўлнинг тери қоплами қалинлиги, қатламларининг
нисбати ва бошқа белгилари жиҳатидан турли хил кўрсаткичларга эга
(2-жадвал). Рангдор териларнинг ранги оч тусга кира борган сайин
тери қопламининг ва жунларининг қалинлиги анча камайиб, уларнинг

жойланиш чуқурлиги ортади. Бироқ тери ости клетчаткаси жуда қалин бўлгани учун хом ашёга баҳо берилганда рангдор қорақўлнинг тери тўқимаси катта қалинликда бўлиб чиқади.

2-жадвал

Тери қоплами қалинлиги ва қатламларининг нисбати
(Н.Н.Ролдугина)

Терилар	Умумий қалинлиги, мм	Қатламлар нисбати, %			Жун қалинлиги 1 мм да	Муйларнинг жойланиш чуқурлиги (мк), умумий қалинлигига нисбатан %	
		Эпидермис	Пилляр қатлам	Ретикул-яр қатлам		қилтиқ	тивит
Қора	1813	1,4	68,2	31,4	31	61	31
Тўқ кўк	1738	1,0	63,1	35,9	18	60	40
Кўк	1683	1,0	63,5	35,5	16	61	46
Оч кўк	1528	1,0	67,6	31,4	17	68	50
Оч сур	1520	1,3	59,3	39,4	19	69	50
Қорамтир сур	1741	1,2	62,3	36,5	24	65	38

Шундай қилиб, тери қопламининг тузилиши кимёвий таркиби ва бошқа кўрсаткичлардаги қайд қилиб ўтилган тафовутлар тури, сорти ва ранги турлича бўлган қорақўл териларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Турли рангдаги қорақўл терилар турлича кимиёвий таркибга (фоиз) эга (А.М.Лисовдан):

Кимёвий таркиби	Терилар			
	Қора	Тўқ кўк	Кўк	Оч кўк
Сув	71,11	72,31	74,66	76,41
Азот	12,76	12,89	12,48	12,04
Хом ёғ	5,80	6,12	5,12	4,86
Хом кул	10,38	10,68	10,74	9,69

ҚОРАҚҮЛ ЖИНГАЛАГИ ВА ТЕРИСИНИНГ ҲОСИЛ БҮЛИШИ

Қорақул жингалаги ва териси шаклларининг ҳосил бўлиши масалалари турли мамлакатлар олимлари эътиборини ярим асрдан кўпроқ муддат давоми-да ўзига жалб қилиб келмоқда.

Н.П.Чирвинский билан В.Б.Елагин жингалаклар ва қорақул тери ҳосил бўлишини биринчи бўлиб изоҳлаб беришга уриниб кўришди. Бу авторлар қорақул қўйларнинг 115 кунлик ҳомиласидаги жун толалари ва тери қопламини таърифлар эканлар, сағри соҳасидаги жун “таралган”лигини, 128 кунлик ҳомилаларда эса анча мураккаб нақш борлигини кўрдилар. Бир хил тарзда жойлашган жун толалари фонида тескари жойлашган толалар кўзга ташланади - у толалар фарқи деб аталади. Чизикли нақшлар ҳосил қилиб, икки томонга ёйилиб тушган толалар худди тарок билан тараб қўйгандек кўринади.

Агар нақш бутун бир юзада кўриниб турса “бўёқлар” деб аталади. Буларнинг вужудга келишига теридаги бурмалар (ажинлар) сабаб бўлади, деб ҳисобланади, чунки улар жун толасининг ўсишига тўсқинлик қилади, натижада у буралиб, аввал ғаройиб нақш ва ундан кейин жингалак ҳосил қилади. 128 кунлик қорақул эмбрионларида озми-кўпми нақш вужудга келади ва “қорақул” шаклланади.

Н.Ф.Никольскийнинг аниқлашича, ҳомила 60 кунлик бўлганда унинг калласини қоплаб турувчи, 75-77 кунлик бўлганда думғазасини ёпиб турувчи тери қоплами ичида фолликулалар вужудга кела бошлар экан, 100 кунлик бўлганда эса жун толалари тери қопламининг сиртига тешиб чиқаркан.

Авторнинг фикрича, жингалак ҳосил бўлишига она ва ҳомила организмида кечадиган мураккаб жараёнлар комплекси сабаб бўлса керак, ушбу жараёнлар терилардаги толалар йўналишини ўзгартириб юборади, буни автор “оқим” деб атаган.

Н.Ф.Никольский турли хил фигурали оқимларни, чунончи: “конвергенцияловчи ва дивергенцияловчи хурпайган”, “конвергенцияловчи ва дивергенцияловчи текис” оқимларни фарқ қилган ва жингалак ривожланишнинг дастлабки босқичида дивергенцияловчи оқимлар жун “тожлари” ни, конвергенцияловчи оқимлар эса “гажакча”ларини ҳосил қилади, деб ҳисоблаган. Ривожланишнинг иккинчи босқичида гажакчаларнинг ўзида борадиган жараёнлар бирлашиб ривожлана бошлайди ва найчасимон жингалаклар вужудга

келади. Ривожланишнинг шундан кейинги босқичида, деб кўрсатади автор, чизикли узун жингалаклар қалам гулли жингалакларга, қалта жингалаклар эса - ловиясимон жингалакларга айланади. Гажақлар ҳам шунга ўхшаш жингалаклар ҳосил қилиши мумкин. Лос жунлар жингалак ҳосил қилишда қатнашмайди.

Узун жингалаклар вужудга келиши учун зарур бўлган асосий шартлар қуйидагилардан иборат: жун толалари қопламида чизикли равишда ва унинг сатҳига оғма ҳолда жойлашган бўлиб, бир қатор жун гуруҳларида мазкур эгилганлик ҳамда қўшни участкалардаги бир хил йўналишда бўлмаган жун толаларининг ўсиши бир хилда бўлиши лозим.

Н.Ф.Никольский жун толаларини икки гуруҳга ажратади: “бирламчи” ёки етакчи гуруҳ - бу хил толалар оғма бўлганлиги учун жингалакнинг асосини ташкил этади; “иккиламчи” гуруҳ - булар биринчи гуруҳга механик равишда илашувчи толалардир. Гул шаклининг дастлабки белгиларини автор 120-125 кунлик ҳомилада аниқлаган. Бу даврдаги ҳомилаларнинг териси “қорақўлча” типига киради.

Бу фикрлар кейинчалик бир қатор тадқиқотчилар томонидан тасдиқланди ва янада чуқурлаштирилди.

И.Н.Дьячков, Л.Д.Мухамедов, В.С.Стойновская, Г.М.Толмакова турли ёшдаги қорақўл ҳомилаларини Ўзбекистон шароитида ўрганиб чиқиб, шуни аниқладиларки, жун толаси фолликулалари ривожланишнинг 68-70 кунларида вужудга келар экан ва қилтиқ толалар 104 кунга, тивит толалари эса 124-127 кунга бориб тери қоплами сатҳига тешиб чиқар экан. 114 кунга борганда жун толалари 5-6 донадан бўлиб гуруҳлаша бошлайди, шундан кейин ҳомиланинг гавдаси жун билан қопланиб, бирламчи ва иккиламчи оқимдаги жун толалари вужудга келади, 125-128 кунга бориб иккиламчи оқимлар тери сатҳининг учдан икки қисмига тарқалади. Бундай тери товар хоссаларига кўра “гўлак” типига киради.

130 кунлик бўлганда иккиламчи оқимлар терининг деярли бутун сатҳини эгаллайди. Бу даврда “ёл гул” озми-кўпми кўзга ташлана бошлайди. Бу хил териларни “гўлак-қорақўлча” типига киритилади. 133-136 кунлик ҳомилаларда “ёл гул” яққол кўзга ташланиб туради. Жун толаларнинг буралган учлари асосан бош томонга йўналган бўлади. 139 кунга борганда бирламчи оқим толалари узайиб, бўлғуси жингалакни ҳосил қилади. Бирламчи ва иккиламчи оқим толаларидан ёл гуллар ва ясси қалам гуллар вужудга келади. Иккала оқимда тола-

ларнинг жингалакланиши бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда давом этади. Бу хил терилар товар хоссаси жиҳатидан “қоракўлча” типига кирилади. 140-142 кунга борганда жун толаларининг эгилма ёйи айланишнинг учдан бир қисмига етади. Бундай терилар товар хоссалари жиҳатидан “қоракўл-қоракўлча” қаторига киритилади.

И.Н.Дъчков лўласимон жингалакларнинг ривожланиш босқичларини таърифлар экан, бунда тери қопламада эгатчалар бўлиши ва топографик жиҳатдан жингалак шаклланиши билан боғлиқ бўлган икки хил жун толалар “оқим” ҳосил бўлиши катта роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Бирламчи ва иккиламчи оқим толалари бамисоли бош томонга, яъни ўзларининг дастлабки йўналишига томон тескари қараб ўгирилиб қолгандай бўлади. Шу тариқа очиқ томони бошга қараб йўналган жингалаклар вужудга келади. Иккиламчи оқим толалари “қоплама” толалар бўлиб қолади. “Кирувчи” жун толалари ўз йўналишини тескари томонга ўзгартириб, жингалак баландлигини ҳосил қилади.

Агар жингалакнинг очиқ томони дум томонга қараган бўлса, “бирламчи оқим” толалари аввалги ҳолатини сақлаб қолади. “Иккиламчи оқим” толалари бирламчилардан калтароқ бўлади, чунки унда жун фолликулаларининг вужудга келиш ва ривожланиш муддати 16-22 кунни ташкил этади.

140-150 кунлик ёшга борганда ёпиқ типдаги жингалак вужудга келади. Қоплаб турувчи жун толалари ёпиқ доира ҳосил қилади ва уларнинг учлари жингалак ичида қолади. Бундай тери “қоракўл” типига кирилади.

С.Н.Боголюбовский ҳам қоракўл совликлар ҳомилалари устида худди шундай текширишлар олиб борди. У қоракўл кўйлар бўғозлик даврининг иккинчи ярмида тери сатҳининг кенгайиши ва ҳомиланинг ривожланишида пропорциясизлик юз беришини аниқлади, бунинг натижасида терида бурмалар, дўнгча ва эгатлар ҳосил бўлиб, тери нақши вужудга келади.

Н.М.Песечнининг кўрсатишича, терининг васкуляризацияланиши дўнгча ва эгатчаларда жун толаларининг нотекис ўсишига ёрдам беради, бу эса жингалак ва қоракўл тери шаклланишига катта таъсир кўрсатади (дўнгчаларда тез ва эгатчаларда секин шаклланади).

А.П.Воробьевскийнинг ёзишича, ривожланаётган ҳомила тери қопламанинг турли участкаларида босимнинг нотекис бўлиши жун толалари ўқининг йўналиши ўзгариши учун шарт-шароит туғдиради

ва қорақул жингалаги ҳамда териси вужудга келишига сўзсиз таъсир курсатади.

И.Я.Аверьянов кўйларни боқиш ва асраш шароити таъсирида қорақул терининг сифати ўзгариши тўғрисидаги материалларга асосланиб, қорақул жингалагининг босқичма-босқич ривожланиши тўғрисида гипотезани олдинга сурди. Қорақул жингалакларининг вужудга келиш жараёни бир хил жингалак формаларининг бошқа хил формалар билан алмашишинишидан иборатдир, деб ҳисоблайди, у. Жингалакларнинг дастлабки формаси - ёл гулдир. Ёл гулнинг жун толаси энг калта бўлади, кейинчалик, толалар ўса борган сайин, бир ёл гулдан аввал ёл қалам гул ҳосил бўлади, ундан кейин ёнма-ён жойлашган иккита жингалак қалам гуллар вужудга келади. Кейинроққа бориб, ёл гулнинг ўрта қисми ёнма-ён жойлашган икки жингалак қалам гул ўртасидаги “чок”ка айланади. Яна кейинроқ ярим доира шаклидаги қалам гуллар ғовак ловияларга ажралади ва шундан кейин улар ўсиб, ярим ҳалқа штопор (буралма) ва ҳ.к. шаклларга киради.

Жингалакнинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси кўпгина авторлар олиб борган тадқиқотлар натижаларига зиддир.

Масалан, Н.Ф.Никольский, И.Н.Дъчков, В.И.Стояновский, Г.М.Толмакова, Н.В.Попова, М.Н.Кишова, Н.М.Песечник, А.Н.Воробьевский ва бошқалар турли хил қорақул гуруҳига қирувчи қорақуллар териси ва жун сўғонининг гистологик тузилишида, тери сатҳига чикувчи тола ўқларининг оғиш бурчагида муҳим тафовутлар борлигини аниқлаганлар.

Кейинчалик жун толасининг структураси билан жингалакнинг шакли ва типи ўртасида боғланиш борлиги аниқланди. Қоплаб турувчи ва тери сатҳига чикувчи жун толаларининг миқдорий нисбатлари ва хоссаларидаги, айниқса, жун толаларининг тузилишидаги ҳар бир жингалак шакли ва типига хос бўлган тафовутлар ҳайвонларни узок давом этган суъний танлаш оқибатидир. Жун толаларининг кўндаланг кесмаси овал-ловиясимон шаклда тузилганлиги тола тўқимасининг структураси ва зичлигида тафовут борлигидан, жингалакдаги ҳар бир толанинг эгилма ёйи ички ва ташқи қаватлар ичига турлича куч билан чирмашганлигидан далолат беради. Жингалакнинг ўзига хос тузилишини келтириб чиқарувчи бундай тузилиш сўғон буйни ёнида тола ўқи шаклланаётган ва ўсаётган пайтда вужудга келади. Шунинг учун ҳам жун толаси тузилишининг тилга олиб ўтилган хоссаси ва хусусиятлари тери қаватлари ўртасидаги босимнинг турлича бўлишига

боғлиқ. Жун сўғони турлича эгиклигига ҳам худди шу турлича босим сабаб бўлади.

Муайян структурага эга бўлган жун толаси тери юзасига чиққанда бирламчи оқимларни ҳосил қилади, толалар янада ўса борган сайин эса уларнинг учлари бурилиб, иккиламчи оқимларни ҳосил қилади, натижада ипакдай товланишлар, ажойиб шакллар ва ундан кейин нақшлар пайдо бўлади, қорақўл терисида дўнгча ва эгатчалар вужудга келади, ўсаётган жун толаси орасида эса фарқлар очилади, тожлар ёллар ва қалам гулли жингалаклар юзага келади.

Жун толаси тузилишидаги хусусиятлар, терини ишлаш, пардозлаш ва бўйаш жараёнларида кимёвий-механик ва термостатик таъсирлар қўлланилишига қарамай, жингалакларнинг шакли ва типлари сакланиб қолади.

И.Н.Дьячков, Н.В.Никольский, А.П.Воробьевский, М.Н.Кишев-варз, Д.Нэль, Л.Мостерт, П.Федерсен ва бошқалар қорақўл қўйларни жингалаги ва қорақўл терисининг типи асосида селекциялаш мумкин эканлигига асосланиб, жингалакларнинг ҳар бир шакли ва типи ҳамда умуман қорақўл тери типлари генетик табиатига эга, деб кўрсатадилар.

Терининг ривожланиши ва структурасига хос хусусиятлар, хусусан, жун толалари илдизлари бўйни бурилмасининг тузилишига хос хусусиятлар қорақўл жингалаги шаклланишига олиб келувчи асосий омиллардир, зеро хужайраларнинг қаттиқланиши, ўсаётган жун толаси структурасининг шаклланиши худди шу бурилмада содир бўлади.

Қорақўл қўйлар ҳомила териси ривожланишининг 60 кунда уларнинг териси қалинлиги ва пишиқлиги билан бошқа зот қўйлар ҳомиласининг терисидан фарқ қилади. 60-65 кунда эмбрионлар терисида жун муртаклари пайдо бўла бошлайди. 75 кунга боргач бу муртаклар тери қатлами ичига туша бошлайди ва бунда улар малъпига қатламидаги кўпайиб бораётган қўшни хужайраларни ҳам ўзи билан олиб кириб, эпидермиал чўзилма ҳосил қилади, ана шу чўзилмадан бўлғуси жун кини вужудга келади.

90-кунига борганда жун тола муртаги остида сертомир сўрғиччалар пайдо бўлади. Улар кучли даражада озикланиши натижасида конуси ўсиб кетади. Тола ўқи ўзининг юқори учи билан жун кинига чиқиш учун ўзига йўл очади ва тери қоплами юзасига чиқади. 100-115 кунда ҳомиланинг боши ва оёқларида қоплама жун ўсиб чиқа бошлайди, кейинчалик гавдасининг олдинги қисмида, қорни ва дўмға-

засида ҳам шундай жун ўса бошлайди. Эмбрион терисининг турли қисмларида жун барабар ўсмайди: дўмғаза ва орқа қисмида энг секин, яғрини ва думида тезроқ ўсади.

100-112 кунга борганида жун толалари деярли силлик, тўғри, жуда калта бўлиб, эмбрион танасига зич ёпишиб туради, учлари бош томондан дум томон йўналган бўлади ва орқаси бўйлаб ёнбошларига елпиғичсимон ёйилиб тушади (бирламчи оқим). Бу даврда улар бошқа қўй зотлари ва ҳатто бошқа ҳайвон турлари ҳомиласининг терисидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Ривожланиш-нинг мазкур давридаги ҳомидалар териси “гўлак” деб баҳоланади.

Худди шу муддатларда ривожланишда - диспропорция бошланганлиги кузатилади: терининг ўсиш суръати ҳомиланинг ўсиш суръатидан ўзиб кетади, шунинг учун кейинчалик эмбрион терисида бурмалар ҳосил бўлади. Шу билан бир вақтда тери структурасида чуқур ўзгаришлар юз беради. Тери қатламларининг ривожланиши ва шаклланиши турлича боради. Натижада жун сўғони жойлашган турли чуқурликларда турлича зичлик ва турлича босим вужудга келади ҳамда сўғоннинг оғиш бурчаги билан тола илдизи бўйиннинг бурилиш бурчаги ҳар хил бўлиб қолади.

Тола сўғонларининг тери қоплами ичида унинг сатҳига нисбатан турлича бурчак ҳосил қилган ҳолда чизикли (бир текис) жойланиш чизикли равишда жойлашган жингалаклар вужудга келиши учун шароит яратади.

Тери қопламида бурмалар ҳосил бўлиши қатламлар ичидаги босимнинг турлича бўлишига олиб келади ва тола илдизи бўйинининг турлича бурчак ҳосил қилиб букилган бўлишига сабабчи бўлади. Ушбу ҳолатлар жун толаларининг ўзига хос формологик тузилиши шаклланиши учун шароит яратади ва бундай толалар тери сатҳига чиқиш билан уларнинг учлари йўналиши ўзгаради (иккиламчи оқим), бу эса ипаксимон товланиш вужудга келишига, толалар теридан узоқлашган сайин эса - таралмалар, фарқлар, бўёқлар ва тожлар ҳосил бўлишига олиб келади (3-расм).

Таралмалар бирламчи оқим толаларининг қарама-қарши томонга равшан йўналганлиги билан характерланади (дивергенцияловчи оқим).




3-расм. Хомила ривожланишининг турли боскичларида терида жун толалари ўсиши ва нақшлар пайдо бўлиши: I жакет гуруҳи, II коворгасимон, III ясси.

1-122-124 кунлик, 2-126-127, 3-132-133, 4-138-140, 5-148-152 кунлик.

Фарқлар - жун толаларининг чизик сингари жойланишидан иборат шундай қилиб, тери қопламининг тузилиши кимёвий таркиби ва бошқа кўрсаткичлардаги қайд қилиб ўтилган тафовутлар тури, сорти ва ранги турлича бўлган қорақўл териларнинг ўзига хос хусусиятларини белгиланган бўлиб, унда икки хил (бирламчи ва иккиламчи) оқимдан келувчи толаларнинг учлари тўқнашиб, қиррали тож шаклидаги анча узун чизик ҳосил қилади.

Буйёқлар - бу кичик участкаларда юмалоқ ёки чўзинчок шаклда пайдо бўлган жун тузилмаларидир, улардаги жун толаларининг учлари дастлабки ҳолатидан қарама-қарши томонга йўналгандир. Бундай жун толалари жуда қисқа чизиқли участкаларда ва узук-узук бурмаларда калта таралма ва фарққа ухшаш кўриниш ҳосил қилади (4-расм).



4-расм. Ҳомила ривожланишининг илк босқичларида қорақул тери хоссаларининг пайдо бўла бошлаши.


I жакет гуруҳи, II қовурғасимон, III ясси.

1-122-123 кунлик, 2-126-127, 3-132-133, 4-138-140, 5-148-152 кунлик.

Тожлар бамисоли фарқларнинг янада ривожланишидир. Бирламчи оқим толаларининг учлари салгина кўтарилиб, узун чизикли тож ҳосил қилади. Уларни ушлаб кўрганда кўлга сезилади. Тождаги жун толаларининг учлари баъзан икки томонга сал очилиб, узунчоқ арча шаклига киради ва чала ривожланган жингалакни эслатади. Ана шу дастлабки элементлар ўртасида тўғри, силлиқ толали ва толаларининг учлари бир хилда йўналган участкалар ажралиб туради. Бундай жойлар лос деб аталади (5-расм).

Ҳомила 130-136 кунлик бўлганда жун толасининг узунлиги 2,5-4 мм га етади, иккиламчи оқимлар тери сатҳининг анчагина қисмига тарқалиб, чиройли товланиб турувчи нақш ҳосил қилади. Мазкур ёшдаги ҳомидалар териси “қоракўлча” деб баҳоланади.

Жун толалари ўса боргач, чала ривожланган жингалаклар баланд кўтарилиб, аниқ кўринадиган бўлиб қолади. Чизикли жинга-



5-расм. Ҳомила ривожланишининг турли босқичларида терилардаги қовурғасимон жингалакларнинг кўндаланг кесими:

I жакет гуруҳи, II қовурғасимон, III ясси.

1-120-122 кунлик, 2- 123-124, 3-127-128, 4-132-133, 5-138-140, 6-148-152 кунлик.

лаклар чала ривожланган қисми гулсимон тузилмалардан иборат ярим доира шаклига киради.

135-145 кунга борганда жун толаси узаяди (4,5-6 мм), асосан юзадачала ривожланган, бўйин ва соҳаларда эса деярли шаклланган жингалаклар қўлга сезилади. Бундай терилар “қорақўл-қорақўлча” деб баҳоланади.

140-145 кунга борганда жун толалари энг узун даражага етади (8-16 мм), учлари айлана ёйи шаклида буралган бўлади - қалам гул ва ловия гул ҳосил бўлади. Ёл гулларнинг келиб чиқиши бирмунча бошқачароқ, аммо улар ҳомила ривожланишининг анча эрта босқичида (130-140 - кунларида) вужудга келади ва жун толаларининг секин ўсиши туфайли қўзилар туғиладиган пайтгача ўз шаклини сақлаб қолади.

Кам қиммат ва яроқсиз жингалаклар чатиштириш натижасида қорақўл қўйлар зотиға киритилган, аслида эса улар думбали-дағал жунли ва бошқа қўй зотларига кўпроқ хосдир. Яроқсиз жингалаклар вужудга келишига терида тола сўғонлари чизиқли тартибда жойлашмаганлиги, жун толаларининг, шу жумладан, тивитнинг тез ўсиши ва энг муҳими, жун толаларининг бирмунча бошқачароқ тузилишга эга эканлиги сабаб бўлади.

Қимматбаҳо қалам гул жингалаклар тузилишида жун сўғонлари тери бурмаларининг бўйига қараб чизиқли тартибда жойлашганлиги, турли чуқурликларда турлича босим мавжуд бўлиши ҳамда тола ўқи структураси шаклланадиган эгилиш бурчагининг тери қопламида ривожланиш ва жойланиши жуда катта роль ўйнайди. Жун толаси ривожланиш жараёнида нам ва пластик бўлганлиги учун кин ичида осонгина силжиб юради. Тери қоплами сатҳига чиққандан кейин қурий бошлаган сайин у эгилувчанлик хусусиятига эга бўла боради, у ёки бу хил структура касб этади ва турли шаклдаги жингалакда анча пишиқ эгилма ҳосил қилади (6-расм).

Юқорида биз қорақўл жингалаги ва барра ҳосил бўлиш жараёнини схематик тарзда баён қилдик, бу жараён қўйларнинг индивидуал хусусиятларига ёки ташқи муҳит шароитлари таъсирига боғлиқ равишда турли даражада кечиши ва намоён бўлиши мумкин.

ҚОРАҚҮЛ ЖИНГАЛАГИНИНГ ТАСНИФИ

Қорақўлнинг сифати, унинг товарлиқ қиммати жингалаклар, жун толлари ва териларнинг хилма-хил хоссаларига қараб белгилади.

Жингалакларга баҳо беришда уларнинг шакли, типи, эни, узунлиги, пишиқлиги, гулларининг жойланиши (нақшдорлиги), жингалагининг очиқ томони, теридаги жингалакларнинг хилма-хил тип ва шакллари ҳисобга олинади. Жун қопламини характерлаш учун унинг ипакдай товланиши, ялтироқлиги, пигментацияси, қалинлиги, толлаларнинг ингичкалиги ва узунлиги ҳисобга олинади.

Териларнинг сифати сатҳининг катталиги, майдон бирлигидаги массаси, тери тўқимасининг қалинлиги ва пишиқлигига боғлиқ. Терилар ўртасида мазкур белгилари жиҳатидан катта тафовут бўлиши қорақўл терининг хилма-хил гуруҳ ва сортларини келтириб чиқаради.


Санаб ўтилган белгиларнинг кўпчилигини аниқ ўлчаб бўлмайди ва қорақўл териларига баҳо беришда субъектив нисбатларнинг албатта таъсири бўлади, бундай нисбатлар эса, кўпинча айтарлиқ аниқ бўлмайди.

Қорақўл териси ва жингалаклар таснифи қорақўл зотини яратилиши билан жуда қадим замонларда ишлаб чиқилган. Бошқача қилиб айтганда, бу классификациясиз қорақўл зотини селекциялаш ва такомиллаштиришни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Тахмин қилинишича селекция - наслчилик ишлари тўғрисида ҳамда қорақўл териси товаршунослиги ва жингалаклар бўйича қандайдир (аниқ маълум бўлмаган) қўлланмалар мавжуд бўлган. Бу қўлланмалар ҳам барча моддий ва маданий мерослар каби татармўғул босқинчилари томонидан йўқ қилинган.

Маълумки, 1929-1930 йилларда Ўрта Осиё халқининг китоблар мероси ҳам “Диний” ниқоби остида ўтга ташланган. Шу каби барча араб шрифти билан ёзилган моддий ва маънавий мерослар ҳам ўтда ёндирилган, кўмиб юборилган ва сувга чўктирилган.

Айни вақтда ёппасига саводсиз мамлакатда моддий ва маънавий маданиятни ҳимоя қилувчилар ва уларни йиғувчилар топилмади. Натижада 1929 йилда араб шрифти лотин ва 1955 йилда рус шрифтига айлантирилди.





6-расм. Тола буйининг турли қисмларидан қирқилган кундаланг кесимларининг шакли ва атрофидаги тангачали қаватнинг тузилиши:
 I қоплогич жун, II кировчи жун, а-жун толасининг қаварик юзасидаги тангачали қатлам шакли,
 б-жун толасининг ботик сатҳидаги тангачали қатлам шакли, в-жун толасининг атрофидаги тангачали қатлам шакли.

Шундай қилиб халқлар ва элатлар тарихини, ҳамда моддий ва маънавий меросни ўрғанадиган йўл батамом (тамоман) ёпилиб қўйилди.

Музей архивидан изланишлар натижасида топилган Бухоро амирининг сарой бошқарувчиси кундалик-хотира дафтарчасида (17 аср) қўй ва қўчқорлар селекция - насл (зот)чилик ишлари, ҳамда қорақўл жингалаклари турларининг асосий мазмуни ёзиб қўйилган. Бу асослар қорақўл термлар ёки зотли қўзичоқлар сотишда кўрсатилган ва қўлланилган.

Бундан ташқари Авестининг (7 аср) "Терминлар луғати"да ҳам жингалақлар номларини учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз ҳақли равишда номсиз чорвадор-товаршуносларнинг қорақўл териси

жингалаклар турлари таснифини “Чорвадор халклар” классификацияси деб атаймиз ва уни 17 аср санасига ёзамиз.



“Чорвадор халклар” таснифида қорақўл жингалаклари қуйидагиларга бўлинган: қалам гул, лўнда гул, ёл гул, ҳалқа, донатор, патак, тақир гул, жам.

Европа адабиётида жингалаклар таснифини биринчи бўлиб И.В.Синицин 1900 йилда қуйидаги тарзда эълон қилган эди: а) мавжланувчи (украинча-филястый); б) ловиясимон; в) нўхатсимон; г) ҳалқасимон; д) кострубатий (пахмайган); е) ясси ҳалқасимон.

1905 йилда И.Иванаев ҳам бу таснифни қабул қилди ва унга лослар ҳамда ясси тўлкин турларини қўшимча қилиб киритди. 1912 йилда эса В.Д.Демьянко ясси жингалак ва ясси тери турларини қўшимча қилиб киритди.

1914 йилда М.Ф.Иванов юқорида келтирилган таснифни такрорлаб, жингалак турларига ёл гулни қўшимча қилди. Ёл гулларни биринчи марта Н.Н.Чирвинский аниқлаган эди.

7-расм. Қалам гулли жингалак типлари: I ярим доирали қалам гул: 1-ярим доирали, 2-сербар, 3-баланд киррали, 4-эгарсимон, 5-хурпайган. II ковурағасимон: 1-етилмаган, 2-уртача етилган, 3-етилган. III ясси: 1-етилмаган, 2-уртача етилган, 3-етилган.

Қорақұл жинғалақларининг таснифи

И.В.Синицин 1890	И.Иванаев 1905	В.Я.Демьянко 1912	М.Ф.Иванов 1914
а) мавжланувчи (филастий)	1. Қалам гулсимо мон	1. Тулкинсимон	1. Мавжланувчи “қалам гулсимо н” (филастий)
б) ловиясимон (ловияли)	2. Ловиядор	2. Ловияли (ловиясимон)	2. Ловиясимон ёки ловиядор
в) нұхатсимон	3. Ясси тулкин	3. Нұхатчали	3. Нұхатсимон
г) халқасимон	4. Халқасимон	4. Бурамасимон, бурамали	4. Халқасимон ва бурамасимон
д) кострубатый (пахмайған)	5. Хурпайған	5. Ясси.	5. Хурпайған (кострубатый)
е) ясси-халқасимон	6. Лослар (такир- гул)		6. Лос аралаш товланувчи. 7. Ёл гулли-1919й

1927 йилда В.М.Юдин қорақұл жинғалақларининг морфологик характеристикасини берди. М.Ф.Иванов ва В.И.Юдин олиб борган чуқур тадқиқотлар натижасида қорақұл жинғалақларининг зоотехник таснифи ишлаб чиқилди. Ҳамма хил жинғалақлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган эди:

А.Қимматли - қалам гул (баланд, ясси) Ловия - қалта қалам гул (баланд ва ясси).

Б.Қамроқ ва қам қимматли - ёл гул (баланд, ясси), қамбар сербар.

В. Қам қиммат - халқасимон, ярим халқасимон.

Г. Нұқсонли - нұхатча, пармасимон.

И.Н.Дьячков,Р.Т.Письменная (1950) қалам гулсимо н жинғалақлар таснифини бирмунча чуқурлаштириб, буралма қалам гул, тор қиррали қалам гул, тожсимо н қалам гул ва қалам гул-ёл гул гуруҳларини ажратиб кўрсатдилар.

Н.С.Гигинейшвили (1954) қалам гулни янги турини, яъни буралма қалам гулни ва М.Д.Закиров (1976,1978), эса (эгарсимо н) қалам гулни таърифлаб бердилар.

Ҳозирги ёзилган тавсифлар ва тан олинган қорақұл жинғалақлари, ҳамда қорақұл терисининг товар қийматини белгилайдиган

жун хоссалари сифатига қараб биз қуйидаги янги таснифни таклиф қиламиз.

4-жадвал

Қорақўл жингалаклари таснифи

Қиммат категорияси	Жингалаклар улчами (размери)		
	ма й да	ў р та	ка т та (йирик)
Жуда қимматли	қалам гул, баланд қалам гул (тор қир-рали)	қаламгул, эгри-бугри қалам гул, ясси қалам гул, ковура-ғасимон қалам гул	қалам гул, эгри-бугри қалам гул, ясси қалам гул, ковура-ғасимон қалам гул
Қимматли	Қаламсимон ёл гул, тор ёл гул	Тароқсимон қалам гул, илонизи қалам гул, (эгарсимон) қаламгул, қаламсимон ёл гул, тор ёл гул	Тароқсимон қалам гул, илонизи қалам гул, эгарсимон қалам гул, қаламсимон ёл гул, баланд лослар (тақир гул)
Қамрок қимматли		Халқасимон қалам гул, ўртача ёл гул, лунда гул (ловия)	Халқасимон қалам гул, зич лунда гул (ловия), кенг қалам гул, паст лослар (тақир гул)
Нуксонли	Нухатча	Нухатча, пармасимон, ярим халқасимон, халқасимон	Ярим халқасимон, халқасимон, пармасимон, чиғаноксимон.

ЖИНГАЛАКНИНГ ШАКЛИ ВА ТИПЛАРИ

Қорақўл жингалаклари ташқи кўриниши ва тузилишига (шакли ва типига) кўра ғоят хилма-хилдир. Қалами, ловия, ёл, бурама, халқа, чиғанокча, нухатча ва бошқа шаклларга ажралади. Қалам гул шакллари эса ярим доирасимон, ковурағасимон ва ясси типларга ажралади.

Қалам гул ёки гулсимон жингалак - қорақўл терилардаги жун толалари жингалаклигининг энг қимматли формасидир. Қалам гул жингалакнинг жун толалари тери қоплами сатҳида параллел кетган жуда кўп қаторчалар ҳосил қилиб, чизикли тартибда жойлашган.

Қалам гул жун толалари ўзига хос тузилишга ва классик буралмага эга бўлиб, ярим доира ёки доиралар ҳосил қилади, уларнинг юзаси (ўқи) тери қошлами сатҳига параллел ҳолатда ётади (7-расм).

Қалам гул жингалакка назар солинганда жун толаларининг учи кўринмайди, қалам гуллар орасида жойлашган чоклар эса гўштардага (тери мағзига) параллел ҳолатда ётувчи ялтирок толалар билан қопланган бўлиб, бу толаларнинг ҳам учлари кўринмайди.

Қалам гул шаклидаги жингалак ёпик доирага яқинлашишга интилади. Уни ёпиб турувчи жун толалари қоплогич қисми деб аталади. Жингалак ҳосил қилишда иштирок этувчи толаларнинг 55-60% ини ана шундай қоплогич толалар ташкил қилади, бу эса унинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Бир чизикда жойлашган қоплогич толалар ҳалқасимон цилиндрик жингалакли ташқи текис қатламни ташкил қилади. Қоплогич толаларнинг узунлиги ва майинлиги нечоғлик бир хил бўлса, жингалакнинг буралганлиги шунчалик кўркам ва яққол бўлади.

Жингалакнинг ичига кирувчи жун толалари ўроқсимон шаклда бўлиб, кирувчи толалар деб аталади. Бу хил толалар жингалакнинг тўғри тузилган бўлиши учун бамисоли асос ҳосил қилади ва ана шу тузилишга таянч хизматини ўтайди, жингалакнинг пишиқлиги қисман шу таянчга боғлиқ бўлади.

ҚАЛАМ ГУЛ. Жингалакнинг бу турига жуннинг яхши сифатлари хос: чунончи ипаксимонлиги, ялтироклиги, интенсив пигментацияси.

Тузилиш формаси жиҳатидан қалам гул жингалаклар қуйидаги турларга бўлинади: юмалок бурама шаклда, сербар, баланд (тор кир-рали), эгарсимон эзилган, хурпайган. Бир теридаги қаламсимон жингалаклар шаклининг бундай хилма-хиллиги бошқа хил жингалак формалар (қовурғасимон қалам гул ва ясси қалам гул) билан кўшилиб, кўркам нақш ҳосил қилади (8-расм, 1,2,3).

ҚОВУРҒАСИМОН ГУЛ. Жингалакдаги толаларнинг қоплогич қисми киррали эгилиб, биринчи бурчак (синиқ)ни ҳосил қилади, шундан кейин тўғри бурчак остида терига параллел ҳолатда давом этади ва жун толаларининг учлари иккинчи бурчакни ҳосил қилади, шундан кейин улар тери сатҳи томон тушади, аммо жингалакнинг оғзи туташмайди.

Ана шу икки букилиш қовурғасимон қалами типини вужудга келтиради.

Кирувчи жун толалари кам эгилган ва қисман тўғри ҳолатдадир.

Ҳийлагина йирик чок мавжудлиги тери гулига кўркамлик бахш этади.

Қовурғасимон гуллар ярим доирали қалам гуллар ёки ясси қалам гуллар билан биргаликда энсиз ёл гуллар аралашган ҳолда ҳам учрайди. Бундай терилар жун толасининг характериға кўра ипаксимон товланиши, ялтироқлиги ва пигментацияси жиҳатидан нормал бўлади. Улардаги жингалакнинг очик томони аксари ҳолда бош томонга йўналган. Юпқа қовурғасимон I типдаги териларда қовурғасимон қалам гул кўпинча энсиз ёл гуллар билан биргаликда учрайди. Ёл гуллар кўп бўлган териларнинг жингалаги етарлича ипаксимон бўлмайди, пигментацияси кам ва шишасимон ялтироқ бўлади.

Қовурғасимон қалам гул сербар ёл гуллар билан бирга бўлса, жун толаси дағаллашган, қуруқ ва шишасимон нурсиз ялтироқ бўлади. Жингалакнинг классик эгилма формаси бузилганлиги, ярим юмалоқ, жингалакликда қирралар пайдо бўлганлиги нуқсон ҳисобланади.

ЯССИ ҚАЛАМ ГУЛ кўпинча қоплогич жун толаларидан вужудга келади, бундай толалар энг бошданок тери қопламига параллел ҳолатда йўналади. Салгина эгик бўлган қоплогич толаларнинг учлари кейинги жингалак юзасига тиралиб туради. Шунинг учун жингалаклар ўртасидаги чок унча сезилмайди, ясси қалам гуллар бир оз қавариқ бўлади-ю, аммо жингалаклар майин бўлгани сабабли қўл билан сийпалаганда деярли сезилмайди (8-расм, 6, 7).

Ясси гуллар аксари юмалоқ ёки қовурғасимон қалам гуллар билан бирга бўлади ва соф ҳолда жуда камдан-кам учрайди. Энсиз ясси ёл гуллар ва лослар билан бирга қўшилиб, ниҳоятда чиройли нақш ҳосил қилади. Ясси қалам гул ҳам худди қовурғасимон қалам гул сингари классик формадаги ярим юмалоқ қалам гулдан бир оз бошқачароқдир. Бирок ўзининг юксак даражада ипаксимон майинлиги, кучли ялтироқлиги ва толасининг интенсив пигментацияси туфайли ясси қалам гуллар исталган жингалак типи деб ҳисобланади.


БУРАМА (ИЛОН ИЗИ) ҚАЛАМ ГУЛ тузилиш формасига кўра ярим доирали қалам гулга киради, лекин биргина фарқи шундаки, унинг эни бошидан охирига қадар бир хил эмас. Қорақўл териси сиртида бундай қалам гуллар синик, илон изи нақшлар ҳосил қилади. Бундай нақшлар жингалакнинг бир неча қайта торайиб-кенгайиши бошқа жингалаклар билан қўшилиб, териға кўркамлик бахш этади.

Буралма (илон изи) қалам гуллар жун толаси юқори сифатли, яхши ипаксимон, ялтирок ва яхши пигментланган бўлганда ҳосил бўлади. Бу хил қалам гуллар жакет I, Москва жакети, қадин жакет ва кирпук каби қорақул типларида ярим доирасимон қалам гул, ловия ва ёл гул билан биргаликда учрайди (8-расм, 8).

ТОР КИРРАЛИ ҚАЛАМ ГУЛ ҳам ярим доирали қалам гул каби тузилишга эга, фарқи фақат шундаки, унинг баландлиги энидан катта ва тепа қисми бир оз торайган, тор киррали қалам гул (баъзан у баланд ёки торайган қалам гул деб аталади) буралма ва тожсимон қалам гул ва камбар ёл гул билан бирга учрайди (8-расм, 3).

8-расм. Жингалак шакллари ва типлари:


1-қаламсимон гул (ўртача), 2-қаламсимон гул (сербар йирик), 3-тор киррали қалам гул, 4-қовурғасимон қалам гул (ўртача), 5-қовурғасимон қалам гул (сербар), 6-ясси қалам гул (ўртача), 7-ясси қалам гул (сербар), 8-буралма қалам гул, 9-тожсимон қалам гул, 10-қалам гул-ёл гул, 11-ҳалқасимон қалам гул, 12-ловиясимон, 13-камбар ёл гул, 14-калта ёл гул, 15-сербар ёл гул, 16-ҳалқа ва ярим ҳалқа, 17-штопор (бурама), 18-нўхатча, 19-чиғанок, 20-лос.



Тор киррали қалам гул сифати яхши бўлган жун толалари туфайли вужудга келади ва тула эгилмаган бўлиб, жингалакнинг ёпиқ томонига оғмароқ ҳолда вертикал жойлашади, кирпук ва қовурғасимон юпка I- нав теридан учрайди.

ТОЖСИМОН

ҚАЛАМ ГУЛ чала ривожланган ярим доирали қалам гул ёки бир томонлама ёл гулга ўхшаб кетади ва тож кўринишга эга. Тожсимон жингалак ҳосил қилувчи қоплогич жун толаси жингалак ўқиға тик ҳолатда эгилган эмас, балки унга қия ҳолатда ётади ва қалам гулнинг бўйига қараб жойлашади, толаларнинг учлари қалам гулнинг кирраси орқали унинг иккинчи томонига ошиб тушади. Жун толалари бирмунча киррали тарзда эгилган бўлиб, учи баланд спирал ҳосил қилиб тугалланади. Баъзан тола учлари



диккайиб туради ва шу сабабли бир оз пахмайган кўриниш ҳосил қилади (8-расм, 9).

Тожсимон қалам гул ипаксимон майин, -нормал ялтироқ ва нормал пигментли толалардан вужудга келади, қалам гул жингалак ва ёл гуллар билан биргаликда учрайди.

ЭГАРСИМОН ҚАЛАМ ГУЛ - бирмунча яссилашган типдаги ярим доирали қалам гул жингалаклар қаторига киради. Энг устки қисмида эгарсимон ботиқ жойи бор. Ниҳоятда ипаксимон ва жуда ялтироқ толалардан иборат бўлиб, ясси ва ярим доирали қалам гуллар билан биргаликда учрайди.

ИЛОНЧА ҚАЛАМ ГУЛ - ясси қалам гул жингалаклар жумласига киради. (Н.С.Гигинейшвили томонидан таърифлаб берилган). Жун толалари теридан чиқаверишда ёнма-ён жойлашган; ёнбошига ётиб, терига зич ёпишган ҳолда ярим доира ҳосил қилади. Жун толаларининг учлари жойлашган ерда тери сатҳига чиқиб, улар ҳам терига ёпишиб ўсади, аммо қарама-қарши йўналиш-да ярим доира ҳосил қилади. Учинчи қатор жун толалари биринчи қатор толалари йўналишини, тўртинчи қатор толалари эса иккинчи қатор толалари йўналишини такрорлайди. Жун толалари бамисоли синусоид ҳосил қилиб жойлашгандай бўлиб, худди ҳаракатланаётган илоннинг эгри-бугрилигини эслатувчи яхлит эгри-бугри чизиқлар ҳосил қилади. Бундай жингалак билан қопланган участкани қанча кўп силанса, у тобора тўғри шакл касб этиб, толалар дум томонга қараб йўнала бошлайди. Бундай жингалак асосан кўк қорақўлда учрайди ва кучли даражада ипаксимон, жуда ялтироқ жун толаларидан вужудга келади ва ясси қалам гуллар билан аралаш бўлади.

ЁЛ ҚАЛАМ ГУЛ - бу ҳар бир икки томонга ёл гуллар билан тугалланадиган ярим доирали шаклда буралган қалам гулли жингалакдир. Унинг қоплогич жун толалари доиранинг учдан бир қисмини ҳосил қилади, кейин эса қалам гул узунлиги бўйлаб икки томонга ажралиб, ёл гулни эслатиб туради. Бунда жингалаклар кам қиммат ҳисобланади. Жун толасининг сифати паст, бирмунча дағал ипаксимон гулли қорақўл гуруҳларида учрайди (8-расм, 10).

ҲАЛҚАСИМОН ҚАЛАМ ГУЛ - кўк қорақўлда учрайди. Бирмунча йўғонлашган, узунлиги ва сийрак толалардан вужудга келади. Жингалак ёйи ҳалқасимон эгилган. Бу йирик, кенг, бирмунча эзилган қалам гул гўё бир-бирининг устига тахлаб қўйилган бир қанча ҳалқа-

чалардан ташкил топгандай бўлиб туюлади (8-рasm, 11). Кам қиммат ҳисобланади. Қора қорақул териларда деярли учрамайди.

Узун ва ўртача узунликдаги қалам гул жингалаклар асосан тери сағриси ва орқа соҳасини эгаллаб, қисман ёнбош ва яғринига ҳам ўтади, қорин, курак ва бўйин қисмларида улар бир оз калталашади ва ловия ҳамда ёл гуллар билан аралаш жойлашади.

ЛОВИЯ - камроқ қимматли жингалак ҳисобланади. Морфологик тузилиши жиҳатидан ярим доирали қалам гулдан деярли фарқ қилмайди, бўйи энига деярли тенглашади. Ловиясимон жингалакдаги қоплогич толалар кўпинча тўла эгилган ёй ҳосил қилмайди ва улар ҳамма йўналишда эгилгандай бўлиб туюлади. Жингалакнинг ёйи жуда яққол кўзга ташланиб турганлиги сабабли шундай бўлади (8-рasm, 12;16).

Ловия қалам гул жингалак ёки ёл гуллар билан аралаш ҳолда учрайди. Ёл гул камроқ қимматли жингалаклар гуруҳига қиради. Чизикли тартибда жойлашган барча тола тузилмалари ёл гул деб аталади.

Одатда улар ўрта чизикдан икки томонга осилиб тушадиган ўткир қиррали тож шаклига ёки жун толалари озми-кўпми яққол кўзга ташланувчи арча шаклида таралган тумтоқлашган ва кенгайган тож шаклига эга бўлади. Чизик ўртасида ёл гуллар анча қабарик формага қиради.

Уларда қирувчи жун толалари бўлмайди. Ёл гулнинг шакли чизикли жингалак ҳосил бўлиши қайси босқичда тўхталганлигига боғлиқ. Агар жингалак қалам гулга яқин босқичда тўхтаб қолган бўлса, баланд ёл гул ҳосил бўлади, башарти у эмбрион ривожланишдагига яқин босқичда тўхтаган бўлса, арча шаклидаги таралма вужудга келади. Ёл гуллар кенглигига қараб камбар, сербар ҳамда калта-узунлиги жиҳатидан - узун, ўртача ва калта хилларга бўлинади.

КАМБАР ЁЛ ГУЛЛАР - шу типдаги жингалакларнинг энг қимматли формаси ҳисобланади, чунки улар кўпинча қалам гул жингалаклар билан биргаликда учрайди. Сербар ва калта ёл гуллардан фақат тузилиш жиҳатидангина эмас, балки келиб чиқиши жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Камбар ёл гулларнинг эни мўътадил тор (3-4 мм) ва узунлиги анча катта эканлиги (30-60 мм) туфайли қалам гул ва бошқа хил камбар жингалаклар билан ҳамиша қулай равишда уйғунлашиб, кирпук, жакет I, когурғасимон юпка I навларида кўркем нақш ҳосил қилади. Камбар ёл гуллар қорақулча гуруҳига қирувчи тери-


ларда айникса кўп тарқалган (8-расм, 13). Камбар ёл гуллар кўпинча арча тарзида икки томонга таралган бўлади, бир томонга таралган хиллари кам учрайди ва улар чала ривожланган гул кўринишга эга бўлади. Камбар ёл гуллар яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади ва сағриси ҳамда орқасининг иккала томонида жойлашади, шунингдек ёнлари ва яғринига ҳам ўтади.

КАЛТА ЁЛ ГУЛЛАР

ўртача катталиқда бўлиб, узунлиги, 10-20 мм дан ошмайди. Одатда, уларнинг эни бир текисда бўлмайди: кенгайган қисми 8-9 мм, тор қисми 6-7 мм келади. Калта ёл гуллар асосан етарлича ипаксимон, ялтироқ ва пигментланган яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади (8-расм, 4). Калта қалам гул, ловиясимон жингалаклар билан биргаликда қалин жакет ва Москва жакетида камроқ учрайди, қовурғасимон юпқа I ва II, қовурғасимон қалин I ва II ҳамда ясси I ва II гулли териларда кўпроқ учрайди.


КАМБАР ЁЛ ГУЛЛАР

шу типдаги жингалакларнинг энг қимматли формаси ҳисобланади, чунки улар кўпинча қалам гул жингалаклар билан биргаликда учрайди. Сербар ва калта ёл гуллардан фақат тузилиш жиҳа-



тидангина эмас, балки келиб чиқиши жихатидан ҳам фарқ қилади. Камбар ёл гулларнинг эни муътадил тор (3-4 мм) ва узунлиги анча катта эканлиги (30-60 мм) туфайли қалам гул ва бошқа хил камбар жингалаклар билан ҳамиша қулай равишда уйғунлашиб, кирпук, жакет I, ковурғасимон юпқа I навларида кўркам нақш ҳосил қилади. Камбар ёл гуллар қорақўлча гуруҳига кирувчи териларда айникса кўп тарқалган (8-расм, 13). Камбар ёл гуллар кўпинча арча тарзида икки томонга таралган бўлади, бир томонга таралган хиллари кам учрайди ва улар чала ривожланган гул кўринишга эга бўлади. Камбар ёл гуллар яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади ва сағриси ҳамда орқасининг иккала томонида жойлашади, шунингдек ёнлари ва яғринига ҳам ўтади.

КАЛТА ЁЛ ГУЛЛАР ўртача катталиқда бўлиб, узунлиги, 10-20 мм дан ошмайди. Одатда, уларнинг эни бир текисда бўлмайди: кенгайган қисми 8-9 мм, тор қисми 6-7 мм келади. Калта ёл гуллар асосан етарлича ипаксимон, ялтироқ ва пигментланган яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади (8-расм, 4). Калта қалам гул, ловиясимон жингалаклар билан биргаликда қалин жакет ва Москва жакетида камроқ учрайди, ковурғасимон юпқа I ва II, ковурғасимон қалин I ва II ҳамда ясси I ва II гулли териларда кўпроқ учрайди.



СЕРБАР ЁЛ ГУЛЛАР - камроқ қимматли жингалак формасидир, уларнинг кенглиги бошидан охиригача бир текисда эмас: туби кенг (9-12 мм), учи торайган (5-7 мм) бўлиб, понасимон шаклга ўхшаб кетади. Қарийб бир хил энлилари ҳам баъзан учраб туради. Ёл гул анча йирик бўлганлиги сабабли қимматли жингалаклар билан яхши уйғунлаша олмайди. Сербар ёл гул сал йўғонлашган, дағал ва бирмунча қуруқ, шишасимон нурсиз ва хира ялтироқ жун толаларидан ташкил топади (8-расм, 15).

Ёл гуллар кўзининг қорнига ва гавдасининг олдинги қисмига яқинроқ жойлашади, баъзан ўрта-дорзал чизик йўналишида тарқалган бўлади. Йирик жингалакли қовурғасимон қалин I ва II навларда ҳамда дурагай қорақўлда кўпроқ, қовурғасимон юпка I ва II навларда камроқ учрайди.



ХАЛҚА кам қиммат жингалаклар гуруҳига киради. Жун толалари кокилчаларга тўпланган ҳолда жингалакланиб тўла туташмаган ҳалқани эслатувчи шакл ҳосил қилади (8-расм, 16; 9-расм, 1,2).

Ҳалқасимон жингалакнинг буралганлиги иккита ёй ҳосил қилади, уларнинг пасткиси гўштпардага вертикал ҳолатда, усткиси эса унга горизонтал ҳолатда ётади. Ҳалқасимон жингалак ҳосил қилувчи жун толалари анча узун бўлгани учун улар кўпинча ўзаро чигаллашиб нақшини йўқотади.

ЯРИМ ХАЛҚА тузилиши жиҳатидан жингалакка жуда ўхшаб бўлиб, фақат битта буралма ёйи борлиги билан ундан фарқ қилади.

НҲҲАТЧА нуқсонли жингалак формалари жумласига киради. Бир хилда бўлмаган, асосан ингичкалашган толалардан ташкил топади. Бундай жун толалари кокилчаларга тўпланиб ва учи буралиб, гўштпардага вертикал ҳолатда йўналган кўплаб бир хилдаги буралмаларни вужудга келтиради. Бундай буралма усти ёй шаклидаги нўхатчани эслатувчи тугун ҳосил қилади. Нўхатсимон жингалакда иккитадан тўрттагача буралма ёй бўлади (8-расм, 18; 9-расм, 5).

ШТОПОР (бурама парма) ҳам нуқсонли жингалаклар жумласига киради. Шакли нўхатсимон жингалакка бир оз ўхшаб кетади, асосан бирмунча йўғонлашган ўртача майинликдаги (16 мм ва ундан ортик) жун толаларидан ташкил топади; бундай толалар кокилчаларга тўпланиб, патсимон учли штопорни эслатувчи спирал буралма ҳосил қилади. Бутун жингалак терига параллел йуналишда жойлашган (15-расм, 10; 9-расм, 3).



9-расм. Ловиясимон (I) ва яроқсиз жингалаклар (II). 1-ярим халка, 2-халка, 3-бурама, 4-чиғанок, 5-нухатча.

ЧИҒАНОҚ пишик формадаги жингалаклар жумласига киради. Ингичкалиги ва узунлиги бир хил бўлмаган, кокилчалар ҳосил қилувчи жун толаларидан ташкил топади. Жингалакнинг туб қисми кенг ва учи торайиб келган бўлиб, конус ёки чиғанокни эслатади. Қора қорақул териларда бундай жингалак деярли бўлмайди, кўк ва айникса, оч кўк қорақулда, ҳалқасимон ва штопорсимон жингалакли териларда учрайди (8-расм. 19; 9-расм. 4).

ЛОСЛАР (такиргул) - булар қорақул терининг жингалаксиз, силлиқ ёки билинарбилинемас даражада жингалакланган бир хил йўналишдаги, гуштпардага муайян бурчак ҳосил қилиб жойлашган жун толалари билан қопланган участкалардир. Лосларнинг икки тури - баланд ва паст лослар учрайди (8-расм. 20).

БАЛАНД ЛОСЛАР ясси қалам гул ҳамда яхши ипаксимон толалари

ва кучли даражада ялтироқ ёл гул билан бирга кўшилиб, терида, айниқса қорақўлча гуруҳига кирувчи териларда жуда қимматбаҳо, ранг-баранг товланиб турадиган, ғоят кўркем нақш ҳосил қилади.

Ўртача майин ва анчагина узун толаларга эга бўлган баланд лослар товланиб турадиган нақш ҳосил қилади. Бундай лослар қорақўлча, қорақўл-қорақўлча, ясси юпка I типлардаги қорақўл ёл гуллар билан, ахён-ахёнда қалам гуллар билан бирга учрайди.

ПАСТ ЛОСЛАР анча йўғонроқ ва калталашган тўғри толалари қуруқ жун толаси билан қулай тарзда илашган бўлиб, номақбул тузилма ҳосил қилади.

ШАКЛИ ЎЗГАРГАН ЖИНГАЛАКЛАР кўзга яққол ташланиб турадиган шаклга эга бўлмаган нуқсонли жингалаклар жумласига киради. Шакли ўзгарган жингалаклар “бушашган” ёки “хурпайган”, “босилган” ёки “ялпайган”, “лоссимон” ёки “кигиз” деб аталувчи турларга ажратилади.

БЎШАШГАН ЁКИ ХУРПАЙГАН жингалак терининг бир участкасида ёки бир қанча майда участкаларида жун толалари доғчалар шаклида ёки бутун юзада яхлит равишда бўш буралганлиги билан характерланади.

Бундай деформация жун толалари унчалик қайишқоқ бўлмаган ва кам жингалакланган териларда энг кўп учрайди.

БОСИЛГАН ЖИНГАЛАК. Жун толалари ҳалқа шаклида жингалакланган ва тери тўқимасига босилган ёки ўзаро чирмашиб кетган. Шу туфайли жингалаклар эзилган ёки ялангандек бўлиб кетган участкаларни ёки унинг бутун юзасини эгаллайди.

ЛОССИМОН ЖИНГАЛАКЛАР - булар қорақўл терининг жингалаксиз ва тери тўқимасига параллел ҳолда деярли тик турувчи дағал, қуруқ ва ипаксимон толалар билан қопланган кичик-кичик юзаларидан иборат. Бундай участкалар одатда терининг четларида, ўрта қисмида, куракларида ёки ёнбошларида қорнига яқинроқ доғ ва оролчалар шаклида жойлашган бўлади. Бу хил деформациялар қовурғасимон териларда кўпроқ ва бошқа хил қорақўл тери гуруҳларида камроқ учрайди.

КИГИЗ - деформациянинг охириги чегараси ҳисобланади. Нотекис жингалакланган, қуруқ, калта толали териларга хосдир.

Жингалак ҳосил қилувчи жун толалари ўзаро чирмашиб, кигизсимон кўриниш ҳосил қилади.

Бундай “жингалаклар” аксари терининг кет қисмини, баъзан бутун юзасини эгаллаган бўлади, камдан-кам ҳолларда доғчалар тарзида учрайди.

КУЙГАН ЁКИ КУЮВЧИ ЖИНГАЛАК - “ўлик” жун толасидан иборат бўлиб, номуайян жингалакланган, узунлиги бир текис эмас ва бир-бири билан чирмашиб кетган бўлади. Ташқи таъсирдан толаси осонгина синади, узилади ва тери қопламидан суғирилиб чиқади.

ҚОРАҚҮЛ ЖИНГАЛАГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қорақўл қўзилар териси жингалагининг катталиги селекцион наслчилик ишларида ва қорақўл териларига баҳо беришда муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Қорақўл қўзилар жингалакларининг катталиги ҳомиланинг она қорнида ривожланиш шароитига, қўзилар конституциясига, уларнинг туғилган пайтдаги вазнига, бир совлиқдан бир йула туғилган қўзилар сонига, совлиқдаги жингалакларнинг катта-кичиклигига, совлиқ ва қўчқорнинг жун конституционал типига ва бошқа кўрсаткичларга бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган. Усталик билан саралаб урчитилганда ушбу кўрсаткич юксак ирсий (наследанаслға ўтувчан) белги бўлиб қолади ($r=0,984$). Бинобарин, селекционер фақат чиройли жингалакли эмас балки жингалагининг типи ва катталиги бир хил бўлган қўзилар олиш учун ҳам катта имкониятларга эга (10-расм).

Жингалак катталиги - унинг баландлиги ва энлилиги, қалам гал ва ёл гулларда эса терида энг кўп учрайдиган жингалак формалари ва типлари узунлиги ҳамдир.

Ишлаб чиқариш шароитида жингалакларни А.С. Канцпольский конструкциясидаги жингалак ўлчагич (завиткомер) билан ўлчаш қулайдир.

Жингалак эни штангенциркуль, Цейс лупаси, миллиметрли лупадон ўлчагич (зерномер) билан ёки миллиметрларга бўлинган оддий шиша линейка ёрдамида ўлчанади: жингалак баландлиги миллиметрли линейка ёрдамида - тери тўқимаси билан жингалакнинг энг кабарик устки қисми ўртасида ўлчанади; узунлиги эса - курвиметр ёки циркуль ва сантиметрли линейка ёрдамида ўлчанади (10-расм).

Жингалак баландлиги билан энининг нисбатига қараб қуйидаги қалам гуллар фарқ қилинади: баланд қалам гуллар - баландлиги



энидан ортик (6 ва 4 мм); ярим доирали қалам гуллар - баландлиги энидан ортик (6-8 ва 5-8 мм); ясси босилган қалам гуллар - баландлиги энидан кам (3-4 ва 6-12 мм).

Жингалакнинг узунлиги терининг куркамлиги ва қимматини белгиловчи муҳим белгилардан биридир. Қалам гул типдаги жингалакларнинг куйидаги уртача катталиклари аниқланган (5-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўринадики қалам гул жингалакнинг узунлиги, эни ва баландлик ўлчамлари уларнинг шакли ва типларига боғлиқ.

Турли навларга мансуб қорақўл териларда жингалаклар катталиги жун толасининг узунлиги ва жингалак типига қараб турличадир. Ҳар хил навли териларда учрайдиган бир хил номдаги жингалак формалари ва типлари турли хил кўрсаткичларга эга (6-жадвал).

6-жадвалдан кўриниб турибдики, калта толали терилар жингалакларининг узунлиги, ўртача эни ва баландлиги ҳаммадан ортиқдир. Анча узун толали териларнинг жингалаклари эса калтароқ ва баландроқдир.



10-расм. Жингалаклар катталигини аниқлаш методлари: 1-жингалак катталиклари: А-узунлиги, Б-баландлиги. В-эни; 2-жингалак энини штангенциркуль билан ўлчаш, 3-чок энини миллиметрли лупа билан ўлчаш, 4-қалам гулли жингалак узунлигини курвиметр билан ўлчаш.

**Қалам гул жингалакларининг шакли ва типи уларнинг катталиги
билан боғлиқлиги (И.Н.Дьячков, Р.Т.Письменная)**

Қалам гулнинг шакли ва типи	Жингалак катталиклари, мм		
	узуңлиги	эни	баландлиги
Қаламсимон гул	29,7	5,5	4,8
Қовурғасимон	42,6	7,7	5,6
Ясси	32,0	8,8	2,2
Илон изи	46,7	6,5-10,0	4,5
Қалам ёл гул	26,1	5,8	3,8
Тор қиррали	36,6	4,3	5,4
Ҳалқасимон	21,0	8,7	6,0

Энг қимматли ҳисобланган жакет I, кирпук, қовурғасимон юпка I ва II, ясси юпка I навларидаги қалам гул жингалакларининг узуңлиги, ўртача эни ва баландлиги ҳаммадан катта, камроқ қимматли

**Қалам гул жингалаклар катталигининг жун
толаси узуңлигига боғлиқлиги**

Қалам гулнинг шакли ва типи	Қорақўл нави	Жун толаси- нинг ўртача узуңлиги, мм	Жингалакнинг ўртача катталиклари, мм		
			узуң- лиги	эни	баланд- лиги
Баланд	Кирпук	8,6	62,9	3,3	4,3
Қаламсимон гул	Жакет I	9,0	59,6	3,9	4,8
“ “	Жакет I	9,5	52,0	5,2	5,2
“ “	Қалин жакет	12,2	36,3	9,2	5,5
“ “	Москва жакет- ти	9,4	43,7	5,1	5,0
“ “	Кавказ жакети	13,3	24,6	10,3	6,2
Қовурғасимон	Қовурғасимон юпка I	8,8	43,7	4,4	5,2
“ “	Қовурғасимон қалин I	10,5	35,4	8,9	6,0
Ясси	Ясси юпка I	7,8	41,5	6,2	2,4
“ “	Ясси қалин I	9,3	37,2	8,8	3,1

ҳисобланадиган гуруҳларга кирувчи Кавказ қалин I, коворғасимон қалин I, қалин жакет ва ясси қалин I навларига мансуб терилардаги қалам гул жингалакларнинг узунлиги энг қисқа, эни ва баландлиги анча катта.

Маълумки, ҳар хил ёшдаги ва бошқа ташки муҳит омилларига бўлган таъсирланиши бир хил эмас. Шунинг учун қўйнинг ёши кўзи терисн хоссаларининг ташкил топишига (вужудга келишига) таъсир килади (7-жадвал).

7-жадвал

Кўзи терисидаги жингалаклар ўлчамининг (размер) қўй ёшига бўлган боғлиқлиги

Қўйнинг ёши ва тирик вазни (массаси)	Қўзининг тирик вазни, кг	Қўзидаги жингалакларнинг ўртача ўлчами (размер), мм		
		узунлиги	эни	баландлиги
1 яшар; 27,6 кг	2,6	58,3	3,7	4,1
2 яшаргача 34,2 кг	3,5	54,8	4,1	4,5
3-6 яшар; 42-45 кг	4,4	48,5	5,2	5,1
6 ёшдан катта; 41,8 кг	4,2	43,7	5,9	4,7

Бир яшар қўйлардан, маълумки майда кўзилар туғилади (2,6 кг ёки қўй вазнининг 9,4%). Бу кўзилар жўнининг узунлиги бўйича жуда калта, қисқа ва паст. Лекин уларнинг жингалаклари жуда ҳам узун. Икки яшар қўйлардан туғилган кўзиларнинг жунлари ҳам калта ва жингалакларининг эни ва баландлиги эса нисбатан қисқа ва паст бўлиб, уларнинг узунлиги кўпроқ бўлади.

3-6 яшар қўйлардан энг катта (4,4 кг ёки қўйнинг тирик вазнидан 10,4 %) кўзилар олинади. Уларнинг жингалаклари катта энли ва баланд бўлиб, узунлиги эса ўртача бўлади. 6 ёшгача катта қўйлардан туғилган кўзиларнинг жингалаклари энининг катталиги, ўртача баландлиги ва узунлигининг жуда қисқалиги билан фарқ килади.

Юқори семизликдаги тирик вазнининг 4,5 кг гача бўлган йирик кўзилар туғилади. Уларнинг жингалаклари нисбатан жуда кенг, баланд, узунлиги эса қисқарок. Семиз бўлмаган қўйлардан туғилган

қўзилар нисбатан майда, тирик вазнининг 4 кг гача бўлиб, уларнинг жингалаклари узун, эни баландлиги эса ўртача.

8-жадвал

**Жингалаklar ўлчамининг туғилган қўзининг
тирик вазнига боғлиқлиги**

Қўзини сўйиш олдидаги ўртача тирик вазни, кг	Жингалаklarнинг ўртача ўлчами, мм		
	узунлиги	эни	баландлиги
1,87	62,7	3,1	4,6
2,31	57,4	3,7	4,3
2,80	52,7	4,2	4,8
3,39	48,8	4,7	5,0
3,78	43,4	5,2	5,4
4,27	38,6	5,6	5,8
4,72	32,1	6,5	6,0
5,29	28,7	7,2	6,2

Жингалак параметрлари ҳомиланинг ривожланиш даражаси ва қўзининг сўйиш олдидаги тирик вазни билан яқин коррелятив боғланишда бўлади.

Қўзининг тирик вазни ошган сари жингалаklarнинг эни ва баландлиги кучаяди, лекин унинг узунлиги сезиларли даражада камаяди (7-жадвал).

Қўзи терисининг мерос хоссалари ва белгиларининг фенотипдаги хилма-хиллигини қорақўл қўй зотининг полигетерогенлиги билан изохлаш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, энг қимматли ҳисобланувчи жакет I, кирпук, қовурғасимон юпка I ва ясси юпка I навларига товар сатҳи бўйича бир хил текисликда узун жингалаklar ва кам қимматбаҳо ҳисобланадиган - Кавказ қалин I, Кавказ юпка I навларига эса унчалик текис бўлмаган анча калта жингалаklar характерлидир.

Бошқа навларга мансуб териларнинг жингалаги ўртача узунликда бўлиб, товар юзаси бўйича ўртамиёна бир текис тарқалгандир. Кўк ва сур териларда ҳам тахминан шундай манзарани кўриш мумкин. Шуни айтиш керакки, чуқур селекция – наслчилик ишлари системали равишда олиб борилаётган хўжаликларда (“Муборак”, “Ўзбекистон”. “Қарноб” давлат наслчилик заводи (ДНЗ) - қора қорақўл бўйича; Гагарин номли, “Нурота” ва “Кабациан” ДНЗ да кўк

қорақул бўйича; Нурота, "Қарноб", Киров номли ва Гагарин номли ДНЗ да сур қорақул бўйича) қорақул тери маҳсулоти жуذا қимматли, узун ва товар юзаларида бир текис жойлашган жингалаклари билан ажралиб туради.

И.Н.Дьячков (1966) ва П.Федерсен (1970) қорақул кўйларини қалам гул жингалаклари узунлигига қараб танлаш ва селекциялаш юксак даражада самарали эканлигини аниқлади.

ЖИНГАЛАК КАТТАЛИГИ қорақул терилар навининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Жингалаклар энига (кенглигига) қараб майда - эни 4 мм гача, ўртача 4-8 мм ва ундан йирик, ҳамда сербар - 8 мм дан ортиқ хилларга бўлинади. Узунлигига қараб: калта 12-20 мм; ўртача 20-30 мм ва узун - 30 мм дан ортиқ жингалаклар фарқ қилинади. Ошлаш жараёнида жингалаклар бирмунча кўтарилади (баландлашади), янада кўпроқ буралади, пардозлаш ва бўйаш пайтида эса узунлиги (бўйи) ва энига қараб катталашади.

Қорақул териларни сотиш учун, айниқса, экспорт учун саралашда уларни жингалагининг катталигига қараб таснифлаш зарурдир.

ЧОК ЭНИ - ёндош жингалаклар ўртасидаги оралиқ шундай деб аталади. Унинг катталиги жун толасининг узунлигига, йўғонлиги ва қалинлигига боғлиқ. Жун толаси калта бўлса, чок учун ҳамиша жой қолади ва нақшининг аниқ бўлиши таъминланади. Тола нечоғли узун бўлса, жингалак шунчалик йирик, чоки камбар бўлади ва гулдор нақши унчалик аниқ бўртиб турмайди. Қалам гул жингалакларда яққол кўриниб турадиган чоклар қорақул нақшини алоҳида бўрттириб кўрсатади.

Чок энини жингалак энига таққослаб кўриш қабул қилинган. Жун толалари қалин ва жингалаги пишиқ бўлган териларда чок эни жингалак энининг тўртдан бир ёки бешдан бир қисмига тенг бўлади. Бундай ҳолда жингалаклар аниқ ифодаланмаган, туташ бўлиб кўринади ва нақш бирмунча камаяди.

Жун толалари ўртача қалинликда бўлганда чок эни жингалак энининг тўртдан бир - учдан бир қисмидан кам бўлади. Чок энининг бундай катталиқда бўлиши теридаги жингалакларнинг чиройли нақш ҳосил қилишини таъминлайди. Агар жун толалари сийрак ва жингалаги бўш бўлса, чок анча кенг бўлади ва қорақул терининг умумий кўриниши унчалик кўркем бўлмайди. Чоклар тор - 2,2 мм; ўртача - 2-3 мм ва кенг - 4-5 мм бўлади.

Терини ошлаганда, айниқса, ишлов бериш ва бўяш пайтида чок эни бирмунча катталашади, жингалак формалари ва типларининг равшанлиги, нақшининг аниқлиги яхшиланади.

ЖИНГАЛАКЛАРНИНГ БУРАЛГАНЛИГИ. Жун толаларининг буралганлик даражаси жингалак ва бутун тери сифатини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Жингалакларнинг қопловчи қисмидаги жун толаларининг буралганлиги туташ доирага яқин бўлиб, қорақўл терига жуда кўркамлик, жингалакларга пишиқлик ва қимматбаҳолик бахш этади.

В.М. Юдин қоплагич толаларининг буралганлик даражасига қараб жингалакларни қуйидагича таснифлашни таклиф этди: 1) тула буралган ($3/3$)- бунда қоплагич толаларнинг учлари жингалак тагига етиб келади ва деярли туташ доира ҳосил қилади; 2) чала буралган ($2/3$)-бундан жун толалари қалам тулнинг фақат қавариб турган қисмини қоплаб, туташмаган доира ҳосил қилади; 3) кам буралган ($1/3$) қоплагич толалар жингалак ёйининг учдан бир қисмининг биринчи қисмида жойлашган бўлади. Қорақўл терининг товар сатҳларида жун толаларининг қай даражада буралганлиги тўғрисидаги маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.

Турли рангдаги териларда жун толаларининг сағриси ва орқа соҳаларида камроқ жингалакланганлиги кузатилади. Орқа қисмидан яғрини ва бўйнига қараб ва ўрта дорзал чизикдан ёнбошларига қараб борган сайин жингалак тобора тўлароқ буралган ва баъзан бўшроқ, йирик очилганроқ бўла боради. Агар сағрисида жингалакнинг буралганлик даражаси $2/3$ бўлса, яғрини ва ёнбошларида $3/3$ га тенг. Шуни айтиб ўтиш ўринлики, энг қимматли навларга мансуб териларда жун толалари бутун товар юзаси бўйлаб бир текисда буралган жингалаклар кўпроқ учрайди.

Жун толаси тула буралган бўлса, жингалак пишиқ бўлади ва қўлга қайишқоқ бўлиб уннайди. Бундай жингалакли терилар ишлов бериш жараёнларида деярли ҳамиша чиройли нақшини сақлаб қолади. Жун толаси сал камроқ буралган бўлса, жингалакнинг қайишқоқлиги ҳам айниқса, қуруқ тузлаб қўйилган териларда жингалаклар унча яққол кўзга ташланиб турмайди, улар бўш ва пахмайган бўлиб туюлади.

Ошлаш, айниқса, ишлов бериш ва бўяш жараёнида жингалакларнинг буралганлик даражаси анча ортади. Жингалакларнинг очик томонидаги тола учларини препарат тайёрлаш игнаси ёки

туғноғичи билан кутариб қаралса, уларнинг қанчалик буралганлигини куриш осон.

9-жадвал

**Териларнинг юзалари бўйлаб
жингалакларнинг буралганлик даражаси**

Улчаш соҳаси	Териларнинг ранги ва жингалакдаги толанинг буралганлиги								
	к о р а			к у к			с у р		
	1/3	2/3	3/3	1/3	2/3	3/3	1/3	2/3	3/3
Сағриси	10	55	34	18	57	25	15	57	28
Оркаси	7	43	49	15	53	32	10	49	41
Яғрини	5	42	53	13	50	37	8	48	44
Ёнбоши	6	45	19	16	50	34	11	50	39

ЖИНГАЛАКЛАРНИНГ ПИШИҚЛИГИ ЁКИ ҚАЙИШҚОҚЛИГИ уларнинг механик таъсир вақтида ўз шакли ва ҳолатини сақлаб қолиш хусусиятидир. Жингалакнинг пишиқлиги қоракўл териларнинг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, қоракўл терилар жингалакларнинг пишиқлиги жуда кўп сабабларга боғлиқ. Жумладан, совлиқларнинг ёши, ҳомиланнинг она қорнида ривожланиш шароити, бирга туғилган эгиз қўзилар сони, қўзиларнинг туғилган пайтдаги вазни, уларнинг қайси қоракўл типига мансублиги кабилар ана шундай сабаблардир. Бундан ташқари, жингалакнинг пишиқлиги, унинг структура хусусиятларига ва жун толасининг сифатига ҳам боғлиқ. Толаларнинг майинлиги ва узунлиги ҳам жингалак пишиқлигига таъсир этади. Бошқа шароитлар бир хил бўлганда қалам гулли жингалаклар ҳаммадан пишиқ бўлади. Тола нечоғли майин ва узун бўлса, жингалак шунчалик бўш бўлиб чиқади ва бунинг аксинча, жун толаларининг қалинлиги ҳам жингалаклар пишиқлигига бевосита алоқадордир.

Жун толаларининг қалинлиги қанча кам бўлса, жингалаклар пишиқлиги ҳам шунча паст бўлади, жун толалари нечоғли қалин бўлса, жингалаклар шунча кўпроқ пишиқ бўлади. Жун толалари қалинлиги билан жингалак зичлигининг ўзаро боғлиқлик коэффициенти

қора қорақұл териларда анча катта, кўк териларда эса анча кичикрок бўлади. Сур терилар бу жиҳатдан оралик ўринда туради.

Демак, жингалакларнинг пишиқлиги билан уларнинг тери товар юзаси бўйлаб бир текис жойланиши ўртасидаги боғланиш қора ва сур териларда, айниқса яққол кўк териларда эса бирмунча камроқ сезилиб туради.

Жун толаларининг майинлиги бир текисда бўлса, жингалаклар жун толалари ҳаддан ташқари майин, қалин ёки нотекис бўлгандагига нисбатан пишиқ бўлади. Пишиқ жингалаклар механик таъсирлардан кам букилади. Бу хусусият қорақұл сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Жингалакларнинг қайишқоқлигини аниқлаш, айниқса тузлаш усулида консерваланган териларда (чет моддалар аралашганлиги сабабли) ниҳоятда қийин иш. Шунинг учун чок эни ва тери тўқимасининг зичлигини ҳисобга олиш тавсия этилади. Толалар жуда қалин, чоклар тор ва тери тўқимаси зич бўлганда жингалаклар пишиқ бўлиб чиқади. Технологик ишлов бериш жараёнида териларнинг киришуви натижасида жун толаларининг қалинлиги ҳамда жингалакларининг пишиқлиги ортади.

ЖИНГАЛАКЛАРНИНГ ТЕРИ БҮЙЛАБ ЖОЙЛАНИШИ.

Теридаги жингалаклар ҳамиша ўзига хос нақш ҳосил қилади, нақшларнинг шаклланишида эса қалам гул ва бошқа шаклдаги жингалакларнинг жойланиши муҳим роль ўйнади. Жингалаклар тўлқини (мавжи) канча узун бўлса, терининг нақши шунчалик чиройли бўлиб чиқади. Жингалаклар буралганлигининг яққол кўзга ташланиб туриши, уларнинг эни ва баландлиги, чок эни ва тола сифати ҳам нақшга кўркамлиқ бахш этади (10-жадвал).

В.М.Юдин жингалаклар жойланишининг уч типини таърифлаб берган:

1) Параллел-тўғри жойланиш, бунда жингалаклар терининг ўрта чизиғи бўйлаб жойлашган. Тўғри ёки билинар-билинемас эгилган узун-узун жингалаклар терининг бутун кўндаланг юзаси бўйлаб параллел ётиқ ҳолатда жойлашган;

2) параллел-концентрик жойланиш - жингалаклар айниқса, сағри ва бел соҳасида концентрик ярим доира, ярим ой ёки лира шаклида жойлашади;

3) ўзаро нотўғри, ноаниқ жойланиш - жингалаклар бир-бирига нисбатан турлича бурчак ҳосил қилиб ётади.

**Турли навларга мансуб териларда жингалакларнинг
жойланиш манзараси**

Қорақўл навлари	Нақшнинг жойланиши бўйича, %			
	параллел концентрик	параллел тўғри	ноаник	аралаш
Жакет I	76,9	2,2	5,7	15,2
Қалин жакет	52,3	-	25,4	22,3
Москва жакети	60,4	6,0	12,5	21,1
Жакет II	43,7	-	54,1	2,2
Кавказ қалин I	32,4	-	53,7	13,9
Қовурғасимон юпка I	28,9	50,3	-	20,8
Қовурғасимон қалин II	11,9	63,0	-	25,3
Ясси юпка I	23,5	55,7	5,1	15,7
Ясси қалин I	15,1	59,5	-	25,4

Дастлабки икки типдаги нақшларнинг вужудга келишида қалам гул жингалаклар билан камбар ёл гуллар, учинчи типни ҳосил қилишда эса калта қалам гуллар, ловия ўртача ва калта ёл гуллар ҳамда бошқа хил жингалаклар иштирок этади. Бошқа тадқиқотлар ушбу таърифни яна бир арчасимон тип билан тўлдирганлар. Бундай типда терининг дорзал чизиғи бўйлаб унча сезилмайдиган ўқ ўтган бўлиб, ана шу ўқдан жингалаклар икки ёнга арча тарзида ёйилиб тушади. Бундай типдаги нақш қорақўлча, қорақўл-қорақўлча, қовурғасимон қорақўл навларига хос, лекин унинг бўлмагани маъқул.

Жадвалдан кўриниб турибдики, жингалакларнинг параллел-тўғри жойланиши асосан қовурғасимон ясси гулли қорақўл гуруҳига, параллел-концентрик жойланиш - жакет гуруҳига, ноаник жойланиш эса Кавказ қорақўл гуруҳларига хосдир.

Юқорида баён қилинган типлардан ташқари В.М. Юдин жингалаклар нақшида асимметрия ҳодисасини аниқлади. Маълумки, қорақўл териларнинг деярли кўпчилигида жингалаклар терининг дорзал чизиғига нисбатан симметрик ҳолатда жойлашган бўлади ва бундай

терилар юқори баҳоланади. Аммо баъзи бир териларда, айниқса, қорақулча навли териларда жингалакларнинг жойланишида аниқ асимметриялик кузатилади: терининг унғ ярми чап ярмига мутлақо ўхшамайди. Қорақулчанинг турли навлари орасида 47% ана шундай терилар аниқланган. Асимметриялик ҳодисаси ҳомила ривожланган бачадон шохига ошқозоннинг механик таъсири (босиб туриши) оқибати деб изоҳланади. Бундан ташқари, ҳомиланинг она қорнида ривожланиш даврида доимо бир томонлама ҳолатда бўлиши ҳам кўп жиҳатдан асимметрияга олиб келиши мумкин.

Ошланган ва ранг берилган соф зотли қора қорақул ҳамда қорақулчани навлашда нақшлари асимметрик жойлашган терилар қуйидагича нисбатда бўлиши аниқланди (11-жадвал).

11-жадвал


Ҳар хил тур ва навларга мансуб терилар жингалак нақшларининг асимметрик жойланиши

Ассортименти	Нақшнинг жойланиши бўйича, %		
	аниқ асимметрия	қисман асимметрия	симметрия
Ўулак	39,5	17,3	43,2
Қорақулча	16,5	30,3	53,2
Қорақул-қорақулча	6,1	16,4	77,5
Жакет I	0,5	2,3	97,2
Қалин жакет	-	-	100,0

Қорақулча гуруҳидаги, хусусан, ўулак ва қорақул-қорақулча гуруҳидаги териларнинг кўпи очиқ ва қисман асимметрик нақшли бўлиб чиқди. Қорақул-қорақулча ва қорақул гуруҳига ўтган сайин нақшларнинг симметриклити анча камая боради; жингалаги кўпроқ ривожланган териларда эса асимметрия мутлақо кузатилмайди.

Қорақул териларда нақш асимметрииysi камдан-кам учрайди, шунга қарамай Москва жакети ва қовурғасимон юпка I навларига мансуб териларда бу ҳодиса анчагина (5-15%) учраб туради. Жингалакларнинг асимметрик нақши айниқса кичик сатҳли териларда кўп учратилади, буни кўп болалаш (серпуштлик) таъсири (она қорнидаги ҳомилаларнинг бир-бирига механик таъсир этиши) натижаси деб изоҳлашга уринмоқдалар.

Жингалаклар жойланишининг дастабки уч хил нақшини узида мужассамлаштирган а:б, а:в ёки в:б, в:а тарзидаги терилар учрайди (11-расм).



11-расм. Қорақўл териларда жингалакларнинг жойланиш нақши.

• Қовурғасимон ва жакет қорақўл гуруҳига кирувчи терилар орасида ноаниқ нақшли терилар учраб туради: уларнинг сағриси соҳасида жингалаклар параллел-концентрик тарзда, орқасидан яғринигача ва ёнбошлари бўйлаб эса - параллел-тўғри ҳолатда жойлашган бўлади. Сағри қисмидаги жингалаклар нақши параллел-концентрик ҳолатда, орқасидан бошлаб яғринига қадар эса аралаш тарзда жойлашган герилар бундан ҳам кўпроқ учрайди. Жакет ва Кавказ типидagi қорақўл гуруҳларида ана шундай терилар топилди.

Жингалаклар узунлиги билан уларнинг терида жойланиш нақши ўртасида боғланиш борлиги аниқланди. Жингалаклари тери

бўйлаб параллел-тўғри ёки параллел-концентрик нақш ҳосил қилиб, ски шу хил нақшларнинг аралашмаси (комбинацияси) тарзида жойлашган териларда жингалаклар энг узун ва бир текисда бўлади (12-жадвал).

Тирик қўзининг терисиди жингалакларнинг жойланиш нақшига орқа томондан баҳо берилади, бунинг учун қўзини бамисоли ўтқазиб қўйгандай ҳолатда тутиб турилади. Сўйилган қўзининг терисига эса исталган ҳолатда баҳо берилаверади.

Жингалаклари лирасимон ёки параллел-концентрик тарзда жойлашаган терилар энг қимматли ҳисобланади, бундай нақшларни ҳосил қилишда, одатда, кўпинча ярим доирали қалам гул жингалаклар иштирок этади, жингалаклари параллел-тўғри нақш ҳосил қилиб жойлашган терилар ҳам кўркамликда улардан қолишмайди, бунда ҳам узун ва ўртача узунликдаги қалам гул жингалаклар ҳамда ёл гуллар иштирок этади.

12-жадвал

**Жингалаклар узунлиги билан уларнинг териди
жойланиш нақшининг ўзаро боғлиқлиги**

Жингалагининг жойланиши	Терининг турли товар участкаларида жингалак узунлиги, мм			
	сағриси	орқаси	яғрини	ёнбоши
А.Параллел-концентрик	76	69	35	40
Б.Параллел-тўғри	80	71	63	65
В.Аралаш	31	22	15	13
С.Арчасимон	75	69	62	45
Курама:				
А + Б	64	62	55	32
А + В	58	41	20	21
Б + В	32	37	23	17

Жингалаклари аралаш тарзда жойлашган терилар камроқ қимматли ҳисобланади, бундай териларнинг нақши ўртача ва қисман узун қалам гул жингалаклардан ҳамда ўртача ёл гуллардан ташкил топади. Калта ва ўртача нотўғри жойлашуvidан ташкил топган курама терилар ҳам кам қиммат қора-кўл ҳисобланади.

Қоракўлга ишлов бериш жараёнида жингалакларнинг жойланиш нақши доимий бўлиб қолади ва фақат унинг равшан ифодаланганлик даражаси ўзгаради.

ЖИНГАЛАКНИНГ ОЧИҚ ТОМОНИ. Н.П.Чирвинский қоплағич жун толаларининг учлари эгилган томонни, яъни жингалакнинг кириш томонини унинг очик томони деб атади (12-расм). Қорақўлчилар ва товаршунослар қорақўл тери нақшида жингалак очик томонининг йўналишига жуда катта аҳамият берадилар. Жингалагининг очик томони бош томонга йўналган терилар ишлов бериш жараёнида яхшиланади, жингалагининг очик томони дум томонга йўналган терилар эса ёмонлашади, чунки қорақўл тери сағрисидан яғринига ва четларидан дорзал чизикка томон йўналишда киришади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, жингалакларнинг узунлиги орта борган сайин жингалагининг очик томони бошга томон йўналган терилар микдори деярли барча қорақўл гуруҳларида кўпая боради.

Жингалакларнинг очик томонининг кўпчилиги муайян қорақўл тери гуруҳларига хосдир, бу белги бўйича тафовутлар ҳам аҳамиятга эгадир.


Жадвалдан кўриниб турганидек, жингалак очик томонининг йўналиши билан қорақўл тери гуруҳлари ўртасида муайян боғланиш бор. Жакет қора-қўл гуруҳига кирувчи териларда жингалакларнинг очик томони бошга томон йўналган кўпчиликни ташкил қилади ва Кавказ гуруҳида аксари ноаниқ ва бошга томон, қовурғасимон ва ясси гуруҳда эса - асосан думга ва бошга томон жингалаклар кўпчиликни ташкил қилади. Бу ҳодиса қора, кўк ва сур рангли териларда тенг даражада учрайди.

Қора, кўк ва сур қорақўл териларда жингалаклар очик томонининг йўналиши билан улар нақшининг турли товар юзаларида жойланиши ўртасида боғланиш борлиги аниқланган.

Жингалакларининг нақши параллел-концентрик жойлашган қора қора-қўл териларда жингалакларнинг очик томони деярли ҳаммиша (98%) ярим доира ёйининг ички чизиғи бўйлаб ёнбошлардан дорзал чизикка қараб ва сағрисидан бошига қараб йўналган бўлади.


Жингалаклар параллел-туғри ҳолатда жойлашган терида уларнинг очик томони ёнбош томонга (58%) ёки дум томонга (42%) йўналган бўлади.

Териларда ишлов бериш жараёнида жингалаклар очик томонларининг йўналиши қисман ўзгаради.



12-расм. жингалак очик томонининг йуналиши:
а) бош томонга, б) дум томонга, в) несаник.

Жингалаклар нисбати. Хар бир қоракўл терида 500 дан ортиқ турли шакл ва типдаги жингалак бўлади. Шунинг учун турли гуруҳ ва навларга мансуб терилар фақат жингалакларининг типини ва сифатини жиҳатидангина эмас, балки терининг товар (стандарт) юзасидан турли жингалакларнинг нисбати жиҳатидан ҳам тенг қимматли эмас. Қо-



13-расм. Жингалаклар нисбатини тўр ёрдамида аниқлаш услублари.

рақул тери кимматининг мазкур муҳим кўрсаткичи ҳам ҳайвонларни селекциялашда, шунингдек, териларнинг товар сифатига баҳо беришда ва уларни сотиш учун гуруҳ-гуруҳ қилиб хиллашда каътий равишда ҳисобга олинади.

Теридаги жингалакларни санаш услубини И.Н.Дьячков билан Р.Т.Письменная ишлаб чиққан. Улар диаметри 3-4 мм ли сим тўр конструкциясини ҳам тайёрлашган, бундай тўр ёрдамида тери сатҳи 10 та тенг квадратга ажратилади. Ҳар бир квадратдаги у ёки бу хил жингалакларни санаб чиқиш йўли билан уларнинг теридаги нисбати-ни тезгина аниқлаш мумкин (13-расм).

Турли гуруҳларга кирувчи ишлов берилган ва бўялган терилар жингалакларининг нисбати худди шу услуб асосида аниқланади (13-жадвал).

13-жадвал

**Турли навларга мансуб терилардаги
жингалаклар шакли ва типлари нисбати**

Қорақул нави	Жингалаклар нисбати, фоиз (%)					
	ярим доира	қовур- ғасимон	ясси	ловия	ёл гул	бошқа шакллар
Жакет I	69	3	2	18	8	-
Қалин жакет	58	-	-	37	5	-
Москва жакети	55	4	7	20	12	2
Жакет II	40	-	2	42	7	9
Кавказ қалин I	22	-	-	56	10	12
Қовурғасимон юпка I	15	34	8	12	26	5
Қовурғасимон қалин I	11	28	5	10	38	8
Ясси юпка I	5	4	40	10	20	14
Ясси қалин I	8	2	35	10	30	15

Жадвалдан кўриниб турибдики, жакет I, қалин жакет ва Москва жакети навларига мансуб териларнинг товар юзаси асосан ярим доирали қалам гул ва қисман ловиясимон жингалаклар билан қопланган. Бошқа шакл ва типлардаги жингалаклар галма-гал навбатлашган ҳолда учрайди. Қалин Кавказ I навига мансуб териларнинг юзаси асосан ловиясимон ва қисман ярим доира шаклдаги қалам гул жингалаклар билан тўлган. Қовурғасимон I ва қовурғасимон қалин I

типдаги терилар асосан қовурғасимон, ярим доирасмон қалам гул, жингалак ва қисман ёл гуллардан ташкил топади. Юпқа ясси I ва қалин ясси I навли териларнинг юзаси асосан ясси ярим ва ярим доира қалам гул, қисман ясси ёл гуллар билан қопланган.

Турли рангдаги терилар мавжуд жингалаклар нисбати ҳам шунга ўхшаш натижа беради.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жакет гуруҳига кирувчи терилар учун ярим доирали - қалам гул жингалакларнинг кўп бўлиши ҳосидир; Кавказ гуруҳи учун - ловиясимон; қовурғасимон гуруҳ учун - қовурғасимон ва ярим доирали қалам гул жингалакларнинг ёл гуллар билан аралаш ҳолда, ясси гулли терилар гуруҳи учун эса - ясси қалам гул ёл билан аралаш ҳолда кўп бўлиши характерлидир.

Теридаги керакли ва кераксиз жингалак типлари нисбатини аниқлаш сўйилмаган ва сўйилган қорақўл кўзиларнинг терисига баҳо беришда асосий элементлардан бири ҳисобланади.

ҚОРАҚЎЛ ЖИНГАЛАКЛАРИДАГИ ЖУН ТОЛАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жун толасининг хусусиятларига баҳо беришда уларнинг узунлиги, ингичкалиги ипаксимонлиги, ялтироклиги, қалинлиги, пигментацияси ҳисобга олинади. Жун толаларининг сифат характеристикаси морфологик тузилишидаги тафовутлардан ташкил топади. Жун толасининг сифати ўлчаб кўриш йўли билан ёки ялтироклигига қараб белгиланади.

ЖУН ТОЛАЛАРИ УЗУНЛИГИ. Қорақўл хусусиятини ва қорақўл хом ашёсини товар қимматини белгилашда тола узунлиги муҳим ўрин тугади.

М.Ф.Иванов жун толаларининг узунлигини энг муҳим белгиларидан бири деб ҳисоблаб, зот устида иш олиб борганда уни ҳисобга олишни тавсия этган.

Жун толасининг узунлигини одатда сантиметрли линейка билан жингалакнинг очик ва ёпиқ томонидан ўлчаш қабул қилинган. Бунинг учун линейкани жингалак чоклари орасига қўйиб туриб, толаларини ёзилтириб тўғрилашга ҳаракат қилинади. Иккала ҳолатда ҳам толанинг катта қисми тўғриланмаган ёй шаклида қолиши ва тола тутами-

нинг учиди бамисоли иккита ярус ҳосил бўлиши сабабли, унинг ҳақиқий узунлигини тўлиқ ўлчаб бўлмайди.

Қоплагич толалар узунлигини ўлчаш осон ва қулай бўлганлиги учун амалда уларнинг узунлиги қорақўл жингалакларининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб қолди, аммо у жингалак узунлигини характерловчи ўртача катталиқ бўла олмайди.

Толалар узунлиги бевосита терининг ўзиди, жингалакнинг очик томонидан ёки унинг орқа томонидан ўлчаш билан толалар тутамини юлиб олиб айрим тўғриланган толаларни ўлчаш натижалари кўрилганда улар турлича бўлиб чиқди (14-жадвал).

14-жадвал

Турли қорақўл навларида учрайдиган қалам гул жингалак толаларини турли усулда ўлчаш кўрсаткичлари, мм

Қалам гул типи	Навлари	Теридаги тола узун- лигини жингалакнинг икки томонидан ўлчаш		Юлиб олинган тола тутами узунлигини
		ёпик	очик	ўлчаш
Қаламси- мон гул	Жакет	8,1	7,2	11,5
" "	Қалин жакет	12,6	11,0	14,7
" "	Москва жакети	7,2		8,3
" "	Кирпук	6,4	6,1	8,5
" "	Кавказ қалин I	14,2	12,4	16,6
" "	Кавказ юпка I	13,6	12,2	16,1
Қовурғаси- мон	Қовурғасимон юпка I	7,7	7,0	9,0
" "	Қовурғасимон қалин I	10,1	8,3	12,5
Ясси	Ясси юпка I	8,0	7,6	10,2
" "	Ясси қалин I	11,1	10,1	13,1

14-жадвалдан кўриниб турганидек, турли навли териларда йўл қўйилган хатонинг катталиги бир текисда намоён бўлмайди, бу эса жун толалар сифатининг ҳар хиллиги (йўғонлиги, узунлиги, қалинлиги ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлса керак. Турли рангдаги ҳамда турлича усулда консерваланган териларнинг жун толалари узунлиги ўлчаб кўрилганда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса кузатилди (15-жавал).

**Турли рангдаги қорақўл териларининг қоплагич
толалари узунлиги, мм**




Терининг ҳолати ва консервланган- лиги	Қора			Кўк			Сур		
Тирик қўзида	11,2	12,6	12,0	16,3	17,6	8,0	13,1	14,6	11,1
Қурук тузланган	12,0	12,7	6,0	16,9	17,6	4,0	13,3	14,0	5,0
Тузсиз қуритилган	12,3	12,9	5,0	16,7	17,5	5,0	13,4	13,9	4,0
Ошланган	12,1	12,6	4,0	16,8	17,5	4,0	13,2	13,8	5,0
Ишлов берилган ва бўялган	12,2	12,7	5,0	16,9	18,3	8,0	13,4	14,4	7,0

15-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жун толаси узунлигини тирик қўзида ўлчанганда йўл қўйиладиган хато 8-12% га, қурук тузлаб қўйилган, тузсиз қуритилган ва ошланган териларда - 4-5% га, ишлов берилган ва бўялган териларда ўлчанганда 5-8% га етади.

Толаларнинг тагидан тарашлаб олиш йўли билан узунлигини энг аниқ ўлчаш мумкин. Бундай ҳолларга жингалакдаги барча қоплагич ва кирувчи толалар структурасини сақлаб қолиш учун аввал жингалакнинг бирор участкасига бир томчи коллодий томизилади, у тола ичига сингиб ўтиб, жингалак скелетини сақлаб қолади. Коллодий қотгандан кейин мазкур кичкинагина жун тола тутамини юпка эпидермис қатлами билан бирга устарада қириб олинади.

Яна бир усул - толаларни пинцет билан юлиб олиш. Танлаб олинган тола намуналарини қоғоздан тайёрлаб қўйилган махсус конвертчаларга солиниб, конвертчалар устига қўзининг қулоғидаги номери ёки шу намунанинг - терининг шартли номери ёзиб қўйилади.

Лабораторияда жун толалари узунлигини ўлчашга киришишдан олдин буюм ойналари, тигель, мум, спирт лампаси ва миллиметрли лупа тайёрланади. Мум то суюклангунга қадар иситилади, сўнгра битта буюм ойнасининг бир учи билан иккинчи буюм ойнаси сатҳига бир неча мум томизилиб, текис ва юпка қилиб суртиб чиқилади. Агар буюм ойнаси сатҳида бир текис юпка мум қатлами ҳосил бўлмаса, унинг тескари томонини спирт лампасига тутиб қиздирилади. Мум совигандан кейин намуналардаги тутамлардан жун толаларни



14-расм. I турли хил қорақул гуруҳларига мансуб териларда жун толасининг узунлиги: а) жакет, б) қовурғасимон, в) ясси. II ЦНИИШП системасидаги жун макротом, III кесиш.

улар жингалакда қандай жойлашган бўлса, худди шундай тартибда ажратиб олина бошлайди. Сунгра толаларни тўғрилаб, мумга ёпиштирилади. Шундай қилиб, жингалакдаги толалар гуруҳини тўғрилانган шаклда, энг четки коплағич толадан энг четки кирувчи толаларга қараб йўналган тартибда жойлаштириб чиқилади.

Миллиметрли лупа ёки дон ўлчагичдан фойдаланиб, толанинг ҳақиқий узунлиги белгилаб олинади. Бу препарат яна жингалакнинг ҳар бир толасининг узунлиги бўйлаб ингичкалигини аниқлаш учун ҳам керак бўлиши мумкин.

Жун толаларининг узунлиги қорақул терининг хом ашё турига, ҳомиланинг эмбрионал ривожланган муддатига ва бошда омилларига боғлиқдир. Эмбрионал ривожланишнинг эрта муддатларидаги ҳомилалардан шилиб олинган териларда жун толалари анча қалта, кечроқ муддатларда

шилиб олинган териларда узунрок бўлади.

Қорақўлча гуруҳига кирувчи териларнинг жун толалари энг қисқа бўлади. Улардаги бундай калта толалар ранг-баранг товланиш, жимжимадор нақшлар ва бўлажак жингалакларнинг шаклини ҳосил қилади. Қорақўл гуруҳига кирувчи териларда толалар оптимал узунликда бўлиб, улардан турли шакл ва типдаги жингалаклар шаклланади. Яхобоб типдаги териларнинг толаси ҳаммадан узун бўлгани учун улардан ечилиб кетган шаклдаги ва деформацияланган жингалаклар вужудга келади (16-жадвал).

16 -жадвал

Ҳар хил тур ва рангдаги териларда қоплагич толалар узунлиги

Хом ашё тури	Қора		Кук (хаво ранг)				Сур (қумуш ранг)	
	Қора-улга нисбатан,		қора тола		оқ тола		Қорақўлга нисбатан,	
	мм	%	мм	Қорақўлга нисбатан, %	мм	Қорақўлга нисбатан %	мм	%
Ўчтак	1,89	15,8	2,58	18,4	23,7	15,0	1,91	14,0
Қорақўлча	2,43	20,3	4,26	30,4	5,62	35,6	2,21	16,2
Қорақўл-қорақўлча	3,28	27,3	6,71	47,9	8,89	56,3	3,32	24,7
Қорақўл	12,26	100,0	14,0	100,0	15,8	100,0	13,6	100,0
Яхобоб	22,31	186,0	22,69	169,0	27,6	175,0	24,1	177,0

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, турли навларга мансуб қорақўл териларда учрайдиган толалар узунлиги бир хил эмас.

Келтириб ўтилган маълумотлардан турли навларга мансуб терилардаги бир хил шакл ва типдаги жингалакларда тола узунлиги турлича экани кўриниб турибди. Қаламгулсимон типдаги жингалаклар орасида яссилари энг калта қилтиқ ва тивит жун толали, қовурғасимонлар - ўртача, ярим доиралилар эса узун толали бўлган (17-жадвал).

Ёл гул шаклидаги жингалак аксарият қилтиқ толадан ташкил топган бўлиб, камбар типдаги ёл гулнинг тола узунлиги энг кичик. Ўртача ёл гулни ки - ўртамиёна ва сербар ёл гулнинг толаси энг узун экан. Умуман, ёл гулли жингалакнинг толаси энг калта, қалами жингалак толалари - оптимал ва ловиясимон жингалак толалари энг узун

булиб чикди. Қорақул ҳисобланмайдиган салбий шаклдаги жингалаклар толаси энг узун бўларкан.

17-жадвал

Ҳар хил навдаги ва рангдаги териларнинг бир хил номдаги жингалаклар толасининг узунлиги, мм ҳисобида

Жингалаклар тури ва формалари, тери нави	Қора		Қуқ (қул ранг)			Сур (қумуш ранг)	
	Қилтиқ толалар	Тивит толалар	Қилтиқ толалар		Тивит	Қилтиқ толалар	Тивит
			қора тола	оқ тола			
I. Қалам гул Жакет I	10,9	1,8	9,5	12,6	3,2	11,2	2,3
Қалин жакет	13,6	3,0	11,7	15,8	6,8	14,1	3,9
Москва жакети	9,3	2,1	7,4	9,8	4,1	9,7	3,2
Кавказ қалин I	16,8	4,7	15,2	20,7	8,7	17,2	6,6
II. Қовурғасимон							
Қовурғасимон юпка I	9,9	1,7	10,0	12,9	3,2	10,1	2,5
Қовурғасимон қалин I	13,2	2,8	13,2	17,3	3,5	13,7	3,1
III. Ясси							
Ясси юпка I	9,8	1,5	9,2	11,9	2,1	10,1	2,3
Ясси қалин II	13,3	2,4	12,8	16,6	3,7	14,3	4,2
IV. Ловиясимон							
Қалин жакет	16,2	6,1	15,6	21,2	7,8	17,1	7,3
Кавказ қалин	17,3	7,6	17,2	23,4	8,3	18,3	8,1
Кавказ юпка I	16,8	6,9	16,5	22,6	8,2	17,5	7,6
V. Ёл гул							
Қамбар ёл гул	9,8	1,6	9,1	12,1	2,1	10,2	2,4
Қовурғасимон юпка I	9,3	1,5	9,1	11,7	1,9	9,8	1,8
Ўртача ёл гул							
Жакет I	11,4	2,3	11,1	14,6	3,2	11,7	2,7
Қовурғасимон юпка I	12,0	1,5	11,3	14,3	3,0	11,1	2,5
Ясси юпка I	10,7	2,5	10,1	13,0	2,9	9,8	2,7
Сербар ёл гул							
Қовурғасимон							
Қалин I	16,0	3,8	15,1	19,9	4,2	18,2	4,8
Ясси қалин	15,7	3,6	15,4	20,2	4,2	16,2	4,5
VI. Қорақул бўлма ган салбий жингалаклар							
Ҳалқа			18,6	22,7	8,2		
Бурама (парма)			19,4	26,4	8,9		
Нухатча			14,7	23,6	7,1		
Чиғанок			20,1	28,3	10,7		

Бундай жингалаклар асосан рангдор қорақулда учрайди.

Маълумки, қимматбаҳо қорақул жингалаклари асосан бир хил сифатли қилтиқ толалардан ҳосил бўлади. Тивит толаларининг узунлиги қилтиқ толалар узунлигининг $1/6 - 1/5$ қисмига тенг бўлади, шу сабабли улар қорақул жингалакларини ҳосил қилишда иштирок этмайди. Тивит пайдо бўлиши ҳамиша қимматбаҳо жингалак шакллари ва типларининг бузилишига олиб келади. Тивит асосан салбий шаклдаги жингалаклар ҳосил бўлишида иштирок этади ва қисман кам қиммат жингалакларда учрайди.

Шундай қилиб, турли шакл ва типдаги жингалакларда тола узунлиги қорақул териларнинг товарли хусусиятлари, уларнинг нави билан боғлиқ экан. Шунини айтиш керакки, товар сатҳининг турли топографик участкаларида жойлашган айнан бир хил жингалакларда жун толаларининг узунлиги бир хил эмас. Бир терининг ўзида учрайдиган бир хил форма ва типдаги жингалакларнинг тери сағрисида жойлашганларида толалар энг калта, орқаси ва ёнбошида - ўртамиёна ва яғринида энг узун бўлиб чиқди. Ясси ва ковуғасимон қалам гулли жингалаклар гуруҳида жун толалари узунлигидаги мазкур тафовут ярим доира жингалакли қалам гулларга қараганда кам даражада эканлиги сезилиб турибди.

Шунини қайд қилиб ўтиш керакки, қорақул териларнинг турли топографик участкаларидаги жун толалари узунлигининг бир текис эмаслиги қалам гул жингалак ва ёл гуллар узунлигига тесқари нисбатдадир. Тола нечоғли калта бўлса, жингалак шунча узун ва тола нечоғли узун бўлса, жингалак шунча калта бўлади (18 - жадвал).

18-жадвал

Турли рангдаги қорақул териларда жун толалари узунлигининг ярим доирали қалам гул жингалаклар узунлигига боғлиқлиги.

Жингалаклар узунлиги, мм	Қора		Қуқ				Сур	
	сағ- риси	яғ- рини	қора тола		оқ тола		сағ- риси	яғ- рини
			сағ- риси	яғ- рини	сағ- риси	яғ- рини		
60 ва ундан ортиқ	6,5	7,3	7,0	8,1	8,7	10,3	8,1	9,2
45-60	7,3	8,2	7,9	8,6	9,5	11,6	8,7	10,3
35-45	8,7	10,2	9,5	10,8	11,6	14,2	10,4	12,3
25-35	10,6	13,2	11,6	13,7	13,9	18,4	12,2	15,6
15-25	12,1	15,8	13,1	16,0	14,2	19,3	13,6	17,9

18 - жадвалдан кўриниб турибдики, узун қалам гул жингалакли териларда тола узунлиги бошқаларга нисбатан энг қисқадир: қалам гул жингалаклар узунлиги қисқара борган сайин толалар узунлиги сезиларли даражада ортади. Шу билан бирга жингалак нечоғлик узун бўлса, териларнинг товар юзасидаги толалар узунлиги шунчалик бир текис бўлади ва жингалак нечоғли қалта бўлса, толалар шунчалик узун ва териларнинг товар юзасидаги жингалаклар унчалик бир текис бўлмайди. Толалар узайган сайин нақшларнинг яққол кўриниши, ялтироқлиги ва ипаксимон майинлиги камаё боради. Ўргача узунликдаги толаларда жингалаклар аъло даражада ифодаланган, толалар эластик, нормал даражада пигментланган ва ипакдай майин бўлади. Бу ҳолат қора қорақўл ва сур териларда айниқса яққол ва кўк териларда бир оз камроқ кўзга ташланиб туради. Демак, жун толаларини қисқартишни кўзлаб олиб бориладиган селекция ишлари қалам гул жингалаклар узунлиги ортишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир конкрет навда учрайдиган кўпчиликни ташкил қилувчи жингалаклар шакли ва типлари улардаги тола узунлигини характерлайди (19-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир навдаги териларга жун толаларининг муайян узунликда бўлиши хосдир. Кавказ ғуруҳига кирувчи териларнинг қалам гул жингалакларидидаги толалар энг узун, қовурғасимон ва

19-жадвал

Қалам гул жингалаклариди тола узунлиги, мм

Қалам гул жингалаклар типи	Навларининг номи	$M \pm T$	Жакет I га нисбатан, %
Қаламсимон-гул	Жакет I	$11,2 \pm 0,9$	100
" "	Калин жакет I	$15,0 \pm 1,0$	135
" "	Жакет Москва	$9,3 \pm 0,6$	83
" "	Кирпук	$8,9 \pm 0,5$	79
" "	Кавказ калин I	$16,8 \pm 0,9$	150
" "	Кавказ юпка I	$15,5 \pm 0,8$	138
Қовурғасимон	Қовурғасимон юпка I	$9,6 \pm 0,5$	86
" "	Қовурғасимон калин I	$13,2 \pm 1,1$	118
" "	Ясси юпка I	$9,1 \pm 0,8$	81
" "	Ясси калин I	$13,3 \pm 1,0$	119

ясси жингалаклар узунлиги - энг калта ва жакет гурухидаги жингалакларнинг толаси муътадил узунликда экан. Кавказ қалин I, Кавказ юпка I ва қалин жакет навларида учрайдиган ярим доирали қалам гул жингалакларнинг тола узунлиги катта, кирпук навиники энг кам, жакет I навиники эса ўртача бўлиб чикди. Қовурғасимон қалин I ва ясси юпка навларидагига нисбатан анча ортиқ экани маълум бўлди. Кўк ва сур терилар ўртасида ҳам тахминан шундай тафовутлар қайд қилинди.

Хар хил ёшдаги қўйлардан туғилган қўзиларнинг жуни узунлиги буйича бир хил бўлмайди. Бир ва икки яшар ёш қўйлар ўсишдан тўхтамаганлиги сабабли улардан туғилган қўзилар нисбатан майда ва унча етилмаган бўлади. Албатта уларнинг жунлари ҳам ўрта (3-6) ишлаб чиқариш ва 6 ёшдан катта бўлган қўйлардан олинган қўзиларникига караганда пастроқ бўлади (20-жадвал).

Ўрта ишлаб чиқариш ва айниқса 6 ёшдан катта бўлган қўйлардан туғилган қўзи терисидаги жунлар жуда баланд бўлади. Хар хил табиий экологик доираларда жойлашганлиги, қай даражада озуқалар билан таъминланганлиги, кўпайтириш учун қабул қилинган қўйларнинг жунларини узунлиги ҳам хар хил характерда бўлади. Қоракўл қўйларини хар хил озуқа яйловларида боқиш шароити албатта бўғоз қўйларнинг семизлигига ва улардан туғиладиган қўзиларнинг қоракўл хусусиятларини вужудга келишига таъсир қилади. Семиз қўйлардан туғилган қўзилар ҳамиша жунларининг узунлиги ва зичлиги, қўзилар эса- жунининг пастлиги ва сийраклиги билан ажралиб турган.

20-жадвал

Қўзи жунининг узунлигини қўй ёшига боғлиқлиги.

Қўйнинг қўзилаш ёши	Жуннинг топографик қисми буйича узунлиги							
	сағриси		орқаси		яғрини		ёнбоши	
	мм	3-6 яшарга нисбатан, %	мм	сағриси- га нисбатан, %	мм	сағриси- га нисбатан, %	мм	сағриси- га нис- батан, %
1 яшаргача	9,7	79	9,9	102	10,6	109	10,3	106
2 яшаргача	11,8	96	12,3	104	13,2	112	12,7	108
3-6 яшар	12,7	100	13,0	105	13,9	113	13,9	109
6 ёшдан катта	12,7	103	13,7	108	14,7	116	13,9	109

Қўзи толаси билан унинг тирик вазнининг боғлиқлиги

Қўзини сўйиш олдидаги ўртача тирик вазни, кг	Толанинг узунлиги, мм		Фарқи	
	сағрисида	яғринида	мм	фоиз
1,87	6,6	6,7	0,1	-1,5
2,31	7,1	7,2	0,1	-1,4
2,80	8,2	8,6	0,4	-4,9
3,39	8,8	9,8	1,0	-11,3
3,78	9,3	10,8	1,5	-16,2
4,27	10,7	12,9	2,2	-20,5
4,72	12,3	14,8	2,5	-21,3
5,29	14,5	17,8	3,3	-22,7

Терининг топографик қисмида жойлашган толалар узунлигининг ҳар хиллиги, қалам гул жингалаклари узунлиги орасида салбий боғланиш мавжуд.

Демак, қўйнинг бўғоз пайтидаги етарли озуқа билан таъминланиши ҳомилани бир меъёрда ривожланишига ва қорақўллик хусусиятларини шаклланишига сабаб бўлади. Озуқа танқислиги эса, сезиларли даражада ҳомила ривожланишини ва жун толаларини ўсишини сустайтиради.

Қўзи териси толасининг узунлиги билан уларнинг тирик вазни ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш мавжуд (21-жадвал).

Энг узун толалар, тирик вазни бўйича энг юқори бўлган қўзиларнинг териларида ва энг калта толалар эса, майда ва енгил қўзичаларнинг териларида бўлиши қайд этилган.

Туғилган қўзининг тирик вазни ошиши билан унинг толасининг узунлиги сезиларли даражада узайиб боради, аксинча, бир текисда камая боради, товарлик ҳажмига (майдонига) бўлган ишонч эса сезиларли даражада ортиб боради.

Қўк қорақўл терида жуннинг узунлиги жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Оқ ва қора толаларнинг ҳамда уларнинг ўзаро нисбати қўк қорақўл терида маълум ранг ва ундаги нозик фарқларни пайдо бўлишига сабаб бўлади (22-жадвал).

**Ҳар хил гуруҳдаги яхобоб қорақўл терилардаги оқ толанинг қора
толага нисбати, фойз ҳисобида.**

Ранглари ва турлари	Жакет	Қовурғасимон юпка I	Ясси юпка I
Сут ранг	130	131	131
Пўлат ранг	119	119	119
Кумуш ранг	135	137	132
Қўрғошин ранг	122	122	121
Марварид ранг	166	143	142
Ҳаво ранг	135	131	131
Садаф ранг	132	130	130
Сафид ранг	113	113	113
Қорамтир ранг	145	143	141

Қора толалар сонининг камайиши оқиш (оч) рангни ва кўпайиши эса, қорамтир ранглари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Оқ ва қора толалар узунлиги орасидаги фарқлар қанча кам бўлса, шунча қиммати паст бўлган қора кўк, темир кўк ранглари келиб чиқишига, фарқларининг кўпайиши эса, жуда қимматли ҳаво ранг, кумуш ранг ва садаф ранглари пайдо бўлишига имкон туғдиради.

Демак, жадвалдан кўрииб турибдики, қора толалар нисбати камайса оч туслар пайдо бўлади, уларнинг нисбати ошганда эса тўқ тусдаги жингалаклар вужудга келади. Қора толалар билан оқ толалар ўртасидаги тафовутнинг жуда камайиб кетиши унча қимматли бўлмаган қорамтир кул ранг ва пўлатсимон тусдаги нақшлар ҳосил бўлишига, ушбу тафовутнинг кўпайиши эса, жуда қимматли ҳаво ранг, кумуш ранг ва дурсимон ранг пайдо бўлишига олиб келади. Бу тафовут ва хусусиятлардан муайян тус ва ранг-баранг қорақўл етиштириш соҳасидаги селекция-наслчилик ишларида муаффақиятли фойдаланиш мумкин.

Сур - қорақўл териларнинг жингалаклари узунлигини вужудга келтирган зотдир ва завод типларига кирувчи қорақўл маҳсулоти навлари доираси ичида ўрганиб чиқилганда мазкур типлар орасида ва бир хил типлар ичида ранг-баранглиги жиҳатидан муҳим тафовутлар борлиги аниқланди. Бўхоро суридаги олтинсимон рангли қопловчи толалар узунлиги 12,0 мм; кумуш ранг толалар - 11,0 мм келади;

Қорақалпоқ суридаги шамчирок гул рангли толанинг узунлиги 15,4 мм келади; пўлат сур толалари - 16,4 мм; ўрик гул толалари узунлиги 14,0 мм ва шабдор толалари - 15,1 мм; чақиргул - 16,8 мм ва камбар гул толалари - 15,7 мм бўлиб чиқди.

Кўриниб турибдики, сур териларининг бир хил ном билан аталувчи навлари тола узунлигидан ҳар бир тип ва рангга доир мазкур тафовутлар ҳар бир ҳўжаликда селекция-наслчилик ишлари йўналишини танлаш билан боғлиқ хусусиятлар жумласига киритилиши керак.

Демак, сур терилардаги жингалак тола узунлиги тола туби ёки учининг ранги билан ёки толанинг қорамтир тубидан унинг оқиш учига ўтиш контрастлиги билан, шунингдек, сур терининг рангбаранглиги ва унинг товар юзаси бўйлаб бир текис (муътацил) ёйилганлиги билан мутлақо алоқадор эмас.

Серўт яйловлар билан таъминланган яхши шароитда жойлашган ҳўжаликлар ("Конимех", "Нишон" ДНЗ "Чимқурғон" совхози)да етиштирилган бир хил номли навларга кирувчи қора қорақўл терилар тола узунлиги жиҳатидан ёмонроқ озуқа шароитида жойлашган ҳўжаликлар ("Жонгелди" наслчилик совхози ва "Октябрь 40 йиллиги" совхози) да олинган терилардан 8,1-12,6% устун туради.

Семиз совлиқлардан олинган кўзиларнинг терилари тола узунлиги жиҳатидан ориқ совлиқлардан олинган кўзиларнинг терисидан 5,4-7,6% афзалликка эга.

ЖУН ТОЛАЛАРИНИНГ ИНГИЧКАЛИГИ жингалак сифатининг, бинобарин, бутун қорақўл тери сифатининг ҳам энг муҳим белгиларидан биридир. Қоплогич толаларнинг ингичкалиги нечоғли бир хил бўлса, жингалак шунча кўркам ва аниқ бўлади. Қорақўл жингалаклари толасининг ингичкалиги деганда унинг кўндаланг кесилган диаметрининг микрон билан ўлчанган катталиги тушунилади. Турли шакл ва типдаги жингалаклардан олинган толаларнинг кўндаланг кесимини текшириш уларнинг турлича тузилишга эга эканлигини кўрсатади.

Ярим доирали қалам гул жингалаклар толасининг кўндаланг кесими асосан бир хил, равшан кўриниб турадиган ловиясимон ёки овал ловиясимон шаклда бўлади.

Турли навларга мансуб териларда учрайдиган ярим доирали қалам гул жингалак толалари кўндаланг кесимининг эни ва йўғонлигига оид қуйидаги параметрлар билан характерланади. Жакет I навида

тола кўндаланг кесимининг эни 53,1 мк, йўғонлиги -34,6; қалин жакет навида тола кўрсаткичлар 69,4 ва 40,5 мк; Москва жакетида - 42,5 ва 30, мк; кирпукда - 46,7 ва 34,4 мк; жакет II да - 58,7 ва 37,3 мк; қалин Кавказ I да - 72,3 ва 45,2 мк; юпка Кавказ I да 59,3 ва 39,1 мк.

Кавказ гуруҳига кирувчи терилардан олинган толаларнинг кўндаланг кесими ўлчамларининг йириклиги билан, овал - ловиясимон шакли ва ўзагининг катталиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Қовурғасимон қалам гулли жингалакларнинг жун толалари асосан бир хил, йирик ўлчамли, овал - ловиясимон ва юмалоқ-квадрат шаклда бўлиб, ўзаги яққол кўриниб туради.

Қовурғасимон навли териларда учрайдиган қовурғасимон қалам гул жингалакларнинг жун толалари кўндаланг кесимининг параметрлари қуйидагича бўлиб чиқди: қовурғасимон юпка I навида толалар кўндаланг кесимининг эни 51,7 мк ва йўғонлиги 35,5 мк ни ташкил қилади; қовурғасимон қалин I навида шу кўрсаткичлар 70,4 ва 42,3 мк; қовурғасимон юпка II навида - 60,3 ва 40,5 мк; қовурғасимон қалин II навида - 68,7 ва 50,4 мк; йирик жингалакли навида - 75,7 ва 58,4 мк га тенг бўлиб чиқди.

Ясси Қалам гул жингалакларнинг толалари кўпроқ бир хил бўлиб, кўндаланг кесими эзилган - ловиясимон ва овалловиясимон шаклга эга.

Ясси қорақўл навларида учрайдиган ясси қалам гул жингалаклар толаларининг кўндаланг кесими қуйидаги параметрларга эга бўлиб чиқди: ясси юпка I навида толалар кўндаланг қесимининг эни 41,5 мк ва йўғонлиги 23,7 мк ни ташкил қилди; ясси қалин I навида худди шу кўрсаткичлар - 64,3 ва 32,2 мк га; ясси юпка II навида - 49,3 ва 27,6 мк га; ясси қалин навида - 72,4 ва 34,8 мк га тенг бўлди.

Донагул жингалаклар толасининг кўндаланг кесими ловиясимон ва юмалоқ-овал шаклдан бошқачароқ бўлиб, каттагина ўзаги яққол кўриниб туради. Турли навларда учрайдиган донагул жингалаклар кўндаланг кесимининг эни ва йўғонлиги қуйидаги параметрларга эга бўлади; қалин жакет навида тола кўндаланг кесимининг эни 70,4 мк ни ва йўғонлиги 48,9 мк ни ташкил қилди; Москва жакети навида худди шу кўрсаткичлар - 50,9 ва 39,2 мк га; Кавказ қалин I навида - 86,3 ва 48,7 мк га; Кавказ юпка навида - 83,6 ва 46,4 мк га, флера навида - 42,5 ва 38,1 мк га тенг бўлди.

Ёл гулларда жун толалари асосан қилтиқ толалардан иборат экани маълум бўлди. Камбар ёл гуллар толасининг кўндаланг кесими ўртача катталиги, юмалоқ-ловиясимон ва юмалоқ-квадрат аралаш шаклининг бир хиллиги билан ажралиб туради. Турли навларда учрайдиган камбар ёл гулларнинг қилтиқ толалари кўндаланг кесмаси қуйидаги параметрларга эга экани аниқланди; жакет I навида тола кўндаланг кесимининг эни 52,1 мк ни, йўғонлиги - 42,4 мк ни ташкил қилди; худди шу кўрсаткичлар кирпук навида - 50,1 ва 41,4 мк га; коворғасимон юпка I навида -54,7 ва 45,3 мк га; ясси юпка I навида - 43,8 ва 30,1 мк га тенг бўлди.

Ўртача ва сербар ёл гуллардаги толаларнинг кўндаланг кесими анча йирик, ўлчамлари озми-кўпми бир хил бўлган овал-юмалоқ ва ўзаги яққол кўриниб турувчи юмалоқ-квадрат шакли билан ажралиб туради. Турли навларда учрайдиган ўртача ёл гулларнинг қилтиқ толалари кўндаланг кесимининг эни ва йўғонлиги қуйидаги параметрларга эга бўлиб чиқди: жакет I навида тола кўндаланг кесимининг эни 5,6 мк ни ва йўғонлиги 42,5 мк ни ташкил қилди; худди шу кўрсаткичлар коворғасимон юпка I навида - 56,4 ва 45,3 мк га; коворғасимон қалин I навида - 74,8 ва 46,5 мк га; ясси юпка I навида - 45,7 ва 32,1 мк га; ясси қалин I навида 65,3 ва 35,6 мк га тенг бўлди.

Сербар ёл гуллардаги толаларнинг параметрлари анча йирик ва ўзаги ҳам яхши ривожланган. Коворғасимон юпка I навида толалар кўндаланг кесимининг эни 58,3 мк ва йўғонлиги 48,2 мк ни ташкил қилди, худди шу кўрсаткичлар коворғасимон қалин I навида - 80,4 ва 50,2 мк га, ясси юпка I навида - 47, 2 ва 35,0 мк га; ясси қалин I навида - 68,2 ва 38,6 мк га; йирик жингалакли навида- 83,2 ва 49,5 мк га тенг бўлди.

Шундай қилиб, жингалклардаги толаларнинг ингичкалиги уларнинг шакли, типи ва навига боғлиқ экан.

Салбий шаклдаги жингалакларда дағал жунли думбали қўй зотларига мансуб қўзиларга хос хилма-хил типдаги жун толалари қайд қилинди. Бундай хилма-хиллик шаклларнинг ҳар хиллиги (юмалоқ, овал ва чўзинчоқ) ҳамда тола ўзаги ва кўндаланг кесими диаметри ўлчамларининг бир хил эмаслиги билан характерланади.

Жун толаларининг яссилашганлиги, айниқса, ловиясимонлиги жингалакдаги толаларнинг буралганлик даражаси билан боғлиқ бўлса керак ва бу ҳол ижобий омил деб ҳисобланмоғи лозим, чунки қо-

ракўлга ишлов бериш жараёнида тола бурамларининг ёзилиб кетишига тўсқинлик қилади.

Қоракўл жингалакларнинг топа ингичкалигини бўлаклаб ўлчаш толаларнинг ҳақиқий ингичкалигини аниқлашга имкон бермайди, чунки бундай ҳолда окуляр-микрометр тагидаги кўзга кўринадиган қисмида жун толаси бўлаклари ясси ёки кирра томони билан ётган бўлиши мумкин, шу туфайли маълумотлар ҳар хил бўлиб чиқади.

Қоракўл жингалаклари толаларининг ингичкалигини уларнинг кўндаланг кесими асосида ўлчаш анча ишончли (аниқ) маълумотлар олининшини таъминлайди. Юқорида айтиб ўтилгандек, қоракўл териларнинг қалам гул жингалакларидаги жун толаларининг кўндаланг кесими ловиясимон шаклга эга. Шу сабабли жун толаси ингичкалигини эни ("а") ҳамда йўғонлик


Юқорида айтиб ўтилганидек, жингалакда толаларнинг икки гуруҳи: қоплогич ва жингалак ичига кирувчи толалар фарқ қилинади. Ушбу тола гуруҳлари ингичкалик жиҳатидан нечоғли бир хил бўлса, жингалак шунча сифатли бўлади. Жингалакларни ҳосил қилишда иштирок этувчи толалар майинлиги энг четки қоплогич қисмидан энг четки кирувчи қисмга қараб аста-секин ингичкалашиб боради. Масалан, жингалакларнинг энг четки қоплогич толалари бошқа толаларга нисбатан энг катта диаметрга эга бўлса, энг четки кирувчи толалар энг кичик диаметрга эга бўлади. Жингалак ўртасидаги жун толалари одатда, ўртача диаметрли, яъни текислашган бўлади.

Қалам гул жингалаклар толасининг учи энг ингичка, ўрта қисми - ўртача ва губи энг йўғон. Аммо мазкур йўғонлашиш характери турли типдаги жингалакларда бир хил бўлиб чиқди (23-жадвал).

Жакет I навига кирувчи териларнинг қаламсимон гул жингалакларидаги толалар ўз узунлигининг 2 мм масофасидан бошлаб қалинлашади. 4 мм дан бошлаб эса улар стабиллашади ва тубига қадар диаметри бир хилда сақланиб қолади. Қовурғасимон қалам гул жингалакларда толаларнинг учи сегментли характерга эга. Толаларнинг учидан тубига қараб 1,5-2 мм узоқлашгач, йўғонлашиш сезилади ва 2,0 - 2,5 мм масофадан бир оз стабиллашгандек кўранади, шундан кейин токи тубига етгунча яна гоҳ йўғонлашиб, гоҳ ингичкалашиб боради.

Тола учидан унинг тубига томон 2,0-2,5 мм масофадан бошлаб аста-секин йўғонлаша боради ва 5-6 мм масофага борганда гўё ста-

биллашгандай бўлади ва у ёнига, яъни охирига қадар бир текис йўғонликда бўлиб қолади.



15-расм. Корақул жингалағидаги голалар тутамини учидан тубига қараб ҳар 2 мм да қирқилганда ҳосил бўлган кўндаланг кесимларининг шакли:

1 - жакет, 1,2 - қалин жакет, 3 - Москва жакети, 4 - Кавказ қалин I, 5 - Кавказ юпка I, 2,6 - қовурғасимон юпка I, 7 - қовурғасимон қалин I, 8- ясси юпка I, 9 - ясси қалин I.

**Қалам гул жингалаклардаги толаларнинг бўйлама
(учидан тубига қараб) ингичкалиги, мк ҳисобида**

Учидан тубигача бўлган оралик, мм	Жакет	Калин жакет	Қовурғасимон	Қовурғасимон	Ясси юпка I	Ясси калин I
0,002	7,3	9,4	6,4	7,6	5,1	6,0
0,161	14,4	30,2	12,7	35,3	11,3	14,5
0,644	19,3	39,8	30,5	41,4	13,9	26,5
0,966	22,5	42,3	36,2	45,6	17,7	29,2
1,771	43,4	49,1	49,9	56,4	38,6	42,1
3,542	61,1	65,4	65,6	69,8	51,5	55,7
6,440	62,2	68,9	64,0	72,4	52,0	62,0
8,000	64,0	69,7	65,6	75,0	52,2	62,5

Шундай қилиб, турли типдаги қалам гул жингалаклар толаларининг ингичкалиги ўзига хос хусусиятларга эга.

Қорақўл терисидаги жун толаларнинг ингичкалигини ўрганиш унинг шакллари ва жингалаклар турлари ҳамда навлари билан ўзаро боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон яратиб берди (24-жадвал).

Ясси қалам гул жингалакларнинг жун толалари кўпроқ ингичкаланиши билан характерланади, толаларнинг учи анча узун ва жуда ингичка.

Қорақўл жингалакларининг ҳар бир шакли ва тури ўзига яраша оптимал тола узунлигига ва ингичкалигига эга бўлади. Лекин бу оптимал сезиларли даражада ҳам ашёларнинг навига боғлиқ. Масалан, Москва жакет навида учрайдиган қаламсимон гул жингалаклар турларининг толалари, жакет I ва Кавказ юпка I навларига қараганда жуда ингичка бўлади. Энг йўғон толалар эса, жакет қалин ва кавказ қалин I навларида бўлади. Гарчи умумий жингалаклар сони ичида бошқа шаклдаги жингалаклар сезиларли даражада ўзларининг узунлиги ва йўғонлиги билан ажралиб турсада қаламсимон - ўртача ва қовурғасимон - энг катта йўғонлиги билан характерланади. Буни номи бир хил бўлган навларда учрайдиган ҳар хил шакл ва турдаги жингалакларни бир-бири билан таққослашда осонгина сезиш мумкин. Масалан, Жакет қалинда - қаламсимон гул ва ловиясимон; қовурғасимон ясси I ва қовурғасимон қалин I да - қовурғасимон қалам гул ва ёл гул; ясси юпка I ва ясси қалин I да - ясси қалам гул ва ёл гул.

Ҳар хил навли ва рангли қорақул терисидаги бир хил номли
жингалаклар толасининг ингичкалиги, мкм ҳисобида.

Жингалак шакли ва тури, қорақулнинг нави (сорт)	Қора	Кўк (қул ранг)			Сур
		қора тола	оқ тола	қора толага нисбатан, %	
I. Қалам гул					
Жакет I	42,3	43,2	27,2	63	40,4
Қалин жакет	50,9	52,6	33,7	65	48,1
Москва жакети	38,0	39,7	24,5	62	37,2
Кавказ қалин I	54,9	56,6	38,5	68	52,1
II. Қовурғасимон					
Қовурғасимон юпка I	42,2	48,3	32,4	67	40,8
III. Ясси					
Ясси юпка I	36,9	39,7	23,4	59	35,0
Ясси қалин I	46,4	50,0	30,5	61	44,7
IV. Ловиясимон					
Жакет қалин	53,9	54,3	37,5	69	50,9
Кавказ қалин I	58,5	62,4	45,6	73	47,0
Кавказ юпка I	47,1	50,2	35,1	70	45,3
V. Ёл гул					
Камбар ёл гул					
Қовурғасимон юпка I	43,8	46,5	34,4	74	41,0
Ўртача ёл гул					
Жакет I	46,6	47,8	35,9	75	41,0
Қовурғасимон юпка I	49,3	52,4	40,8	78	43,9
Ясси юпка I	43,2	46,8	32,8	70	40,6
Сербар ёл гул					
Қовурғасимон қалин I	63,0	64,8	54,4	84	61,2
Ясси қалин I	54,4	56,1	42,6	76	50,7
VI. Салбий жингалаклар					
Халқа		62,3	43,0	69	
Бурама		53,9	36,1	67	
Нухатча		51,7	33,0	64	
Чиганок		49,7	29,3	59	

Кавказ навли териларда қаламсимон гул, айниқса ловиясимон жингалаклар энг узун ва энг қалин толага эга бўлади.

Ловиясимон жингалаклар бошқа қиммат баҳо шаклдаги жингалаклар билан таққосланса, улар сезиларли даражада толасининг узунлиги ва қалинлиги билан ажралиб туради. Камбар ёл гул толасининг

анча калта узунлиги ва энг кам юпкалиги билан, сербар ёл гул эса, кўпроқ узунлиги ва қалинлиги билан ажралиб туради.

Салбий жингалакларнинг узунлиги ва ингичкалиги баробар бўлмайди, уларнинг толалари жуда узун ва юпка бўлади. Чиғаноқ ва нўхатча жингалаклари энг кам, бурама-ўртача, халқа эса, энг катта қалинлиги билан фарқ қилади.

Шундай қилиб, энг катта қимматга эга бўлган жингалаклар учун ингичкалиги бўйича энг юқори тенглик, камроқ қимматга эга бўлганлар учун - нисбатан камроқ тенглик ва салбий жингалаклар учун эса- тенгсизлик хосдир. Бундай фарқлар қора терилар орасида қандай учраса, кўк ва рангли сур терилари орасида ҳам шундай бир хил даражада учрайди.

Ҳар хил тур ва рангдаги терилар толаларининг ингичкалиги ўрганилганда ҳам шунга ўхшаш манзара кузатилди.

Эмбрионал ривожланишнинг турли босқичларидаги кўзилар терисида жун толаларининг майинлиги бир хил бўлмайди. Қоракўлча териларнинг толалари энг қисқа, қоракўл-қоракўлчаники бир оз узунроқ, қоракўл териларники ўртача ва яхобоб териларнинг толалари энг узундир.

Бу тафовутлар кўк ва сур териларда бирдай бўлиб чиқди. Кўк қоракўл хом ашёнинг ҳар бир тури доираси ичида қора толалар қора қоракўл терилардаги қора толаларга нисбатан йўғонроқ, оқ толалар эса ингичкароқдир. Сур териларнинг толалари бошқаларга нисбатан энг ингичка бўлиб чиқди.

Демак, ҳар хил турдаги терилар ривожланишининг турли босқичларига мансуб ва шунинг учун улардаги толаларнинг ингичкалик параметрлари бир хил эмас. Толаларнинг ичкилигини қалам гул жингалаклар узунлигига боғлиқ ҳолда ўрганиш шуни кўрсатдики, қалам гул жингалак нечоғли узун бўлса, шу жингалакларни ҳосил қилувчи толалар шунчалик бир хил ва уларнинг ингичкалиги мўътадилроқ бўлади. Аксинча, қалам гул жингалакларнинг узунлиги қанчалик калта бўлса, толаларнинг сифати шунчалик нотекис ва уларнинг умумий ингичкалиги бирмунча йўғонлашаган бўлади (25-жадвал).

Демак, жадвалдан кўриниб турибдики, узун қалам гул жингалакли териларда бир тутамдаги толаларнинг ингичкалиги бир хил эканлиги билан бирга, бутун терида ҳам у ҳийлагина бир текисдир.

Ҳар хил рангли терилардаги (жакет I типи) ярим доирали қалам гул жингалаклар узунлиги билан толалар ингичкалигининг ўзаро боғлиқлиги

Қалам гул жингалаклар узунлиги, мм	Терилардаги толалар майинлиги, мкр							
	Қора		Кўк				Сур	
	сағри- си	яғри- ни	қора тола		оқ тола		сағри- си	яғри- ни
60 ва ундан ортик	42,4	47,4	44,1	48,7	34,7	36,3	40,8	43,6
45-60	44,5	50,3	47,3	53,1	38,3	40,1	42,5	45,7
35-45	51,4	57,2	54,2	59,6	42,6	44,3	46,3	49,4
25-35	56,6	60,6	57,3	62,1	47,2	49,4	52,5	54,5
15-25	57,5	62,1	65,4	60,4	50,1	52,3	55,4	57,3

Агар бу ҳодисани жингалаклар узунлиги камая бориши билан қиёсий равишда кўриб чиқилса, фақат бир жингалакда эмас, терининг бутун товар юзасида толаларнинг ҳар хиллиги анча ортиб бориши кўзга ташланади. Кўк ва сур рангли териларда ҳам худди шунга ўхшаш тафовутлар аниқланди. Кўк териларда юқорида қайд қилинган тафовутлар қора толалардагина эмас, балки оқ толаларда ҳам кўрилади. Сур терилар бу жиҳатдан оралиқ ўринда туради.

Бинобарин, қўйларни қалам гул жингалаклар узунлигига қараб танлаш ва селекциялаш жингалакдаги толаларнинг ўртача ингичка ва бутун терида кўпроқ бир текисда бўлишини ҳам таъминлайди.

Бир хил қорақўл териларнинг ўзида қалам гул жингалаклардаги толалар ингичкалиги топографик участкалар бўйича ўрганиб чиқилганда уларнинг бир текис эмаслиги маълум бўлди (26-жадвал).

Энг қимматли ҳисобланган жакет I, кирпук, қовурғасимон юпка I ва ясси юпка I навларига мансуб қорақўл терилар жун толаларининг анчагина бир хил, мўътадил ва бутун товар юзаси бўйлаб бир текисда ингичкалиги билан, Кавказ навига кирувчи терилар - унчалик бир хил эмаслиги, нисбатан йўғонлиги ва товар юзаси бўйлаб бир текисда ингичка бўлмаслиги билан ажралиб туради. Бошқа навларга мансуб терилар тола хусусиятларининг ўртача қўсаткичлари билан характерланади.

Қалам гул жингалаклардаги толалар майинлиги

Қалам гул типи	Навлар	Топографик участкалар						
		Сағриси	Орқаси		Яғрини		Ёнбоши	
			мк	сағрисиға нисбатан, %	мк	сағрисиға нисбатан, %	мк	сағрисиға нисбатан, %
Қаламси- мон гул	Жакет I	54,2	53,2	99	52,6	96	51,2	95
" "	Қалин жакет	60,5	58,0	96	56,7	94	55,5	92
" "	Москва жакети	49,2	46,6	95	45,2	92	44,7	91
" "	Кирпук	52,4	51,7	99	50,8	97	50,1	96
" "	Кавказ калин	68,7	64,7	94	62,6	91	61,0	89
" "	Кавказ юпка	57,1	53,3	93	50,8	89	49,1	86
Ковурға- симон	Ковурға- симон юпка I	58,4	57,0	98	56,2	96	54,6	94
" "	Ковурға- симон калин I	62,7	60,6	97	59,4	95	57,5	92
Ясси	Ясси юпка I	46,5	46,0	99	45,0	97	44,2	95
" "	Ясси калин I	52,3	51,1	98	50,0	96	48,8	93

Ҳар бир навдаги терилар толаларининг муайян ингичкаликка эга эканлиги, уларнинг бир хиллиги ва терининг товар юзаси бўйлаб бир хил текислиги билан характерланади.

Бир хил териларнинг ўзида жун толаларининг ингичкалиги турли топографик участкаларда сағрисидан яғриниға томон йўналишда билинар-билинемас (2-4%) камая боради, орқасининг тўғри чизигидан ёнбош томонларға қараб эса бир оз (7-11%) ортади. Бу ҳол қўқ ва сур териларда ҳам қайд қилинган.

Қўқ терилардаги қора толалар бир оз йўғонроқ, оқ толалар эса ингичкароқ экани маълум бўлди. Сур териларнинг ҳамма толалари мўтадил ингичкалиги билан характерланади. Толалар ингичкалигининг сағрисидан яғриниға ва орқа чизигидан ёнбошларига қараб

умумий камая бориш билан оқ толалар ингичкалиги фаркли бўлиб кўк териларда қора толалар ингичкалиги фаркли бўлиб чикди. (27-жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, энг қимматбаҳо рангли кўк қоракўл терилар учун оқ ва қора толаларнинг муътадил ингичкалиги ва ҳар бир рангдаги толаларнинг ўз доираси ичида бир хил бўлиши характерлидир. Туси ва ранг-баранглиги жиҳатидан унча қимматли бўлмаган кўк терилардаги қора ва оқ толалар анча йўғонроқ ва унча бир хил эмаслиги аниқланди.

Шундай қилиб, кўк қоракўл териларнинг ҳар бир туси ва ранг-баранглигига оқ ва қора толаларнинг муайян даражада ингичкалиги ва уларнинг нисбати ҳосдир.

Бир хил навга кирувчи сур қоракўл терилардаги қалам гул жингалакларнинг жун толасининг ингичкалиги зот ва завод типлари бўйича, ҳар бир тип ичида эса ранг- баранглиги бўйича муайян тафовутга эга бўлиб чикди. Бухоро сурида тилла ранг тусли жингалакларнинг қоплогич толалари ўртача ингичкалиги 39,4 мк; кумуш толалар - 37,7 мк га тенг бўлди. Сурхондарё сурининг жез ранг жингалакларидagi толалар ингичкалиги 44,5 мк, қаҳрабо ранг толалар - 38,6 мк; платина ранг толалар - 42,5 мк; пўлати сур толалари - 40,9 мк; ўрик гул толалари - 46,2 мк; шабдор толалари - 45,3 мк; камар сур толалари - 50,4 мк ингичкаликда бўлиб чикди.

Сур териларнинг ҳар бир зот ва завод типи ёки ранг-баранглигида жун толасининг ингичкалиги бўйича аниқланган тафовутлар толалар тубининг тўқ ёки учининг оч рангда бўлиши билан, бир рангдан иккинчисига ўтиш контрастлиги, рангининг равшанлиги ва бутун тери юзасида бир текислиги каби белгилари билан мутлақо алоқадор эмас.

ТУРЛИ ЖИНГАЛАКЛАР ТОЛАСИНИНГ ЭЛАСТИКЛИГИ.

Эластик - бу қайтарувчанлик, яъни толанинг дастлабки шаклини тиклаш хусусиятидир.

Қоракўл жингалаклари толаларининг юқори эластиклиги ва қайишқоклиги (пластиклиги) билан фарқ қилади. Жингалаклар шакли, тури, узунлиги, ингичкалиги ва бошқа физик хусусиятларига қараб толаларнинг эластиклиги ҳар хил бўлиши мумкин.

**Термик ишлов бериш чоғида қорақўл терилари
толасининг эгиклигини тиклаш**

Қорақўлнинг ассортименти	Тола эгиклигининг тикланиши (дастлабки ҳолатига нисбатан, фоиз ҳисобида)			
	сағрисиға	орқасига	яғринига	ёнбошиға
Қора терилар				
Жакет I	120	15	107	102
Жакет қалин	99	95	92	89
Москва жакети	97	93	90	87
Кавказ жакети	95	89	83	80
Ковурғасимон юпка I				
Ковурғасимон қалин I	97	96	92	90
Ясси юпка I				
Ясси қалин I	76	74	71	67
Кук (ҳаво рангли)	99	87	78	76
Жакет I қора оқ тола				
" " оқ тола	85	77	73	69
Ковурғасимон юпка I	119	112	105	99
" " қора тола				
" " оқ тола	85	79	74	69
Ясси юпка I	78	75	70	68
қора тола				
" " оқ тола	57	53	50	46
Тилла рангли				
сур	97	91	84	77
Жакет I				
Ковурғасимон	98	93	85	80
юпка I				
Ясси юпка I	74	72	69	64

Эластиклик микдорини, яъни тола бурамалигини тикланиш даражасини ўрганиш учун ўз хусусиятларини (қиёфасини) йўқотган ҳар хил навли қорақўл терилар ичидан кўпроқ типик хусусиятларга эга бўлган терилар ажратиб олинди. Бу терилардан тола намуналарини, тутамни суғуриш усули билан уларнинг сағрисидан, орқасидан, яғринидан ва ёнбошидан олдик, тола намуналарини миллиметрли

қоғоз устига жойлаб, жингалакдаги эгик - букик жойни сиртки кўри-нишини (контури) оддий қалам билан чизиб чикдик. Сўнгра уларни термик усулида (дазмол билан) то мутлақо тўғри ҳолатга келгунча тўғриладик. Ўн минут ўтгандан сўнг толаларни иссиқ сув билан намлаб, яна 10 минут уй ҳароратида ушлаб турдик, ундан кейин термостатга жойлаб 80-100⁰С ҳароратда то мутлақо (абсолют) курук ҳолатигача курилди. Курилган толаларни 24 соат мобайнида уй ҳароратида очик ҳавода қолдирилди ва улар яна дастлабки эгик-букик ҳолатига қайтдилар. Қайтадан яна уларни ўша миллиметрли қоғоз устига жойладик ва эгри-бугри толаларни сиртки кўринишини қоғозга чизиб қўйдик. Эгикларни бошланғич ва охири учларини таққослаш билан уларнинг эластиклик ёки жингалакдаги тола бурмалигининг (эгишлигининг) тикланиш даражасини ҳисоблаб чикдик, фоизлар ҳисобида (27-жадвал).

Ҳар хил навдаги қора қорақўл териси толасининг эластиклик миқдори орасидаги фарқ анча катта бўлади. Тола узунлиги ва ингичкалигини ошиши ёки камайиши сари, оптимал қийматга нисбатан, унинг эгишлигини тикланиш даражаси сезиларли даражада пасаяди.

Қаламсимон гул жингалакларларида дастлабки (энг аввалги) характердаги эгиклик ҳеч қандай жиддий ўзгаришсиз ўз ўрнига қайтади, эгикликни дастлабки шаклини тиклаш хусусияти эса, жуда юқори бўлади. Бу хусусият кўпроқ жакет I ва жакет қалин навли териларга, камроқ эса - кавказ қалин I навига хосдир; бу хусусият иккинчи навли жакет II ва кавказ юпка I териларида сезиларли даражада пасаяди.

Қовурғасимон жингалакларини юқори (устки) қисмининг учдан бирига эга бўлган иккита эгик (букик) нинг дастлабки шаклини тиклаш бир оз бошқача амалга ошади: қовурғасимон юпка навли терилар толасидаги эгикнинг биринчи ёйи (дуга) 120% га, иккинчи ёйи - фақат 59% га ва қовурғасимон қалин I да эса, мос равишда 102 ва 39% га тикланди. Натижада қовурғасимон қалам гул жингалакларининг кўп қисми ёл гул кўринишга эга бўлади. Афтидан (чамаси), шунинг билан, айниқса тузланган териларга ишлов бериш вақтида қовурғасимон қалам гулни қисқа бир ёқлама ёл гулга ўтиш сабабини тушунтириб бериш мумкин.

Толанинг энг паст эластиклик миқдори (қиймати) озгина эгикликка эга бўлган, тери устидаги толаларга деярли параллел жойлашган ясси қаламсимон гул жингалакли териларда қайд қилинган.

Буни тола диаметрининг нисбатан кичиклиги ва эгиклигининг заифлиги билан изоҳлаш мумкин. Балки, шу сабабли ишлов берилган терилардаги ясси қаламсимон гул жингалаклари, худди шундай тузланган ҳолатдаги териларга нисбатан ўз турларини (тип) энг кам ифодалай олади.

Тери топографик қисмини бошқа-бошқа жойларидаги қовурғасимон ва ясси қаламсимон гул жингалаклари эгиклигини тикланиш даражаси умумий объектив қонуниятларга асосланган ҳолда аниқланиди: сағринидан яғринигача ва орқасидан, ўрта чизикдан ёнбошига томон сезиларли даражада пасаяди.

Ҳаво рангли кўк қорақўл тери толасининг эластиклиги деярли ўхшаш қонуниятлар билан аниқланган. Номдош навли терилар ичида (доирасида) кўпроқ қалта ва қалин қора тола, оқ толага қараганда сезиларли даражада кўпроқ эгикликни тиклаш хусусиятига эга. Кўк териларнинг турли топографик қисмидаги толасини эластиклик даражаси катта фарқ билан ажралиб туради.

Сур рангли қорақўл терилар эгикликни тиклаш даражаси бўйича қора ва кўк терилар орасидаги ўринни эгаллайди. Қора ва қорамтир толалардаги юқори эластикликни, чамаси, уларнинг устки қатламидаги пигмент дончаларининг занжирчалари толанинг қарқасини (арматура) мустаҳкамлаганини оширади, деб тушунтириш мумкин.

Хом ашёни то ярим фабрика ҳолатигача технологик ишлов бериш жараёнида кимёвий реагентлар таъсири остида толанинг тўқима тузилишининг зичлиги сезиларли даражада ортади, ўз навбатида, қорақўлнинг эластиклигини кучайтиради ва товар хусусиятини яхшилайдди, унга жингалакларини шакли ва турини яхши ифодалашга қўшимча имкон беради, уларнинг аниқлигини ва гуллигини яхшилайдди.

Ҳар хил шакл ва турдаги қорақўл жингалаклари, тери навлари, яқобоб гуруҳи ва ранглариининг эластиклик миқдори (қиймати)даги муҳим аҳамиятли жузъий ўзгаришлар (вариация) ҳомилани она қорнида ўсиш даврида мавжуд бўлган морфологик тузилишларнинг хилма-хиллиги билан олдиндан белгиланган бўлади.

Гарчи амалда толаларни қиздириб (термик) тўғрилаш қўлланилмаса, қорақўл жингалакларининг шаклланиш (форма ҳосил қилиш) механизми толанинг ўз тузилишида мужассамланганлигининг далили сифатида, уларнинг эластиклигини ушбу усул (метод) билан ўрганиш қизиқарли бўлади.

ЖУН ҚОПЛАМИНИНГ ҚАЛИНЛИГИ тери юзаси бирлиги-даги толалар миқдори билан белгиланади. Майин жунли қўйлар терисининг бир миллиметр квадрат юзасида 72-75 тагача, қорақўл қўзилар терисида эса 18-65 тагача жун фолликулалари бўлади.

Толаларнинг ингичкалиги бир хил бўлса, уларнинг қалинлиги ўсиқлигига таъсир этмайди. Биринчи нав терилар ҳамиша қалин бўлади.

Жун толалалари қопламининг қалинлиги қорақўл терилараги жингалаклар сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткич пайпаслаб кўриш ёки 1 см² тери юзасидаги толаларни санаб чиқиш йўли билан аниқланади.

Жун қоплами жуда қалин бўлган териларда жингалаклар қайишқоқ, пишиқ ва чоклари тор бўлади; терида жингалакларнинг жойланиш нақши кўриниб туради. Жун қоплами қалин бўлса, жингалаклар қайишқоқлиги ва пишиқлиги ўртача бўлиб, чоклар равшан кўриниб туради, жингалакларнинг жойланиш нақши ниҳоятда аниқ бўлади. Толалар қоплами сийрак бўлса - жингалаклар бўш, унча қайишқоқ эмас, тери тўқимаси қўлга уннаб туради, тери жунсиздек бўлиб туюлади.

Майда жингалакли қуруқ тузланган қора қорақўл териларнинг 1 мм² юзасида ўрта ҳисобда 52 дона, ўртача жингалакли териларда 49 дона ва йирик жингалакли териларда 43 дона тола бўлади.

ТОЛА ҚАТЛАМИНИНГ ИПАКСИМОН МАЙИНЛИГИ сезги орқали, тола тутамини бош ва кўрсаткич бармоқлар орасида пайпаслаб кўриш йўли билан аниқланади. Бунда қорақўл териларнинг ҳаммасида ҳам тола қоплами ипаксимонлиги бир хил эмаслигини сезиш мумкин; баъзилари жуда майин, бошқалари дағал ёки қуруқ эканлигини пайқаш мумкин. Бошқа белгилар тенг бўлгани ҳолда толаларнинг етарли даражада ипаксимон бўлмаслиги терилар қимматини пасайтириб юборади.

Тола қопламининг ипаксимон майинлиги барра типи, толалар узунлиги ва ингичкалиги билан боғлиқдир. Йўғонлашган ва қуруқ тола дағал бўлади. Ясси ва ярим доирали қалам гул жингалакларга хос бўлган толалар анчагина ипаксимон эканлиги билан характерланади.

**Турли хил қорақул типлари ва навларига мансуб
терилар толасининг ипаксимонлиги, %**

Қорақул нави ва гуруҳи	Терилар миқдори	Ипаксимонлиги, %				
		ўрта ипак- симон	ипак- симон	ипак- симон- рок	дағал	қуруқ
Жакет I	156	37	61	2	-	-
Қалин жакет	175	22	73	-	5	-
Москва жакети	170	28	63	9	-	-
Жакет навлари						
бўйича ўртача	501	27	67	4	2	-
Кавказ қалин I	197	18	68	-	12	2
Қовурғасимон юпка I	184	13	57	-	26	4
Қовурғасимон қалин I	190	7	47	-	37	9
Қовурғасимон навлари бўйича ўртача	374	10	53	-	31	6
Ясси юпка I	98	44	52	4	-	-
Ясси қалин I	77	40	56	-	4	-
Ясси навлар бўйича ўртача	175	42	56	2	2	-

Соф зотли қора қорақул қўйлар терисидаги толаларнинг ипаксимон майинлик даражаси ўрганиб чиқилганда ушбу белги қорақул териларнинг барра типига коррелятив равишда боғлиқ эканлигини исботланди (28-жадвал)

Жадвалда келтирилган маълумотлардан ясси ва жакет навлардаги қорақул териларнинг тола қоплами энг ипаксимон, Кавказ нави бирмунча дағалроқ, қовурғасимон қорақулнинг жун толалари эса дағал ва қуруқ экани кўриниб турибди.

Эластиклик ва ялтироқлик хусусиятига эга бўлмаган толаларда керакли ипаксимон ҳам бўлмайди. Толаларнинг диаметри бир оз йўғонроқ, лекин калта (қовурғасимон гуруҳ) ёки узун (Кавказ гуруҳи) бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда тола қоплами ипаксимон бўлиб, иккинчисида эса дағал бўлиб туюлади. Толалар жуда қалин бўлса, нормал ипаксимон бўлиб, кўриниши мумкин. Демак, толалар қалин-

лиги билан узунлиги тола қопламининг ипаксимонлиги бевосита боғлиқдир.

Толаларнинг намлиги ҳам уларнинг ипаксимонлигини баҳолашга таъсир кўрсатиши мумкин. Нормал намликдаги (18-20%) тола нормал даражада ипаксимон бўлади, намлиги юқори бўлса, (28-30%) салгина ипаксимонроқ, намлиги кам бўлса (12-14%) дағал бўлиб туюлиши мумкин.

Толаларнинг ипаксимонлигини белгиловчи омиллар жуда хилма-хил бўлганлиги бу хусусиятни аниқлаш услубини мураккаблаштириб юборади. Толаларнинг ингичкалиги ва узунлиги нисбатан ўртача, эластиклиги, қайишқоклиги ва ялтироқлиги нормал ҳолатда бўлганда, жун қоплами нормал даражада ипаксимон бўлади. Толалар бир текисда ингичка, ўта эластик ва қайишқок, кучли даражада ялтироқ бўлганда, жун қоплами кучли даражада ипаксимон бўлади. Толалар ўта ингичка, ингичка, эластиклиги кам, қайишқоклик ва ялтироқлиги етарли даражада бўлмаса, қоплам юмшоқ ипаксимон ёки камроқ ипаксимон бўлиб туюлади. Толалар бирмунча йўғонлашган, эластиклиги кам, ортиқ даражада қаттиқ ва қайишқок, шишасимон ёки хира ялтироқ бўлса, қоплам дағал бўлади. Қуруқ тола жуда йўғон, қаттиқ, синувчан ва хира (нурсиз) ялтироқлиги билан характерланади.

Бундан ташқари, куйган тола ҳам мавжуд бўлиб, ниҳоятда қуруқлик натижаси бўлган бундай ҳолат қовурғасимон навларга мансуб бўлган ва дурагай қора қоракўлда учрайди.

Сўниқ тола - ингичкалашган, эластиклигини йўқотган, латтага ўхшаб туюладиган, жингалаги яроксиз типда ва нурсиз ялтироқ бўлган бундай толалар камдан-кам, асосан рангдор қоракўлда учрайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, амалий ишда тола қопламини кучли даражада ипаксимон, ипаксимонроқ, дағал ва қуруқ хилларга ажратиш қабул қилинган. Ипаксимонликнинг бу категорияларини осонгина пайқаб олиш мумкин.

Маълумки, тола қопламининг ипаксимонлиги унинг ялтироқлиги билан ўзаро боғлиқдир. Бу эса шу иккала белги қанчалик кўзга ташланиб туришини аниқлашни осонлаштиради.

Келтирилган маълумотлардан тола қопламининг ипаксимонлиги билан ялтироқлиги ўртасида коррелятив борлиги кўриниб турибди. Бундай боғланиш кўк ва сур териларда қора терилардагига нисбатан кучлироқ даражада намоён бўлади.

Шуни айтиш керакки, агар қора териларда толаларнинг дағалиги шишасимон ялтироқлик билан ва куруклиги хира ялтироқлик билан боғлиқ бўлса, кук ва сур териларда эса толаларнинг дағал ва куруклиги хира ялтироқлик фақат дурагай қорақулда учрайди.

Технологик ишлов бериш жараёнида, аниқса ошлаш жараёнида тола қопламининг ипаксимонлиги бирмунча яхшиланади..

ЯЛТИРОҚЛИК. Жун толалари қопламининг ялтироқлиги ҳам унинг ипаксимонлиги каби қорақулнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Маълумки, бошқа жиҳатлари тенг бўлган ҳолда ялтироқ толали териларга афзаллик берилади.

Жун толалари қопламининг ялтироқлиги унинг морфологик тузилишига, жумладан, тангачали қатламининг тузилишига, унинг шакли ва катталигига, шунингдек, жингалакдаги толаларнинг букилиш бурчагига боғлиқ.

Жун толалари қопламининг ялтироқлик даражасини қуйидаги тусларга ажратиш қабул қилинган: нормал, кучли, камроқ, шишасимон ва хира.

Тола узунлигининг устки ярим қисмида тангачали қатламининг тузилишида ҳар бир қорақул гуруҳи учун характерли тафовутлар борлиги аниқланмаган, унинг пастки ярим қисмида эса - жакет қорақул гуруҳига кирувчи ярим доирали қалам гул жингалакларидаги қоплогич толаларнинг туби томон йўналишда ҳалқасимон типда бўлмаган ўртача йирик тангалар борлиги аниқланган, уларнинг баландлиги энидан калтарокдир. Баландлигининг энига нисбати 1:1,7 ва 1:1,9 ни ташкил қилади. Бундай тангачалар текис қават ҳосил қилиб жойлашган ва четлари ҳам нисбатан текис (29-жадвал).

Кавказ қорақули гуруҳига кирувчи ярим доирасимон жингалакли териларнинг толалари тангачаларининг йириклиги билан ажралиб туради, лекин тангачаларининг баландлиги энига қараганда бир оз кичикрокдир - 1:2,3. Тангачалари нисбатан текис қаторлар ҳосил қилиб жойлашаган, лекин уларнинг четлари нотекис ва туртиб чиққан шаклга эга.

Қовурғасимон қалам гул жингалакларидаги толаларнинг тангачалари хилма-хил киррали шаклда. Баландлиги билан энининг нисбати 1:1,2 ни ташкил қилади. Ясси қалам гул жингалаклар толаларидаги тангачалар толанинг бўйига қараб бирмунча чузилган бўлиб, четлари текис. Тангачалар баландлиги энидан катта. Уларнинг нисбати 2,3:1 ва 3,2:1 га тенг.

**Ҳар хил қорақўл гуруҳларига мансуб бўлган терилар
толасидаги тангачаларнинг ўлчамлари**

Қорақўл навлари	Баландлиги		Эни	Эни билан бўйиннинг нисбати
Жакет I	11,6	1,1	19,6	1:1,7
Қалин жакет	13,3	0,3	24,9	1:1,9
Москва жакети	13,4	1,9	24,8	1:1,9
Кавказ қалин	15,7	0,6	35,4	1:2,3
Қовурғасимон юпка I	12,5	1,0	27,1	1:2,1
Қовурғасимон қалин I	13,1	0,9	29,0	1:2,2
Ясси юпка I	30,7	0,7	9,6	3,2:1
Ясси қалин I	33,2	2,5	14,6	2,3:1

Шундай қилиб, турли хил қорақўл гуруҳларида жун толаларининг тангачалари ҳар бир тур учун характерли бўлган ўзига хос морфологик тузилишга эга. Ҳар бир қорақўл тери гуруҳидаги тангачалар сатҳининг тузилиши ва бир-бирига зич ёпишиб туришига хос хусусиятлар уларнинг ёруғликни қайтаришидаги тафовутларни келтириб чиқаради. Шу нарса аниқланганки, тангачаларнинг бир-бирига зич ёпишган бўлиши кучли даражада ялтираб турадиган текис юза ҳосил қилади (16-расм). Тангачаларнинг зичлиги камайган сайин ялтироклик даражаси сезиларли ўзгаради. Жумладан, тангачалар ўртасидаги оралик катталашган сайин ялтироклик даражаси камая боради, тангачалар четларининг серқирра бўлиши эса жимирлаш ҳосил қилади, натижасида ялтироклиги хира бўлиб кўринади.

Шундай қилиб, ҳар бир қорақўл барра гуруҳида толаларнинг ҳар хил даражада ялтироқ бўлиши тангачали қатламнинг шакли ва тузилишига, унинг бир хиллигига, тангачалар четлари ва сатҳининг текис бўлишига, тангачаларнинг бир-бирига зич ёпишиб туришига боғлиқ (17-расм).

Ялтироқлик тола-
нинг сифатига бевосита
боғлиқдир. Кучли даражада-
ги ялтироқлик асосан ин-
гичкалиги ва узунлиги
муътадил юқори даражада
эластик ва қайишқоқ тола-
ларнинг ўта ипаксимонлиги
билан боғлиқ. Толаларнинг
ипаксимонлиги нормал,
ингичкалиги ва узунлигига
нисбатан ўртача, эласти-
клиги ва қайишқоқлиги
нормал бўлганда кўпинча
нормал ялтироқлик намоён
бўлади. Кучсиз ёки кам
ялтироқлик етарлича қай-
ишқоқ бўлмаган майин
ипаксимон толалар қоплами
учун характерлидир.

Шишиасимон ялти-
роқлик кўпинча толанинг
дағал, бирмунча йўғонлаш-
ган ва унча эластик эмасли-
ги билан, хира ялтироқлик
эса толанинг қуруқ ва дағал
бўлиши билан боғлиқдир.

Юқорида баён қи-
линган гуруҳ ва рангларга
мансуб териларда учрайди-
ган хусусиятлар ўзаро чам-
барчас боғлиқ бўлиб чиқди.
30-жадвалдан кўриниб ту-
рибдики, толаларнинг ялти-
роқлигидаги тафовутлар
турли барра гуруҳлари учун
характерлидир: жакет гу-
руҳи - майин, жозибали ялтироқ;
кавказ гуруҳи - нормал, лекин бир




17-расм. Жун толаларидаги тангачалар
тузилишининг ялтироқлиги билан
боғликлиги:

1-кучли ялтироқ, 2-нормал, 3-кам ялти-
роқ, 4-шишасимон, 5-хира ялтироқ.

оз хирарок ялтирок; ко-
вурғасимон гурухи - шиша-
симонликка бир оз мойил-
рок, нормал ялтироклик;
ясси гурухи майин товлана-
диган кучли ялтироклик
хусусиятларини келтириб
чиқарганлиги кўриниб ту-
рибди.

Тола қоплами ялти-
роклигини қора, кўк ва сур
қорақул гурухлари бўйича
кўриб чиқилганда ҳам тах-
минан шундай ҳолат кузати-
лади.

30-жадвалдан кўриниб
турибдики, сур терилар,
айниқса, ясси ва ярим до-
ирали гурухларга кирувчи
сур терилар бошқаларга
нисбатан кўпроқ ялтирокли-
ги билан ажаралиб туради.
Кучли даражада ялтирок
бўлган кўк ранг терилар
орасидан куйидаги энг ким-
матли ранг-баранг терилар
ажралиб туради: ўртача кўк
ранг, ҳаво ранг, марварид
ранг, кумуш ранг ва пўлат
ранг; тўқ кўк; сафид ранг ва
садаф ранг; оч кўк; ярим
доирали ва ясси жингалакли
сут ранг. Кўк қорақулнинг
бошқа хил ранглари бир оз
хирага мойилроқ нормал
ялтирокликка эга бўлиб
чиқди. Кўк ва сур терилар орасида шишасимон ялтироклик учрамади.
Тола қопламининг ялтироклиги ишлов бериш жараёнида деярли



16-расм. Жун толаларидаги тангачалар
тузили шининг қорақул типи билан
боғлиқлиги. 1-жакет, 2-ясси, 3-
ковурғасимон, 4-кавказ.

ўзгармайди. Турли аралашмалардан тозаланганда толалар ялтироклиги яхшиланади. Ёт аралашмалар бўлиши толалар ялтироклигини аниқ белгилаб олишни қийинлаштириб юбориши мумкин.

ТОЛАЛАР ПИГМЕНТАЦИЯСИ. Маълумки, қорақўл терилар толасининг қора ранги уларнинг пўстлоқ қаватида пигмент доналари мавжудлиги оқибатидир. Қора рангнинг тўқ ёки оч бўлиши (интенсивлиги) толадаги меланин моддасининг концентрациясига боғлиқ. Бу концентрация ҳар хил рангли ва тусли қўзиларда бир хил эмас, шунингдек, келиб чиқишида қора ранг гомоген бўлган қора қўзиларда ҳам мазкур концентрация шундай рангли гетероген қўзилардагига нисбатан анча юқоридир (18-расм).

О.П.Фищенко, М.А.Риш ва И.Н.Дячковларнинг кўрсатишича, келиб чиқиши гомоген қўзиларнинг тим қора пигментланган ва кучли даражада ялтироқ толасининг пигменти таркибида меланин миқдори 14,5%; толаси нормал ялтироқ бўлган худди шундай қўзиларда - 13,5%; қуруқ ва куйган толали қўзиларда эса - 12,5% ташкил қилади.

Г.А.Валиеванинг аниқлашича, серпуштлик (қўп болалаш) оқибатида бир хил навларга мансуб терилар толасидаги пигмент доначалари миқдори камайиб кетар экан. Агар битталиқ қўзиларнинг жун толасидаги пигмент миқдори 100% деб қабул қилинса, иккиталиқ эгизакларда у - 82% ни учталиқларда 98% ни, тўртталиқларда - 89% ни ва бешталиқларда - 74% ни ташкил қилади.

Қора пигментациянинг интенсивлиги (қуюклиги) толанинг пигмент донасидаги меланин миқдorigа боғлиқ. Унинг миқдори энг қўп бўлса - тўқ қора ранг, ўртача бўлса - қора ранг, камроқ бўлса - қорамтир (оч қора) ранг вужудга келади.

Қорақўлчиликда жун толалари қора рангининг қуюқ бўлишига катта аҳамият берилади. Қорақўл қўзиларни бонитировка қилишда ёки қорақўл териларга баҳо беришда, насли ва бошқа маълумотларни ёзиб қўйишда толаларнинг пигментланиш даражаси албатта қайд қилинади.

Ипаксимонлиги яққол сезилиб турадиган ва кучли даражада ялтироқ бўлган қорақўл терилар одатда тим қора пигментацияли бўлади, нормал ялтироқ терилар - қора пигментацияга эга бўлади; етарли даражада ипаксимон бўлмаган (дағал, қуруқ, сўник тола) ва кам ялтироқ (шишасимон, хира) териларда толалар пигментацияси равшан ифодаланган эмас.

Турли хил қорақўл типларига кирувчи қўзилар териси бир
да куюк (интенсив) пигментланган эмас. Агар жакет гуруҳига
кирувчи терилар толалари.

30-жадвал

**Турли навларга мансуб қорақўл терилар тола
катламининг ялтироклиги**

Қорақўл навлари ва барра гуруҳлари	Ялтироклик даражаси, %				
	Кучли	Нормал	Кам	Шишасимон	Хира
ҚОРА ТЕРИЛАР					
Жакет I	35	65	-	-	-
Қалин жакет	18	75	-	5	2
Москва жакети	25	65	10	-	-
Кавказ қалин I	15	65	-	15	5
Қовурғасимон юпка I	11	55	-	25	9
Қовурғасимон қалин I	5	45	-	39	11
Ясси юпка I	48	50	2	-	-
Ясси қалин I	42	54	-	4	-
КУК ТЕРИЛАР					
Жакет	32,4	51,6	10,8	-	5,3
Кавказ	17,3	45,7	22,1	-	14,9
Қовурғасимон ясси	28,0	47,9	10,0	-	14,1
СУР ТЕРИЛАР					
Жакет	53,4	33,4	10,0	-	3,2
Кавказ	19,6	47,4	20,6	-	12,4
Қовурғасимон	35,6	34,6	9,4	-	20,4
Ясси	73,4	24,5	2,1	-	-

Пигментациясининг равшанлиги 100% деб қабул қилинса, ясси
қорақўл гуруҳида у 120% ни, Кавказ қорақўли гуруҳида 82% ни ва
қовурғасимон қорақўл гуруҳида 73% ни ташкил қилади.

Яна шу нарса ҳам аниқланганки, толаларнинг пигментланиши
териларнинг бутун юзасида ҳам бир хил эмас: сағрисида бошига
қараб борган сайин орта боради ва марказий дорзал чизикдан ён-
бошларига қараб камаё боради.

Технологик ишлов бериш жараёнида жун толаларининг пиг-
ментланиш даражаси ўзгармайди.

ЖУН ҚОПЛАМИНИНГ РАНГИ қўзилар туғилган пайтда
ғоят хилма-хил бўлади. Жун қопламининг ранги унда мавжуд бўлган
бир хил рангдаги (қора, қўнғир, оқ) толалардан, шунингдек, икки



18-расм. Пигмент дончалари (М.Х.Арслоновдан).

ёки бир неча хил тола рангилар ёки тусларининг (хар хил тус ва ранг-баранг кўк пушти) бирга қўшилишидан ташкил топади. Сур рангли терилар учун жингалакдаги ҳар бир толанинг пигментацияси унинг бўйига қараб гетерохром тарзда тақсимланган бўлиши билан характерлидир. Бундай терилар бир-биридан кескин фарқ қиладиган, зоналар бўйлаб жойлашган 2-3 хил ранга эга бўлади.

Бутун юзасининг ранги бир текис бўлиб, бир хил товланиб турадиган қорақўл терилар энг қимматбаҳо ҳисобланади.

ҚОРА РАНГ бутун терида бир хил пигментланган қора тола-лар бўлиши билан характерланади. Аммо пигментланиш даражасига кўра улар 5 та категорияга бўлинади:

а) тим қора - бутунлай қора ранг, ялтироқсиз, интенсив-қора пигментланган гуруҳга киради ва 100% деб баҳоланади;

б) смоласимон қора - қора ранг, ялтироқ, интенсив-қора пигментланган гуруҳга киради, 92% деб баҳоланади;

в) қора - от туси - рангдорлиги жиҳатидан иккинчи қора ранг, ялтироқсиз, қора пигментланган гуруҳга киради 80% деб баҳоланади;

г) қора - антрацит - алюмин-металл шуълали унча қора бўлмаган ранг, 70% деб баҳоланади;

д) кучсиз қора - кул рангга мойил бўлган қора ранг, пигментланиши етарли даражада қора бўлмаган гуруҳга киради ва 55% деб баҳоланади.

КЎК РАНГ хилма-хил тусда бўлади; оч кўк, кўк, тўқ кўк ва қора кўк. Бошқа ҳамма хусусиятлари тенг бўлгани ҳолда териларнинг ҳаммаси бир хил қимматга эга бўлмайди (31-жадвал).

**Жакет I навига мансуб кўк терилардаги қора ва оқ толалар
нисбати, % ва узунлиги, мм**

Туси ва ранг- баранглиги	Нисбати, %		Тола узунлиги, мм		
	қора	оқ	қора	оқ	Оқ толалар узунлиги, қораларга нисбатан, %
Сут ранг	10,6	13,8	10,6	13,8	130,0
Пулат ранг	11,4	13,5	11,4	13,5	118,5
Кумуш ранг	8,3	11,5	8,3	11,5	139,1
Марварид ранг	8,2	13,6	8,2	13,6	165,9
Ҳаво ранг	9,5	12,8	9,5	12,8	134,8
Садаф ранг	11,0	14,5	11,0	14,5	131,9
Сафид ранг	10,8	12,2	10,8	12,2	113,0
Қора ранг	9,5	13,8	9,5	13,8	145,3
Қўрғошин ранг	-	-	11,2	13,7	122,4

Кўк қорақўл нечоғли оч тусда бўлса, унда оқ толалар шунча кўп, қанча тўқ тусда бўлса, қора толалар шунча кўп бўлади.

Кўк қорақўлнинг ҳар хил тус ва ранг-баранг бўлишига оқ ва қора толалар узунлиги катта таъсир кўрсатади.

Тери қанчалик оч тусда бўлса, оқ толалар шунча узун ва қора толалар шунча калта бўлади, тери қанчалик тўқ бўлса, қора толалар нисбати шунча ортади.

Кўк қорақўлнинг ҳар бир туси орасида хилма-хил ранглар ҳам ажралиб туради.

Оч кўк тусдаги териларда сут ранг ва бўрсимон ранг, кўк ранг, кўк тусдаги териларда - ҳаво ранг, марварид ранг, кумуш ранг, пулат ранг ва қўрғошин ранг (графит ранг); тўқ кўк териларда сафид ранг, садаф ранг ва қора-кўк ранглар фарқ қилинади.

Сут ранг ва бўрсимон рангли терилар оқ толаларининг миқдори қора толалардан анча орик эканлиги билан фарқ қилади, оқ толалар унча ялтирок эмас ва қора толаларга нисбатан анча узун бўлади. Сут ранг териға - толаларнинг кремсимонроқ тус ва ипаксимонли жун толаси мос, бўрсимон ранга эса - толаларнинг дағалроқ ва тўроқ ҳамда хира ялтирок эканлиги характерлидир.

Пулат ранг кўк терида оқ ва қора толалар узунлиги деярли тенг, улар нормал ялтирок, оқ толалар миқдори сал кўпроқ бўлади.

Ҳаво ранг тери мутлақо оппоқ ва тим қора толалар етарлича яхши сифатли бўлган териларда вужудга келади. Оқ толалар микдори қора толалардан кўпроқ ва уларнинг узунлиги ҳам қора толаларникидан 35% ортиқроқ бўлади. Толалар асосан қайишқоқ, эластик, яхши ялтироқ ва ипаксимондир.

МАРВАРИД РАНГ ҳам толалар сифати худди ҳаво ранг кўк теридаги каби бўлган териларда вужудга келади, аммо оқ толалар қора толалардан кўра ингичкароқ, бўйи узунроқ, ипаксимонлиги ортиқроқ ва кучли даражада ялтироқ бўлади. Ҳаво ранг кўк тери бамисоли толалар учидан марваридлар ҳосил қилиб тугаллагандек туюлади.

КУМУШ РАНГ оқ толалар нисбати анча ортиқ, бўйи узун, кучли даражада ялтироқ ва жуда ипаксимон бўлган териларда вужудга келади. Бир текисдаги кўк кўриниши кумуш рангига ўхшаб кетади.

ҚЎРҒОШИН РАНГ ёки графит рангли кўк тери қора толаларнинг бирмунча кучли пигментланганлиги (қўнғирлашганлиги) ва оқ толалар сарғиш тусга кириб, ялтироқлиги хиралашгани билан характерланади. Бундай кўк тери ифлослангандек бўлиб кўринади.

САФИД РАНГ - тўқ кўк туснинг бир туридир. У рангининг деяри тўла бир текисда эканлиги билан характерланади. Қора толалар оқ толалардан сал кўпроқ. Оқ толалар узунлиги қора толаларникидан салгина узунроқ. Ҳамма толалар ҳам ипаксимон ва ялтироқ.

САДАФ РАНГ - бу ҳам тўқ кўк тусга киради. Узун оқ толалар қора толалардан анча (ўрта ҳисобда 31%) кўп бўлган териларда вужудга келади. Қора толалар нисбати оқ толалардан устунроқ. Бўйи узунроқ ва сийракроқ бўлган оқ толалар терида устки ярусни ҳосил қилади, уларнинг туби қорамтир тусда бўлади. Оқ толалар жуда узун ва яхши ялтироқ бўлганда чиройли ранг-баранглик ҳосил қилади.

ҚОРА-КЎК РАНГ шу билан характерланадиги, бундай терининг кўп қисми қора тола билан қопланган; оқ толалар думғазасидан яғринигача лентасимон тарзда жойлашган.

ПУШТИ РАНГ (гулигаз) икки уч хил рангдаги: қора, қўнғир толалар аралашмасидан ҳосил бўлади ва ҳар бир толанинг ранги унинг бўйига қараб зонал тарзда жойлашганлиги билан характерланади.

Оқ ёки қўнғир толаларнинг нисбатига ва уларнинг узунлигига қараб пушти рангнинг оч пуштидан тўқ пуштигача бўлган турли туслари учратади. Бриллиантсимон ранг ҳам пушти ранг қоракўл-

нинг бир тури ҳисобланади, унинг характерли томони шундаки, ундаги жигар ранг тола зонар ранга эга, яъни туби тўқ ва учи оч рангда бўлади. Уртача товланиб турадиган бриллиантсимон териларда толалар нисбати куйидагича бўлиб чиқди: пигментланган толалар - 56%, пигментланмаган толалар - 44%, тўқ (қорамтир) тусда товланувчи териларда худди шу кўрсаткичлар 65 ва 35 %, оч тусдаги териларда эса 24 ва 46% ни ташкил қилди.

СУР РАНГ - жингалакдаги хар бир толада пигментлар бўйига қараб нотекис тақсимланганлиги билан характерланади. Сур териларнинг қиммати толаларнинг туби ва учларидаги ранги равшан ифодаланганлигига, толанинг оч тусли қисми қанчалик чуқур ва равшан эканига, толанинг қорамтир туби билан оқиш тусдаги учлари нисбатига ҳамда бутун тери сатҳида рангининг бир текисда эканлигига, контрастлигига ва қорамтир тубидан оқиш тусдаги учига қандай (аста-секин ёки бирдан) ўтилишига ҳамда бутун тери сатҳида рангининг бир текислигига қараб аниқланади..

Толанинг қорамтир тубидан бирданига унинг оқиш учига ўтилиши контрастлигини келтириб чиқаради ва териларга кўркемлик бахш этади, уларни қорамтир тубидан оқиш тусдаги учига ўтиш контрастлигига қараб, улар рангининг равшанлиги ғоят хилма-хил (кўркемдан тортиб ёмонгача) бўлади. Сур терилар рангининг бутун тери юзасида қанчалик бир текис бўлиши, уларнинг бир тусда эканлигини характерлайди, рангининг бир текис эмаслиги қорақўл қимматини пасайтиради.

Келиб чиқишига қараб, сурнинг куйидаги типлари фарқ қилинади: Бухоро сури, Сурхондарё сури ва Қорақалпоқ сури. Бухоро сури қорақўл хусусиятлари ва товар сифатлари жиҳатидан қора қорақўлдан деярли фарқ қилмайди. Фақат толасининг ранги, кўпроқ ипаксимон ва ялтироқ эканлиги бундан мустаснодир. Бухоро сурида кумуш ранг, тилла ранг, жез ранг, сирень ранг, олмос ранг ва бошқа ранглар мавжуддир.

КУМУШ РАНГ СУР - толаларнинг тўқ қўнғир туби билан қўл ранг-симон кумуш рангдаги учларининг қўшилишидагина ҳосил бўлади. Тилла ранг-сур толасининг туб қисми тўқ қўнғир ёки тўқ каштан рангда бўлиб, бирданига оч тилла ранг учи бошланиб кетади, жез рангда толалар тубининг тўқ қўнғир ранги уч томонида жез рангга айланади, сирень ранг - таги қўнғир тусда бўлиб, учига қараб аста-секин оч сарик тусга кириб боради; олмос ранг - таги тўқ ко-

рамтир ёки қора рангда бўлиб, уч қисми бирданига платина рангига киради; қора сур - туби тўқ қорамтир ёки қора рангда ва тола учининг жуда калта қисми (1/10) оқиш тусда; оқиш сур - туби оч қўнғир ва тола учининг анча узун қисми (5/10 - 6/10) оқиш рангда.

СУРХОНДАРЁ СУРИ жингалақларининг бирмунча йириклиги, толалари бир оз узунроқ ва учлари оқиш тусда эканлиги билан Бухоро суридан фарқ қилади. Сурхондарё сурида жез ранг, платина ранг, қаҳрабо ранг, антрацит ранг, червон ранг ва бошқа хил ранглар учрайди.

ЖЕЗ РАНГ СУР - жингалақ толалар тубининг каштан ранги билан учларининг жез ранги қўшилишидан ҳосил бўлади; платина ранг - тубининг қорамтир кофе ёки деярли қоп-қора ранги билан учларини платинасимон ранги қўшилишидан вужудга келади; қаҳрабо ранг - тубининг қўнғир ранги билан учларининг оч сариқ ранги қўшилишидан ҳосил бўлади; антрацит ранг - тубининг тўқ қорамтир ёки тўқ қўнғир ранги учининг калта қисмидаги алюминсимон ранги билан қўшилишидан ташкил топади; червон ранг - тубининг тўқ каштан ёки тўқ қўнғир ранги билан учларининг оч қизил ранги қўшилиши натижасида вужудга келади.

ҚОРАҚАЛПОҚ СУРИ - олти хил рангга бўлинади: пўлати сур, шамчироқгул, ўрик гул, қамар (ойдин), шабдор (нўхат ранг) ва чақир (жозибали).

ПЎЛАТИ СУР - толаларининг туби қора, учига қараб аста-секин пўлат ранга кира боради; **шамчироқгул** - толаларининг туби қора ва учи оқ; **ўрик гул** - толаларининг туби қора ёки тўқ жигар ранг, ўртасига борганда тўқ сарғиш-қўнғир тусга киради, учи оқ ёки оч сариқ рангда. Бундай терилар ниҳоятда кўркем бўлади; **қамар** - туби қорамтир-қўнғир, учлари эса қизғиш тилла ранг- тусда; **шабдор** - толаларининг туби қўнғир тусда, учи эса сутсимон оқ рангда; **чақир** - толаларининг туби қорамтир кул ранг, учлари эса сутсимон - оқ рангда.

ЖИГАР РАНГ ТЕРИ турли тусдаги толаларнинг бир хил, яъни оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача бўлиш билан характерланади. Жингалағи анча йирик, жун толалари сиёрак ва дағал. Оч жигар ранг терилар орасида оч, ўртача ва қорамтир товланувчи туслар, энг ажойиб тўқ сариқ (шу тури) ранглар учраб туради.

ОҚ РАНГ бир хилдаги оқ, анча узун, ингичка, сиёрак толалар мавжудлиги билан характерланади. Оқ қорақўл зоти учун характерли

булмаган бошқа антиқа сунъий рангларга бўяш мумкинлиги жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

ҚОРАҚҮЛ ТЕРИСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қорақул териларининг катталиги - товар қимматининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Тери туқимасининг массаси, қалинлиги, пишиқлиги, жингалагининг катталиги, жун қопламаниннг хоссалари ва бошқалар мазкур кўрсаткич билан маълум даражада боғлиқдир.

Қорақул терилар катталиги бир неча хил усулда: миллиметрли қоғоз устидан, планиметр ёрдамида, сантиметрли линейка ва масштабли тахта воситасида ўлчанади (19-расм).

Ана шу усуллардан ҳар бирининг қанчалик ишончли эканлигини билиш учун тери юзаси миллиметрли қоғозга туширилган контурлари асосида ўлчаб кўриш йўли билан ўтказилган қиёсий назорат текшириш натижасида шу нарса аниқландики, терилар катталиги планиметр билан ўлчанганда (боши, бўйни, оёқлари ва думи ҳисобга кирмайди) 3-7% чамасида хатога йўл қўйилган., (купайиш томонга) стандарт юзасини сантиметрли линейка билан ўлчаганда эса хато 28-34% га, масштабли тахтада ўлчанганда эса 30-32% га етган (камайиш томонга).



19-расм. Тери сатҳи юзасини аниқлаш усуллари:

I - планшет устида,
II планиметр ёрдамида

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қорақўл териларни консервациянинг ҳамма усулларида ҳам уларнинг стандарт юзаси билан умумий юзаси ўртасидаги тафовут 28-32% га боради. Демак, териларнинг бутун юзаси катталигини аниқлаш учун стандарт катталиқни 70% (68-72%) деб қабул қилиш, сўнгра шу катталиқни 100% га айлантириш лозим.

Тадиққотчи ўз олдига қўйган мақсадига қараб қорақўл терилар юзасини улчашнинг у ёки бу услубини қўллаши мумкин. Қорақўл терилар юзасининг катталиги ҳам ашёнинг тури ва рангига боғлиқ бўлади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, агар қора қорақўл терилар юзасини 100% деб қабул қилинса, қорақўл-қорақўлча терилар 87,3% ни, қорақўлча - 75,6 % ни, гўлак - 60,9% ни ва яхобоб терилар 115,2% ни ташкил қилади. Кўк ва сур терилар орасида ҳам худди шундай тафовутлар қайд қилинган. Шу билан бирга ҳамма турдаги ҳам ашёда ҳам кўк терилар юзасининг катталиги билан фарқ қилади, сур терилар эса, қора териларга нисбатан кичикроқ эканлиги билан ажралиб туради.

Хар хил турдаги терилар юзасининг бундай бўлишига сабаб улар ҳомиладан эмбрионал ривожланишнинг турли даврларида ва янги туғилган қўзилар ҳаётининг дастлабки кунларида шилиб олинишидир.

Кирпук ва Москва жакети навларига мансуб терилар юзасининг бошқа хил териларга нисбатан энг майда эканлиги билан; Кавказ қалин I, Кавказ юпқа I, қалин жакет, қовурғасимон қалин I ва ясси қалин навлари эса - юзасининг энг йириклиги билан характерланади. Жакет II, қовурғасимон юпқа I ва ясси юпқа I навларига мансуб терилар юзасининг ўртача катталиқда эканлиги билан ажралиб туради. Сур ва кўк рангли териларда ҳам худди шундай қонуният аниқланган. Териларнинг рангига қараб бир-биридан бирмунча фарқ қилиши ҳайвонларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Тери юзасининг катталиги селекция-наслчилик ишларининг йўналишига боғлиқ ва у маълум даражада ҳам ашёнинг нави ва вақилини ифодалаши мумкин (32-жадвал).

Яйлов-озуқа шароити ва қўйларни боқиш даражаси ҳам, айниқса бўғозликни сўнгги даврида, терилар катталигига ва қорақўл маҳсулотига таъсир кўрсатади. Яхши яйлов-озуқа шароитида жойлашган хўжаликларда ("Конимех", "Нишон" Давлат наслчилик заводи,

“Чимқурғон” совхози) олинаётган қорақўл терилар юзасининг катталиги жиҳатидан нисбатан оғирроқ шароитда жойлашган хўжаликларда (“Жонгелди” наслчилик хўжалиги ва “Октябрь 40 йиллиги” совхози) олинаётган терилардан 9,2-10,3% афзал эканлиги аниқланди. Шу билан бирга яхши семирган совлиқлардан семизлиги паст бўлган совлиқларнинг қўзиларига нисбатан анча катта (10-12%) тери берадиган йирик қўзилар олинди.

Совлиқларнинг ёши ҳам қўзиларнинг ривожланишига, тирик вазнига ва тери юзасининг катталигига таъсир этади. Агар урта (3-6 ёш) совлиқлардан олинган қўзилар терисини 100% деб қабул қилинса, у ҳолда 1 яшар совлиқлардан олинган қўзилар териси 66,5%, 2 яшар совлиқлардан олинган қўзилар териси 89,5% ни ва тишига кўра брак қилинган совлиқлардан олинган қўзиларнинг териси 90,9% бўлади.

32-жадвал

Ҳар хил тус ва рангдаги қорақўл терилар юзасининг катталиги

Хом ашё турлари	Қора терилар		Қуқ терилар		Сур терилар	
	Стандарт см ²	Қорақўлга нисбатан, %	Стандарт см ²	Қорақўлга нисбатан, %	Стандарт см ²	Қорақўлга нисбатан, %
Гулак	836,2	60,9	901,0	61,5	817,6	60,8
Қорақўлча	1036,2	75,6	1198,7	81,8	901,0	67,0
Қорақўл-қорақўлча	1198,0	87,3	1326,0	90,5	1234,0	91,0
Қорақўл	1373,0	100,0	1464,8	100,0	1344,6	100,0
Яхобоб	1581,0	115,2	1627,2	111,1	1542,0	114,7

Қўзиларнинг тирик вазни ва уларнинг бир йўла нечтадан туғилганлиги ҳам терилар юзаси билан бевосита боғлиқдир. Яхши ривожланган ва йирик туғилган қўзилардан йирик юзали, майда қўзилардан - майда юзали терилар олинади. Агар туғилган пайтдаги вазни 4,5 кг бўлган қўзиларнинг тери юзаси 100% деб қабул қилинса, тирик вазни 3,5 кг қўзиларнинг териси 87,7% ни ва 1,7 кг вазли қўзилар териси 49,4% ни ташкил этади.

Қорақўл териларга технологик ишлов берилганда уларнинг юзаси кичраяди. Бирламчи консервалаш жараёнида, жумладан, уларни қуруқ тузлашда юпқа мағизли терилар 3-5% га, қалин мағизли терилар эса 4-8% га киришади, тузсиз қуруқ консераланганда терилар

таранг гортиб қўйиб қуритилиши туфайли янги ҳолатига нисбатан 2% киришади, ҳолос.

Тула консервалаш, ошлаш жараёнида қорақўл терилар юзасининг катталиги асл ҳолига қайтади. Бироқ қуритиш жараёнида ҳарорат ва бошқа омилларга қараб териларнинг киришиши анчагина ўзгариб туради. Одатдаги қуритиш майдончасида офтобга ёйиб қуритилганда қуруқ тузланган терилар юзасининг катталиги нисбатан киришиши 11% ни, одатдаги майдончада сояда қуритилганда 7,23% ни, одатдаги майдончада кечаси қуритилганда - 7,11% ни, бетон ётқизилган майдончада офтобда қуритилганда 10,99% ни, иккинчи марта тортиб қуритилганда 5,19% ни, маҳкамлаб қўйиб механик усулда қуритилганда 2% ни ташкил қилади.

Демак, қуритиш усули, шу жумладан, ҳавонинг ҳарорати киришиш катталигига бевосита таъсир этади. Ҳарорат 18-24°C бўлганда ошланган териларнинг қуруқ тузланган териларга нисбатан киришиши 6,6% ни, 26-43°C бўлганда - 11,04% ни, 32-41°C бўлганда - 14,4% ни, 39-49°C да эса - 15,9% ни ташкил этади.

Шундай қилиб, ҳарорат паст бўлганда терининг қуриши секин боради ва ошланган қорақўл терилар камроқ киришади, ҳарорат орта борган сайин терилар анча тез қурийдими ва кўпроқ киришади. Тури, юзаси ва ранги ҳар хил бўлган ошланган терилар ҳар хил даражада киришади.

Ҳар хил турдаги қорақўл терилар товар хусусияти жиҳатидан турли сифат категориялари билан характерланади. Шунинг учун қуритиш жараёнида уларнинг киришиш катталиги бир хил бўлмайди. Бир хил навга (қовурғасимон юпка I) мансуб, лекин юзасининг катталиги ҳар хил бўлган терилар ҳар хил киришади: майда юзали (600-900 см²) териларнинг қуритиш жараёнидаги киришиши 12,9% ни, ўртача (900-1100 см²) териларники 13,8% ни ва йирик (1100 см² дан катта) териларники 15,3% ни ташкил қилади.

Демак, майда сатҳли терилар энг кам киришади ва тери юзаси катталашган сайин уларнинг киришиши орта боради (33-жадвал).

Ҳар хил турдаги қорақўл терилар ишлов бериш жараёнида ҳар хил киришади. Бу эса, тери тўқимаси пишиқлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Тўқимаси бўш (ғовак) терилар энг кўп киришади, пишиқ (қурч) тўқимали терилар эса энг кам киришади.

ТЕРИЛАР ВАЗНИ. Териларнинг вазни ҳам ашё товар қийматининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Тери вазни унинг юзаси каг-

талиги, тери тўқимасининг (гўштпарданинг) қалинлиги, унинг намлиги, жун толалари қопламининг қалинлиги, узунлиги ва намлиги, тери тўқимасидаги эриган тузлар ва арачашмалар мавжуд бўлишига, шунингдек, терининг келиб чиқишига боғлиқ бўлади.

33-жадвал

Ҳар хил терилардаги қорақўл терилар кагталигининг ишлов усулига боғлиқлиги

Хом ашё тури	Янги терилар		Курук тузланган			Курук тузланганига нисбатан юзаси, кагталиги, %	
	Стандарт см ²	Қорақўлга нисбатан, %	Стандарт см ²	Умумий юзаси см ²	Янгисига нисбатан, %	Ошланган	Пардозланган
Гулак	1009,1	69,4	836	1248	82,9	88,9	89,3
Қорақўлча	1090,8	75,0	1036	1524	94,9	92,9	94,6
Қорақўл-қорақўлча	1284,1	88,3	1198	1736	93,3	92,2	91,9
Қорақўл	1454,7	100,0	1373	1962	94,4	90,2	91,9
Яхобоб	1701,8	117,0	1581	2197	92,9	87,8	89,1

Қорақўл терилар вазни техник тарозиди 1 г га қадар аниқликда ўлчанади.

Қорақўл кўзиларининг янги шилиб олинган териси ўз вазнидан ташқари (тери тўқимаси ва жун толалари вазни), хужайралар ва тўқима таркибига кирувчи муайян миқдордаги сувга ҳам эга бўлади.

Тери таркибидаги сувнинг миқдори қуритиш йўли билан аниқланади. Янги (янги шилиб олинган) терилар учун 1 см² тери коплами проба қилиб олинди ва торзион тарозиди 1 мг гача аниқликда тортилиб, сўнгра қуритиш шкафларида абсолют вазн ҳолатига қадар қуритилди, сўнгра яна тортиб қўрилди. Иккала вазн ўртасидаги тафовутни ҳисоблаш йўли билан тери таркибидаги сув миқдори аниқланди - у тери умумий вазнининг 64-70% ини ташкил қилар экан.

Курук тузланган териларнинг ҳақиқий вазни қуйидаги тажриба асосида аниқланди: йигирма тўртта тери аналоглар усули асосида тўрт гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳда бирламчи ишлов беришнинг турли усули қўлланилди:

I - гуруҳ терилар одатдаги ишлаб чиқариш услуби асосида қурук тузланди (к/г).

II - гуруҳ терилар 2 минут давомида ювилди, сўнгра улар рамада симметрик равишда туғриланган ҳолатда ва ревендукда ёйиб қўйилган ҳолатда қуритилди. Қуритилгандан кейин терилар тузсиз куруқ консерваланган (т/к) кўринишда эди.

III - гуруҳ терилар аввал ювилди, сўнгра куруқ тузлаш усулида консерваланди.

IV - гуруҳ терилар одатдаги ишлаб чиқариш усулида куруқ тузланди, 5-кунга бориб ювилди, сўнгра ревендукка ёйиб қуритилди. Қуритилгандан кейин улар тоза кўринишга эга бўлди.

Шундан кейин ҳамма гуруҳдаги терилар ҳам чанг ютгич билан тозаланди. Тери тўқимаси ва толаларнинг намлиги “Юпитер” маркали нам ўлчагич ёрдамида аниқланди, сўнгра терилар техник тарозида 1 г гача аниқликда тортиб кўрилди. Бирламчи консервалангандан кейин олинган тарози маълумотларини қайта ҳисоблаш териларнинг ҳақиқий вазни, намлиги ва аралашмалар нисбатини аниқлаш имконини беради (34-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан шу нарсa кўриниб турибдики, янги шилиб олинган ва ошланган ҳолатдаги териларнинг ўртача вазни тўрттала гуруҳда ҳам (уларни бирламчи консервалашдан кейинги вазнидан ташқари) амалда бир хил бўлиб қолар экан. Маълумки, куруқ консерваланган тери вазнига фақат тери тўқимаси билан жун толалар вазнигина киради. Шунинг учун агар тузсиз консерваланган тери вазнини 100% деб қабул қилинса, тегишли ҳисоблаш йўли билан бегона аралашмалар ва эриган тузлар нисбатини аниқлаш мумкин бўлади, бу эса пировард натижада бирламчи консерваланган қорақул терилар вазнидаги тафовутни англатади.

Жун қоплами ва тери тўқимаси нормал (18-20%) намлиқда бўлганда терининг ҳақиқий вазни унинг куруқ тузланган ҳолатдаги умумий вазнига нисбатан тахминан 65,7% ни, эриган (диффузияланган) ҳолатдаги туз массаси 17,9% ни, толага ёпишиб қолган бегона аралашмалар ва йўлдош қолдиқлар вазни 12,6% ни, гўштлардага ёпишиб қолган туз зарралари вазни эса - 3,8% ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, терининг ҳақиқий вазнини аниқлаш учун аввал унинг натурал (физик) вазнини 100% деб қабул қилиш, сўнгра уни 65,6% га айлантириш лозим.

Терилар вазнининг ишлов бериш усулларига боғлиқлиги

Гу- рух	Консервалаш усули	Тери вазни					
		Янги тери		Бирламчи кон- сервалангандан кейин		Ошланган	
		Бутун юзаси, гр.	II гуруҳга нисб. %	Бутун майдон и. гр.	II гуруҳга нисб. % (т/к)	бутун майдони. гр.	II гуруҳга нисб. %
I	Одатдагича курук туз- ланган	873	100	373	144,5	292	100
II	Тузсиз ку- ритилган	872	100	258	100	293	100
III	Ювилгандан кейин курук тузланган	873	100	340	131,7	291	100
IV	Курук туз- ланиб, кети- дан ювилган	872	100	304	118,0	291	100

Ошланган қорақўл терилар вазни уларнинг ҳақиқий вазни билан қолдиқ туз ва ачитмалар вазнидан (8-10% чамаси) ташкил топади. Пардозланган терилар вазни гўштпардаси олинган (тери ости клетчаткаси йўқ) тери вазнини ҳамда туз ва кислоталар қолдиқлари вазнини ўз ичига олади, пардозланган ва бўялган терилар вазни эса булардан ташқари майинлик берувчи моддалар ва бўёқлар вазнини ҳам ўз ичига олади.

Бир хил навлардаги қорақўл териларга баҳо беришда енгил, юпка гўштпардали (юпка мағизли) терилар афзал ҳисобланади. Бундан қорақўлга ҳамиша талаб кўп бўлади.

Қорақўл терилар вазни аввало хом ашёнинг турига ва рангига боғлиқ бўлади (35-жадвал).

Агар қорақўл терилар вазнини 100% деб олинса, қорақўл-қорақўлча терилар вазни 84,9% ни, қорақўлча терилар - 68,1% ни, гўлак - 51,7% ни ва яхобоб терилар вазни - 196,5% ни ташкил қиладди.

Кўк ва сур терилар орасида ҳам шундай тафовут борлиги аниқланган. Кўк терилар қора териларга нисбатан анча оғирроқ, сур терилар эса - енгилроқ бўлиб чиқди. Қорақўл терилар вазнидаги ушбу тафовутлар ҳам худди эмбрионал ривожланишнинг турли даврларида ҳомилаларда ва постэмбрионал ривожланиш давридаги қўзиларда терининг товар хусусиятлари шаклланишига олиб келувчи сабаблар билан изоҳланади.

35-жадвал

Ҳар хил тур ва рангдаги қорақўл терилар вазни

Хом ашё тури	Қора		Кўк		Сур	
	Физик вазни. гр.	Қорақўл- га нис. %	Физик вазни. гр.	Қорақўлга нисб. %	Физик вазни. гр.	Қорақўлга нисб. %
Гулак	154,0	51,7	162,0	48,3	147,4	50,9
Қорақўлча	203,1	68,1	217,0	64,7	202,0	69,8
Қорақўл- қорақўлча	253,0	84,9	315,2	94,0	241,2	83,3
Қорақўл	298,1	100,0	335,2	100,0	289,4	100,0
Яхобоб	18,8	196,5	610,2	182,0	456,0	257,6

Турли нав ва рангдаги қорақўл терилар ҳам вазнининг ҳар хиллиги билан характерланади (38-жадвал).

Москва жакети, кирпук ва ясси юпка I навларидан бўлган қорақўл терилар вазни унча катта эмас; Кавказ қалин I, Кавказ юпка I, қовурғасимон қалин I ва қалин жакет навларининг вазни анча оғир; жакет I, қовурғасимон юпка I ва ясси қалин навларининг вазни ўртача оғирликка эга. Кўк ва сур терилар ўртасида ҳам худди шундай қонуният борлиги аниқланган. Бироқ кўк рангли терилар бирмунча каттароқ вазни билан, сур терилар эсакичикроқ вазнли эканлиги билан ажралиб туради.

Демак, терилари муайян сифатга эга бўлган қорақўл қўйларини таишлаб олиш йўли билан енгил вазнли терилар стиштириш йўналишида муваффақиятли селекция ишлари олиб бориш мумкин.

Ҳар хил нав рангдаги қорақул терилар вазни

Ассортименти	Кора		Кўк		Сур	
	физик	абсолют	физик	абсолют	физик	абсолют
Жакет I	242	160	309	204	231	152
Қалин жакет	356	231	378	246	342	222
Москва жакети	214	141	256	169	198	133
Қирпук	218	144			-	
Кавказ қалин I	386	251	398	259	357	132
Кавказ юпка I	362	235	387	252	350	227
Ковурғасимон юпка I	279	184	293	193	251	166
Ковурғасимон қалин I	273	242	401	261	356	229
Ясси юпка I	223	147	252	166	201	135
Ясси қалин I	328	216	343	223	319	210

Яхши яйлов-озуқа шароитида жойлашган хўжаликларда (“Конимех”, “Нишон” Давлат наслчилик заводи ва “Чимқўрғон” совхози) қорақул терилар вазни озуқа камроқ шароитда жойлашган хўжаликлардагига нисбатан (“Жонгелди” наслчилик хўжалиги ва “Октябрь 40 йиллиги” совхоз) 18-22% ортқидир.

Бўғозлик даврининг сўнгги учдан бир қисмида юқори даражада семиз бўлган совлиқлардан худди шу ёшдаги, лекин семизлиги паст даражада бўлган совлиқларга нисбатан анча (12-15%) оғирроқ тери олинади.

Қорақул қўзилар териси вазнининг катта ёки кичик бўлишида совлиқларнинг ёши ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги (3-6 яшар) совлиқлардан олинган қўзилар терисининг вазни 100% деб қабул қилинса, икки ёшли совлиқларда у 74,8% ни, бир яшар совлиқларда - 73,1% ни ва тишига қараб брак қилинган совлиқларда - 82,1% ни ташкил қилади.

Қорақул терилар вазни қўзиларнинг туғилган пайтдаги тирик вазнига ва эгиз қўзилар сонига ҳам муайян даражада боғлиқдир. Агар 4,5 кг вазни қўзилар терисининг вазни 100% деб қабул қилинса, 3,5 кг вазни қўзиларники 81,4% ни, 2,5 кг вазни қўзиларники 70,1% ни, 1,7 кг қўзиларники 56,1% ни ташкил қилади.

Агар биттадан туғилган қўзилар терисининг вазни 100% деб қабул қилинса, иккиталик эгиз қўзилар терисининг вазни 80,8% ни,

учталики эгизларники - 61,8% ни, туртталики эгизларники - 50,1% ни ва бешталики кўзиларники 36,1% ни ташкил қилади.

Қорақўл терилар вазни ҳам ашё турига ҳам боғлиқ. Агар қора қорақўл вазни 100% деб қабул қилинса, қорақўл-қорақўлча терилар вазни 62% ни, қорақўлча терилар 57,4% ни, гўлак терилар - 38,7% ни ва яхобоб терилар 172,7% ни ташкил қилади.

Ҳар хил рангли қорақўл терилар вазни ҳам бир хил бўлмайди. Агар бир хил номдаги қорақўл терилар (қалин жакет) вазни 100% деб қабул қилинса, худди шундай кўк терилар вазни 110,9% ни, сур териларники 97,3% ни ташкил этади.


Технологик ишлов бериш жараёнида қорақўл терилар вазни ўзгаради. Қурук тузлашда улар ўз вазнининг 50,3-68,9% ини йўқотади, тузсиз қурук консервалашда ундан ҳам кўпроқ вазни йўқолади.

Қорақўлча гуруҳига кирувчи терилар вазнининг бошқаларга нисбатан кўпроқ йўқотилишининг сабаби улар таркибида сув микдорининг кўп эканлигидадир.

37-жадвал

Ҳар хил рангли териларнинг ишлаш жараёнида улар вазнининг ўзгариши

Ҳар хил рангли қорақўл териларнинг бирламчи ишлаш усуллари	Янги тери	Бирламчи консервациядан кейин		Ошланган		Ишлов берилган, бўялган	
	вазни, г	вазни, г	к/т ват/к га нисб. %	вазни, г	к/т ват/к га нисб. %	вазни, г	к/т ват/к га нисб. %
Қора терилар							
Қурук тузланган (к/т)	987,4	461	46,7	307	66,6	254	55,0
Тузсиз қурук (т/к)	1002,1	267	28,7	319	110,8	261	90,9
Кўк терилар							
Қурук тузланган	1217,0	579	47,6	431	74,4	339	58,6
Тузсиз қурук	1198,4	361	30,1	418	115,9	338	93,7
Сур терилар							
Қурук тузланган	872,1	411	47,1	286	69,6	228	55,6
Тузсиз қурук	896,0	263	29,3	296	112,7	232	88,4



20-расм. 1-тери мағзи қалинли-
гини (толшчемер ёрдамида)
аниқлаш; 2-Церивитинов систе-
масидаги пробойник; 3-“Юпитер”
нам улчагичи

Ҳар хил рангли қорақул терининг қалинлиги тери туқимасининг пишиқли-
ги ва вазни бир қатор биологик ва бош-
қа сабабларга кўра бир хил эмас, шу
туфайли улар технологик ишлов жараё-
нида турлича ўзгаради. Қора қорақул
терилар - юзаси ва вазнининг ўртача
катталиқда экани билан, кўк терилар -
юзаси ва вазни анчагина катта эканлиги
билан характерланади, сур терилар эса
бу жиҳатидан оралиқ ўринда туради.

Барча ишлов жараёнларида кўк
терилар ўз вазнини энг кўп, сур тери-
лар, - ўрта миёна, қора терилар эса энг
кам йўқотади (37-жадвал).

Шундай қилиб, қорақул терилар
вазни хом ашёнинг тури, юзасининг
катталиги, ранги, қалинлиги ва гўшт-
пардасининг (мағзининг) қуруқлиги, жун
тола қопламсининг қалинлиги ва баланд-
лиги, гўштпардаси ва толаларнинг
намлиги, консерваланган хом ашёнинг
ҳолати, унда бегона аралашмалар бор-
йўқлигига боғлиқ.

ЮЗА БИРЛИГИ ВАЗНИ. Қорақул териларнинг абсолют
вазни эмас, балки, юза бирлиги вазни, яъни 100 см^2 юзанинг вазни
уларнинг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Юза бирлиги вазни қанча кам бўлса, тери туқимаси шунча
енгил, шунингдек, тайёрланган мўйна буюмлар ҳам шунчалик енгил
бўлади. Юза бирлиги вазнини аниқлаш учун терининг бутун юзасини
ва ҳақиқий вазнини билиш муҳим аҳамиятга эга (38-жадвал). Агар
бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, стандарт катталиқни 70% деб
қабул қилиш, сўнгра уни 100% айлантириш лозим. Териларнинг
ҳақиқий вазнини аниқлаш учун терининг натурал вазнини 100% деб
қабул қилиш, сўнгра уни 65,7% га айлантириш зарур.

Терилар юзасининг катталлиги ва вазни

Хом ашё турлари	Юза катталлиги, см		Тери вазни, г	
	стандарт	бутун юзаси	физик	ҳақиқий
Гулак	836,2	1248	154,0	101,2
Қорақулча	1036,2	1524	203,1	133,4
Қорақул-қорақулча	1198,0	1736	253	168,8
Қорақул	1373,3	1962	289,1	198,8
Яхобоб	1581,2	2197	585,8	384,9

Юза бирлиги вазини аниқлаш учун териларнинг ҳақиқий вазни бутун юзасининг ҳақиқий катталлигига тақсимланади (39-жадвал).

39-жадвал

Юза бирлиги вазни, г/см²

Хом ашё турлари	Стандарт юзаси ва физик вазнига нисбатан	Бутун юзаси ва физик вазнига нисбатан	Бутун юзаси ва абсолют вазнига нисбатан
Гулак	18,4	12,3	8,1
Қорақулча	19,6	13,3	8,7
Қорақул-қорақулча	21,1	14,6	9,7
Қорақул	21,7	15,2	10,1
Яхобоб	37,0	26,6	17,5

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, юза бирлигининг ҳақиқий вазни юза катталлигини ўлчаш услубига ва унинг абсолют вазнига боғлиқ.

ТЕРИ ТЎҚИМАСИНИНГ ҚАЛИНЛИГИ эпидермис, дерма ва тери ости клетчаткаси қалинликлари йиғиндисидан ташкил топади. Териларга баҳо беришда бу кўрсаткич албатта ҳисобга олиниши керак. Тери тўқимасининг қалинлиги аввало хом ашёнинг тури ва рангига боғлиқ.

Агар қорақул териларнинг тери тўқимаси қалинлиги 100% деб қабул қилинса, қорақул-қорақулча териларники 90,8% ни, қорақулчаники - 66,3% ни, гулак териларники - 31,7% ни ва яхобоб териларники 29,6% ни ташкил этади. Кўк ва сур рангли териларда ҳам худди шундай қопуният қайд қилинган (20-расм).

Хар хил нав ва рангларга мансуб қорақўл терилар ўртасида ҳам тери тўқимасининг қалинлиги жиҳатидан муайян тафовутлар бор (40-жадвал). Москва жакети, кирпук ва ясси юпка I навлариға кирувчи қорақўл терилар тўқимасининг ниҳоятда юпка эканлиги билан: жакет I, қовурғасимон юпка I ва ясси қалин I навлари - ўртача қалинлиги билан, Кавказ қалин I, Кавказ юпка I, қалин жакет ва қовурғасимон қалин I навлари эса, мағзи қалин эканлиги билан характерланани. Кўк ва сур рангли қорақўл терилар ўртасида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар борлиги аниқланган. Шу билан бирга кўк терилар ўз тери тўқимасининг қора қорақўл териларникига нисбатан бирмунча қалинроқ эканлиги билан, сур терилар эса - тўқимаси энг паст эканлиги билан ажралиб туради.

Қорақўл териларнинг турли юзаларида тери тўқимасининг қалинлиги бир хил эмас. Агар териларнинг сағрисида тўқима қалинлигини 100% деб қабул қилинса, орқа соҳасида у 117,4% ни, яғрип соҳасида 104,1% ни ва ёнбошида 92,9% ни ташкил қилади. Кўк ва сур рангли териларда ҳам деярли худди шундай қонуният аниқланган.

Шуни айтиш керакки, қорақўл қўйлар тери тўқимасининг қалинлиги бўйича селекциялаш кўплаб юпка мағизли тери етиштиришни таъминлайди

Қорақўл қўйлар бокиладиган зоналарнинг яйлов-озуқа шароити тери тўқимасининг қалинлигига муайян даражада таъсир кўрсатади. Анча қулай шароитли зоналарда жойлашган хўжаликларда ("Конимех" "Нишон" Давлат наслчилик заводи ва "Чимқўрғон" совхози) бу кўрсаткичлар бир мунча ёмонроқ зоналарда жойлашган хўжаликларда ("Жонгелди" наслчилик хўжалиги ва "Октябрь 40 йиллиги" совхози) етиштирилган териларникига нисбатан 18,2-23,1% ортинқдир. Бўғозлик даврида анча юқори семизликда бўлган совлиқлар йирикроқ қўзи берди ва уларнинг тери тўқимаси унча семиз бўлмаган совлиқлардан олинган қўзиларникига нисбатан 5-17% ортик бўлиб чикди.

Эрта муддатларда туғилган қўзиларнинг тери тўқимаси одатдаги ишлаб чиқариш муддатларида туғилган қўзиларникига нисбатан 10-14% юпқароқ эканлиги маълум бўлди.

Совлиқларнинг серпуштлиги ҳам қорақўл териларнинг тери тўқимаси қалинлигига катта таъсир этади. Агар биттадан туғилган қўзиларнинг териси 100% деб қабул қилинса, эгизак туғилган қўзилар

териси тўқимасининг қалинлиги 80% ни, учтадан туғилган қўзилар-
ники 54 1% ни ташкил этади.

40-жадвал

Ҳар хил рангли териларда тери тўқимаси қалинлиги, мм

Навларнинг номлари	Қора		Қуқ		Сур	
	сағриси	яғрини	сағриси	яғрини	сағриси	яғрини
Жакет	0,90	0,73	0,97	0,82	0,71	0,68
Қалин жакет	1,03	0,99	1,12	0,98	0,94	0,81
Москва жакети	0,81	0,78	0,90	0,77	0,76	0,59
Қирпук	0,87	0,86	-	-	-	-
Кавказ қалин I	1,16	1,18	1,21	1,08	1,01	0,88
Кавказ юпка I	1,07	1,10	1,19	1,02	0,99	0,74
Қовурғасимон юпка I	0,99	1,00	0,99	0,83	0,87	0,66
Қовурғасимон қалин I	1,14	1,16	1,28	1,08	0,99	0,84
Ясси юпка I	0,81	0,80	0,86	0,72	0,67	0,53
Ясси қалин I	0,98	0,75	1,02	0,88	0,87	0,73

Қорақўл териларига технологик ишлов бериш ва консерваланган жараёнида тери тўқимасининг қалинлиги анча ўзгаради

Ҳар хил турдаги қорақўл терилар консерваланганда уларнинг тери тўқимаси қалинлиги бир хил бўлиб чиқмайди. Қуруқ тузланганда гўлак ва яхобоб терилар тўқимасининг қалинлиги энг кўп йўқолади, қорақўл ва қорақўл-қорақўлча териларники - ўртамиёна, қорақўл териларнинг тери тўқимаси қалинлиги эса ҳаммадан кам йўқолади. Бу тафовутларнинг сабаби ҳомиланинг эмбрионал ривожланиш ва қўзиларнинг постэмбрионал ривожланиш давларида қорақўл териларда товар хоссалари шаклланидиган босқичларнинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Ошлаш жараёнида ҳар хил турдаги қорақўл терилар ишлов бериш ва бўяшдагига қараганда камроқ ўзгаришга учрайди. Ишлов бериш жараёнида тери тўқимаси анчагина юқаланишининг сабаби, шундаки, тарашланганда тери ости клетчаткаси олиб ташланади. Ошлаш, ишлов бериш ва бўяш жараёнларида тери тўқимаси қалинлигининг ўзгариши ҳар хил турдаги терилар нисбатига бирмунча таъсир этади. Шунга қарамай гўлак ва қорақўлча терилар энг юққа мағизли

қорақул-қорақулча ва қорақул терилар тўқимаси эса ўртамиёна қалинликда бўлиб чиқди.

Турли қорақул гуруҳларига кирувчи қорақул териларга ишлов бериш натижасида тери тўқимасининг қалинлиги турлича ўзгаради. Қурук тузлаш жараёнида Кавказ ва қовурғасимон гуруҳларига кирувчи қорақул терилар тўқимаси энг кўп, жакет ва ясси гулли гуруҳларга кирувчи терилар - энг кам юпқалашади. Агар қурук тузланган ҳолатдаги жакет гуруҳ терилар тўқимаси қалинлиги 100% деб қабул қилинса, ясси гулли қорақул гуруҳига кирувчи терилар энг юпка мағизли (87,9%), Кавказ ва қовурғасимон қорақул гуруҳларига кирувчи терилар эса энг қалин мағизли бўлиб чиқади. Ошлаш жараёнида Кавказ қорақули гуруҳига кирувчи терилар тўқимаси энг кўп, бошқа гуруҳлардаги терилар тўқимаси эса ўртача даражада юпқалашади.

Ишлов бериш ва бўяш жараёнларида гўштпардаси сидириб ташланиши сабабли жакет ясси ва кавказ гуруҳларига кирувчи қорақул терилар тўқимаси энг кам юпқалашади. Кўк ва сур рангли териларда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар кузатилди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бир хил териларнинг турли участкаларидаги тери тўқимасининг қалинлиги ишлов бериш жараёнида турлича ўзгаради.

41-жадвал

Териларни ишлаш жараёнида улар тўқимаси қалинлигининг ўзгариши

Хар хил рангли қорақул териларни бирламчи консервалаш ҳолати	Янги тери	Бирламчи консервалашдан кейин		Ошланган		Ишланган, бўялган	
	мм	мм	янгисига нисб. %	мм	к/т ва т/к га нисб. %	мм	к/т ва т/к га нисб. %
Қора терилар							
Қурук тери тузланган (к/т)	1,29	1,14	88,4	0,89	78,1	0,67	58,8
Тузсиз қурук (т/к)	1,31	0,88	67,2	0,89	101,1	0,68	77,3
Кўк терилар							
Қурук тузланган	1,36	1,16	85,3	0,93	80,2	0,71	61,2
Тузсиз қурук	1,35	0,90	66,6	0,94	104,5	0,72	80,0
Сур терилар							
Қурук тузланган	1,28	1,10	86,0	0,87	79,1	0,65	59,1
Тузсиз қурук	1,32	0,87	65,9	0,86	98,9	0,65	74,7

Ёнбош ва орқа қисмида тери тўқимасининг энг кўп, сағри ва яғрин қисмида - энг кам ўзгарганлиги маълум бўлди. Демак, терининг юмшоқ (говакрок) участкалари нисбатан кўпроқ ўзгаради.

Тери тўқимасининг қалинлиги бирламчи консервалаш усулига боғлиқ (41-жадвал).

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, курук тузлаш усулида бирламчи консервалашда қорақўл териларнинг тери тўқимаси қалинлиги янги шилиб олинган терининг қалинлигига нисбатан 12-15% камаяди, тузсиз куритилганда эса 40-44% камаяди. Курук тузланганда тери тўқимаси нисбатан кам юпқаланишининг сабаби шундаки, бунда диффузланган тузнинг тўқима ичига кириши ва сувнинг сиқиб чиқарилиши туфайли тўқима бирмунча зичлашади. Тузсиз курук консерваланганда тери тўқимасининг анча юпқаланиб кетиши, сувнинг буғланиб кетиши ва хужайраларнинг қуришиб қолиши билан боғлиқ. Шундан кейинги ишлаш жараёнларида тузсиз курук консерваланган терилар тўқимасининг ўзгариш кўрсаткичлари бирмунча бошқачароқ бўлиб чиқди.

Қорақўл кўзилар тери тўқимасининг қалинлиги толшчемер, (қалинлик ўлчагич) микрометр, миллиметрли лупа ёрдамида ва микроскоп остида ўлчанади. Ишлаб чиқариш шароитида тери тўқимасига ва унинг қалинлигига қараб баҳо бериш учун териларни уч категорияга ажратиш ва консерваланиш ҳолатига қараб қуйидаги тахминий кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади (41-жадвал).

42-жадвал

Терининг сағри қисмидаги тўқимаси қалинлигининг тахминий кўрсаткичлари, мм

Категория	Янги тери	Тузсиз курук	Курук тузланган	Ошланган	Ошланган ва бўялган
Юпка	1,2 гача	0,6 гача	1,0 гача	1,1 гача	0,7 гача
Ўртача	1,2-1,4	0,6-0,8	1,0-1,2	1,1-1,3	0,7-0,9
Қалин	1,4 ва ундан ортиқ	0,8 ва ундан ортиқ	1,2 ва ундан ортиқ	1,3 ва ундан ортиқ	0,9 ва ундан ортиқ

Тери тўқимасининг қалинлиги бир хил бўлган қорақўл терилар орасида тўқимаси анча қурч ва бўш терилар учраб туради. Ишлов бериш жараёнида бўш тўқимали терилар турли ўзгаришларга қурч тўқимали териларга нисбатан кўпроқ дучор бўлади.

ҚОРАҚҮЛ ТЕРИЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ҚҶЗИ СҲЙИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕРИНИ ШИЛИШ

Қўзи сўйишни марказлаштирилган пунктларда ташкил этиш-тери шилиш, ёғини кетказиш, дастлабки консервалаш, тозалаш, тиниктириб қўйиш, саралаш (навларга ажратиш) ва транспортга ор-тиб жўнатиш каби технологик жараёнларни малакали ҳамда қатъий тартиб асосида кетма-кет олиб бориш имкониятини беради.

Қўзи танасидан қон батамом оқизиб чиқарилса ва териси тўғри шилиб олинса, қоракўл тери стандарт шаклга эга бўлади. Қўзини сўйишдан олдин сўювчи уни чалқанча қилиб тиззалари орасига қи-сиб туриб олдинги оёқларини гадани орқасига қайиради ва чал-маштириб қўяди, чап қўли билан тумшугидан ушлаб бошини кесила-диган бўғзи туртиб чиккунга кадар орқасига эгади. Сўнгра терисини ҳиқилдоғидан бошлаб ўрта чизик бўйлаб токи пастки лабининг учи-гача ўтқир пичоқ билан тилиб чиқади. Шундан кейин бўйиннинг халқуми қисмидаги териси шилинган жойини пичоқнинг ўтқир учи билан тешадида томоғини ва унга туташ қон томирларини зудлик билан кесиб юборади. Сўнгра сўйилган қўзи четларига бортчалар қилинган махсус стол устига ётқизилиб қўйилади. Столда қўзининг бошини сиқиб қўйиш ва қон силқиши учун тешик бор.

Тажрибанинг кўрсатишича қўзининг бўйин терисини узунасига тилиш томоғидан кўндалангига бўғизлашга нисбатан катта афзаллик-ка эга, чунки бунда терининг бўйин қисми торайиб қолмайди, бош териси узилиб кетмайди ва нуқсонларнинг олди олинади.

Сўйилган қўзининг қони оқиб бўлгандан кейин қўзиларнинг териси остига компрессор қурилма ёрдамида ҳаво пуфланади. Бунинг учун шланг учига 2-3 миллиметрли ичи ғовак ветеринария иғнасини маҳкамлаб ўрнатиладида, уни орқа оёқларидан бирига санчиб қўйи-лади, сўнгра компрессорни улаб бўйиннинг кесилган жойида дастлаб-ки пуфакчалар пайдо бўлгунча тери остига ҳаво юборилади. Ҳаво тери остига бир текис тарқалиши учун қўзи танасини қўл блан са-лгина уриб туриш лозим (21-расм).

Шундан кейин қўзи танасини чалқанча ётқизиб, орқа чиқарув тешигидан бошлаб, қорни ва кўкрагининг ўрта чизигидан томоғи ва пастки лабидаги кесикка кадар борадиган тўғри чизик бўйлаб тикка-сига тилиб чиқилади. Олдинги оёқлари терисини туёқ айри қисми-

нинг сиртки томонидан тили-надида тирсагини букилма қисми орқали ички ўрта чизик бўйлаб тушидаги узун кесикка қадар давом эттирилади. Орқа оёқларининг териси ҳам туёқ айри қисмидан тилинади ва оёқнинг орқа томони бўйлаб тизза бугимиға қадар ва ундан ички ўрта чизик бўйлаб мойк халтасига қадар давом эттирилади. Мойк халтасининг бир томонидан шундай кесиладики, натижада унинг тери қоплами терининг қарама-қарши томонидан яхлитлигича сақлаб қолинади.

Думининг жунсиз (тақир) қисми жун қоплами чегарасидан қирқиб ташланади. Думбасининг ялтироқ (силлиқ) қисми эса нимтасида қолдирилади. Дум териси учига қадар тик иккига тилиб чиқилади. Теридаги ҳамма кесиклар аниқ туғри чизик бўйлаб қилинади.

Қузи терисини қориннинг ўрта чизиги бўйлаб пичоқ ва бармоқлар ёрдамида шилиб олина бошлайди, бунда тери анал тешигидан бошлаб ёнбош ва кўкракка қараб икки томондан шилинади. Пичоқни тери ости пардалари терига ёпишиб чиқа бошлаган пайтлардагина ишлатган маъқул.

Қориннинг ўнг ва чап томонларидаги тери қоплами ажралгандан кейин орқа ўнг оёқ териси шилиб чиқилади, бунинг учун туёқ



21-рисм. Қузи сўйиш ва тери бичиш:
I қузи терисини бичиш схемаси, II бош қисмини
бичиш схемалари.

айри қисмидан қирқилади. Сўнгра бошқа оёқларнинг териси ҳам шилинади. Шундан кейин ёнбош томонларнинг териси орқанинг ўрта чизигига қадар очик қафт ёрдамида (панжалар йиғилган) шилиб олинади. Сўнгра бутун нимтани чап оёғининг пайдан илгакка (сўювчининг елкаси баландлигига) илиб қўйилади. Дум атрофи ва бутун тери думининг учига қадар пичоқ ёрдамида шилинади ва бунда терида гўшт, пай, айниқса ёғ қолдирмасликка ҳаракат қилинади.

Тери шилиш бош терисини ажратиш билан тугалланади. Бош қисмининг териси пай орқали зич ёпишиб турганлиги сабабли уни ажратиш олиш кийинроқ иш. Шу сабабли терини шикастлантириб қўймаслик учун пичоқни жуда эҳтиётлик билан ишлатиш керак. Бош терисини шилишга киришишдан олдин кўздан ёки қулоқ тешикларидан лабини четларига қадар тилиб чиқилади, шундан кейин пастки жағ териси шилинади, сўнгра энса қисмида қулоқ супраларининг тагидан қирқиб қўйилади ва ниҳоят юз қисмига ва бурнига ўтилади. Қулоқ тоғайларини қулоқ супрасини ички юзаси териси билан бирга кесиб ташланади. Бунда пичоқ тигини қулоқнинг ташқи томонига тегизмасликка ҳаракат қилинади, бу ерга тирик кўзини сўйишга жўнатишдан олдин номерли бирка осиб қўйилган бўлади.

Қозоғистон қорақўлчилик илмий тадқиқот институти бош терисини бичишни шохлар орасидан юқори лабнинг учига қадар тилиб чиқишдан бошлашни тавсия этади. Бунда қулоқ супралари тагидан қирқиб ташланади. Бош терисини бичишнинг кўрсатиб ўтилган барча усуллари туфайли тери ҳалтасимон бўлиб чиқмайди, у яхшироқ кўринишга эга бўлади, бўйнининг узунасига кесилиши терини йирик қилиб кўрсатади.

ЁҒСИЗЛАНТИРИШ. Совиган терини скоба ёки чарм парчаси устига ёйиб гўшт, пай ва ёғ қолдиқларидан эҳтиётлик билан тозаланади, акс ҳолда улар тери тўқимаси ичига (мағизга) туз ҳамда энг яхши консервалаш учун ишлатиладиган антисептик моддалар сингиб киришига тўсқинлик қилиши мумкин.

ТЕРИЛАРНИ КОНСЕРВАЛАШ. Бу операциядан мақсад - чиритувчи бактериялар яшаши ва ривожланиши мумкин бўлмаган ноқулай муҳит вужудга келтиришдир. Терилар турли усулда: қуруқ тузлаш ва тузсиз қуритиш йўли билан консерваланиши мумкин.

Терининг гистологик тузилиши ва кимёвий таркиби қараб қорақўл терилар турли хил консерваловчи моддалар, антисепик воситалар ва консервалаш усуллари билан турлича таъсирланади.

Терилар вазнининг 70% ига қадар қисмини сув ташкил қилади. Чин терининг устки қисимда, хусусан, сўргичли қатламда сув ҳаммадан кўп бўлади. Эпидермиснинг шох қатламида сув ҳаммадан кам. Бирламчи консервалаш пайтидан терилар кўп миқдорда сув йўқотади.

ҚУРУҚ ТУЗЛАШ. Қорақўл териларни консервалашнинг қадимий усулидир. Терилар махсус ажратилган хоналардаги ўрта қисми дўнрок қилиб ишланган стеллажлар устига ёйиб тузланади. Тузлашдан олдин қорақўл терилар юзасининг катталигига қараб йирик, ўртача ва майда тери гуруҳларига ажратилади. Терилар гўштпарда томонидан тузланади, шундан кейин териларининг четларини текислаб чиқилади ва этипи-этига, жунини-жунига қилиб тахлаб қўйилади. Тузлаш учун тоза қуруқ 2-даражали янчилган ОСТ-290 стандарт туздан юпқа мағизли бир дона терига 500-700 г ва қалин мағизли терига 700-800 г ишлатилади. Тузлаётганда терининг оёқ, бош ва дум қисмларини текислаш ва яхшилаб тузлашга алоҳида эътибор берилади. Тахлаб қўйилган териларнинг баландлиги 60-70 см га боради. Шу ҳолатда терилар 5-7 сутка ётади. Ҳар бир тахловда бирка (тахтача) бўлиб, унга тузланган куни ва терилар миқдори ёзиб қўйилади.

Туз маълум даражагача терини сувини кетказади ва ўзини зичлаштиради. Тузлаб тахлаб қўйилган 100 дона терини вақт-вақти билан техник тарозида тортиб кўрилганда тузлаб қўйилгандан кейинги дастлабки суткада тери тўқимасидаги сувнинг 40% и, иккинчи суткада 35% и ва учинчи суткада 3-7% и силқиб кетганлиги маълум бўлди. Тери тўқимасининг намлиги 35-40% бўлганда чиритувчи бактериялар ривожланишдан тўхтади. Ортиқча туз териларнинг зичлашиб ва ёпишиб қолишига тўсқинлик қилади. Қуруқ тузланганда териларнинг киришиши уларнинг янги пайтдаги катталигини 6-11% ига боради. Киришишга сув қочиши сабаб бўлади.

Тузлаб бўлингандан кейин терилар бостирма тагида, рандаланган ҳодаларга ёйиб қоқ қуригунча (15-18% нами қолгунча) қури-тилади, сўнгра жунли томонини ёғоч пичоқлар ҳамда салгина нам латта ёрдамида тозаланади. Тозаланган териларни яна бино ичига тахлаб (баландлиги 1-1,2 м) устига 200 кг юк бостирилади ва 3-4 сутка шу ҳолатда сақланади. Бу даврда бино ичидаги ҳарорат 18-25⁰ С, намлиги 60-70% бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси жингалакнинг табиий шаклини тиклаш учун қилинади. Ана шу операциялардан кейин терилар навларга ажратилади, шундан сўнг улар жўнатиш ва давлатга топшириш учун тайёр бўлган ҳисобланади.

ХҲУЛАБ ТУЗЛАШ УСУЛИ. Бундай усулда терилар юкори концентрацияли ош тузи эритмасида (намакобда) тузланади, натижада бактериял жараёнлар тезгина тўхтайди.

Она корнидан оборт қилиб олинган, ўлик туғилган ва туғилиб нобуд бўлган кўзиларнинг специфик хидга эга бўлган терилари шилиб олиниб ёғи тозалангандан кейин 24-36 соатгача тузли эритмага солиб қўйилади. Баъзан тузли эритмага антисептиклар (1 л сувга 1 г дан) қўйилади. Шундан кейин терилар одатдаги усулда тузланиб, 5-6 кунгача алоҳида уюмларга тахлаб қўйилади, шу муддат ўтгач, худди куруқ тузлангандаги каби ишлов берилади.

ТУЗСИЗ ҚУРУҚ КОНСЕРВАЛАШ УСУЛИ. Украинанинг жанубида, Молдавияда ва Жанубий-Ғарбий Африкада энг кўп тарқалган усул. Бунда шилиб олинган қорақўл териларни 2-3 минутга қадар оқар сувда ёки кир ювиш воситалари (1 л сувга 1 г кир ювиш порошоги ёки шу хил бошқа порошоклар) ҳамда антисептиклар қўшилган сувда ювилади, сўнгра сиқилади ва рамага тортилган қоп материал устига мағизини пастга қаратиб ёйиб, текислаб чиқилади. Ёзда терилар шу ҳолатда очик ҳавода қуритилади, кишда эса шамоллатиб туриладиган қуритиш хоналарида қуритилади. Қуритилган терилар тўп-тўп қилиб тахланиб, жўнатилгунга қадар сақланади. Бу усулда консерваланган териларнинг катталиги асл ҳолатдагидек сақланиб қолади.

Қуритилган терилар таркибида 10-15% эркин ҳолдаги сув бўлади. Бундай намлик чиритувчи микроорганизмлар ривожланишига йўл қўймаслик учун батомом етарлидир.

Қуритишнинг талаб қилинадиган шартларини бузиш териларни кейинги ишлашда йўқотиш қийин бўладиган нуқсонлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда кўпинча тери қуришиб, қийшайиб қолади, шаклини симметриклиги йўқолади, ювиш эритмасини нотеkis шимади. Терилар ортиқча қуритиб юборилса, дерма таркибидаги оксилларнинг ювилаётганда сувга туйиниш қобиляти бузилади. Ҳароратнинг кескин ўзгариши ёки терида қолган ёғларни ачиши терининг “қуйиши” га олиб келади, бу эса тери оксилини қайта тиклаб бўлмайдиган ўзгаришларга сабаб бўлади, натижада хом ашё бутунлай яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Қуритишнинг узокқа қўзилиши ҳам зарарлидир. Бу ҳол чиритувчи микроорганизмлар ривожланишига, терининг жийишига, жун

толаси сўғонларининг бузилишига ва тола билан дерма ўртасидаги боғланишни бўшашувига олиб келади.

Тузсиз курук консерваланиб, тўғри куритилган терилар яхши товар шаклига эга бўлади, уларни навларга ажратиш осон ва ташиш ҳам қулай. Бирок бу усулнинг ўз камчиликлари ҳам бор: бундай терилар куя, терихўр кўнғиз ва кемирувчилардан яхши муҳофаза қилинмайди, намиққан терилар эса тез бузилади.


ИШЛОВ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАР ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Ишлов бериш жараёнида қоракўл терилар бир қатор физик механик ва кимёвий таъсирларга дучор бўлади ва шу таъсирлар натижасида унда каттагина ўзгаришлар содир бўлади: юзасининг катталиги, тери тўқимасининг юпқалиги, жун толаларининг қалинлиги, тола ўқининг оғиш бурчаги ва умуман бутун қоракўлнинг сифати ўзгаради. Бирок ишлов бериш жараёнида териларнинг айрим топографик участкалари бир хил ўзгармайди.

ТЕРИДАГИ АЙРИМ АНАТОМИК УЧАСТКАЛАР КАТТАЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ. Тирик кўзи терисининг айрим анатомик участкаларининг қиёсий ўрганиш шилиб олиниб текисланган қоракўл терини ўрганиш каби тўла тасаввур бермайди. Тирик кўзининг тери қоплами гавдасига бир текисда ёпишиб турмайди - айрим жойлари таранг тортилган бўлса, баъзи бир жойлар салқиланиб, бурмалар ҳосил қилиб туради. Ловри Хегерман тирик кўзи терисининг турли анатомик участкалари юзаси катталиги билан янги шилиб олинган терининг шундай участкалари катталигини қиёсий ўрганиб чиққан ва териларнинг анатомик участкалари юзасида каттагина ўзгаришлар борлигини аниқлаган.

Кейинчалик Ловри Хегерман усулига баъзи бир методик аниқликлар киритилди, натижада терининг бутун юзасидаги айрим анатомик участкалар катталиги нисбатини аниқ қайд қилиш ва белгилаб олиш мумкин бўлди (22-расм).

Тирик кўзилар (улар 8 та эди) гавдасининг ҳамма чегараларига оқ бўёқ билан чизик тортилди, сўнгра уларнинг сурати олинди. Кўзилар сўйилгандан кейин улар устига крахмалланиб, яхшилаб дазмолланган (1,2-1,9 м катталиқдаги) докани гавдани ҳамма қисмларини қоплаб турадиган қилиб ёпиб чиқилди.



22-расм. Қўзи ва теридаги схематик майдончалар:
1-сағри, 2-оркаси, 3-яғрини, 4-ёнбоши, 5-сон, 6-елка, 7-буйин, 8-корин

Қорин қисмида, оёқларнинг ички томонида ва буйинининг пастки қисмида дока ип билан тикиб қўйилди. Қўзи устидан кўчириб олинган ушбу дока терининг дубликати бўлиб, унда тирик қўзи гавдасидаги ҳамма участкаларнинг чегаралари белгиланган эди. Доканинг ғижимланган учлари қайтадан салгина дазмолланди. Докага туширилган гавда участкалари чегараларини ўлчаш йўли билан терининг бутун юзасида қисимларнинг катталиклари нисбати аниқланди.

Бу усул гавданинг анатомик участкалари юзаси катталикларини тирик қўзида тахминий ҳисоблашга нисбатан анча аниқ бўлиб чиқди.

Тери шилиб олингандан кейин яхшилаб текисланди ва гавданинг белгилаб чиқилган ҳамма участкалари ўлчаб кўрилди ва бундай ўлчаш натижалари тирик қўзидаги тегишли ўлчаш кўрсаткичларидан анча фарқли экани маълум бўлди (43-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, гавда қисмларининг тирик қўзида ва шилиб олингандан кейин терида ўлчанган кўрсаткичлари бир-бирига тўғри келмайди. Қўзиларни бонитировка қилишда бу нарса ҳисобга олиниши керак.

43-жадвал

Гавда айрим участкаларининг бутун тери юзасига нисбати, %

Гавда курсаткичлари	Тирик қузида	Гавда қисмлари чегаралафи туши- рилган доқада	Янги ши- либ олинган терида	Л.Хегерманда (1951)	
				тирик қузида	терида
Боши	8	9	4	7	5
Буйин	10	8	12	14	16
Елкалари	12	10	6	11	5
Орқаси	2	8	12	3	13
Ёнбошлари	22	18	13	25	13
Қорни	2	4	6	1	7
Сонлари	15	12	8	15	14
Сағриси	9	12	15	-	-
Думи	2	3	4	2	4
Осклари	18	16	13	22	14
Чикиндилар	-	-	7	0	9
жами	100	100	100	100	100

44-жадвал

Дастлабки ишлаш жараёнларида терилар катталиги, вазни ва тери
тўқимаси қалинлигининг ўзгариши

Уртача курсаткичлар	Териларнинг технологик ҳолати			
	Янги терилар	Қурук терилар	Ошланган	Ишлов берилган ва бўялган
Юзасининг катталиги, см	2093	1955	1830	1735
Янгисига нисбатан, %	100	95,3	87,4	82,8
Вазни, г	808	375	250	208
Янгисига нисбатан, %	100	46,4	30,9	25,7
Тери тўқимасининг қалинлиги, мм	1,2	1,0	1,06	0,75
Янгисига нисбатан, %	100	87,0	88,7	62,7

Қорақўл териларга ишлов бериш жараёнлари таъсирида улар товар хоссаларининг ўзгариши. Териларга ишлов бериш жараёнида уларнинг вазни, катталиги ва тери тўқимасининг қалинлигига оид бир қанча ўзгаришлар содир бўлади (44-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тери вазни ва тўқимасининг қалинлиги айниқса катта миқёсда ўзгаради, бу эса қуруқ тузланганда ва ошланганда тери таркибидаги сувнинг сиқиб чиқарилиши билан ҳамда тўқимасининг зичланиши билан, ишлов бериш ва бўяшда гуштпардаси (мағзининг) анча юққаланиши ва тарашланиши (тери ости клетчаткаси олиб ташланиши) билан боғлиқ.

Барча ишлов бериш жараёнларида тери тўқимасининг зичланиши туфайли терилар киришади. Натижада уларнинг катталиги ўзгаради. Шу билан бирга терилар бўйига нисбатан энига қараб 8,7% кўпроқ киришади. Барча технологик ишлов бериш жараёнларида терилар четларида (қорни ва ёнбошларидан) орқасининг ўрта дорзал чизигига шунингдек сағрисида яғринига ва бошига қараб киришади (22-расм).

Ишлов беришнинг асосий технологик жараёнларида терилар бир текисда киришмайди. Қуруқ тузланганда терилар 5-7 кун давомида оғир юк остида туради, бу эса киришишига йўл қўймайди, шундан кейинги узил-кесил қўритишда эса териларнинг киришиш имконияти ғоят чекланган бўлади. Тузсиз қуруқ консерваланган тери мағизи рамага тортиб қўйилган бўзга ёпишиб қолади, бу эса уни киришидан сақлаб туради. Ошланганда тери анча паст ($14-20^{\circ}\text{C}$) ҳароратли ҳавода секин қурийдими, шунинг учун унинг киришуви 4-6% ни ташкил қилади. Ҳавонинг ҳарорати 25°C дан ортиқ бўлганда териларни қуриши тез тугалланади ва уларнинг киришиши 2-3 баровар ортиб кетади. Пардоз бериш ва бўяшда ошловчи моддалар ва бошқа кимёвий реагентлар таъсирида тери тўқимаси анча зичлашади энг кўп киришади. Бироқ тароклаш ва пардозлаш операциялари, шунингдек терини тортиб қўйиш уни ошланган ҳолатдаги юзаси катталига нисбатан ўртамиёна (6-8%) кириштиради. Терилар киришганда жун толалари қалинлашади ва жингалаклар зичлашади, натижада уларни емирувчи механик таъсирларга чидамлилиги ошади.

Териларнинг киришиши жун халталари ҳолати ва теридаги толаларнинг оғиш бурчаги ўзгаришига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб, жингалакнинг буралганлик даражасига ҳам таъсир этади.

Қуруқ тузланганда қорақўл терилар жингалаги ва гулининг ташки кўриниши ёмонлашади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан консервдалашга топширилган терилар йўлдош қолдиги, ёғ, тер ва четки аралашмалар билан ифлосланган бўлади, иккинчидан тузлашдан олдин улар текислаш ва туз сениш жараёнларида механик таъсирга

дучор бўлади, учинчидан, тузлаб тахланган ҳолда юк остида узок туриши жингалакнинг босилиб қолишига олиб келади. Шундан кейин қоракўлни тозалаш жараёнида жингалаклар дастлабки кўринишини йўқотади, аммо маълум вақт ўтиши билан у яна тикланади. Узок муддат давомида тузланиб тахланган ҳолда тургандан кейин ромларга ёйиб қурилган терилар ювилганда жингалакларнинг дастлабки буралганлик даражаси тикланади. Ошланиб пардозланган терилар симметрик текисланган ҳолатда, устига юк бостирилмай қурилади. Бундай шароитда жингалакларнинг буралганлиги натурал ҳолатига яқин бўлади.

Териларни дастлабки ишлашда жун толасининг шакли ва буралганлиги сақланиб қолишига жингалак очик томонининг йўналиши катта таъсир этади.

Жингалагининг очик томони дорзал-краниал йўналишда бўлган (А ва Б), яъни орқаси ва бошига қараб йўналган терилар киришганда жун толасининг буралганлиги яхшиланади, гулининг аниқлиги ортади, терининг товар кўриниши яхшиланади.

Жингалагининг очик томони ҳамда орқасидан ёнбошига ва қорнига қараб йўналган (В) териларнинг тўқимаси киришганда жингалаклари бамисоли ечилган, очилиб кетган тусга киради. Гулининг аниқлиги йўқолади ва тери товар кўринишига эга бўлмай қолади.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Қоракўл хом ашёсининг сифати бутун мамлакат миқёсида давлат стандартлари ва техник шартлар асосида бошқарилиб турилади.

Стандартлар қоракўл тери хом ашёсининг сифат кўрсаткичлари, шунингдек, барча ташкилотлар учун мажбурий бўлган қабул қилиш, навларга ажратиш, жойлаштириш қоидаларини белгилаб берадиган асосий меъёр ва талабларни акс эттирувчи ҳужжатдир.

Давлат стандартлари шу тармоқдаги бош ва асосий стандартлаштириш ташкилотлари, қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтлари томонидан истеъмолчи корхоналар, мўйначилик саноати ва экспорт ташкилотлари иштирокида тузилади.

Стандартлар Республика Давлат Стандартлаштириш Қўмитаси томонидан жорий қилинади ва қопун кучига эга бўлади.

Стандартлаштириш хом ашё етиштириш ташкилотлари билан истеъмолчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга

солишга ёрдам беради. Ундан ташқари стандартлар қорақўл тери маҳсулотларини топшириш ва қабул қилиш пайтидаги муносабатларни ҳам белгилайди.

1954 йилда собиқ СССР Министрлар Совети ҳузурида стандартлар, ўлчовлар ва ўлчов асбоблари Давлат Қўмитаси тузилган, 1960 йилда у СССР Министрлар Советининг Давлат Стандартлар Қўмитаси қилиб ўзгартирилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандартлар Қўмитаси стандартлаштириш ишларини бошқариш, давлат стандартларини тасдиқлайди ва янгиларини ишлаб чиқади.

Қорақўл хом ашёлари учун стандартлар биринчи марта 1925 йилда тadbик қилинган ва ўша пайтдан бошлаб собиқ СССР ҳудудларидаги турли ташкилотларнинг қорақўл хом ашёларини қабул қилиш ва навларга ажратиш соҳасидаги барча операцияларни стандарт қондаларига қатъиян риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Стандартларни жорий қилиш қўйидаги тadbирлар асосида таъминланади: тайёрлаш ташкилотлари, қорақўл заводлари, мўйначилик саноати ва экспортнинг ҳамма звенолари учун қорақўл териларни қабул қилиш ва навларга ажратишнинг ягона системасини ўрнатиш:

- қорақўлчилик хўжалиklarининг йўналиши ва асосан муайян қорақўл тери гуруҳига қирадиган, муайян ранг ва гулли товар қорақўл етиштириш бўйича тор соҳада ихтисосланишни тартибга солиш;
- хўжалиklarда марказлаштирилган тартибда қўзи сўйиш, тери шилиш, дастлабки ишлаш, сифатли консервалан ш ҳамда қорақўл хом ашёси тайёрлаш ва уни Давлат Стандарти талабларига мувофиқ давлатга топширишни ташкил этиш;
- хом ашё сифатини баҳолашга ёрдамлашиш.

Стандартлар қорақўл териларининг айрим тури ёки ранги учун; пардозланган соф зотли қора қорақўл учун (ГОСТ 8748-79) ёки пардозланмаган соф зотли қўқ ва пушти ранг қорақўл учун (ГОСТ 2865-68) ва бошқалар учун белгиланади. Ҳар бир стандарт ўз индексига, товарнинг номига эга бўлади, шунингдек, унинг тасдиқланган ва қучга кирган вақти, ҳамда қайси ташкилот киритилганлиги кўрсатиган бўлади. Масалан, соф зотли қорақўлга берилган 8748-70 стандарти шу стандартнинг рақами 8748 бўлиб, 1970 йилда тасдиқланганлигини билдиради.

II ҚИСМ

МҲЙНА-ТЕРИ ХОМ АШЁЛАРИ ТОВАРШУНОСЛИГИ

Ёввойи ва уй ҳайвонларидан ҳар хил хом ашёлар олинади: тери (майда ҳайвонлардан-кичик терилар), жун, қилтиқ, тивит, шох, туёқ, ичак ва шунга ўхшашлар. Асосий ва кўпроқ қимматли турдаги хом ашёларга мўйна, чарм ва жун олиш учун ишлатиладиган терилар қиради.

Мўйна саноатида ушлаб олинган ва сўйилган ҳайвонлардан олинган терилар хом ашё бўлиб хизмат қилади. Терилар жун қоплами ва тери тўқимасидан иборат бўлади. Агар терида жун қоплами ва тери тўқимаси сақланган бўлса, улар мўйнали ёки пўстинли терилар дейилади. Мўйна ишлаб чиқариш учун фақат нисбатан зич ва юмшоқ жунли терилар яроқли ҳисобланади.

Пўстинлар учун арзон, катта жун қоплами зич бўлган қўй ва эчки терилари керак. Жун қоплами зич бўлмаган ва дағал жунли (чўчка) терилар чарм ва дағал жун олиш (шетина) учун ишлатилади. Жун қоплами ёмон бўлган йирик терилар асосан чарм учун ишлатилади. Бунда уларнинг жуни теридан олиб ташланади. Қалин терилар, агар улар мўйна тайёрлаш учун яроқсиз бўлса (ит териси), улардан эркаклар пойабзалининг устки қисми учун ишлатиладиган чармлар олишда фойдаланилади. Унча катга сатҳга эга бўлмаган териларни (қуён, мушук ва шунга ўхшаш) болалар, аёллар пойабзали ва атторлик буюмлари учун ишлатиш мумкин (агар улар мўйна учун яроқсиз бўлса).

Баъзи бир мўйнали ҳайвонлардан, масалан, уй қуёнлари (айниқса ангор қуёнидан) ва ёввойи қуёнлардан фетр саноати учун яхши хом ашё олинади. Энг яхши фетрли қалпоқлар ва ботиклар қуёнлар тивитидан тайёрланади. Тивит олишда тери тўқимасининг жароҳатланишига йўл қўймаслик керак, агар уларнинг сифати яхши бўлса. Қуйган ва йиртилган терилар елим тайёрлаш учун ишлатилади.

Қўйлар ва қўй териларидан олинган жушлар сукно, кигиз ва камвол ишлаб чиқаришда ишлатилади.

МҲЙНА-ТЕРИ ХОМ АШЁЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Мўйна хом ашёлари деб ёввойи ҳайвонлардан (олмахон, тулки, юмрон-қозик ва бошқалар) олинган териларга айтилади. Бундай териларни овчилик ва ҳайвонотчилик беради.

Тери (мўйнабон) хом ашёлари - бу чиройли жун қопламига эга бўлган ва имитацияга яхши бериладиган уй ҳайвонларининг териларидир. Буларга уй қуёнлари, мушуклар, итлар, тойчоқлар, қўй ва қўзилар, бузоқчалар, эчкилар, уюқлар терилари киради.

Мўйна унинг тайёрланиш вақтига қараб кишки ва баҳорги турларга бўлинади. Кишда тайёрланадиган мўйналар баҳорги мўйналарга нисбатан юқори баҳоланади. Шунга қарамасдан барча мўйнали ҳайвонларни ҳам қиш пайтида ушлаб бўлмайди. Улардан кўпчилиги, масалан, юмронқозиклар, суғурлар кишки уйқуда бўлишади; бошқалари (крот, кўр сичқонлар) қишда ернинг тагига чуқурроқ жойлашиб олишади.

Овчилик шароити қишда (товар қиймати юқори вақтда) бундай ҳайвонларни ушлаш учун имконият яратиб бера олмайди. Улар баҳор ёки кузда ушланади ва баҳорги турдаги мўйналарга киритилади. Кишки турдаги мўйналарга қоплон, олмахон, қуён, тулки, сассиққузан ва бошқа ҳайвонлар терилари киради.

Тери хом ашёлари ҳам кишки (уй қуёни, мушук, ит) ва баҳорги (қўй териси, тойчоқ, упуқа ва бошқалар) турларга бўлинади.

Мўйна - тери хом ашёларининг бўлиниши шартлидир, чунки бундай бўлиниш мўйна - тери хом ашёларининг савдо номенклатурасини ўрганишда қулайлик яратади.

Мўйна учун асосан қуйидаги ҳайвонлар терисидан фойдаланилади.

Йирткич ҳайвонлар. Бу отрядга ит, мушук, айиқларга оид ва бошқа оилаларга мансуб бўлган қимматбаҳо ҳайвонлар киради. Уларнинг орасида энг майдаси ориқ сичқони, энг йириги - айиқ ҳисобланади. Бу гуруҳдаги йирткич ҳайвонларнинг кўпчилиги ер , баъзилари (қорақузон, қундуз) сувда ва қуруқликда ҳаёт кечиради. Уларнинг баъзилари қишда туллаб бутунлай рангини ўзгартиради.

Қемирувчилар. Булар энг бой ҳайвонлар отрядидан бўлиб, фаунаимизнинг ярмига яқинини ташкил қилади. Бу гуруҳдаги ҳайвонларга қуёнга ўхшашлар (уй қуёни, ёввойи қуён, пишуха), олмахонлар,

сичқонга оидлар, қушоёқлар ва бошқалар кирази. Уларнинг баъзилари туллаб, қишда рангини ўзгартиради (ёввойи оқ қуён).

Ҳашаротхўрлар. Мўйна ишлаб чиқаришда крот ва сув каламуши териларидан фойдаланилади. Бу ҳайвонлар майда бўлади. Крот ер тагида, сув каламуши ерда ва сувда ҳаёт кечиради. Сув каламушининг мўйнаси қимматбаҳо ҳисобланади.

Туёқли ҳайвонлар. Мўйна учун қўш туёқли (қўйлар, эчкилар, қорамоллар) ва бир туёқли (отлар) ҳайвонларнинг териларидан фойдаланилади. Энг яхши мўйна тойчоқлар, бузоқчалар, қўйлар (қоракўл, барра, қўзи, қоракўлча) ва уй эчкиларидан (улоқлардан) олинади.

ХОМ ТЕРИЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Тери қоплами ҳайвон организмда бир қатор муҳим физиологик функцияларни бажаради. У ҳайвон танасини ҳар хил механик ва кимёвий таъсирлардан, зарарли микроорганизмлар, чанг ва ифлосликлардан сақлайди. Бундан ташқари, тери қоплами организмда иссиқлик алмашинувини тартибга солади. У орқали тери нафас олади ва модда алмашинуvidан ҳосил бўлган чиқиндилар ажралиб чиқади. Тери қоплами тери тўқимаси ва жун қопламидан иборат; ҳайвон танасидан шилиб олинган тери ҳам тери деб аталади.

Ҳатто битта терининг барча қисмларида уларнинг мўйналик қиймати бир хилда бўлмайди, чунки терининг ҳар қисмларида жун қопламининг зичлиги, баландлиги, мулоимлиги ва бошқа товар хусусиятлари бир хилда бўлмайди. Масалан, елка томонида жунлар зич жойлашган ва тери тўқимаси қорин томонига нисбатан тигизроқ бўлади. Териларнинг топографик майдончалари хусусиятларининг хилма-хиллиги улардан буюмлар тикишда ҳисобга олинади.

Трубка шаклида шилиб олинган терилар қуйидаги асосий қисмлардан тузилган: пешона, бўйин (шейка), бўйиннинг пастки қисми (душка), қорин қисми (черево), кўкрак қисми (бедерок), сон қисми, панжалар ва думи.

Мўйналарнинг елка қисми энг қимматли бўлиб, уч қисмга бўлинади: елканинг олдинги қисми (загривок) - куракнинг пастки чеккасигача, елка қисм (куракнинг орқа чеккасидан думғазанинг олдинги қисмигача) ва сағри қисми (елканинг орқа қисмидан дум асоси-

гача). Гидам шаклида шилинган териларда (череве) унинг қорин қисми чеккаларида жойлашиб биқинларини ташкил қилади.

Терининг энг қимматбаҳо қисми унинг елкаси ва кам қимматбаҳо қисмлари - биқинлари, бўйни, томоқ таги, пешонаси, қорин қисми, думи ва панжалари ҳисобланади.

Муйна ишлаб чиқаришда иккита тушунча бўлади: тери қоплами ва тери тўқимаси. Тери тўқимаси тери қопламидан фарқли ўлароқ эпидермиси сақланиб қолинган ва тери таги ёғ қатлами олиб ташланган дермадан ташкил топади. Тери қоплами эса қўплаб компонентлардан: сув, оксиллар, углеводлар, ёғсимон ва минерал моддалар, ферментлар ва пигментлардан ташкил топган. Тери қоплами таркибидаги моддаларнинг нисбати ҳайвонларнинг тури, жинси, ёши ва яшаш шароитига қараб ўзгариб туради.

Нам терининг тери қопламида 50-70% гача сув бўлади. Ҳайвоннинг ёши ошиши билан унинг тери қопламидаги намлик камайиб боради. Куруқ териларнинг таркибида 12-18% намлик бўлади.

Тери қопламидаги нам терининг массасига нисбатан 25-40% ҳар хил оксиллар бўлади. Улар тузилиши бўйича толали (коллаген, эластин, ретикулин) ва глабулярли (альбуминлар, глабулинлар) бўлади.

ТЕРИ ТЎҚИМАСИ ВА ЖУН ҚОПЛАМИНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Ҳамма сут эмизувчи ҳайвонлар терисининг гистологик тузилиши бир хилда бўлади.

Тери тўқимаси. Қўпчилик ҳайвонларнинг тери тўқимаси иккита асосий қатламларга бўлинади. Улар функцияси, анотомик тузилиши ва химиявий хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилади; эпидермис - юпқа қатламли эпителий тўқималаридан иборат, дерма - нисбатан қалин бўлиб, асосан бириктирувчи тўқималардан таркиб топган. Бу икки қаватдан ташқари қўп миқдорда ёғ сақловчи учинчи - ёғ қатлами мавжуд бўлиб, бу қатлам кузда кишки уйкуга кетувчи ҳайвонларда (суғур, юмронқозиқ, бўрсук ва бошқалар) кучли ривожланган бўлади. Бундай териларга бирламчи ишлов берилганда ёғсизлантириш жараёнини мукамалроқ ўтказишни талаб қилади. Дерманинг пастки қисмида юпқа мускул қавати жойланган.

Тери тўқимаси мускуллар билан маҳкам боғланмай. буш тери ости тўқимаси билан боғланиб туради ва шунинг учун у нисбатан осон ажратиб олинади.

Тери тўқимасининг қалинлиги ҳар хил ҳайвонлар, ҳатто битта терининг ҳар хил қисмларида ҳам бир хил бўлмайди.

Эпидермис бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган ҳар хил шаклдаги тўқималардан тузилиб, дермага ёпишиб турадиган юпка қатламдан иборат. Унинг устки қатлами вақти-вақти билан дағалланиш хусусиятига эга.

Жун қопланган териларнинг (унинг қисмлари) эпидермиси икки қатламдан иборат: асосий - мальпигийли ва юпка шохсимон қатлам.

Эпидермиснинг жун қатламисиз қисмлари тўрт қаватдан: - пастки асосий (шиллик) қават; унинг устида жойлашувчи донатор қават (бу қаватда кўплаб доначалар ҳамда пигмент бўлиб у терининг рангига таъсир кўрсатади); ялтироқ ва шохсимон қаватдан иборат бўлади.

Сут эмизувчи ҳайвонларда эпидермис қават умумий тери қалинлигининг жуда кам қисмини (масалан, уй қуёнларида 2,8%) ташкил қилади. Шунинг учун чарм ишлаб чиқаришда эпидермис қават жун қоплами билан бирга олиб ташланади.

Мўйналарга ишлов берилганда эса, аксинча эпидермис қават саклаб қолинади. Бу қаватга дерма қавати одатда конус ёки цилиндрсимон ғуддачалар шаклида ёпишиб туради. Эпидермисда қон томирлари бўлмагани учун у дерма қавати орқали озукаланади.

Дерма (асосий тери) терининг асосий қисми ҳисобланиб, икки қаватдан иборат: юқори - ғуддачали (термостатик) қават ва пастки - тўрли (ретикуляр) қавати. Бу икки қават ўртасидаги чегара толаси пиёзчасимон чуқурлиги бўйича ўтади.

Дерманинг асосий қисмини коллаген, эластин ва ретикулин толаларининг мураккаб бирикувидан, ёғ тўқималари, қон томирлари, бириктирувчи тўқималар ва асаб охириларидан иборат тўқ (ретикуляр) қавати ташкил қилади. Бу қаватда тери таги клеткачаси билан чегараланадиган жойида кўп миқдорда эластин толалари мавжуд. Ғуддачали қават деярли кўпчилик ҳайвонларда умумий тери қалинлигининг 13-25% ни ташкил этса, тўрли қаватнинг қалинлиги эса ҳар хил. Жун толаси қанча узун ва қалин бўлса, тўрли қават шунча юпка бўлади. Коллаген толалари ва уларнинг тўқималари дерманинг асосини таш-

кил қилади. Уларнинг орасига битта-битта жойлашган юпка эластин толалари кириб туради. Коллаген толалари одатда гужум-гужум бўлиб тўпланган; улар жуда узун бўлади ва шахобчаларга бўлинмайди. Улар бир-бирига ёпишган жуда ингичка толачалар - фибриллардан тузилган. Баъзи мўйна ва тери хом ашёларининг (сугур, қўй териси) турли қаватда кўп миқдорда ёғ тўқималари мавжуд бўлади, булар ўз навбатида ишлов берилгандан сўнг тери тўқимасини ғовакли бўлишига олиб келади.

Гуддачали қават кўпчилик ҳайвонларда эластин толалари ва безларнинг мавжудлиги билан фарқ қилади.

Дерманинг юқори чегарасида жуда ингичка толалар бирикиб нозик, аммо кимёвий томондан мустаҳкам тур ҳосил қилади. Бу қаватда коллаген толалари тери сатҳига нисбатан параллел жойлашган, кўп миқдорда қон ва лимфа томирлари, асаблар ва эластин толалари мавжуд. Эластин толалари коллаген толаларига нисбатан баъзида параллел ва баъзида перпендикуляр ҳолатда жойлашган ва ингичка бўлади, улар фибрилаларга ажралмайди ва боғламларга бирлашмайди. Эластин толалари энг кўп миқдорда тола пиёзчаси, тола мускуллари, безлар ва қон томирлари атрофида жойлашган.

Эластин толалари чўзилувчан ва эластик (юмшоқ) бўлиб, бу хусусият дерманинг ҳар хил таъсирлардан кейин ўз ҳолатига қайтишини таъминлайди.

Ретикулин толалари жуда юпка ва нозик бўлиб тўшамларга бирикмайди, лекин шахобчаларга ажралади ва қўшилиб ҳам кетади. Бу толалар энг кўп миқдорда дерма ва эпидермис қатламларининг чегарасида учрайди. Дермада коллаген толалари 98-99%, эластин толалари 0,1-1,0% ва қолган қисмини ретикулин толалари ташкил қилади.

Тери ости тўқимаси бўш бириктирувчи тўқималардан ташкил топган коллаген ва эластин толаларидан иборат. Улар орасида ёғ тўқималарининг тўплами учраб (бўрсукда) туради ва улар кам қалин ёғ қатламини ҳосил қилади. Бу ёғлар ташқаридан таъсир этган кучларни енгиллаштиради ва иссиқлик чиқаришни камайтиради. Ундан ташқари ҳайвонлар уйкуга кетганда ва оч қолганда энергия запаси ҳисобланади.

Бу қатламда қон ва асаб томирлари мавжуд. Тери ости клечаткаси баъзи мўйна териларда уларга бирламчи ишлов беришда, кўпчилик мўйна териларида уларга бирламчи ишлов беришда, кўпчилик

мўйна териларида эса уларни ошлаш жараёнида олиб ташланади. Бунга сабаб ушбу қатламнинг унга эластиклик хусусиятига эга эмаслиги ва ошлаш жараёнини нормал ҳолда ўтказишига ҳалакит беришидир.

Жун толалари, ёғ ва тер безлари, тирноклар, туёқ ва шохлар тери тўқимасининг маҳсулотларидир. Кўпчилик мўйна ҳайвонларида тери безлари киш пайтида суст, ёзда нормал ривожланади. Ёғ безлари яхши ривожланган бўлиб, улар қилтикли жун толаларининг асосида жойлашган бўлади.

Жун қоплами. Қатор мўйнали ҳайвонларнинг толали асослари улар туғилишидан анча олдин пайдо бўлади. Кўйлар эмбрионида кўзи ривожланишининг 13-ҳафтасида бундай толалар пайдо бўла бошлайди, баъзи тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра бу жараён 8-10-ҳафтада бошланади. Ҳатто унча катта бўлмаган ҳайвонлар терисида бир неча ўн миллионлаб тола бўлади (кишки уй қуёни терисида 30 миллионгача).

Хар хил ҳайвонларда тола узунлиги хар хил: қротда 1 см гача бўлса, тулкининг елка қисмида 10 см дан узунроқ бўлади. Уларнинг узунлиги бир терининг барча жойларида бир хил эмас. Толалар қалинлиги билан ҳам бир-биридан фарқланади; бу кўрсаткич бўрсукда 0,3 мм, қўшоёқда эса 0,001 мм гача етади.

Толанинг тузилиши. Жун толаси ўзак ва илдиздан иборат. Ўзак толанинг кўринадиган қисми бўлиб, унинг қуйидаги шакллари мавжуд: §1. Цилиндрсимон - тола айлана кўринишига эга бўлиб, унинг қалинлиги учидан ташқари ҳамма жойида тахминан бир хил; §2. Ништарсимон - тола асоси ясси ва тор, ўртаси кенгрок ва охири ингичка; §3. Урчуқсимон ва §4. Конусга ўхшаш - тола юмалоқ кўринишга эга бўлиб, унинг асоси ва учки қисмлари қалинлиги билан кескин фарқ қилади. Тола ўзагининг эгри-бугрилигига қараб қуйидаги кўринишларда бўлади; тўғри, эгилган, спинган, тўлқинсимон, пармасимон, спиралсимон, ҳатқасимон.

Илдиз - бу толанинг қисми бўлиб, унинг юқори ва ўрта қисмлари ўзагининг давоми ҳисобланади.

Тола пиезчаси - тола илдизининг ноксимон кенгайган пастки қисми ҳисобланади. Унинг қон томирлари толани озуқа моддалари билан таъминлайди. Тола пиезчаси эпидермал бўшлиқ билан ўзининг периферияси ва марказий ички қисмидаги ғуддачалар билан биргаликда ўсади.

Толанинг ўсиши пиёзча тўқималарининг кўпайиши ҳисобига содир бўлади. Жун толасининг охири халтасимон бўшлиққа (тола сумкаси) кириб туради. Бу сумканинг деворлари икки - ташқи (тола халтаси) ва ички (тола бўшлиғи) қатламдан иборат. Тола халтаси зич бириктирувчи тўқималардан ташкил топган. Тола халтасининг ташқи тўқималари асосан халта ўқи бўйлаб жойлашса, ички толалари - халқасимон пиёзча атрофини ўраб олади.

Тола бўшлиғи эпидермис қатламининг давоми ҳисобланади. Тола сумкасига одатда ғуддачали қатламининг ён томонларида жойлашган ёғ безлари тегиб туради. Ундан ажралган суюқликда кўп микдорда ёғ, ёғсимон кимёвий бирикмалар бўлади. Улар тола ва тери тўқимасини ёглаб қуришдан сақлайди, ҳавода толага ялтироклик беради. Ёғ безларидан ташқари баъзи ҳайвонларнинг тери тўқимасида кўп микдорда тер безлари бўлади. Уларнинг чиқариш оқимлари тола бўшлиғига ёки тери тўқимасининг ташқи қисмига очилади.

Тола алоҳида ҳужайралардан иборат бўлиб, ўзларининг хусусиятлари, шакли ва ўлчамларига қараб тангачали (кутикула), тангачали пўстлоқ ва ўзақли қатламларга бўлинади. Биринчи икки қатлам барча ҳайвонларда учрамайди. Сувсарда тангачали қатлам 1%, пўстлоқ қатлам 34% ва ўзақли қатлам 65% ни ташкил қилади.

Тангачали қатлам (кутикула) алоҳида-алоҳида ўлик юпка шохсимон ингичка тўқималардан (0,5 - 2,0 мм) иборат бўлиб, толани ташқарисидан балиқ тангачаларига ўхшаш ўраб туради. Бу тангачаларнинг шакли ва тузилиши ҳар хил. Тола пиёзчасида тангачали қатлам бўлмайди. Асосан тангачалар ногўри шаклларга эга бўлиб, улар 3 типда - ҳалқасимон, ноҳалқасимон ва кўприксимон бўлади.

Ҳалқасимон тангачалар толанинг сиртқи қисмида ҳалқага ўхшаб жойлашган бўлиб, ҳар бир тангачанинг четқи қисми иккинчи тангачанинг тагига кириб туради.

Ноҳалқасимон тангачалар ҳам ҳалқасимон тангачаларга ўхшаш жойлашади, лекин улар камроқ билинади.

Вибриссаларда кўприксимон тангачалар мавжуд. Бу тўқималар қалин пластинкалар кўринишда бир-бирига чеккаси билан тегиб туради. Тангачаларнинг сони 1 мм узунликдаги кўпол жунлар тивит толасида 65-80, қилтиқ толасида 45-60 донагача бўлади. Тангачали қатлам толани ташқи муҳитнинг ҳар хил таъсирларидан ҳимоя қилади. Мўйналарни бўяшда кўпинча “Уморе-ние” операцияси қўлланилади, бу ерда тангачали қатламга ишқор таъсир қилиши натижасида

бўёк эритмаси толанинг ичкарисига ўтиш учун имкон яратади ва уни ранглайди (тангачали қатлам эса одатда бўялмайди).

Химоя функциясидан ташқари тангачали қатлам толанинг ялтироклигига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу қатламни электрон микроскопда текшириш натижасида ҳар хил кимёвий таркибли уч қатламдан - эпикутила, экзокутикула ва эндокутикулалардан ибрат эканлиги аниқланган.

Кутикуланинг шаклига қараб толаларнинг кигизланиш хусусиятлари ҳар хил бўлади. Унинг кигизланиши тангачаларнинг ғадир-будирлигига ҳам боғлиқ. Тола узунлиги бирлигида тангачалар сони қанча кўп бўлса, унинг кигизланиш хусусияти шунча юқори бўлади.

Пўстлоқ (қобиқли) қатлам. Юпқа кутикула қатлам тагида жойлашган бу қатлам тола ўзагини (сердцевина) ўраб туради. У хужайралараро моддалар билан бириккан урчукка ўхшаш шохсимон хужайраларнинг йиғиндисидан иборат. Хужайралараро моддалар бузилганда пўстлоқ қатламининг урчуксимон хужайраларга парчаланиш жараёни содир бўлади. Ёритилган толада пўстлоқ қатлами икки толага ўхшаб кўринади. Бу қатламнинг тузилиши ва ҳолатига асосий хусусиятлари - мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, таранглиги, эластиклиги ва ҳоказолар боғлиқ. Майин жунли қўйларнинг жун толаси кучли ривожланган пўстлоқ қатламига эга ва мустаҳкам, дағал толалар эса, аксинча юпқа пўстлоқ қатламли бўлиб, мустаҳкамлиги жуда паст ва синувчан.

Кўпчилик мўйнали ҳайвонлар ва қўйларда табиий бўёвчи пигмент (меланин) одатда пўстлоқ қатламида, камдан-кам тола ўзагида жойлашган. Бу пигмент тола бўйича алоҳида-алоҳида бўялган дончалар шаклида ёки бир текис (диффузли) ҳолатда жойлашган. Пигмент асосан икки типга - қора ва сарик рангда учрайди. Тола сунъий рангланганда унинг пўстлоқ қатлами ва ўзаги бўялади.

Ўзак қатлам толанинг марказий қисмида жойлашган. У тола узунлиги бўйича бўлинган ёки яхлит доналардан иборат. У шохга айланган хужайралардан тузилган бўлиб, уларда бужмайган ядро ва ҳаво бўшлиқлари билиниб туради. Бу қатламларда ҳаво бўшлигининг бўлиши уни бўш қилади, шу сабабли у тангачали ва пўстлоқли қатламлардан фарқ қилади. Ётилган тола илдизидан ўзаги бўлмайди. Қўйларда бу қатлам фақат баъзи бир килтиқ типдаги толаларда бўлади, тивитларда эса бўлмайди. Пўстлоқли қатламнинг қалинлиги бир толада деярли бирдай, ўзакли толаларнинг қалинлиги эса ҳатто бир тола

узузлиги бўйича ҳам ҳар хил бўлади ва мўйналарнинг иссиқлик ўтказувчанлигига таъсир қилади.

Тола тўла етилиб ўсишдан тўхтаса, пиёзчанинг юқори ва ўрта қисмларидаги ҳужайралар тирик ҳолда бўлиб, янги жун толаларининг пайдо бўлишига замин яратади. Ўсаётган толанинг тирик ҳужайралари ҳар хил микроорганизмлар ва кимёвий моддаларнинг таъсирига тез берилувчан бўлади. Натижада тола билан дерма орасидаги боғланиш сусайиши мумкин.

Тола илдизининг дермада жойлашиш чуқурлиги ҳар хил ҳайвонларда, терининг ҳар хил қисмларида ҳар хил бўлади. Баъзан у дерма билан тери ости клетчаткаси чегарасида жойлашади. Қилтиқ толалар одатда, тивит толаларга нисбатан чуқурроқ жойлашган. Бу эса ўз навбатида мўйналарга ишлов бериш пайтида тешикчалар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу ҳолат кўпинча “туллаш” пайтида кузатилади. Ўсаётган толалар эски толаларга нисбатан ҳамиша чуқурроқ жойлашган бўлади. От, қўй ва эчкиларда толаларнинг илдизи одатда дерманинг устки қисмида, бўрсук ва чўқалар терисининг кўпчилик қисмида эса, тери ости клетчаткасида жойлашган. Толанинг бир ҳайвонининг ўзида ҳар хил фаслларда ҳар хил чуқурликда бўлишига илдизнинг ривожланиш пайтида тери тўқимасида бир жойдан бошқа жойга кўчиши сабаб бўлади. У бирламчи ривожланиш босқичида дерманинг тери ости клетчаткаси билан бўлган чегарада жойлашган бўлса (ўсаётган гуддачали тола), кейинчалик у дерманинг юқори қатламигача кўтарилиб, то тушиб қолгунча шу ерда қолади (ўсишдан тўхтаган қолбасимон тола).

Тола илдизи деярли ҳамиша танага нисбатан маълум бурчак бўйлаб жойлашади. Одатда толалар бошдан думга томон йўналган бўлади. Шунинг учун терини питр ёғдан тозалаш ва ёғсизлантиришни думидан бош томонга қараб амалга ошириш керак.

Жун қопламанинг бўлиниши (дифференциация). Жун қоплами уч типдаги толалардан иборат: йўналтирувчи, қилтиқли ёки қилтиқ ва тивит толалари.

Қилтиқли толалар йўналтирувчи толаларга нисбатан калта, ингичка, учки қисмлари эса йўғон ва калтароқ ҳамда эгилган бўлади. Қилтиқли толаларнинг ўзаги йўғонлашган жойида (гранна) 5-8 қаторли, асосида эса 2-3 қаторли бўлади. Уларнинг шакли ништарсимон, ранги эса зоналар бўйича фарқ қилади. Қилтиқли толалар йўналтирувчи толаларга нисбатан анча кўп. Бу толалар тивит толала-

рини намланиш ва ишқаланишдан сақлайди. Шунинг учун уларни коповчи толалар ҳам деб аталади. Улар иссиқлик чиқаришни пасайтиради. Одатда тивитли толалар (цилиндрсимон) - энг калта, майин ва ингичка, тўлқинсимон толалардир. Улар қилтикли толаларга нисбатан, айниқса кишда, сезиларли даражада кўп бўлади (1 см² 20000 донагача). Тивитнинг ўзаги бир қаторли, асосида ҳам бир қаторли ёки бўлмайдди. Бу толалар организмдаги иссиқликни бир хилда сақлаб туришда муҳим роль ўйнайди.

Қилтиқ толалари ўзагининг тузилиши бўйича икки категорияга бўлинади: бир қатор ва икки қатор ўзақли қилтиқ толалари. Ундан ташқари қилтиқ ва тивит толалари орасида оралик толалари ҳам мавжуд.

Думбани ва мўғул қўйларининг жун қоламида жуда дағал, синувчан “ўлик” толалар кўп учрайди.

Баъзи муаллифлар таққослашни осонлаштириш учун қилтикли ва йўналтирувчи толалар ўзагини уларнинг узунлиги бўйича бир неча қисмларга ажратадилар: учи (апикал), ўртаси, бўйни ва асоси.

Толаларнинг жойлашиши. Толалар якка-якка (қротда) ва гуруҳ-гуруҳ (кўпчилик сут эмизувчиларда) тарзида жойлашиб, улар ўз навбатида оддий гуруҳлар, тўпламлар ва мураккаб гуруҳларга бўлинади.

Оддий гуруҳлар (кўпчилик кемирувчиларда) да толалар тўплам-тўплам бўлиб ўсади, лекин алоҳида, бир-бири билан боғланмаган ҳолда бўлади.

Тўпламлар. Бу гуруҳ толалари биргина қилтиқ ва тивит ёки фақат тивит толаларидан иборат бўлиб, ягона асосга эга. Тўпламлар ҳақиқий сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий тўпламлар ўзаро қилтиқ толасининг битта илдизи билан боғланган бўлиб, унинг ҳаммаси куртакланиб тўпламларнинг бошланғич куртагини ҳосил қилади. Сохта тўпламларда ҳам барча толалар биргаликда чиқади, лекин ҳар бири ўзларининг илдизига эга бўлади.

Мураккаб гуруҳлар. Битта қилтиқ ва тивит толаларидан ташқил топган бир неча тўпламлар битта йўналтирувчи толанинг атрофига гуруҳ шаклида тўпланган. Бу гуруҳ толаларининг тузилиши доимий бўлиб, ҳатто айрим тортишувларда тери бўлакчасини қайси ҳайвонники эканлигини аниқлашда муҳим белги бўлиб хизмат қилади. Кемирувчиларда (олмахон, оласиққон) кўпинча оддий гуруҳлар учрайди, айрим турларида эса (юмронқозик, суғур) толалар тўплам шаклида

жойлашган. Йиртқич ҳайвонларда толалар ҳамма вақт мураккаб ғурухлар шаклида жойлашган. Туёқлиларда эса одатда фақат оддий ғурухлар бўлади.

Ҳайвонлар жун қопламининг тузилиши уларнинг яшаш шароитига боғлиқ, масалан, ерда яшовчи ҳайвонларда (сувсар, олмахон, тулки) жун қоплами яхши ривожланган бўлиб, қилтиқ тола қиш пайтида тивитга нисбатан бир ярим барабар узун бўлади.

Ер остида яшовчи ҳайвонларда (крот, айикча) толалар бир хил, қиска бўлиб, деярли тикка (вертикал) жойлашган. Қилтиқ тивитга нисбатан бир оз узунроқ бўлади.

Сув ва ерда яшовчи ҳайвонлар (нутрия, ондатра) тивити кўпроқ бўлган зич жун қоплами билан ажралиб туради. Бундай жун қоплами уларни совуқдан ва ҳўл бўлишдан сақлайди.

МУЙНА-ТЕРИ ХОМ АШЁСИНИНГ ТОВАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Мўйнанинг қимматлилиги ундаги жун қопламининг зичлиги, ранги, ингичкалиги, узунлиги, ялтироқлиги, баландлиги каби белгилари сифати билан аниқланади. Сийрак, калта жун қоплами ёки деярли жунсиз терилар кам қимматли ёки умуман қимматсиз ҳисобланади. Ҳозирги пайтгача мўйналарнинг товарли хусусиятлари органолептик усул билан аниқланади (кўз билан, ушлаб кўриш йўли билан). Автомобил созлик ва авиациянинг ривожланиши билан иссиқ ва арзон мўйнага бўлган талаб янада кучайиб бормоқда. Шундай экан, мўйна чидамли, ушлаганда ёқимли ва арзон бўлиши керак.

Мўйна хом ашёсининг хусусиятлари унинг жун қоплами, тери тўқимаси ва умуман терининг хусусиятларидан ташкил топади. Жун қопламининг сифати унинг ранги ва туси, ялтироқлиги, баландлиги, зичлиги, юмшоқлиги, кигизланиши ва эластиклиги билан аниқланади. Тери тўқимасининг сифати унинг қалинлиги ва зичлиги билан, умуман терининг сифати эса уларнинг чидамлилиги, кам ёйилиши, оғирлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, сатҳи ва намлиги билан аниқланади.

Амалиётда баъзан толаларнинг узунлиги, зичлиги ва эгилиш бурчаги мажмуидан келиб чиқадиган "мўйнанинг хўрпайганлиги" деган термин ҳам ишлатилади.

Баъзи бир мўйна турлари, масалан, қорақул ва бошқа зотли кўзи терилари. барралар юқоридаги хусусиятлардан ташқари, яна жуда муҳим белгиларга (жингалак гули ва унинг шакллари) ҳам эга.

Терининг товарли қиймати юқорида келтирилган белгилар кўпчилигининг умумийлигига боғлиқ. Бу белгиларнинг кўпчилиги терига ишлов бериш ва бўяшдан кейин сақланиб қолади (иссиқлик ўтказувчанлиги, зичлиги, юмшоқлиги), баъзилари бу жараёнлардан сўнг ўзгаради.

ЖУН ҚОПЛАМИНИНГ ТОВАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ранги ва туси. Жун қопламининг умумий ранги ҳар хил типдаги толаларнинг ва алоҳида зоналарнинг рангининг қўшилишидан ташкил топади.

Кўпчилик териларнинг табиий ранги (сувсар, қорақузан ва бошқалар) уларнинг қийматини белгилловчи омил бўлиб ҳисобланади. Мўйнани сунъий ранглаш бўйича мўйна ишлаб чиқариш ютуқлари айрим табиий рангли турларининг қийматини пасайтириб юборди. Масалан, яқинларгача қора тулки жуда қимматли ҳисобланар эди. Лекин охириги йилларда қизил тулкилар терисини қора ранга бўяш бўйича эришилган ютуқлар табиий тоза қора рангли тулки терисини қумуш-қора рангли тулки териларга нисбатан қийматини пасайтириб юборди.

Табиатда жуда кўп ранг ва уларнинг туслари мавжудлигига қарамасдан, мўйначиликда қўлланиладиган номларнинг сони жуда чегараланган. Бу рангларнинг номи эса жуда примитив тарзда белгиланади (каштан ранги, кедр ранги ва бошқалар).

Териларнинг табиий ранги тери тўқимасида ва толаларда мавжуд бўлган сариқ қора пигментларнинг ҳар хил комбинациясидаги микдорига боғлиқ. Агар пигментлар доначалар шаклида бўлса кўпинча тўқ ранглар, диффузия ҳолатида бўлса, нисбатан оч ранглар ҳосил бўлади. Пигмент заррачалари светофильтр вазифасини бажаради.

Қора пигментнинг терида ривожланиш микдорига қараб қора ёки кул ранглар ҳосил бўлади. Агар толада фақат сариқ пигмент бўлса, у сариқ ёки малла рангли бўлади қора ва сариқ пигментлар аралаш ҳолда учраса қизғиш, жигар ранг сариқ қум рангги ҳар хил кўринишини беради. Пигмент бўлмаса жунлар оқ рангда бўлади. Толанинг рангига унинг ўзак қатламидаги ҳаво ҳам таъсир қилади.

Мўйналарнинг тери тўқимасида пигментлар фақат уларнинг жун қоплами бўлмаган жойларида бўлади (бурни, товони). Туллаш пайтида тери тўқимаси вақтинча қораяди.

Жун қопламининг ранги терининг ҳар хил қисмларидаги толарлар рангига боғлиқ. Масалан, олмахоннинг қорин қисми оқ, елка қисми ҳар хил тусдаги кул рангда, шиншилла зотли куён қилтиғининг узунлиги бўйича беш хил рангли зонага эга. Баъзи ҳайвон турларининг елкаси ва ёнбошлари доғли рангга эга (қоплон, силовсин); агар ола доғлар ва тасмалар терида тўғри ва симметрик жойлашган бўлса, бундай мўйналар буюм олишда табиий рангда ишлатилади (оласичқон). Агар бу доғлар ҳар хил шаклда, ўлчамда ёки рангда бўлса (ола-чипор), улар қора рангга бўялади.

Эстетик нуқтаи назардан мўйнали ҳайвонларнинг фақат беш хил ранги чиройли ҳисобланади: оқ, кул ранг, ҳаво ранг, жигар ранг, қора ва баъзан қизил ранг.

Табиий ранги бўйича барча мўйнали ҳайвонлар уч гуруҳга бўлинади: бир хил рангли (оқ шимол тулкиси, крот, оқ сичқон); зонар рангли (суғур, юмронқозик); ола доғли ранг (оласичқон, перевязка). Рангларга бўлган талаб ушбу турга хос бўлган ранглар бўйича қўйилади. Масалан, юқори сифатли оқ шимол тулкиси ва оқ сичқонлар оппоққордек бўлиши керак; қизил тулки-эхтимол қизил (ёлқинга ўхшаш), сувсар, қоракузан (стандартдагидек), сассиккузан - эхтимол қорамтир.

Баъзи мўйна турларининг рангига бўлган талаб модага қараб ўзгаради. Бу айниқса қумушсимон қора рангли тулки мўйнасига таълуқлидир. Мавсумга қараб 30%, 60%, 90% ва 100% "қумуш"ли мўйналар модала ҳисобланади (рақамлар теридаги қумуш ранглар миқдори, фоизлар ҳисобидаги).

Мўйналарнинг ранги ва туслари калориметр асбоби ёрдамида, рангнинг турғунлиги эса федометр билан аниқланади.

Ялтироқлик. Жун қопламининг ялтироқлиги ҳам терининг қимматли хусусиятларидан (айниқса қорақўл ва қўзи териси учун) ҳисобланади. Бу хусусият толанинг сиртидан унга тушаётган қуёш нурини қайтаришига боғлиқ. Бундан ташқари бу хусусият кутикуланинг жойлашиши ва толанинг эгри-бугрилигига ҳам боғлиқ. Барча ҳайвонларда қилтиқ толаларнинг ялтироқлиги тивит толаларига нисбатан юқори, натижада эса унинг сирти силлиқ бўлади. Ярим сув ва сувда яшовчи ҳайвонлар (қундуз, тюлен, денгиз мушуги) жун қо-

пламининг ялтироклиги жуда юқори. Баҳорда жун қоплами одатда ялтироклигини йўқотди.

Кутикуланинг тузилиши ва шаклидан ташқари толанинг ялтироклик даражасига ундаги ёғ ва тер миқдори ҳам таъсир кўрсатади.

Мўйлачиликда мўйнанинг ялтироклиги кўз билан аниқланади. Ялтироклик қуйидаги даражаларга ажралади: кучли, ўрта, кучсиз, хира. Қоракўл терилари учун алоҳида шишасимон ялтироклик даражаси қўлланилади. Бу хилдаги ялтироклик хусусиятлар қуй ва эчикларнинг дағал қилтиқ толаларига хосдир.

Баландлиги. Жун қопламининг баландлиги кўпчилик мўйна-териларнинг қийматини аниқлашда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Жун қопламининг баландлиги йўналтирувчи, қилтиқ ва тивит толаларининг нисбий миқдорига боғлиқ. Ҳар бир типдаги бундай толалар жун қопламида ўзининг баландлик қатламига эга: - биринчи қатлам энг узун, сийрак йўналтирувчи толалар; иккинчи - қилтиқли толалар; пастки - калта тивит толалари. Бу кўрсаткич бўйича ҳар хил турдаги мўйналар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади: узун жунли - 4-10 см (тулки, қорсоқ); ўрта узун жунли - 2-4 см (қорақузан, қалана, қуён); калта жунли - 2 см гача (қрот ва бошқалар). Одатда жун қоплами баланд бўлган мўйна терилари қимматли ҳисобланади, айрим турдаги мўйналарга эса салбий таъсир қилади ва сифатини пасайтиради (айик, упуқа, тойча).

Жун қопламининг баландлиги ҳайвонларни сўйиш мавсуми ва теридаги жушларнинг жойлашишига боғлиқ бўлади. Жун қоплами кишда, куз ва ёзга қараганда баландроқ, олмахоннинг сағрисида жун қоплами энг узун, бошида ва қорнида эса калта, ондатранинг елкасида, тулкининг сағри ва куракчасида узунроқ.

Тола табиий ва ҳақиқий узунликка эга. Толанинг тўғриланмаган узунлиги табиий, тўғриланган ҳолатидаги узунлиги эса ҳақиқий узунлиги дейилади ва ҳақиқий узунлик табиий узунликка нисбатан катта бўлади (қоракўлларда).

Жун толасининг ҳақиқий ва табиий узунликлари орасида фарқ унинг чўзилувчанлиги ёки жун ҳаракати дейилади. В.Натузнус маълумотига кўра қўйлар жунининг чўзилувчанлиги 35-50% гача етади ва бу кўрсаткич толанинг эгри-бугрилигига боғлиқ равишда юқори ёки паст бўлади. Тола қанча ингичка бўлса, унинг эгиклиги шунча юқори.

Толадаги жингалакларнинг сони махсус жун ўлчагичлар (шерстометр) ёрдамида аниқланади.

Тола узунлиги штагенциркуль ёрдамида 0,02 мм аниқликгача ўлчанади. Штагенциркуль йўқ жойда тола шиша пластинкага глицерин билан ёпиштирилиб, узунлиги пинцет ёрдамида ўлчанади. Эгиклик даражасини толанинг ҳақиқий ва табиий узунликлари орасидаги фарқи бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

Зичлик. Жун копламининг зичлиги маълум тери сатҳи бирлигига туғри келадиган толалар миқдори (сони) ва толанинг қалинлиги билан аниқланади. Жун коплами қанчалик зич бўлса, унинг иссиқлик сақлаш хусусияти шунча юқори ва у чиройли бўлади. Зичлиги бўйича мўйна-терилар уч гуруҳга бўлинади: зич жунли, зичлиги паст ва сийрак жунли.

Амалиётда зичлик даражаси бармоқларни толаларнинг ўсиш йўналишига қарши ўтказиш йўли билан аниқланади. Жун толаси қанча қалин ва дағал бўлса, улар терида шунча сийрак жойлашади ва аксинча.

Жун толасининг қалинлиги унинг диаметрини ўлчаш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич ҳайвоннинг тури, зоти ва жун копламига таъсир этувчи ҳар хил биофизик, биохимик, биологик ва физиологик омилларга боғлиқ. Жун копламининг ривожланишига ҳарорат, ҳавонинг намлиги, ички секреция безлари, суюқликларнинг жинсий активлик давридаги таъсири, ҳайвонларнинг ёши, жинси, зоти, йил мавсуми, озукланиш ва бошқалар таъсир кўрсатади. Масалан, ҳайвонларнинг очликда юриши толаларнинг ингичкаланишига (қўйларда “оч ингичкалик”) олиб келади ёки урғочи ҳайвонларда эса толалар ингичка бўлади. Қўйларда ҳамма типдаги толалар қиш пайтида йўғонлашади, кейин қишнинг охириларига бориб яна ингичкалашади.

Ярим сув ва сувда яшовчи ҳайвонларнинг (қундуз, сув каламуши) жун коплами йил бўйи, кўпчилик ҳайвонларда эса қиш пайтида жуда зич бўлади. Қишда сувсарнинг 1 см² сатҳида 13500 гача тола бўлса, ёзда бу кўрсаткич 650-700 ни ташкил этади.

Жанубда яшовчи ҳайвонларнинг жун коплами шимолдаги ҳайвонларникига нисбатан сийракроқ. Ҳайвонлар яхши озиклантирилса уларнинг жун коплами зич ва узун бўлади. Жун копламининг зичлиги тери тўқимасининг қуриш пайтидаги қисқариш ёки чўзилиш даражасига боғлиқ.

Биринчи нав куён терисидаги жун толаларининг сони унинг зотига қараб ўзгаради: толаларининг сони сағрисида 1 см² га 1-20 мингта етади, бўйин гарафи ва ёнбошларида деярли икки барабар кам; энг кўп миқдорда тивит толалар 1 см² да 14-20 мингтагача; қилтиқ толалар камроқ - 200-400 донагача, йўналтирувчи толалар эса 10-20 тагача бўлади. Жунлар одатда ҳайвон танасининг совуқ кўпроқ таъсир қиладиган жойида зичроқ, масалан, кишки олмахоннинг сағрисида толалар сони 1 см² да 11 минг, қорин қисмида 7 мингта бўлса, дарё сув қундузи сағрисида 31 минг ва қорин қисмида 34 минг-ни ташкил қилади.

Толалар сони бир неча усул билан аниқланади. Терининг маълум қисмида махсус асбоб ёрдамида 25 мм² ли тўғри бурчакли майдонча кесиб олинади ва ундаги толалар қириб олинади, сўнгра ҳар хил типдаги толаларни эътиборга олган ҳолда глицерин суртилган ойна устида саналади. Бошқа усуллардан бири-тўғри бурчакли майдончада қириб олинган тола илдиэларни микроскоп остида санашидир. Жун қошламининг зичлиги радиометрик зичлик ўлчагич прибори ёрдамида аниқланади.

Толанинг қалинлиги терининг алоҳида қисмларида ҳар хил бўлади. Бу кўрсаткич бир толанинг узунлиги бўйича ҳам ҳар хил. Қўйларда ўлик толаларнинг қалинлиги 240 мк гача етади. Толанинг қалинлиги микроскоп остида окуляр микроскоп ёрдамида ўлчанади. Жуншуносликда қалин толанинг кўндаланг кесимини проекцион фонар ёрдамида ўлчаш пайтида экранда жуда каттариб кетади ва унинг акси линейка ёрдамида ўлчанади. Олинган рақам кенгайиш даражасига тенг бўлган тузатувчи коэффициентга бўлиниб, унинг ҳақиқий қалинлиги аниқланади. Жуда қалин толаларнинг қалинлигини микрометрик винт ёрдамида ўлчаш мумкин.

Ингичка толаларнинг қалинлиги эйриометрлар билан ўлчанади, уларнинг биттаси эса проекцион микроскопдир. Қўйида ҳар хил типдаги толаларнинг қалинлиги берилган (мк):

Олмаҳоннинг қилтиқ толаси	- 73
тивит толаси	- 19
Майин жунли меринос қўйининг толаси	- 10 гача
Дағал жунли қўйининг толаси	- 14-80

Мўйнанинг момиклиги (қилтиқчилиги) толаларнинг узунлиги, тивитнинг зичлиги ва уларнинг эластиклигига боғлиқ. Фақат тивити

қалин териларда қилтиқлар таранг, аксинча жун қоплами "ясси" бўлади. Агар қилтиқлар қалта ёки оз бўлса, мўйна "очик" бўлади.

Юмшоқлик. Юмшоқлик деганда жун қопламини қўл билан босилганда сезиладиган таассурот тушунилади. Жун қопламининг юмшоқлиги толаларнинг гистологик ва кимёвий тузилишига боғлиқ.

Толаларнинг юмшоқлиги мўйнанинг жуда муҳим хусусиятидир. Ўта юмшоқлик ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бир хил гистологик ва кимёвий тузилишга эга бўлган толалар қанчалик ингичка ва узун бўлса, жун қоплами шунчалик юмшоқ ва майин бўлади.

Жун толасининг кимёвий таркиби нисбатан жуда кам ўрганилганлиги сабабли, улар орасидаги боғлиқлик ва жун қопламининг боғлиқлигини аниқлашга имконият туғдирмайди. Одатда бир терининг ўзида йўналтирувчи толалар энг дағал, қилтиқли толалар камроқ дағал ва тивитлар юмшоқ бўлади. Юмшоқлик бир терининг ҳар хил қисмларида ҳам ҳар хил. Жуда ҳам юмшоқ ва таранглиги бўлмаган жун қоплами "бушашган" бўлиб қолади, бу эса мақсадга мувофиқ эмас.

Терилар жун қопламининг юмшоқлиги бўйича уч гуруҳга бўлинади: юмшоқ (сувсар), ярим юмшоқ (тоғ сувсари) ва дағал (нутрия). Баъзан ўта юмшоқ гуруҳи ҳам қўшилади (ипаксимон).

Юмшоқликнинг аниқлаш объектив услуби ишлаб чиқилмаган. Б.Ф.Церевитинов бир хил тур ва навдаги мўйнанинг жун қоплами юмшоқлигини аниқлаш учун юмшоқлик коэффицентини қўллашни таклиф қилади. Бунда юмшоқлик коэффицентини толанинг энг кенг жойидаги қалинлигини (микронда) унинг узунлигига (миллиметрда) бўлган нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич қанча кичик бўлса, тола шунча юмшоқ бўлади. Масалан, ипаксимон тулки териси учун юмшоқлик коэффицентини 1,2 га, Тошкент дағал тулки мўйнаси учун 2,2 га тенг.

Кигизланиши (свойлачиваемость). Кигизланиш мўйна-терилар учун салбий хусусиятдир, у терининг ташқи кўринишини бузadi ва иссиқлик сақлаш хусусиятини пасайтиради. Кигизланиб қолган терилар яроқсиз ҳисобланади. Толаларнинг кигизланиш хусусияти кутикуланинг тузилиши, толанинг таранглиги, эластиклиги, ингичкалиги, узунлиги ва эгри-бугрилигига боғлиқ.

Қўй жунининг кигизланиш хусусияти Н.Я.Канарскийнинг фикрича толанинг эластиклигидадир. Жун қопламининг шишиши, намлиниши ва босим остида ишқаланиши билан уларнинг кигизланиш

хусусияти ошади (бу хусусиятдан сукно саноатида жунларни кигизлашда фойдаланилади). Бу омиллар уларнинг кигизланишини ошириш билан бирга, толаларнинг бир-бири билан туқилиб кетишини тезлаштиради.

Амалиётдан маълумки, нисбатан тивит толалари кўпроқ бўлган териларда кигизланиш кўпроқ кузатилади (меринос кўйи, нутрия, ангор куёни). Хайвонларнинг баҳорги жун қоппами туллаш жараёнида терининг ҳар хил қисмларида тез-тез кигизланиб қолади. Баъзи бир ёввойи ва уй куёнлари жун қоппамининг кигизланиш хусусиятлари яхши бўлганлиги сабабли улардан фетрлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Таранглиги. Таранглик - жун қоппамининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Тарангликка эга бўлмаган толалар (меринос кўй териси) биров сиқилса, улар одатда узоқ вақт давомида ўзининг бирламчи ҳолатига қайтмайди, натижада мўйнанинг кўриниш сифатини пасайтиради. Толалар қанчалик таранг бўлса, уларнинг кигизланиши шунча яст бўлади. Одатда қилтиқ толаси тивитга нисбатан, кузги жун қоппами баҳоргига нисбатан кўпроқ таранг бўлади.

Амалиётда толаларнинг таранглиги толанинг бир тўппамини кўл билан кесиб, сўнгра кўйиб юборилади ва уларнинг бирламчи ҳолатига қайтиш тезлиги кузатилиб аниқланади. Юқори ҳароратда намликнинг ошиши жуннинг пластиклигини оширади. Бундай таъсирларни айнинкса телпак ишлаб чиқаришда барра кўзи ва қорақўл сунъий жингалак бериш учун кўпроқ ишлатади. Лекин юқори намликда жунларнинг табиий шакли яна ўз ҳолатига қайтиши мумкин. Бундай ҳодисалар сунъий жингалакли териларда тез-тез учраб туради.

Жунинг пластиклиги тери сифатини пасайтиради, чунки жун қоппами гижимланади ва ўзининг чиройли кўринишини йўқотади. иссиқ сақлаш хусусияти пасаяди (нутрия, майин жуни кўй ва бошқаларнинг жунини олишда).

Жун қоппамининг таранглик даражасини Е.Е.Вишневскийнинг компрессор - қалинлик ўлчагич системасида аниқлаш мумкин.

ТЕРИ ТУҚИМАСИНИНГ ТОВАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар хил хайвонларнинг тери туқималари қалинлиги ва зичлиги бўйича ҳар хил ва хайвоннинг озқаланиши, ёши ва бошқа ўзига хос

хусусиятларига боғлиқдир. Маълумки айикнинг тери тўқимаси жуда қалин ва қуённики унча қалин бўлмайди. Қишки терининг тери тўқималари одатда ёзги териларга қараганда юпқа бўлади. Айрим териларники шунча ҳам қалин бўладик (упуқа, тойчок), ҳатто уларга ишлов бериш пайтида енгиллатиш ва юпқалатиш учун махсус дермани кириш операциясидан ўтказилади.

Одатда катта ҳайвонларнинг эркакларида тери тўқимаси урғочи ва ёшлариникига нисбатан қалинроқ. Жанубда яшовчи унча момик бўлмаган жун қопламли ҳайвон терилари, худди шундай шимолда яшовчи ҳайвонларникига нисбатан тери тўқимасининг қалинлиги билан ажралиб туради. Туллаш пайтида одатда тери тўқимаси қалинлашади, шунинг билан биргаликда зичлиги камайдик. Ҳул терининг тери тўқимаси - эпидермис, дерма ва тери таги клетчатканинг қалинлигига тенг. Тери тўқимасининг қалинлиги одатда қорин томонидан елкасига қараб ошиб боради, қорни ва қўлтиғида эса юпқалашади. Кротнинг тери тўқимаси кўкраги ва қорин томонида, мушукнинг эса бўйнида энг қалин.

Тери тўқимасининг қалинлигини албатта эътиборга олиш керак, чунки уларга ишлов беришда ортикчаси олиб ташланади. Бунда, албатта жун толасининг қандай чуқурликда жойлашганлиги эътиборга олинади.

Тери тўқимасининг зичлиги коллаген толаларининг зич тўкилиши ва уларнинг қалинлигига боғлиқ. Масалан, улоқнинг тери тўқимаси барра қўзиникига нисбатан зичроқ; тойчоқнинг сағриси бошқа барча қисмларига қараганда зичроқ. Ишлов берилган териларнинг сув ўтказмаслиги, қўзилиш даражаси ва узилишга чидамлилиги тери тўқимасининг зичлигига боғлиқ. Тўрли қатлам ғовакли ғуддачали қатламга нисбатан одатда зич бўлади. Териларнинг ҳар хил қисмларидаги қалинлик ва зичликни тажрибада куз билан аниқлайди. Б.Ф.Церевитинов топография ҳақидаги ишида мўйна териларининг тери тўқимаси қалинлиги бўйича қуйидаги қонуниятни курсатиб берди:

1-тип (олмахон, юмронқозик) - тери тўқимаси сағрисида энг қалин, қорни томонида энг юпқа;

2-тип (сассикқузан, олмахона, уй қуёни) - елкаси ва сағрисида энг қалин;

3-тип (мушук) - бўйнида энг қалин, елкаси томон кетма-кет юпқалашиб боради;

4-тип (крот) - корин томонида кўпроқ қалин.

Тери тўқимасининг зичлигини аниқлашда терининг ҳажмини аниқлаш керак. Лекин унинг ҳажмини сиқиб чиқарилган сувнинг массаси бўйича топиш мумкин эмас, чунки унинг ғовакларига сингиб кириб, ундаги ҳавони сиқиб чиқаради, натижада ноаниқликка сабаб бўлади. Шунинг учун одатда сув симоб (ртуть) билан алмаштирилади, чунки у тери тўқималарига сингиб кирмайди. Терилар тери тўқимасининг солиштирма оғирлиги 0,4-0,6 ни ташкил қилади, яъни уни ташкил қилган моддаларнинг солиштирма оғирлигидан паст. Тери тўқималари солиштирма оғирлигининг пастлиги уларнинг ғоваклиги билан изоҳланади, ғовакларда эса ҳаво бўлади. Шунинг учун ҳисоблашда ҳақиқий ҳажм эмас, балки тери тўқимасининг ҳаволи ҳажми аниқланади. Тери тўқимасининг намлиги қанча кўп бўлса, унинг солиштирма оғирлиги шунча юқори бўлади.

Тери тўқимасининг зичлиги унинг микроструктурасини гистологик тадқиқот қилиш йўли билан ҳам аниқланади. Унинг қалинлиги микрометр ва қалинлик ўлчагич (толщинометр) ёрдамида аниқланади.

Йирик териларнинг тери тўқимасини ўлчашда ҳар хил размерлардаги (10-100 мм) қалинлик ўлчагичлардан фойдаланилади. Уларнинг аниқлиги 0,1 мм гача.

Териларнинг нисбий оғирлиги ва уларга ишлов бериш услублари, тери тўқимасининг қалинлиги ва зичлигига боғлиқ: қанча у қалин ва зич бўлса, терининг массаси ва мустаҳкамлиги шунча юқори бўлади, лекин уларга ишлов бериш мураккаблашади.

УМУМАН ТЕРИНИНГ ТОВАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Терининг мустаҳкамлиги (чидамлилиги). Мустаҳкамлик териларнинг муҳим хусусиятларидан бири, чунки у мўйна буюмларининг узоқ вақтга чидашини аниқлаб беради. Табиий шароитда дерма билан жун толалари орасидаги боғланишнинг асосан ёруғлик нурларида активланган кислороднинг оксидланиши натижасида келиб чиқади.

Териларнинг ўзаро таққослаш учун абсолют мустаҳкамликни (узилиш юки билан аниқланади) майдон кўндаланг кесими бирлигига

нисбати олинади, шундай қилиб солиштирма мустаҳкамлик (мустаҳкамлик коэффиценти) топилади.

$$K=R/F$$

K - мустаҳкамлик коэффиценти;

R - узилиш юки;

F - майдон кесими.

Терининг мустаҳкамлиги учта хусусияти бўйича аниқланади: жун қопламининг мустаҳкамлиги, тери тўқимасининг мустаҳкамлиги, тери тўқимаси билан жун толаларининг боғланиш мустаҳкамлиги. Ушбу хусусиятлари канча юқори бўлса, терининг мустаҳкамлиги шунча юқори бўлади. Демак, мўйнанинг узоқ вақт ишлатилиши шунча кўп. Териларнинг мустаҳкамлиги уларни ишлов беришгача ва ишлов берилгандан сўнг сақланиш шароити ва ишлов бериш услубларига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир тери маълум мустаҳкамликка эга бўлади. Энг мустаҳкам терилар ярим сув ва сувда яшайдиган ҳайвонлардан олинади (қундуз, қоракузан ва бошқалар). Бўш териларга крот ва қуёнларнинг терилари қиради.

Мўйна буюмларининг чидамлили (ейилиш) даражасини аниқлаш учун ўтказган тадқиқотлари натижасида проф. П.П.Петров мўйналарнинг нисбий ейилиши бўйича қуйидаги жадвални тавсия этади. Бунда қундуз терисининг ейилиш даражаси 100% деб олинган.

45-жадвал

Мўйна тури	Чидамлилиги, %	Мўйна тури	Чидамлилиги, %
Қундуз	100	Опоссум (қопчикли каламуш)	37
Дарё қундузи	85	Сув каламуши	37
Енот	75	Нутрия	27
Скунс (Америка сассиккузани)	70	Қоплон	25
Қоракузан	70	Олмаҳон	25
Қоракўл	65	С у ғ у р	10
Юмшоқ сувсар	65	Крот	7
Сувсар	55	Қролик (уй қуёни)	5
Тоғ сувсари	45	Қуён	5
Тулки	45		

Нам териларни узок вақт давомида сақлаш ҳам уларнинг мустаҳкамлигига таъсир этади. Лаборатория шароитида мустаҳкамлик динометрда аниқланади.

Жуннинг мустаҳкамлиги. Жунларнинг мустаҳкамлиги ҳайвон тури, терининг нави, уларнинг нуқсонлари, жунларнинг намлик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Жуннинг мустаҳкамлиги граммларда чўзилиш кучининг бирлиги бўйича аниқланади. Жунлар учун мустаҳкамлик ўлчамлари (уларнинг қалинлигига қараб) 3-4 дан 100-110 г атрофида ўзгариб туради. Жунларнинг тўла чўзилиши одатдаги ҳароратда 30-70% чегарасида бўлади. Намли ҳароратда тўла чўзилиш 100% ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Жуннинг мустаҳкамлигига унинг ўсиш шароити, ички ва ташқи таъсир йиғиндилари таъсир этади. Қобик қатлами қанча қалин бўлса, мустаҳкамлиги шунча юқори ва кам чўзилади. Жунларнинг барча қисми бўйича мустаҳкамлиги бир хилда бўлмайди. Масалан, (уй қуёни) энг мустаҳкамлик жунлар қорин тарафида, камроқ - ён бошида, энг бўш сағрисида бўлади. Уй қуёни жунининг ишқаланишдаги ейилиш даражаси ҳар хил қисмларида 15 дан 40% гача ўзгариб туради.

Мўйна буюмларини кийишда улар ишқаланиш ва чўзилишдан ташқари куплаб эгилиб, букланади ҳам. Жунларнинг букланиши маънатлик принципи бўйича конструкция қилинган А.Н.Беседин ва Б.Ф.Церевитиновлар системасидаги приборларда аниқланади.

Мўйнали ҳайвонлар жунларининг мустаҳкамлиги одатда тарози конструкциясини эслатувчи дефорден динамометрида аниқланади.

Тери тўқимасининг мустаҳкамлиги. Тери тўқимасининг мустаҳкамлиги ҳар хил тур ва навдаги терилар учун ҳар хил, ҳатто битта терининг ҳар хил қисмларида ҳам бир хилда бўлмайди. У коллаген толаларнинг йўғонлиги ва уларнинг тўқилиши, тери тўқимасининг зичлиги ва қалинлиги, кимёвий таркиби, намлиги, ёғлар миқдори ва бошқаларга боғлиқ. Эркак ҳайвонларнинг тери тўқимаси одатда урғочилариникига нисбатан мустаҳкамроқ бўлади.

Мустаҳкамлик ҳамиша кундалангига нисбатан узунаси бўйича юқори. Тери тўқимасининг ҳар хил жойида мустаҳкамлик ва зичлик ҳар хил; одатда у бош ва бўйин томонида мустаҳкамроқ, елкасида пастрок, қорин томонида эса бўш бўлади (крот ва пүтриянинг қорин тарафида юқорироқ).

Абсолют мустаҳкамликни аниқлашда тери тўқимасининг кенглиги ва қалинлиги ҳисобга олинмайди. Синовдан ўтадиган намуна майдонининг кўндаланг кесимига тўғри келадиган мустаҳкамликни ҳисоблаб, ўзиш кучи топилади. Бу рақам кг ҳисобида 1 мм^2 га тўғри келадиган нисбий мустаҳкамликни кўрсатади, яъни тери тўқимаси майдонининг кўндаланг бирлигига тўғри келадиган юк.

Тери тўқимасининг мустаҳкамлиги шоппер динамометрида аниқланади. Бунинг учун кесиб олинган намуна икки томонидан маҳкамланади ва маълум юк остида ўзилади. Ўзилишда кг да ва чўзилишда мм ёки фойзда абсолют юк аниқланади. Бир-бири билан таққослаш учун тери тўқимасидан бир хил ўлчамда ва бир жойидан намуналар олинади. Бу ерда айланиш тезлиги, яъни синаш муддатининг чўзилиши муҳим аҳамиятга эга; тезлик билан ўзилишда мустаҳкамлик рақами секин ўзилишга нисбатан юқори бўлади. Намуналарнинг ўлчами эни бўйича 1 см ва узунлиги бўйича 5-10 см.

Г.П.Паварнин ўзининг тадқиқотларида тери тўқимаси намлигининг кўпайиши билан унинг мустаҳкамлиги ошишини исботлаб берган.

Жуннинг тери тўқимаси билан боғланиш мустаҳкамлиги. Жуннинг тери тўқимаси билан боғланиш мустаҳкамлиги асосан жун тоалари халтасининг чуқур жойлашганлиги ва унинг атрофидаги дерманинг зичлигига боғлиқ. Дерма қанча бўш бўлса, боғланиш мустаҳкамлиги шунча паст бўлади. Ҳар хил турдаги ҳайвонларнинг жунлари билан тери тўқимасининг боғлиқлиги ҳар хил бўлади: бир турдагиларида (қундуз) жуда юқори, бошқаларида (қуён) жунлари тортилса осонгина юлинади, учинчисида (буғи) юлиш пайтида жунлари синади. Қилтиқли ва йўналтирувчи жунларнинг тери тўқимаси билан боғлиқлиги тивитларга нисбатан бўш бўлади. Боғланиш мустаҳкамлигига ҳайвонларни сўйиш мавсуми таъсир этади. Туллаш жараёнида бу боғланиш янада пасаяди. Териларни нам ва жуда иссиқ атмосферада сақлаш ҳам бундай боғланишни пасайтиради.

Жун билан тери тўқимаси орасидаги боғланиш мустаҳкамлигини аниқлаш учун ҳозиргача махсус асбоблар йўқ. А.А.Савельев майдони 1 мм^2 бўлган тери тўқимасидан бир тутам жунни юлиб олиш учун керак бўлган грамм ҳисобидаги юк бўйича “Жун қопламининг мустаҳкамлиги” деган кўрсаткични тавсия қилади. Жуннинг ишқаланишга чидамлигини синаш учун махсус приборлар яратилган; маълум

бир вақт оралиғида ишқаланиб қолган жунларнинг сони бўйича унинг мустаҳкамлиги ҳақида ҳулоса қилинади.

Терининг массаси. Терилар қанча енгил бўлса, улар шунча қимматли бўлади. Терининг массаси тери тўқимасининг қалинлиги ва зичлиги, жун қопламининг узунлиги ва қалинлиги, намлиги (%), териларни консервациялаш услублари, сўйиш вақти ҳамда семизлигига боғлиқ.

Қўй терисининг массаси уларнинг ёшига боғлиқ. Масалан, жунли ёш қўзининг териси ўртача 1,4 кг, оғир жунли ёш қўзининг териси - 2 дан 2,7 гача, оғир жунли қари қўйларники - 2,7 кг дан юқори. Бир турдаги ҳайвон терилари жун қопламининг массаси тери тўқимасига нисбатан 1,5-2 баровар кўп, айримларида эса бунинг тескариси кузатилади.

Кўпчилик қимматбаҳо турдаги териларнинг массаси унча юқори эмас (сувсар, ок сичқон), лекин айримларининг (қундуз) массаси жуда оғир - бу эса уларнинг камчилиғидир. Айрим турдаги терилар массасининг (қундуз, денгиз мушуги, йирик жингалакли қорақўл) катталиги, уларнинг тери тўқимасини қалинлиги ва зичлиги билан изоҳланади. Бундай ҳолларда тери тўқимасининг қалинлиги уларга ишлов бериш пайтида камайтирилади.

Қуйидаги жадвалда ўрта ўлчамдаги пресслаб қуритилган кишки териларнинг тахминий массаси берилган.

46-жадвал

Ўрта ўлчамдаги пресслаб қуритилган кишки териларнинг тахминий массаси

Терининг тури	Массаси, г	Терининг тури	Масаси, г
Бури	1000-1500	Рус барраси	130-170
Қум қуёни	50-60	Чўл барраси	180-250
Қорсак	150-180	Қорақузу	65-70
Шиншилла уй қуёни	100-150	Қўй	1000-2000
Тоғ сувсар	130-140	Қоплон	600-750
Тулки	250-400	Юмронқозик	2040
Қўнғир айик	2000-5000	Қум юмронқозиғи	30-40

Стандарт бўйича қўй терисининг чарм хом ашёси ва уларнинг консервациялаш услубига қараб терилар массасининг қуйидаги ўзаро нисбати белгиланган. Агар ҳўл терининг массаси 100 деб олинса, у

холда музлатилган териники - 95, намокабланган териники - 87, курук тузланган - 50 ва курукпрессланган териники - 40 га тенг бўлади.

Курук намоқобда тузланган терилар пресслаб қурилган териларга нисбатан оғиррок бўлади.

Териларнинг иссиқ ўтказувчанлиги, уларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади; шунга қараб кўнчилик терилар кишки кийимлар тайёрлаш учун ишлатилади. Иссиқ мамлакатларда, айрим ҳолларда мўйна буюмлари иссиқлик ўтказмаслик хусусиятларига эга бўлганлиги сабабли, улардан ҳавонинг юқори ҳароратида ҳам фойдаланилади.

Қўй теридан қилинган пўстинлар иссиқ сақлаш хусусиятлари билан баҳоланади. Мўйнанинг иссиқ сақлаш хусусияти, асосан жунлар орасидаги ҳаво қатламига боғлиқ бўлади. Ҳавонинг оз-кўплиги эса жун қопламанинг ғижимланиши, зичлиги ва баландлигига боғлиқ.

Териларнинг иссиқ ўтказувчанлиги тери тўқимасининг ғовақлари ва толанинг ўзагидаги ҳавога, тери тўқимасининг қалинлиги ва зичлиги ҳамда кимёвий таркибига боғлиқ. Қалин ва узун жун қоплами, зич ва қалин тери тўқимаси, жун толасининг кенг ўзак қатлами - булар терининг иссиқлик ўтказишини камайтирувчи ва иссиқлик сақлаш хусусиятини оширувчи омиллар ҳисобланади. Улардан ташқари териларнинг намлиги ҳам иссиқлик сақлаш хусусиятига таъсир этади. Терининг намлиги қанча кўп бўлса, унинг иссиқлик ўтказувчанлиги шунча юқори бўлади. Тери тўқимасининг ёғ моддаси унинг гигроскоплигини камайтиради, шунинг билан у терининг иссиқлик ўтказувчанлигини ҳам пасайтиради.

Д.И.Мендельсон томонидан қўй, уй қуёни ва ит териларининг шамол эсиб турган шароитида, уларнинг иссиқлик сақлаш хусусиятларини илмий асосда тадқиқ қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Е.Е.Вѣшеневский ҳам уй қуёни ва мўйнабоп қўйтерининг иссиқлик сақлаш хусусиятларини жун қопламанинг ғижимланишига боғлиқлигини аниқлаб берди. Ю.В.Игнатов суғур ва нутрия терисининг иссиқлик сақлаш хусусиятларини уларнинг навларига боғлиқлигини изоҳлаб берди.

Териларнинг иссиқлик сақлаш сифати мўйналарни ишлатишдаги тупланган улкан турмуш тажрибалари асосида ҳулоса қилинади. Бу тажрибалар асосида барча терилар уч гуруҳга бирлашади:

1. яхши иссиқлик сақловчи терилар (шимол тулкиси, тулки, айик);
2. ўртача иссиқлик сақловчи терилар (қоракузан, олакузан, суғур);

3. кам иссиқ сакловчи терилар (крот, юмронқозик).

Толали материалларнинг иссиқ саклаш хусусиятларини аниқлаш учун Е.Е. Вишневскийнинг приборлар системаси, Д.А.Мендельсон ва Ю.В. Игнатов хатда профессор Кондратьев бикалориметр системасига асосланиб тузилган приборларидан фойдаланилади.

Териларнинг ўлчамлари (майдони). Териларнинг катта-кичиклиги хайвонларнинг тури, зоти, жинси, уларнинг озукаланиши ва консервалаш услубига боғлиқ. Агар ҳўл қўй терининг майдонини 100 деб қабул қилинса, у ҳолда намақоблаб консерваланган терининг майдони ҳам 100 бўлади, курук тузланган терининг майдони 94 ва курук тузлаб прессланган терининг майдони эса 90 га тенг бўлади. Териларни тортишдаги қўзилиш даражаси ҳам уларнинг ўлчамларига таъсир этади қўзишда тери майдони катталашади.

Қуйидаги жадвалда асосий турдаги териларнинг тахминий майдони берилган.

47-жадвал

Асосий турдаги териларнинг тахминий майдони

Терининг тури	Терининг майдони, см. кв.	Терининг тури	Терининг майдони, см. кв.
Бўри	4000-6000	Сув каламуши	120-250
Тойчок	3000-5000	Қора тоғ сувсари	600-1100
Қуён	1200-2000	Қизил тулки	2000-4000
Улок	500-1100	Ўрмон айиғи	100-15000
Қорсақ	1500-2000	Барра қўзи	400-1300
Уй мушуги	350-1300	Қорақузан	600-800
Уй қуёни	700-1500	Нутрия	600-2000
Крот	50-100	Ондатра	400-700
Қўйтериси	2500-7000	Суғур	400-1400
Силовсин	2500-4500	Юмронқозик	50-300
Ит	1000-5000	Қўшоёқ	100-250
Сувсар	500-1000	Чия бўри	1500-2000

Ишлов берилган ва ҳўл териларнинг майдони стандарт бўйича терининг икки қўзи орасидан (қўйтерида елка орасидан, қорақўлда бўйин асосидан) думининг ўзагигача бўлган узунлигини терининг ўртасидаги кенглигига қўпайтириш билан аниқланади. Териларнинг

майдони уларнинг ўлчами билан эмас, балки уларнинг аниқ децетраж бўйича (децетраж доскада) аниқланса тўғрироқ бўлади.

Териларнинг контурларини ўлчаш бўйича иккита асбобдан фойдаланилади: планиметр ва фут ўлчагич машина.

Планиметр терининг ўртасига қўйилади, сўнгра штанганинг ўткир учи билан унинг контури бўйича ўтказилади, натижада терининг контурига мос келадиган қийшиқ чизик чизилади. Агар ўлчаш думидан бошланса, унда терининг барча чегарасидан ўтиб яна думига қайтади. Планиметрнинг кўрсаткичида автомат равишда терининг дм² даги майдони аниқланади.

Фут ўлчагич машиналарида интеграция принципи қўлланилади ва у тери майдонини тез ва аниқ ўлчаш учун имкон яратади, лекин унинг қимматбаҳо ва катталиги ҳатто йирик мўйна фабрикаларида ҳам қўллаш учун ҳаёқат беради. Бу машинада ўлчашнинг хатоси 2% (ўртача 0,5%) дан ошмайди ва кўпроғи ишлов берилган териларни ўлчашда қўлланилади.

Фабрикаларда ярим фабрикат майдони катакчаларга ажратилган чизикли столларда планиметр ёрдамида ўлчанади (катакчаларнинг ўлчамлари 1 см² га тенг). Ундан ташқари ўлчагич линейкаларда ҳам ўлчанади.

Терининг намлиги. Терининг намлиги ундаги фоиз ҳисобидаги микдорининг абсолют қуруқ тери массасига нисбати билан аниқланади. Терининг намлиги тери тўқимаси ва жун қопламнинг намлигига боғлиқ бўлади. Жунлар жуда гигирокопик; улар 30% ортиқ намни ўзига қабул қилиши мумкин (тўйинган нам ҳавода). Ортиқча тузланган терилар нам ҳаво ёки нам хонада, тузларнинг гигироскопиклиги сабабли намланиб қолади.

Териларнинг намлигига ташқи (ҳарорат омиллари, ҳавонинг ҳаракат тезлиги ва ҳоказо) ва ички (жун ва тери тўқимасининг гистологик тузилишининг кимёвий таркиби, ундаги ёғлар, минерал моддалар ва бошқалар) омиллар таъсир этади. Ҳароратнинг ошиши билан намлик камаёди. Жун қоплами ва тери тўқималарида ёғлар қанча кўп бўлса, тери намликни шунча кам шимади. Ҳар хил типдаги жушлар учун меъёрий намлик фоиз ҳисобида 15 дан 17 гача белгиланган.

Жушларнинг намлиги махсус кондицион аппаратлар ёрдамида аниқланади. Бу аппарат қуритиш шкафидан тузилган бўлиб, у 102-105⁰ С ҳароратда жун қопламни доимий массасигача қуритади, яъни

намлик тўлиқ йўқотилади. Олдинги массасини қуритилгандан кейинги намликка нисбатан фарқи қуриган намликни беради.

Тери тўқимасининг намлиги толуол билан дистиляциялаш услуби бўйича аниқланади. Қуруқ прессланган терилар учун 12-14% намлик меъёрий ҳисобланади. Ҳар хил жинсдаги ҳайвонларнинг нам терилари намлиги ҳар хил бўлади (60-75%).

ТЕРИНИНГ ТОВАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Нам терининг товарли хусусиятларини шаклланишига бир неча омиллар таъсир этади. Бу омиллар ҳайвонларнинг эмбрионал ривожланиш давридан бошлаб, то уларни консервалашгача бўлган даврида таъсир этади. Бу омилларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ҳайвонларнинг озукаланиши, фасли, ёши, жинси, индивидуал сифати, уй ҳайвонларининг зоти, уларга қараш ва яшаш шароитлари билан боғлиқ бўлган омиллар киради. Иккинчи гуруҳга уларни ушлаш ва сўйиш усуллари ва учинчи гуруҳга-териларга биринчи ишлов бериш жараёнлари билан боғлиқ омиллар киради. Биринчи гуруҳ омиллари териларнинг ўзгарувчанлигига таъсир этади.

Териларнинг ўзгарувчанлик турлари

Терилар бешта ўзгарувчанлик турига бўлинади: индивидуал, жинсий, ёш, мавсумий ва жўғрофик. Буларнинг ҳар бири кўп ёки кам даражада терининг товарли хусусиятларига таъсир этади. Масалан, олмахон терисининг ранги ва туси кучли ўзгаради; қишда, равшан кул рангдан тўқ қора ранггача, ёзда очик-қизғичдан қизил-кўнғир ранггача. Бу ерда уч турдаги ўзгарувчанлик асосий роль ўйнайди: кучли намоён бўлган индивидуал ўзгарувчанлик, жўғрофик (катта ареал) ва очик ифодаланган мавсумий ўзгарувчанлик.

Индивидуал ўзгарувчанлик. Индивидуал ўзгарувчанлик насли, озуқа сифати, боқиш ва ушлаб туриш шароитлари (ҳайвонотчиликда), ички секреция (эндокрин) безлари, ҳайвонларнинг касаллиги таъсири бўйича аниқланади.

Бир хил турдаги, жинсдаги, бир вақтда туғилган, бир хил шароитда яшайдиган ҳайвонлар, ҳар ҳолда ҳар хил индивидуаллик хусусиятларига эга бўлади. Уларнинг терилари ранги, зичлиги, жун қопламнинг баландлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Айниқса сувсар, тулки ва олмаҳонларда индивидуал ўзгарувчанлик жуда кучли.

Ўзгарувчанлик морфа ва аберрация номлари билан ажралади ёки фарқ қилади. Масалан, қора тулки одатдаги кизил тулки учун рангли морфадир. Аберрацияга мисол қилиб оқ сувсар, сарик қротлар, бўйи меъёрдан ўсиб кетган ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бундай белгилар тезда наслига ўтиб, авлодлари бўйича сақланиб қолиши мумкин (ҳайвонотчилик, қўйчилик). Мустаҳкамланиб қолган морфа сифатида ҳайвонотчилик давлат ҳужаликларида урчитилаётган қумуш ранг қора тулкиларни мисол қилиш мумкин.

Қўйларнинг яхши озуқаланмаганлиги сабабли уларнинг жун толалари ялтироқлиги пасаяди. Ахталанган қўйларнинг жун толалари ахталанмаган қўйларникига нисбатан ингичка ва бир хилда бўлади.

Териларнинг тери тўқималари кам индивидуал ўзгаради. Масалан, яхши озуқа унинг қалинлиги ва зичлигига таъсир этади. Ҳайвонларнинг яхши озуқаланиши сабабли уларнинг тери тўқималари зич ва эластик бўлади.

Жинсий ўзгарувчанлик. Айниқса сут эмизувчиларнинг эркаклари урғочиларига нисбатан йирик. Денгиз мушукларининг эркак ва урғочиларининг ўлчамлари бўйича фарқи аниқ билиниб туради. Айрим ҳолларда буларнинг тескариси бўлиши мумкин. Масалан, сув қундузи ва америка шиншилласининг эркакларини териси урғочилариникига нисбатан кичик.

Жинсий ўзгарувчанлик тери тўқимаси, ранги, жун толаларининг ингичкалигига ҳам таъсир қилади. Масалан, қўчқорларнинг тери қоплами қўйларга нисбатан дағал ва тери тўқимаси қалин бўлади. Ёввойи ҳайвонлар эркак ва урғочиларининг мўйналари сифати бўйича унча катта фарқ қилмайди.

Ёшга боғлиқ ўзгарувчанлик. Кўпчилик ёввойи ҳайвонларнинг болалари кам сезиладиган жунли ва жуда юпка тери тўқимали бўлиб туғилади. Бу тукчалар бир неча кундан сўнг майин тивитли жун қопламга айланади. Бундай жун қоплами то она сути билан озуқланиши тамом бўлгунга қадар сақланиб қолади. Ўзи овқатланиб бошлагандан сўнг бу жун қоплами туллаб бошқа қопламга айланади. Қуён болалари яхши ривожланган бирламчи жун қоплами билан туғилади.

Ёш молларнинг жун қоплами катталарникига нисбатан деярли ҳамиша ингичка, майин ва бўш. Ёввойи ҳайвон болаларининг мўналарини ёмон ва бўш бўлади, шунинг учун уларни овлаш ва тайёрлаш ман этилади (бўри ва чия бўрилاردан ташқари).

Айрим турдаги терилар (тойча, упуқа) га ёшга боғлиқ бўлган ўзгаришлар жун қопламининг баландлигига, яъни навланишига таъсир этади.

Мавсумий ўзгарувчанлик, туллаш. Жун қопламининг мавсумий ўзгариши (туллаш) йилнинг иқлим шароитини фаслий ўзгариши асосида келиб чиқади.

Териларнинг мавсумий ўзгариши барча ҳайвонларда кузатилади, шу билан биргаликда тери тўқимаси ва жун қопламининг сифати-га таъсир этади.

Жун қоплами одатда жунларнинг узунлиги, зичлиги, шакли, юмшоқлиги бўйича айрим турдаги ҳайвонларда (қорсақ, қуён) эса ранглари бўйича ҳам ўзгариб туради.

Туллаш пайтида жун қоплами бошқасига алмашади. Шу орқали туллаш атроф муҳитда иқлимий ўзгаришга мослашиш учун хизмат қилади. Кишки уйқуга кетмаган ёввойи ҳайвонлар икки марта - баҳор ва кузда туллайди, уйқуга кетганлари (бўрсук, суғур ва бошқалар) йилда фақат бир марта туллашади. Кротда эса уч марта - баҳор, ёз ва кузда туллаш кузатилади.

Туллаш йил мобайнида ёки тезда бўлиши билан кучли фарқ қилади. Туллашнинг муддати ҳарорат, озукаланиш, эндокрин безларининг ишлаши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Кўплаб турдаги ҳайвонларнинг ургочилари баҳорда эркакларига нисбатан тезроқ туллашади.

Майин жунли қўйлар деярли туллашмайди. Бунга эса озукалан-тириш ва саклаш бўйича узоқ давом этган сунъий танлаш натижасида эришилган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, агар майин жунли қўйларнинг жунлари беш йил давомида қирқилмаса, у ҳолда йилига 10-12 см га ўсиб, унинг узунлиги 50-60 см гача етади.

Туллаш териларнинг маълум майдончаларидан бошланиб аста-секин барча майдонига тарқалади. Баҳорги туллашда кўпчилик ҳайвонларда туллаш боши ва оёқларидан бошланади, сўнгра бўйнига, ёнбоши, елкаси, ундан сўнг сағрига ва охирида думига ўтади.

Кузги туллаш бир қанча ҳайвонларда ёзнинг охиридан бошланади. Одатда олдин кишки жунлар ўсади. Бу эса маълум кетма-

кетликда келиб чиқади: сағрини, елкаси, ёнбоши, бўйни, боши ва оёқларида.

Тери тўқимаси қанча қалин ва жун томирлари баланд жойлашган бўлса, шунча тери тўқимасининг рангига жун қопламанинг ранги кам таъсир қилади. Жун қоплами тўлиқ шакллангандан сўнг у ўзининг нормал рангига киради. Тери тўқимасидаги доғнинг шакли ва ранги бўйича (туллаш расми) жун қопламанинг ҳолати ҳақида фикр юритиш мумкин. Бу ҳол амалда қўп турдаги ёввойи ҳайвонлар териларини навлашда қўлланилади, айниқса олмахонларда. Ит оиласига мансуб ҳайвонлар (бўри, ит ва бошқалар) нини туллаши тулкиларнинг туллашига ўхшаш бўлади.

Қишки уйқуга кетадиган кемирувчиларнинг туллашига типик мисол сифатида юмронқозикларнинг туллашини олиш мумкин. Юмронқозиклар баҳорнинг бошланиши билан уйқудан уйғонадилар. Тахминан 3-4 ҳафтадан сўнг уларда узоқ давом этадиган туллаш бошланади ва ёзнинг ярмигача эски жунлар тушиб, сўнггра янги жунлар ўса бошлайди. Одатда улар то қишки уйқуга кетгунча ўсиб тамом бўлади. Ёзнинг бошларида юмронқозикларнинг жун қоплами сийрак, нимжон, асосан қилтик жунлардан тузилган бўлади. Ингичка оёқли ва узун думли юмронқозиклар икки марта туллашади. Бунга асосий сабаб, ингичка оёқли юмронқозиклар қишки уйқуга ётмайди, узун думлиларида қишки уйқу узоқ давом этмасдан қиш пайтида тез-тез узилиб туради.

Ярим сувда яшовчи ҳайвонларда (ондатра) кузги туллаш узоққа чўзилади, бу эса қишда уларни иссиқ (0° С дан юқори) инларда яшаши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Туллашнинг аниқ муддатини олдиндан билиш жуда муҳим, чунки бу орқали овлаш муддатини аниқлаш ва паст навли териларни камайтириш мумкин.

Бир район атрофида яшовчи турли ҳайвонларда туллаш ҳар хил бўлади. Туллашнинг бошланиши ва тамом бўлиши иқлимий муҳит, физиологик ҳолати, ёши, жинси ва семизлигига боғлиқ.

Туллаш даврининг яқинлашиши билан пиёзчада тўқималарнинг бўлиниш жараёни аста секин тўхтайтиди, юқори ва ўрта қатламдаги тўқималар шохсимон бўлиб қолади ва пастки қатламдан ажралади, жун толасининг ўзаги билан юқорига кўтарилиб, қолба шаклига киради ва жун ҳалтасида маҳкамланади. Тўқималарнинг пастки қат-

лами пиёзчада янги жуннинг ўсишига имкон яратиб беради. Бу даврда жунлар колба шаклли жунлар деб аталади.

Жунлар ривожланишининг биринчи босқичида (туллашнинг бошланиши) улар тери таги клеткачасига яқин туради, сўнгра ўсиши натижасида дерманинг юқори қатламида тушгунча сакланиб қолади.

Тери тўқимасидаги жунларнинг чуқур жойлашганлиги, фабрикада териларга ишлов бериш жараёнида уларда “тешиklar” пайдо бўлишини олдини олиш учун ҳисобга олинади.

Жунлар одатда куйидаги кетма-кетликда ўсади: олдин йўналтирувчи ва қилтик жунлар ўсади, сўнгра тивит жунлар пайдо бўлади.

Бўғоз ҳайвонлар биринчи туллайди. Қари, касал ва орик ҳайвонларда туллаш кеч бошланади.

Туллаш муддатиға ёруғ куннинг узайиши ҳам таъсир этади: унинг узайиши баҳорги туллашни тезлаштиради, қисқариши (ёзда) - кузги туллашни қисқартиради. Ҳайвонотчилик фермаларида ёруғликни бошқариш йўли билан туллаш муддати ўзгартирилади. Шу усул билан тулкининг етишган мўйнасида туллаш муддатини 50 кунгача кечиктиришга мувофиқ бўлди. Совуқнинг тез тушиши жун қопламининг ўсишини тезлаштиради.

Ер тагида яшайдиган ҳайвонларда (крот, кўр сичкон) туллаш ўзига хослик билан ўтади. Б.М.Вяжлинский кротнинг бир йилда уч марта туллашини аниқлаб берди: баҳорда қишки жун қоплами ёзги жун қопламига тўлиқ алмашади, ёзда эса бу жун қоплами ёзги қалта жун билан алмашади, кузда қишки жунларнинг ўсиши бошланади. Эҳтимол, кротда ёзги туллаш тўлиқ бўлмасдан қисман бўлиши мумкин. Кротларнинг тез-тез туллашини, уларнинг ўз инига киришда ва ундан чиқиш пайтида жун қопламининг ишқаланиб ейилиши ва бу жунларнинг ўрнини тўлдириш учун уларнинг организми янги жунларнинг ўсишига (туллаш компенсацияси) имкон яратиб бериши билан тушунтириш мумкин. Кротларнинг тез-тез туллаши уларни ушлаш (овлаш) муддатини аниқлашда кўп қийинчиликларга сабаб бўлади.

Тери тўқималари туллаш пайтида ўзгаришларга дуч келади, одатда улар қалинроқ, ғовак ва бўш бўлади. Айниқса бу ҳол крот териларида кўпроқ сезилади, чунки улар ишлов бериш пайтида тез йиртилиб кетади.

Туллаш пайтида тери тўқимаси ва жун қопламининг заифлиги, табиий ҳолда терининг сифатини маълум даражада пасайтиради. Ун-

дан ташқари туллаш пайтида терилар унча чиройли бўлмайди ва улар арзон баҳоланади.

Жун қоплами ва тери тўқимасининг мавсумий ўзгарувчанлигига қараб ёввойи ҳайвон терилари навлари бўйича ҳамда баҳорги туллаш билан боғлиқ бўлган нуқсон гуруҳларига бўлинади.

Жўғрофик ўзгарувчанлик. Бир хил турдаги, ёшдаги, жинсдаги ва бир мавсумда ушланган (ҳар хил географик районлардан) ҳайвон терилари, одатда ранги, туси, жун қопламининг зичлиги, узунлиги, баландлиги ва бошқа товарли хусусиятлари бўйича ажралиб туради, бундай тафовутлар териларни районлар бўйича тарқалишига қараб (қряжи) навлашда уларни таснифлаш кераклигини тақозо этади. Масалан, маълумки Ўрта Осиё ва Кавказда яшайдиган тулкилар жун қопламининг баландлиги, зичлиги, ранги ва бошқа сифатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳайвонлар яшаётган жойларда совуқ иқлим қанча юқори бўлса, уларнинг жун қоплами шунча зич, баланд, майин ва аксинча. Шимолда яшовчи қўпчилик ҳайвонларнинг терилари жанубдагиларникига нисбатан йирик бўлади.

Чўл ва ярим чўлларда яшовчи ҳайвонлар ўрмонларда яшовчи ҳайвонлардан қўпроқ сарик тусли, очик, қуриб қолган ўтнинг рангига ўхшашлиги билан ажралиб туради.

Об-ҳавонинг жун толаси ингичкалигига таъсири исботланмаган, лекин нам об-ҳавони жун толасининг дағаллашиши ва ўткир пигментацияланишига таъсири бор деб тахминланади. Тери тўқимасининг ўзгаришига келганда, баъзи бир кузатишлар иссиқ шароитда яшовчи ҳайвонларнинг эпидермис ва дерма қатламлари нисбатан қалинроқ эканлигини кўрсатиб берди.

Жун қоплами қалин бўлган ҳайвонларнинг териси, одатда юпқароқ бўлади.

ҲАЙВОНЛАРНИ ОВЛАШ ВА СЎЙИШ УСУЛЛАРИ

Ҳайвонларни овлаш ва сўйиш усуллари, териларни товарли хусусиятларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда мўйнали ҳайвонларни овлашда унча кўп бўлмаган усуллар қўлланилади. Агар улардан қайси бири терининг товарли хусусиятларига кам зарар етказса ва гўшт сифатини (агар ҳайвоннинг бу маҳсулоти юқори қийматга эга бўлса) пасайтирмаса, у усул энг яхши ҳисобланади.

Мўйнали ҳайвонларни табиатда тутиш ва овлаш усуллари қуйидагилардан иборат: қурол билан отиш, самолётдан отиш, ит ёрдамида ушлаш.

Йирик, узун ва тигиз жунли ҳайвонларни (тулки, бўри ва шу кабилар) овлашда ов қуролини ишлатиш мақсадга мувофиқдир, чунки сочма ва ўқ уларни териси сифатини у даражада бузмайди, натижада чок излари кўп сезиларли бўлмайди. Кичик, калта жунли (суғур) ёки олачипор рангли ҳайвонларни овлашда сочманинг номери, сони ва ўқнинг ўлчами муҳим аҳамиятга эга. Масалан, олмахонларни овлашда битта ёки иккита сочма ўқ уларни териси сифатига таъсир этмайди, лекин ўқдан тешик бўлган ёки тўп сочмалар теккан жойини (тикиш пайтида) кесиб ташлашга тўғри келади, натижада унинг фойдали сатҳи камаяди. Тажрибали овчилар амалда ҳайвонларнинг бошига отишни кўпроқ қўллайдилар, чунки сағринига нисбатан бош қисми унча қимматли эмас ва тери камроқ бузилади.

Ҳайвонларни тутиш (илинтириш)да (тўр, тузоқ ва ҳоказолар) овчи, ҳайвонлар йўқлигида тутиш мосламаларини тўғрилаб қўяди. Бундай мосламалар билан тутиш ҳам айрим камчиликларга эга. Масалан, ёввойи ҳайвон терилари (бўри, карсак ва бошқалар)нинг айрим қисмларини узилиб қолиши, кемирувчилар томонидан бузилиши, кизиши натижасида чириб жун қопламанинг сусайиши ва ҳоказолар. Териларнинг чириши асосан ҳайвонларнинг қопқонга тушиб кўп вақт қолиб кетиши, овчиларнинг вақтида хабар олмаслиги натижасида ҳам пайдо бўлади.

Бундай усул, айниқса корсак ва суғурларни тутишда, уларнинг териларида кўпроқ нуқсонлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ундан ташқари оғир илинтириш мосламалари кўп қон оқишига олиб келади, натижада терида чириш жараёнининг ривожланишига шароит яратилади.

Илинтириш мосламаларига қопқонлар ва тахта тузоқлар кирди. Улар ёғочдан ясалиб, доимий ўрнатилиб қўйилади.

Ёввойи ҳайвонларни ит билан овлашда (масалан, Қозоғистонда тулкини ит билан овлашда) териларга тери тўқимасининг йиртилиши, жунларининг юлиниши каби жарахатлар етказилади.

Ёввойи ҳайвонларни ўлжага олишда, масалан, юмронқозикларни инига сув қуйиш, уларни ҳар хил усуллар билан заҳарлаш каби усуллар камроқ қўлланилади.

Уй ҳайвонлари ва қуёнлар ҳамда қафасда яшовчи мўйнали ҳайвонларни фермаларда ўлдириш ёки сўйиш усуллари жуда оддий. Қуёнларни ўлдиришда уларни энсасига ёки қаншарига таёк билан уриш усули амалга оширилади. Кумуш - қора рангли тулкиларни электр токи билан ва бўйин умуртқаларини қўзғатиш усули билан ўлдирилади. Қорақўл қўзиларини сўйишга алоҳида тўхталамиз, чунки у механизациялашган ҳолда олиб борилади. Уй ҳайвонлари (қўйлар, қорамоллар) одатдагидек сўйилади.

Қушхоналарда ҳайвонларни боши осилган ҳолда скамейкаларга осилади, бу ҳолда уларни бўғизлаш осон бўлади. Механизациялаштирилган гушт комбинатларида, одатда ҳайвонлар ҳушидан кеткизмасдан бирданига электр токи билан ўлдирилиб сўйилади. Терини бўйин қисми узунасига кесилади, натижада терининг бош қисми камроқ қирқиб ташланади ва қўндаланг кесилганида чоки кўп сезилмайди.

Ҳайвон танасини бутунлай қонсизлантириш керак, чунки қон чиритувчи микроорганизмларни ривожланишига муҳит яратувчидир. Ўзи ўлган ҳайвон териларида қони яхши оқмаганлиги сабабли томирга ўхшашлик хос бўлади.

Ташкиллаштирилган сўйишда олдин уларни жун қопламини ҳар хил ифлосликлар ва қон қолдиқларидан тозаланиб, териси яхши ювилади. Айниқса қон терини бузади, сийдик эса оқ ва умуман рангли жун толаларига сарғич тус беради. Шунинг учун терида сийдик қолдирган ҳар хил доғларни тозалаш учун одатда водород перекиси эритмаси ишлатилади.

Тупроқ билан ифлосланган қисми сув билан ювилиб, сўнгра ёғоч кипиғи билан артилади.

ТЕРИЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ

Тайёрланадиган мўйнали терилар сифатини яхши сақлашда дастлабки ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки ишлов беришнинг тўғри бажарилиши, айниқса сўйиш пунктларида ва овчилар томонидан териларни тўғри консервалаш хом ашёни кўп нуқсонлардан сақлайди (жун тўкилиш, чириш, куйиш, синиш ва бошқалар).

Терига дастлабки ишлов бериш пайтида пайдо бўлган нуқсонларнинг кўпчилиги уларга ишлов бериш пайтида катталашади ва

юмшоқ тери олишга имкон бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси мўйнали махсулотлар сифатини пасайишига сабаб бўлади.

Терига дастлабки ишлов бериш, териларни шилиб олиш, ёғсизлантириш, текислаш ва консервалашдан иборат.

Ҳайвон сўйилгандан сўнг терини тезроқ танасидан ажратиб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Агар ҳайвон танаси иссиқ хонада қолиб ажратиш жараёни кечикса, у ҳолда терини тезда бузилиши (чириши) га сабаб бўлади.

Терига дастлабки ишлов беришнинг асосий мақсади, териларни мўйна ишлаб чиқариш корхоналарига етиб боришигача уларнинг сифатини сақлаб қолишдан иборатдир. Айрим вақтда мўйнали териларни тайёрлашда, баъзи сабабларга кўра тери ўз вақтида танадан ажратилмайди ёки ажратилган терилар консерваланмасдан қолади. Бундай шароитда микроорганизмлар юқори активликда теридаги оксил моддаларини аста секинлик билан буза бошлайди.

Терининг бузилишига қуйидаги омиллар таъсир этади: ҳайвоннинг яшаш ва сўйилиш шароити; терининг ифлосланиш даражаси; юқори намлик; ташқи муҳит ҳароратининг 37°C гача кўтарилиши; етарли миқдорда кислороднинг бўлиши; терининг ишқорли реакцияси. Айниқса микроорганизмлар учун таркибида 75% гача намлик бўлган ва қони қотган иссиқ тери энг яхши муҳит ҳисобланади. Бу бактерия қулай шароитда 8 соат ичида 4 миллионгача кўпайиши мумкин.

Иссиқ териларнинг микро кесиги бўйича ўтказилган тадқиқотлар ҳарорат ва нисбий намликнинг кўтарилиши ҳамда териларнинг узоқ вақт қолиб кетиши натижасида терининг структурасида (тузилиши) гистологик ўзгаришлар бошланишини кўрсатиб берди.

Терининг тўлиқ чириш жараёни 1-3 кундан бир неча ҳафта давом этади. Агар терилар қондан тозаланмаса ёки ўз вақтида шилинмаса, улар айниқса ёзда тезроқ чирий бошлайди.

Юқумли манқа, қутириш, чума, Сибирь язваси билан ўлган ёки ўлдирилган ҳайвонлар териларини шилиш ветеринария врачининг рухсатисиз ман этилади. Бундай ҳайвонларнинг ўликлари тагида тўшанчаси ва ахлатлари билан биргаликда йўқ қилинади. Агар ўлик кўмиладиган бўлса, у ҳолда унинг териси кўйдирилиб яроқсиз ҳолатга келтирилади.

Териларни шилиш. Эътиборсизлик билан шилинган териларнинг баҳоси жуда пасайиб кетади. Масалан, барралар баъзида бошсиз

шилинадиган, натижада эса териларнинг майдони камайиб кетади. Хайвон танасида қолган ёки шилиш пайтида ташлаб юбориладиган ҳар бир бўлак терини буюм, жун ёки елим олиш учун ишлатиш мумкин.

Териларни шилиш учта усулда бажарилади: яхлит ёки гилам шаклида, қориндан кесиш билан; трубка шаклида, яъни сағринидан кесиш билан чу-лок (пайпок) шаклида.

Терини шилиш пайтида уч муҳим омилни ҳисобга олиш керак: мўйна-ни ишлатилиши (қайси буюм учун мўлжалланган) навбатдаги фабрикада бериладиган ишлов услублари жун қоплами рангининг нозиклиги.

Буюмлар олишда пластинка (яхлит - елкаси қорин қисми билан биргаликда) шаклида шилинадиган териларнинг ишлатилишига қараб уларнинг айримларини (қрот, қорақўл) яхлит ёки гилам шаклида шилишга рухсат этилади. Қорин қисми унча қимматбаҳо бўлмаган ҳайвонлар (юмронқозик, суғур)нинг терилари ҳам яхлит шилинади. Ундан ташқари жуда оғир ва ёғли (айикқа мансуб) ҳайвонлар терисини осонроқ қуритиш ва ёғсизлантириш мақсадида яхлит шиланади. Териларни яхлит шилинганда, улар бир текисда қурийдиган бўлишдан сақлаб қолинади.

Горжетлар (тулки ва карсаклар) ёки тулум (чучела) учун (йўлбарс ва қоплон) ишлатиладиган ҳайвон-терилари трубка шаклида шилиниб, уларнинг панжалари, бурун ва қулоқлари ҳамда тирноқлари сақлаб қолинади. Ундан ташқари барча қимматбаҳо ҳайвон (олақузан, сувсар ва шу кабилар) терилари трубка шаклида шилинади. Трубка шаклида шилинган териларга кейинги ишлов бериш одатда бироз қимматга тушади, чунки уларга машиналар билан ишлов бериш имконияти бўлмайди. Шунга қарамасдан бу усулда териларнинг қорин қисми тўлиқ сақланиб қолинади.

Оқ сичқон ва сувсарларнинг терилари жунларини ичкарига қаратиб (уларнинг оппоқ жунларини ифлосликдан ва ғижимланиб қолишдан сақлаб қолиш мақсадида) чулок (пайпок) шаклида шилинади. Бу усулда шилинган терилар унча яхши кўринмайди.

Тери тўқимасининг ранги бўйича навларга ажратиш кийин бўлган териларнигина (қундуз, тулкилар) фақат жунлари ташқи томонга қаратилиб текисланади (тўғриланади).

Сўнгги вақтларгача ҳар бир районда яшовчи ҳайвон териларини шилиш ва текислаш бўйича ўзига хос анъанавий услублар мавжуд эди. Ҳозирги вақтда эса ҳар бир ҳайвон териси учун унинг қайси

районда тутилганлигидан қатъий назар стандарт бўйича мақсадга мувофиқ бўлган шилиш, текислаш ва консервалаш услублари кирилган.

Хайвон териси шилинганда унинг сийдик ҳалтаси ёрилиб кетмаслиги керак, чунки сийдик жунни сарғайтириб юборади. Терилар хайвоннинг бош қисмидан жуда эҳтиёткорлик билан ажратилади, чунки кўз, оғиз ва қулоқ хайвон танаси билан жуда мустаҳкам боғламлар ва пайлар билан туташган бўлади.

Жун қопламига ёпишиб ва қотиб қолган қонлар, иссиқ сув, скипадар ва динатурат спиртда намланган латта билан тозаланади. Жунда қолган ёғлар тоза бензинга ботирилган латта ёки тахта қириндиси билан тозаланади.

Хайвон сўйилгандан кейин кўп вақт ўтган бўлса терини шилиш бир оз қийин бўлади, чунки тери тўқималари эластиклигини йўқотади. Бундай вақтда терини ажратишда уларни кесилиш ва жун қопламини қон билан ифлосланишидан сақлаш мақсадида пичоқдан камроқ фойдаланиш керак. Ундан ташқари мустаҳкам боғламларни қўл билан узиш қийин бўлса, у ҳолда бироз ўткирланган ёғочлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қон фақатгина жун қопламини ифлослантириб қолмасдан, тери тўқимасини дағалланишига ҳам сабаб бўлади.

Терини кесилишдан ва қон билан ифлосланишидан сақлаш учун, шилиш пайтида уни танасидан бироз тортиб турилади. Агар бу ҳолат юз бергудай бўлса, у ҳолда қон қотиб қолмасдан иссиқ сув (28-30° С) билан ювиб ташлаш ва секин жунини темир тароқ билан тараш керак. Теригаги кесилган ва йиртилган жойларни кейинги ишлов бериш жараёнида қатгайиб кетмаслиги учун улар текисланишдан олдин тикилиши керак.

Терини яхлит ёки гилам шаклида шилиш. Бу усул билан қорақўл (қорақўлни сўйиш, шилиш ва консервалаш алоҳида қорақўл терилари бўлимида берилади, чунки булар механизация йўли билан амалга оширилади), барра (мерлушка), тойчоқ, бузоқча, айик, суғур, тарбаган, ит ва баҳорги майда мўйна берувчи хайвон (юмронқозик) терилари шилинади.

Бу услуб билан шилишда хайвон танаси уч еридан тилинади. Биринчи пастки лаби, томоғи, кўкраги ва қориннинг ўртасидан то орқа чиқарув тешигигача кесилади. Тилиш пайтида қорин бўшлиғининг кесилиб кетишидан эҳтиёт бўлиш керак. Иккинчи - олдинги

оёқлари тўёқларидан то кесилган кўкрак қисмига қадар тилинади (агар тирноқлари керак бўлса, у ҳолда тирноқлари терининг ўзида сақланиб қолинади). Учинчи - кейинги битта оёғининг тўёғидан ички томони бўйича то орқа чиқарув тешигига қадар тилинади ва сўнгра иккинчи орқа оёғидан шундай тилинади. Шундан сўнг тери ҳайвон танасидан ажратилади. Кротларда тамоғи ва қорнининг ўртасида битта тилим қилинади ва панжалари кесиб ташланади.

Танадан терини лаб, қулоқ, бурун ва тирноқ қисмидаги пайларни кесиб, қўл билан ажратиш афзалроқ бўлади. Дум қисмининг остидан ярмигача тилиб думғуза ва пайлардан ажратилади, сўнгра думини охиригача тилинади.

Териларни трубка (сағрини очик) шаклида шилиш. Трубка шаклида асосан мўйнали ёввойи ҳайвонлар (олмахон, сувсар, бўри, қуён, қарсак, тулки, ондатра, қорақўзан, нутрия, чия бўри, қоплон, уй ва ёввойи мушукларининг) терилари шилинади. Бу усул терининг сағринини очик ҳолда қоладирадиган ва тез-тез қўлланиладиган усулдир. Ушбу шилиш ва текислаш усулида терининг жун қоплами ичкарида бўлади. Жун қопламининг сифати бўйича навларга ажратиладиган ҳайвон терилари (қарсак, тулки)нинг жуңлари ташқарига қарата шилинади ва текисланади.

Шилиш орқа оёғининг панжаларидан сағрисининг орқа қисми бўйича то орқа чиқариш тешигигача, сўнгра шу ердан иккинчи оёғининг панжаларигача тилиш билан амалга оширилади. Тери оёқларидан аста-секин ажратилгандан сўнг, танаси оёқларидан осиб қўйилади ва тери думидаги думғуза ва чандирларидан тозаланади. Сўнгра терини дум томонидан бошига қаратиб сидирилади (жуни ич томонида қолади).

Олдинги оёқ қисмига келганда, панжасидан тирсагигача кесилади ва тирноғигача шилинади. Агар терилар гилам ва горжетлар учун мўлжалланган бўлса (тулкилар, айиқлар ва бошқалар), у ҳолда панжаларидаги тирноқлар қолдирилади. Қуён, олмахон ва шу кабиларнинг терилари панжаларини асослай жойигача шилинади.

Бош қисмидаги тери эҳтиёткорлик билан қулоқ, бурун, киприк ва лабидаги мўйловларини сақлаган ҳолда ажратилади.

Териларни пайпоқ (чулки) шаклида (сағрини ёпиқ) шилиш. Ушбу шилиш усули оқ жунли кичик ҳайвонлар ҳамда қимматбаҳо тулки ва қорақўзанларнинг айрим қияжлари учун қўлланилади. Бу усулда бирорта ҳам кесик бўлмайди.

Терини шилиш ҳайвоннинг лабини милки атрофидан ўткир пичоқ билан кесиш орқали бошланади. Бунинг учун терини бошидан тортиб қўйиб, милки ва бурун тоғойлари кесилади (бурни терида қолади). Сўнгра тоғойларидан ажратиб лаб томонидан, дум томонига қараб сидирилади.

Терини бош қисмидан сидириш пайтида уни мускул, чандир ва пайлардан яхшилаб тозаланади. Шундан сўнг тери аста-секинлик билан танадан ажратилади. Оёқларидан терини кесмасдан пайпоқ шаклида то панжаларининг охириг бўғинларигача шилинади. Киндик иложи борича танасига ёқинроқ жойда кесилади. Орқа тешигига етгандан сўнг тўғри ичак кесилади, дум териси эса чандир ва умуртқачалардан тозаланади, сўнгра тери орқа оёқларидан сидирилиб олинади, панжа суяклари кесиб ташланади, тирноқлари эса терида қолдирилади.

Агар дум қисмида умуртқалари синиб қолган бўлса, у ҳолда думининг пастки қисмидан кичикроқ тилиниб умуртқаларини чандири билан қириб ташланади. Уларнинг ўрнига дум қисмини буралиб қолмаслиги ва тез қуриши учун қуруқ тараша тикиб қўйилади. Бу усулда шилинган териларни қуриштиш қийинроқ бўлади, чунки сағрини ёпик бўлганлиги сабабли ҳаво бир хил таъсир этмайди.

Ўрта ва кичик териларни шилиш жуда тез амалга оширилади. У олмахонлар учун 3-5 минг, қуёнлар учун эса 5 дан 7 мингача чўзилади.

Нотўғри текислаш (масалан, тулки териларини жуни билан ичкари томонига) териларни тўғри баҳолашни қийинлаштиради: шу сабабли териларни навлашда улар озгина намланиб тез-тез оғдарилиб турилади. Нотўғри текислаш териларни баҳосини ҳам пасайишига олиб келади (масалан, трубка ўрнига гилам шаклида шилинган доира шаклидаги буюмлар учун ишлатиладиган тулки терилари).

Териларни шилишда дерма кесилмаслиги, ёғ, чандир, қон ҳамда дум ва панжаларининг суяклари қолмаслиги керак. Ундан ташқари нотўғри тилимларига ҳам йўл қўйилмайди, чунки улар буюмларни бичиш пайтида қийинчиликларга олиб келади ва териларнинг умумий майдонини камайишига сабаб бўлади.

Териларни ёғсизлантириш. Териларни шилишда тери ости ёғлари пай қолдиқлари билан бирга танада қолади, лекин кўплаб ёввойи ҳайвонларнинг териларида шилингандан кейин ҳам кўп ёғ қолдиқлари бўлади. Айрим ҳолларда шилинган териларда ҳам гўш

колдиклари қолади. Тери шилингандан сўнг дарҳол ёғсизлантирилади ва колдиклардан тозаланади. Ёғи кўп булмаган терилар (крот терилари) ёғсизлантирилмайди. Шилинган териларни тезда ёғсизлантириш имконияти бўлмаса уларни салқин жойда сақлаб туриш тавсия этилади. Бундай сақлаш чоралари асосан оқ ва қора қоракузан ва суғурлар учун қўлланилади, чунки уларда тери тағи клетчаткаси кучли ривожланган.

Агар терида ёғ колдиклари қоладиган бўлса, улар тезда оксидланади ва тери тўқимасини синадиган қилиб қўйиш мумкин. Терилар жуда ёғли бўлиб уларни иссиқ хоналарда сақланса ёки уларни узоқ муддат давомида иссиқ печлар ёнида қурилса, у ҳолда уларда куйик пайдо бўлади. Ёғли териларда куйикни ажратиш қийин бўлади; айрим ҳолларда уни тери тўқимасини синишга текшириб кўришда ёки қорамтир ранги ва шишасимон ялтироқлиги бўйича аниқлаш мумкин. Куйик кўпроқ дастлабки ишлаб чиқариш жараёнларида, яъни терини сувда ивитишда билинади. Ёғли терилар узоқ вақт давомида ётиб қолса, айрим ҳолларда куйиб қолади ва озгина тортилса йиртилиб кетади; табиийки, куйган терилар ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди, улар фақатгина елим олиш учун яроқли бўлади холос. Ундан ташқари ёғ терининг қуришини секинлаштиради ва тезда уни чиришига сабаб бўлади. Ёғсизлантирилмаган териларнинг жунлари ёғланиб қолади ва сарғаяди. Ёғ нам териларда терихўр ҳашаротларни интенсив тарқалишига ёрдам беради.

Терида қолган гўшт колдиклари консервалашгача кўпроқ туриб қолса, жун қопламини бўшашига сабаб бўлади. Чириш ва оксидланиш ёз ойларида кўпроқ кузатилади: иссиқ кунларда бу жараёнлар шилишдан сўнг 2-3 соатдан кейин ва ҳаво салқин пайтида эса 10-12 соатдан кейин бошланади.

Ёғсизлантирилган териларда уларнинг товарли хусусиятлари - жун қопламини ва тери тўқимасининг рангини аниқлаш осон бўлади.

Тери шилингандан кейин одатда ёғсизлантиришнинг икки усули қўлланилади: механик усул - ўтмас пичоқ ёки қирувчи мослама ёрдамида қаттиқ ёғлар ва сиқиш йўли билан суюқ ёғлар учун; сингдириш (адсорбцияли) - тупроқ, кум, ёғоч қириндилари ёрдамида.

Бу иккала усул асосан терини фақат устки қатламини ёғсизлантиради. Нам териларни ёғсизлантиришда ёғ эритувчи (бензин, скипадар ва бошқалар) моддалар камдан кам ишлатилади.

Пустинбоп кўйтери ишлаб чиқаришда, одатда махсус қиматбаҳо ёғсизлантиргичлар қўлланилади. У ерда бензиннинг ёниш хавфлилиги, учувчанлиги ва зарарлилиги ҳисобга олинган бўлади.

Хом ашё базаларида териларнинг курук-прессланиб консервланган баҳорги турлари валлар орасидан ўтказилиб, сўнгра албатта барабанларда ёғоч қириндилари билан ёғсизлантирилади.

Янги шилинган терилардан ёғ ва ғўшт қолдиқчалари ўтмас пичоқлар ёрдамида қириш орқали махсус мосламаларда таранг тортилган ҳолда тозаланadi. Ёғ ва ғўшт қолдиқлари жуннинг ўсишига қарши томонига, яъни соғрисида бошига қараб қирилиши керак. Бундай қириш усулида пичоқ жун толалари томирини жароҳатлайди. Агар жун бошқа йўналишда ўсган бўлса, унда ўша йўналишни ҳисобга олиб қирилади. Кўп ҳайвонларнинг кузги ва ёзги териларида жун илдизи дерма қисми билан тери таги клетчаткасининг чегарасида жойлашган, шунинг учун ёғсизлантириш пайтида тешикчалар пайдо бўлиши мумкин.

Терн тўқимаси қалин бўлган йирик ҳайвонлар териларини (айик, тюлень) ёғсизлантиришда тез-тез ўтмас ўроқ ишлатилади. •

Терининг жун томони кундага қаратилиб тўшалadi ва ишчи қорни билан терини босиб ўроқ билан ёғини сидириб олади. Ўта ёғли жун қопламли терилар қуритилгандан сўнг кўшимча яна қиздирилган ёғоч териси қириндилари билан тозаланadi.

Оқ жун қопламга эга бўлган қимматбаҳо териларга қуритилгандан сўнг махсус ёғсизлантириш усули ишлатилади, чунки ёғ қолдиқлари оқ рангни сарғайтиради. Бундай сарик доғлар хом ашё фабрикаларида жуда қийинчилик билан оқартирилади. Териларни ёғоч қириндилари ёрдамида ёғсизлантириш уларнинг жун қоплами ва тери тўқимасидаги ёғлар тозалангунга қадар давом эттирилади.

Қаттиқ жун қопламга эга бўлган кўп турдаги ёғли терилар (юмронқозиклар) ни биринчи келиб тушган базаларда барабанлар ёрдамида ёғоч қириндилари билан фабрика усулига ўхшатиб ёғсизлантириш мумкин. Бу ерда қора қайин, оқ қайин, заранг дарахтларининг кўндаланг, ўрта ўлчамдаги қириндиларини ишлатиш яхшироқ натижа беради.

Ўрта Осиёда баҳорги турдаги (суғур, юмронқозик) териларини ёғсизлантиришда қўлланиладиган лой билан ёғсизлантириш усули тери учун хавфлидир. Ушбу усулда тери тўқимаси бир неча марта қалин қатламли суякроқ лой билан суртилади ва қуритилади. Бу

усулни нотўғри бажарилиши жун қопламини бўшашига ва куйик пайдо бўлишига сабаб бўлади, чунки терилар ҳавода қийин қуриydi.

Теридаги ёғни қуёшда эритишга йўл қўйилмайди, чунки ёғ эриб жун қопламини ёғлайди, бу эса ўз навбатида терини куйишига сабаб бўлади.

ТЕРИЛАРНИ ТЕКИСЛАШ. Териларни текислашдан мақсад уларни тез ва бирдай қуришини таъминлаш, терига нормал бирлик ва табиий ҳолатига яқин чиройли шакл беришдир. Териларнинг айрим турларини ёғсизлантириш пештахталарда таранг тортилган ҳолда яхши бажарилади.

Яхши текисланган терилар чиройли кўринади. Агар терилар текисланмасдан қуритилса, у ҳолда улар кесакка ўхшаб қотиб қолади ва табиий кўринишини йўқотadi. Натижада қотиб қолган қон ва гўшт қолдиқлари терини куйиши ва чиришига сабаб бўлади.

Барча мўйнали терилар текисланиши шарт. Ҳар бир турдаги ва ўлчамдаги терилар учун уларнинг шакли, шилиш усули, саноат ва экспорт талаблари бўйича ҳар хил текислагичлар ишлатилади. Энг оддий текислагичлардан бири - бу трубка усулида шилинган терилар учун мўлжалланган понасимон текислагичдир. У ёғочдан бир томони кенгрок қилиниб ясалади. Унинг қисқа томонига терининг бош томони, кенгрок томонига эса сағриси тортилади. Тулки, қарсақ ва суғурлар учун текислагичларнинг қалинлиги 2 см, териси юпка ҳайвонлар учун камрок бўлади.

Текислагичнинг узунлиги ва кенглиги тирик ҳайвоннинг узунлиги ва кенглигига мос келиши керак. Текислагичнинг шохга ўхшатиб кесилган пастки қисми ва ушлағичи терини оёқ ва думларини ип билан боғлаш ёки михлаш йўли билан қуритиш учун фойдаланилади. Силжийдиган ва шохсимон текислагичларни ишлатилиши кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Яхлит текислагичлар териларни ёғсизлантириш учун қулайлик яратишига қарамасдан, у жуда қўпол ва унда тери яхши қуримайди, терини чиқариб олиш эса қийин бўлади. Бундай текислагичлар ўлчамларининг доимо бир хиллиги ноқулайлик туғдиради.

Шохсимон текислагичлар (беш катталиқда) айлана шаклидаги чўплардан қилинади. Уларнинг уч қисми ингичка учбурчак қулфга ўхшатиб беркитилади ва арқон билан пастга тортиб қўйилади, кейин эса терининг кенглигига қараб унинг кенглигини ҳам ўзгартириш мумкин. Бундай текислагичларни тайёрлаш понасимон текислагичлар-

га нисбатан мураккаброқ бўлади ва вақтнинг ўтиши билан таранглигини йўқотади. Юқори қисми шарнир шаклида беркитилган иккита тахтачадан ясалган силжийдиган текислагичлар (уч ўлчамда) бир мунча қулайликларга эга. Уларнинг ўрта қисмида кўндаланг жойлашган тешикли ёғоч ёрдамида кенглигини ўзгартириш мумкин.

Майда теричалар учун толдан ясалган текислагичлар анча яхши ҳисобланади.

Тери текислагичларга қуйидагича тортилади: терининг олдинги қисми текислагичга михланиб бир меъёрда текислагичнинг қарама-қарши томонига қаратиб тортилади. Шу билан биргаликда унинг букланган жойлари текисланиб борилади. Тортилиб бўлингандан кейин оёқлари текисланиб мих билан беркитилади ва думининг жуни ичкарига қаратилиб боғлаб қўйилади. Терини текислашда унинг узинаси ва кенлиги томон унча қаттиқ тортмаслик ва жуда ҳам қисқартмаслик керак. Чунки тери жуда қаттиқ тортилса сийрак жунлидек кўринади, кўпроқ тери тўқимасининг букланиб қолиши билан тиришиб қолса, унинг майдони кичик бўлиб қолади. Шунинг учун стандартларда, ҳар бир терининг кенлиги ва узунлиги бўйича нисбати берилган.

Текислашда терининг елкаси текислагичнинг бир томонини, қорин қисми бошқа томонини ёпиб туриши керак. Олдинги ва кейинги почалари текислагичнинг ёнбошига симметрик шаклида жойлаштирилади. Айрим турдаги терилар кўпроқ бошқалари камроқ тортилади. Айрим тигиз жунли турдаги (қорақузан) териларни текислаш пайтида уларнинг табиий узунлигини $1/4$ ёки $1/3$ га кўпайтириш мумкин. Шу билан биргаликда уларнинг кенлиги ва шакли албатта ҳисобга олиниш керак.

Гилям шаклида (айниқса йирик) шилинган терилар тешикли ёғочлардан қилинган рамаларда яхши текисланади, чунки тешикли рамалар ўлчамларини ўзгартириш мумкин. Бундай текислагичларга тери иплар ёрдамида тортилади. Гилям шаклида шилинган териларни текислаш усулининг бошқа бир хили уларни тахтага жун қоплами билан қаратиб тортиш ва чеккаларини михчалар билан яхшилаб маҳкамлашдан иборатдир. Михчалар пўлатдан қилинган ва ингичка бўлиши керак.

Айиқ ва қўй терилари жун қоплами пастга қараталиб доирасимон чўплар ёрдамида почаларига тиргаклар қўйилиб қуритилади.

Кулун ва упуқа териларини қуритиш учун ингичка тахтачаларга ўхшаш тиргаклар ишлатилади. Уларнинг сони 18 донагача бўлади.

Пайпоқ шаклидаги териларни қуритишда қиясига кесилган иккита узун тахтачадан иборат бўлган тиргаклар ишлатилади. Олдин текислагичга оғиз тешиги, сўнгра бошқа томони кийгизилади.

Текислагичларни тайёрлаш учун энг яхши материаллар - юмшоқ ва таркибида смоласи бўлмаган ёғочлар ҳисобланади. Каттик ёғочлар текислагичлар ясашда силликланиши қийинлиги ва михларни яхши қоқилмаслиги сабабли камроқ ишлатилади.

Терини текислагичдан ечиш пайтида илиниб қолмаслиги учун текислагични бурчаклари ярим доира шаклида ва яхши текисланган бўлиши керак. Териларни қуритишда зангламайдиган симлардан ҳам фойдаланиш мумкин, чунки ёғочдан қилинган текислагичларга нисбатан тери тезроқ қурийд. Бундай текислагичларда ёғсизлантиришни бажариб бўлмайди, бу эса уларнинг асосий камчиликларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Териларни консервалаш. Терилар ишлов беришга қадар ойлаб туриб қолади. Бундай узоқ муддатга бузилмасдан сақлаш учун улар консерваланади, яъни улар вақтинча бузилишдан сақланади. Маълумки, ҳамма сўйиш биноларида ҳаво специфик микроблар билан захарланган бўлади. Айниқса у ерда чиритувчи бактериялар кўпроқ учрайди. Қулай шароитда улар терига чуқурроқ кириб олиб, биринчи жун халталарини бузади, бу эса дерма билан жун ўртасидаги боғланишни сусайтиради.

Тери чиришининг олдини олиш учун консервалашнинг беш хил усули қўлланилади:

Тузсиз - қуруқ консервалаш ёки қуритиш, тузлаш, кислота - тузли кон-сервалаш, кваслаш, музлатиш.

Тузсиз қуруқ консервалаш (қуритиш). Бу усул энг кўп қўлланиладиган усулдир. Янги шилинган терининг таркибида 75% гача сув бўлади, бу эса терида моғорловчи замбуруғлар ва чиритувчи микроорганизмларнинг ривожланишига қулай шароит яратиб беради. Ушбу усул терини қуритиб намлик миқдорини 12-14% камайтириб уни сақлашга асосланган. Намлик 14% дан кам бўлганда кўпчилик микроорганизмлар ва замбуруғларнинг ривожланиши тўхтайди.

Терининг қуриши тери тўқимасининг ғоваклиги, намлик миқдори, ҳавонинг ҳарорати ва бошқа омилларга боғлиқ. Қуритиш пайтида хоналар-нинг нисбий намлиги 70% дан ошмаслиги керак, энг

қулай нисбий намлик 50-60% ҳисобланади. Намлик юқори бўлган тақдирда (70% дан юқори) қуриш жараёни секинлашади, моғор пайдо бўлади, хом ашё эса чирийди. Агар намлик 50% дан кам бўлса, қуриш бир меъёрда бормади. Қуритиш пайтида ҳаво айланиб ва янги-ланиб туриши керак.

Терини қуритишдан олдин уни лой, чанг, қон ва ҳар хил ифлосликлардан тозалаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ифлосланган терилар моғорлашга, чиришга шароит яратади ва қуришни секинлаштиради. Нам териларни одатда очик ҳавода ёки айвонда қуритилади. Терилар иссиқ печлар ёки ҳарорат 32°C дан юқори жойларда ёки қуёшда қуритилса, уларни тери тўқималари қотиб қолади ва коллаген толаларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Кўп турдаги териларни қуритиш текислагичларда олиб борилади, натижада осилиб ёки ёғочларда қуритилган териларга нисбатан майдонини қисқаришдан сақлайди.

Териларни қуритиш уч поғонада олиб борилади: $25-27^{\circ}\text{C}$ иссиқликда 1-2 соат давомида қуритиш, яхшилаб қуритиш, $27-28^{\circ}\text{C}$ иссиқликда 1-2 соат давомида қуритишни охирига етказиш.

Қуритиш пайтида териларнинг юпка жойлари тез қурийди, шунинг учун териларни бир текисда қуриши учун улар ағдариб турилади.

Тузсиз - қуруқ консервалаш усулида териларнинг яхши тоза бўлишига эришилади, натижада уларни навлаш осон ўтади ва бундай териларни ташиш ҳам фойдали бўлади. Бу усулнинг камчиликларидан бири, уларнинг синувчанлиги (қоракўл, барра, буғи боласи) дир. Ундан ташқари қуруқ терини қуя, кўнғизоқлар ва бошқа кемирувчилар осон бузади, юқори ҳароратда терилар тез-тез қуритилиб турилади, натижада терининг қотиб қолишига олиб келади. Бу эса терини ивтишда қийинчиликлар туғдиради.

Қуруқ тузлаш. Агар терилар шилингандан сўнг ишлаб чиқаришга бир неча кундан кейин юбориладиган бўлса, уларни енгилгина тузлаш kifоядир. Агар кўпроқ сақланиб ва узоқ йўлга жўнатиладиган бўлса, у ҳолда терилар кўпроқ туз билан тузланади. Тузнинг консервалаш таъсири бир томондан тўқималарига сувсизлик бериш, бошқа томондан эса тузнинг чиритувчи микроорганизмларни ривожланишига (ўлдирмасада) тўсқинлик қилишдир.

Консервалашда икки хил тузлаш қўлланилади: қуруқ тузлаш ва ҳўллаб тузлаш (текислаб ва намакобда).

Хўллаб тузлаш. Бу усул билан консервалаш учун таркибида темир ва кальций бўлмаган ҳамда ишлатилмаган тузлар олинади. Энг яхши туз - бу майда (донаси 1-2 мм) денгиз тузидир.

Консервалаш учун ишлатиладиган тузларнинг маълум кимёвий таркиби стандартда белгиланган.

Ош тузи - 96,5% дан кам бўлмаслиги керак.

Эримайдиган қўшимчалар - 1% дан юқори эмас.

Кальцийли тузлар - 0,8% дан юқори эмас.

Темир тузлари излари.

Хўллаб консерваланган хом ашёлар юқори сифатли бўлиб, ўзининг нам пайтидаги хусусиятларини тўлиғича сақлайди.

Туз - бу идеал консервалаш модда эмас, чунки тузланган терилар узоқ муддатга туриб қолса (айниқса иссиқ пайтда) улар бузилиб ҳам қолади. Голофилли бактериялар тузнинг таъсирида улмайди, маълум бир ҳарорат ва намликда улар интенсив равишда ўсади, натижада тери қизиб кетади ва бузила бошлайди.

Дастлабки ишлов бериш қанча ёмон (гўшт, ёғ қолдиқлари қолган) бўлса, микроорганизмларнинг ривожланишига шунча қулай шароит яратилади. Шунинг учун хўллаб тузланган териларда иссиқ пайтларда ҳар хил бактериологик нуқсонлар пайдо бўлиши кузатилди (қизил, сиёҳ ранг, туз доғлари).

Тузларнинг консервалаш таъсирини ошириш ва тузли нуқсонлардан сақлаш учун уларга 2% парадихлорбензол ва 3% натрий кислотаси қўшилади. Айрим вақтларда глезероль, нафталин ва бошқа инсектидлар қўшилади. Кальций хлор (CaCl_2) аралашмаси 2% дан кўпроқ қўшилса терини дағаллашишига ва тўқимасини қотиб қолишига олиб келади. Магний хлор (MgCl_2) ва глаубер туз салбий таъсир кўрсатмайди.

Хўллаб тузлашнинг устунлиги унинг оддийлиги, қуя ва тери ейдиган ҳашаротларга мустаҳкамлиги, кўп синмаслиги, қуриш нуқсонларининг бўлмаслиги ва ишлов бериш пайтида тез намланиши каби хусусиятлари билан характерланади. Уларнинг камчиликларига эса, транспорт ҳаражатларининг қимматлашуви ва териларни навлашда қийинлашуви (туз билан қопланган жун қопламани хўл пайтида) ва нисбатан юқори ҳароратда бузилиши (ёзда) каби хусусиятлари киради.

Кўпгина арзон турдаги терилар учун туз бўлган жойларда ҳўллаб тузлаш тавсия этилади. Ёз кириши билан ҳўллаб тузланган терилар қуритилса янада яхшироқ бўлади.

Ёпиб ҳўллаб тузлаш. Терини тузлашдан олдин (қўй, эчки, тюлен, денгиз мушуги, ит) уларни иссиқ сувда ювилади, ифлосликлар ва қон қолдиқлари тозаланади.

Бир оз совугандан сўнг дарҳол (айниқса ёзда) чириш жараёни бошланмасдан тузланади.

Тозаланган терилар жун қоплами билан пастга қаратиб тўшади ва уларнинг намликдаги оғирлигига нисбатан 25% (қишда) ёки 30% (ёзда) туз билан қопланади. Боши, елкаси ва сағриси (терининг қалин жойлари) га кўпроқ туз сепилади.

Терилар штабелларда жун қопламини ташқарига қаратилиб 1,5 метр баландикда тахланади. Штабелларнинг оралиғи 20-25 см бўлиши керак. Тузланишдан 5-15 кун (қўй терилари учун 5 кун) ўтгандан сўнг териларни яхши тузланган деб ҳисоблаш мумкин. Денгиз мушуги териси тузлангандан кейин пакетлар ҳолда ўралади ва зич қилиб ёғоч бочкаларга тахланади, сўнгга бочкалар михланади.

Намакоблаш. Намакоблаш - бу тузнинг тўйинган эритмасида териларни (айрим ҳолларда қўй териси ва эчкилар учун) консерва-лашда кам қўлланиладиган усуллардан биридир. Бу усулда терилар ош тузнинг эритмасида 12-24 соатгача чан ёки баркасларда 10-15° С ҳароратда ушлаб турилади ва терилардан эритма оқиб чиққандан сўнг яна бир марта қўшимча равишда уларнинг тери тўқимасига нам терининг оғирлигига нисбатан 25-30% миқдорда туз сепилади. Тажириб-лар бу усулда тузланган териларни ёйиб намлаб тузланган териларга нисбатан яхшироқ сақланишини кўрсатиб берди. Бундай ҳолатни терилар намакобда турганда микроорганизмнинг ривожланишига ша-роит яратиб бермаслиги билан изохлаш мумкин.

Намакобли тузлашда териларнинг тери тўқималари ёйиб намлаб тузлашга нисбатан бир меъёрда консерваланади, лекин туз кўпроқ сарфланади, иш кучини кўпроқ талаб қилади ва аппаратура-ларнинг бўлиши ҳам шарт. Жун қопламига намакоблаб консерва-лашда кўп туз шимилади, натижада терини навлашда ва ташишда қийинчиликлар туғдиради.

Қурук тузлаш. Қурук тузлаш ҳўл тузлашга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Бу усулда териларни (қўй, ит, қоракўл, бара ва ҳоказо) тузлаш ва қуритиш комбинациялари бирга бажарилади.

Куруқ тузлаш усули Ўрта Осиёда кўпроқ фойдаланилади, чунки ҳўллаб тузланган терилар хавонинг юкори хароратида (апрел-сентябр) тез бузилади.

Тузсиз куруқ консервалаш усули иссиқ иқлим шароитда у да-ражада кулай эмас, чунки апрел ойларида пайдо бўладиган куялардан сақлаш қийинроқ бўлади.

Куруқ тузлаш ўзининг ютук ва камчиликларига эга.

Куруқ тузланган терилар ҳўллаб тузланган териларга нисбатан микроорганизмлар таъсирига чидамли (айниқса ёзда), кам синувчан ва куя кам тушадиган бўлади. Бироқ тери тўқимасини туз билан қоп-ланиб қолганлиги сабабли унинг табиий ҳолатини аниқлаш қийинла-шади; жун қопламининг заифланиши ҳам сезилмайди, чунки қуриш пайтида жунлар жун халталарига вақтинча маҳкамланиб қолади. Ку-руқ тузланган терилар жуда гигроскопик (айниқса кузда), шунинг учун нам тортиб қолган териларнинг нам хоналарда чиришига сабаб бўлади.

Чарм усталари кўп йиллик кузатишларига асосланиб, жуда кўп тузланган териларга нисбатан кўпроқ ғовакли товарлар олинади деган хулосага келдилар. Бу ҳолат эҳтимол кўп тузланган хом ашёни қу-ритиш ва сақлаш вақтида тери тўқималари ва тўқималараро бўшлиқларда тупланиб қолган тузларнинг кристалланиши ва толалар-ни механик равишда бузиши натижасида бўлиши мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда чарм усталари ҳўл терининг оралиғига нисбатан 10-15% дан кўп бўлмаган туз ишлатиб енгил тузлашни афзал кўрадилар (албатта тери тўқимасининг қалинлиги ҳисобга олинади). Терилар бир кун ўралган ҳолда қолдирилади, сўнгра ёзилади ва қурилади.

Кислота - тузли консервалаш. Кислота - тузли консервалаш усули сўнгги йилларда тадбиқ этилган. Бу усулда куруқ тузлар ара-лашмаси - ош тузи (85% гача), алюминли квас (7-8%) ва хлорли аммоний (7-8%) қўлланилади. Бу аралашма шилинган терининг тери тўқимасига суртилади, сўнгра терилар штабелларда 1-10 кунгача ту-ради. Бу усул қатор қимматли бўлмаган териларни (юмронқозиқ, қаламуш, ит, қўй ва бошқалар) консервалашда кўпгина самародор-ликка эга. Бундай тез ва оддий консервалаш усулида терилар қисман пиширилган терилар хусусиятларига (сақлашга чидамли, тери тўқима-си юмшоқ) эга бўлади ва ўз навбатида пишириш жараёнини осонла-

штиради. Аралашманинг сарфи ҳўл терининг оғирлигидан 50% ни ташкил қилади.

Кваслаш (ачитиш). Кваслаш қоракўл териларни консерва-лашда қўлланилади, шу билан биргаликда у терини синишдан сақлай-ди. Шилинган тери ёғсизлантириб тузланади, 6-8 кундан кейин қури-тилади сўнгра кваслайдиган заводларга етказилади. Бу ерда терилар чан ва барқасларда арпа уни ва туз билан 7-10 кун давомида квасла-нади. Квасланган терилар қуритилади, енгил пардоз берилаци (тозлаш, чеккаларини кесиш) ва жойланади.

Кваслаш дерма билан жун толаларининг боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда хавфли ҳисобланади. Ундан ташқари, бу усул узоқ давом этади ва нисбатан қимматга тушади.

Кваслашнинг консервалаш таъсири териларни органик кислота ва тузлар билан тўйинтириш ҳамда квасли эритмадаги сут кислотаси ҳосил қиладиган микроорганизмларнинг чиритувчи бактерияларига зўравонлик таъсири билан характерланади. Бу усул юмшоқ тери тўқимали терилар олиш учун имкониятлар яратиб беради ва қисман квасланган терилар ошланган бўлиб ҳисобланади.

Қоракўл териларини кваслаш технологиясини такомиллашти-риш мақсадида кваслашни алмаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар қилинган. Ўтказилган тажрибалар натижалари бўйича, қоракўлга ишлов беришдаги кваслаш ўрнига тадбиқ қилинган органик кислота-лар билан пикеллаш усулини консервалашни охирига етказган иш учун қўллаш мумкин. Пикеллаш билан консервалашни охирига етказ-ган қоракўлнинг сифати барча кўрсаткичлари бўйича пикеллаш би-лан консервалашни охирига етказган қоракўл сифатига ўхшашдир.

Янги усулни қўллаш натижасида маҳсулот кам сарф бўлади ва консервалашни охирига етказиш жараёни 2,5 баробар камаяди.

Юқорида кўрсатилаган усуллардан ташқари териларни форма-лин, фенол ва шунга ўхшашлар билан ҳам консервалаш мумкин.

Кўй ва эчки териларини баҳор-ёз пайтларида қуруқ тузлаш ёки кислотали тузлаш усули билан, куз-қиш пайтларида намакоблаб консерваланади.

Тайёрлов пунктларида унча қуримаган ёки ёмон ёғсизлантирил-ган терилар келиб тушган бўлса, уларни қўшимча қуритиш ва ёғсиз-лантириш йўли билан нормал ҳолатга келтириш мумкин.

МЎЙНА ХОМ АШЁЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТАНДАРТЛАР

Стандартларнинг мазмуни ва моҳияти. Стандартлар фанда ва тажрибада текширилиб, сунгра улар тасдиқланади ва қонун кучига киради. Стандартлар хом ашё ва ишлов берилган териларнинг сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Стандартларнинг техник шартлари қўй териларига эҳтиётлик ва усталик билан ишлов беришни ўргатади. Стандартлар ўз вақтида ушланмаган ҳайвонларнинг терисини қабул қилишни маън этади, шунинг билан биргаликда мўйна хом ашёлари сифатини яхшилаш ва қимматбаҳо ҳайвонларни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Стандартизациялаш маҳсулотнинг сифатити оширишда катта аҳамиятга эга, чунки стандарт маълум маҳсулот тайёрлашга ишлаб чиқариш талабларни қўяди ва шунинг билан унинг сифатини бошқаради.

Мўйналарни хом ашёлар бўйича навларга ажратиш давлат стандарти орқали амалга оширилади. Бу стандартлардаги қоидалар асосида топширувчилардан хом ашёлар қабул қилинади, уларни ҳар хил тайёрлов ва экспорт қилувчи ташкилотлар бўғинларига ўтказишни ва мўйначилик фабрикаларига топширишни амалга оширади.

Стандартнинг тузилиш асосига қўпинча зоологик система турларига мос келадиган мўйна турлари қўйилган: олмахон, қундуз ва бошқалар. Лекин айрим ҳолларда стандарт бўйича номлари зоологик системага тўғри келмайди, масалан, арзон баҳо мўйна берувчи ҳайвонлар учун: мўйна тури ёввойи мушук, чўл мушуги ва манул. Ундан ташқари майда кемирувчилар (каламус ёки юмронқозиқнинг барча турлари, қум юмронқозиғидан ташқари)нинг қимматли бўлмаган турлари битта мўйна турларига бирлаштирилган.

Ҳар бир маълум турдаги мўйна хом ашёси ёки фабрикатга мўлжалланган стандартларга икки қисмдан иборат сон (номер) берилади: тартиб сони (стандарт рўйхатга олинган сон) ва стандарт тасдиқланган йил. Масалан, ГОСТ 8439-87 мўйнали қўйтери ва пўстинли хом ашёга мўлжалланган, 8439 - стандартнинг рўйхатга олинган сони, 87 - 1987 йилда тасдиқланган.

Стандартлар тасдиқланганича техник шартлардан фойдаланилади. Улар мос келадиган стандартларни тасдиқлаганча амал қилади. Стандарт жадваллари одатда маълум бўлимлардан тузилган.

А. Ҳайвон терисини аниқлаш (тури, оиласи, отряди).

Б. Географик яшаши (кряж), нави, нуқсон гуруҳлари бўйича таснифи ва айрим турлари учун қўшимча ўлчам ва ранги бўйича таснифи.

В. Шилиш, текислаш, ёғсизлантириш ва консервалашнинг техник шартлари.

Г. Ностандарт терилар, яъни қабул қилиниши ман этилган терилар.

Д. Боғлаш, жойлаш ва тамғалаш услублари.

Стандартда ҳар бир териға унинг асосий сифат белгилари - товарли хусусиятлари бўйича таъриф берилади. Териларни қабул қилиш ва топширишда ҳисоблашни енгиллаштириш учун, стандартларда ҳар хил навли ва нуқсонли терилар сифатини фоиз ҳисобида йирик ўлчамдаги I-навли нуқсонсиз терининг нарҳига таққослаб баҳолаш учун жадваллар берилган.

Терилар тайёр буюм ҳолатига келгунча қуйидаги босқичлардан ўтади: мўйна хом ашёси; ярим фабрикалар (ишлов берилган ва бўялган); мўйна буюмлари - мўйнадўзлик ва телпакчилик.

Териларга шу босқичларнинг ҳар бирида хом ашё, ярим фабрика ва тайёр буюмларга мўлжалланган стандартда ёзилган махсус талаблар қўйилади. Мўйна хом ашёларининг кишки (олмахон, қоракузан, уй куёни ва бошқалар) ва баҳорги (тайчок, упуқа, майда кемирувчилар терилари) турларига алоҳида стандартлар чоп этилган. Ундан ташқари қорақўл-барра хом ашёлари ва қўй терилар учун алоҳида стандартлар мавжуд.

Стандартларнинг чиқиши хом ашё топширувчи ва тайёрловчи, хом ашёни тайёрловчи ва ишлов берувчи ҳар хил буғунлар ва қайта ишловчи ҳамда савдо ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни бошқариш имконини беради. Стандартлар вақти-вақти билан фан ва техника ютуқларини эътиборга олган ҳолда қайта қўриб чиқилади.

Терилар сифатини аниқлаш учун икки услубдан фойдаланилади: органолептик (сезги органлари орқали) ва лаборатория (приборлар ва кимёвий реактивлар ёрдамида) услуби.

Органолептик услуб приборсиз тезда қатор белгиларни аниқлаш имконини беради. Лекин унинг камчилик томони ҳам бор, у юқори даражада субъектив. Аниқ сонлар бўйича аниқлаш учун приборлар ёрдамида тадқиқ қилинади. Сифати бўйича аниқ маълумот олиш учун икки услубни бирга ўтказиш керак бўлади.

ТЕРИЛАРНИ НАВЛАРГА АЖРАТИШ

Навларга ажратиш деб, териларни ҳайвонларнинг тарқалган районлари (географик ўзгарувчанлиги), навлари ва нуқсонлари бўйича гуруҳларга бўлишга айтилади. Жинси ва индивидуал ўзгарувчанлиги бўйича яққол ажралиб турадиган мўйнали ҳайвонлар учун стандарт, яъни териларнинг ўлчамлари, ранги ва жун қопламининг расми бўйича навларга ажратишни белгилайди.

Навлаш териларни тури, кряжи, нави, нуқсони, ўлчами ва ранги бўйича бир хил гуруҳларга тўплаш мақсадида ўтказилади. амалда хом терилар уч типда навланади: оригинал, мўйнадўзлик ва ишлаб чиқариш.

“Оригинал” навлашда кўп ишлатиладиган терилар кряжи, навлари, нуқсонлари ва ўлчамлари бўйича бўлинади, бунда ранги ва туси ҳисобга олинмайди.

Мўйнадўзлик бўйича навлашда (хом ашёлар учун жуда оз қўлланилади) терилар кряжи, нави, нуқсони ва ўлчамларидан ташқари аниқ ранги, туси ва жун қопламининг майинлиги бўйича ҳам навларга ажратилади. Бунда айрим ҳолларда навлар яна кичик навчаларга бўлинади (қорақўл).

Ишлаб чиқариш усули билан навлашда терилар товарли қийматига мос келиши бўйича эмас, балки товарли белгиларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларга ажратилади. Бунда яхши ярим фабрикат олиш учун ишлов бериш ва бўяшнинг кейинги жараёнлари ҳисобга олинади.

Навлаш - бу жуда мураккаб ва масъул иш ҳисобланади. Навлашда навлловчининг индивидуал баҳолаши бўйича айрим терилар, айрим ҳолларда у ёки бу нав ва кряжларга киритилиши мумкин.

Навлаш, териларни одатда бош томонини стол устида навлловчи томонга қаратилиб уларни навлари бўйича ўзининг атрофига иргитиб ташлаш йўли билан амалга оширилади. Айрим турдаги терилар (уй куёни, ондатра) кўпинча уларни сағрини навлловчи томон қаратиб қаланади. Навлаш сифатини яхшилаш ва тезлатиш учун товарларни мос равишда ёруғликни ҳисобга олган ҳолда жой танлаш, стол тури ва унинг жойланиши, қалашни рационализация қилиш бўйича ва ўртача териларни навлаш учун дераза йўналишига томон столларни бироз қийшайтиб қўйиш керак бўлади. Чунки бунда ёруғлик кўрилатган терининг барча томонига тушади. Столнинг баландлиги 0,9 м га

яқин, кенглиги 1 м дан кам бўлмаслиги ва товар навловчининг чап томонида туриши керак.

Навлаш бир партия териларни хом ашё турлари бўйича, сўнгра кетма кет қряжи, ўлчами, нави ва нуқсони бўйича ажратишдан бошланади.

Трубка шаклида шилинган териларнинг жун қоплами олдин елкаси, сўнгра қорин томонидан кўриб чиқилади. Тери тўқимасининг ранги сағрисидаги кесик чеккасидан аниқланади. Ҳар бир терини кўришда навловчи икки кўли билан ушлайди ва сўнгра бир марта қоқади.

Йирик ва оғир (бўри, айиқ) териларни полда навлаш қабул қилинган.

Териларни тўғри баҳолаш ва навлаш учун ёруғлик муҳим роль ўйнайди. Энг яхши ёруғлик кундузги нормал ёруғлик ҳисобланади. Равшан қуёш нури терига нотабиий ялтироқлик ва кизғишроқ тус беради. Электр ёруғида деярли очиқ рангларга бўялган ва табиий териларни ранги ва туслари бўйича аниқ навлаб бўлмайди.

Териларни бир-бири билан бир хил шароитда ва ёруғликда таққослаш керак. Юқори қимматбаҳо турларини (қорақузан, қумуш ранг тулки) навлаш қиш пайтида табиий ёруғлик энг тўла бўлганда (10 дан 16 гача) тавсия этилади.

Териларни парвариш районлари бўйича навлаш. Кенг тарқалган, деярли ҳар хил турдаги ҳайвон териларининг товарли белгилари бир-биридан жуда фарқ қилади. Бундай фарқлар кўп турдаги барча тери массасини қряж деб аталадиган гуруҳларга бўлишга олиб келади. Қряж - бу маълум бир райондаги ҳайвон терисининг бошқа райондаги худди шундай ҳайвон терисидан фарқ қилувчи товарли белгиларининг йиғиндисидир. (Қозоғистон олмахони, қирғиз олмахони, белорусь олмахони ва бошқалар). Масалан, Камчатка тулкиларининг кўпчилиги ўлчамлари, ҳамда равшан-қизил ва айниқса мулойим жун қопламлари билан фарқ қилади. Бир хил ҳайвонларнинг географик ўзгарувчанлик даражаси бўйича қряжлар сони ҳар хил бўлади. Масалан, қизил тулкилар 38 қряжга ажратилади.

Ҳозиргача айрим турдаги тери қряжлари (қорақузан) бир-биридан асосан товар белгилари бўйича эмас, балки биринчи ишлов беришнинг ҳар хил сифати бўйича ажралиб туради. Айрим уй ҳайвонларининг терилари (қўйтери, уй қуёни) қряжи бўйича эмас, балки

зотлари бўйича бўлинади. Хўл терилар бўйича қряж ва зотларини аниқлаш учун доимий ва шартли белгилардан фойдаланади.

Доимий белгилари - табиий белгилар. Буларга териларнинг ранги ва туси, жун қопламининг ялтироқлиги, баландлиги, мулойимлиги ва эластиклиги, тери тўқимасининг қалинлиги, зичлиги, териларнинг ўлчами ва массалари киради.

Шартли белгиларга - шилиш, текислаш ва консервалаш услублари киради.

Териларни навлари бўйича навлаш. Нав - бу бир хилда пишган жун қопламли ва тери тўқимали, йилнинг маълум бир вақтида ушланган, маълум бир турдаги мўйна терисининг товарли белгиларининг йиғиндиси. Бир навдаги терилар бир-биридан бирмунча фарқ қилиши мумкин. Масалан, жун қопламининг баландлиги, зичлиги ва мулойимлиги - булар навларининг камлиги, жинсий, ёш ва индивидуал ўзгарувчанлик билан аниқланади.

Териларнинг етилганлиги уларнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, жун қопламининг ҳолати ҳисобланади.

Думининг етилганлик даражаси ҳам терини етилганлигининг бевосита белгиси бўлиб хизмат қилади. Бу унча аниқ бўлмаган навлаш критерияси қўшимча ва асосан сағриси берк трубка шаклидаги терилар учун қўлланилади. Одатда тўла етишган думлар тўла жунли териларда, ингичка думлар ("Марковка") - ярим жунли териларда бўлади. Унча кўп кўк бўлмаган тери тўқимали терилар айрим ҳолларда 1-навли териларда рухсат этилади. Бундай ҳолларда асосий белгилар бўлиб думининг момиклиги ва тери тўқимаси эмас, балки етилганлик даражаси хизмат қилади.

Жун қопламининг етишганлиги ҳамisha сўйиш ва овлаш даврига боғлиқ бўлавермайди.

Мўйналарнинг кишки турлари одатда уч навга ажратилади: 1-нав - тўла жунли, етилган тоза тери тўқимали, айрим ҳолларда озгина кўкимтир рухсат этилади; 2-нав - унча баланд бўлмаган жун қопламли, бир оз етилмаган (асосан сағринида) ва тери тўқимаси озгина қалинлашган (кеч кузги ёки киш олди); 3-нав - ярим жунли, кам зич ва қалин ўсмаган жун қопламли (баландлиги 1/2 дан 3/4 нормалгача) ва кўк (тўк) қалинлашган тери тўқимали (кузнинг ўртаси).

Ёзги (юпка) дағал ва сийрак қилтиқли, деярли тивитсиз, тоза, лекин дағалроқ тери тўқимали, баҳор олди, энди ривожланаётган кишки жун қопламли ва ёзги жунлар, қолган кўкимтир тери

тўқимали ҳамда хира, қирқилган ва тушадиган жун қопламли, актив туллаш давридаги баҳор ва кеч баҳорги териларни қабул қилиш ман этилган. Чунки улар ностандарт ҳисобланади. Ёзги, баҳорги, кеч баҳорги ва баҳор олди терилар конфискация қилинади ва овчилар браконьерлар сифатида суд жавобгарлигига тортилади. Йиртқич мўинали ҳайвонлар бундан истесно, чунки уларни (бўри, силовсин ва бошқалар) овлаш йил мобайнида - ҳар қандай фаслда ҳам рухсат этилган. 4-навга туллаб бўлган ёзги ва баҳор олди ҳайвонларнинг калта жун қопламли терилари киради. Баҳорги ва кеч баҳорги терилар катта нуксонли териларга киради ва яроқсиз ҳисобланади. Бўриларни ўлдирганлиги учун қўшимча мукофотлар тўланади.

Айрим энг қимматли турдагилари (сувсар, кундуз) учун уларни кам унумли сўйишдан максимал сақлаб қолиш мақсадида фақат икки нав белгиланган. Қишки ва арзон турли терилар ҳам уларнинг кам аҳмиятлилиги сабабли икки навга ажратилади.

Баҳорги турдаги мўина териларининг қимматбаҳо турлари (суғур, тарбаган) уч навга бўлинади.

Стандарт бўйича тайёрловни қизиқтириш ва уларни соддалаштириш мақсадида арзон мўиналарнинг баҳорги турлари (юмронқозик, суғур) қуйидагиларга бўлинади: меъёрли жунли - тўлиқ қимматли, кичик нуксонли - айрим кичик нуксонлари бор терилар, катта нуксонли.

Уй ҳайвонларининг терилари (уй қуёни, мушук, ит) ҳам ўлдирилиш вақти (фасли) бўйича қишки мўина терилари каби навларга ажратилади. Ёш туёқли уй ҳайвон терилари (тойча, упуқа) эса фасли бўйича эмас, балки уларнинг бирламчи ва иккиламчи жун қопламларининг баландлиги бўйича навларга ажратилади. Қанча жун қоплами баланд бўлса, одатда улар кам чиройли ва кам қимматли бўлади. Тойча ва упуқа силлиқ ва муҳайярли гуруҳларга бўлинади. Мўинали қўй терилари жун қопламининг сифати бўйича - майин жунли, ярим майин жунли, ярим дағал ҳамда жун қопламининг баландлиги ва бошқа белгилари бўйича ҳам бўлинади.

Териларни ўлчамлари бўйича навлаш. Териларни ўлчамлари бўйича партияларга қабул қилишда уларнинг ичидан шу турдаги ўлчамга майдони бўйича стандарт атрофидаги майдонига тўғри келадиган бир неча шу типдаги терилар олинади ва уларни навлловчи ўз олдига қўйиб қолганларини таққослаш йўли билан шу партиядаги барча типларни гуруҳларга бирлаштиради. Фақат тортишиш ёки

баҳслар пайдо бўлгандагина ўлчаш сантиметрли ленталар орқали амалга оширилади.

Албатта, териларни баҳолашда уларнинг майдонлари аниқ рационал ўлчанган ҳолда яхшироқ бўлади, чунки териларнинг майдони қанча катта бўлса улар шунча қимматли ҳисобланади.

Қуйидаги расмда чўл жайдари қўй терисининг майдонини ўлчаш усули келтирилган.

а-б қўйнинг елкаси бўйича ўлчашдаги охириги нуқталар; б-г энини ўлчашдаги охириги нуқталар; д-е қўлтиғининг пастки нуқталари (охири) (3-4 см); ж-з қўйруғининг асосини аниқлайдиган чизик.

Ҳар бир турдаги терилар учун стандартларда максимал ва минимал рақамлар келтирилган, айрим ҳолатларда эса мос келадиган ўлчамлар атрофида ҳар бир қряжлар учун ҳам келтирилади (ок сичқон).

Ўлчамлари бўйича қуйидаги терилар баҳоланади: қоплон, ёв-войи мушук, леопард, айиқ, силовсин, суғур, тарбаган, ондатра, уй мушуги, ит, уй қуёни, қорақузан, нутрия, қум юмронқозиғи, тойча. Одатда йирик ўлчамдаги терилар 100%, ўртача 75%, майда - 50%, жуда йирик - 125% баҳода қабул қилинади.

Териларни нуқсонлари бўйича навлаш. Нуқсонлар - бу ҳар хил тирик ва ўлик пайтида териларда ҳосил бўлган шикастланишлар бўлиб, териларни ҳар хил даражада қийматини пасайтиради.

Хўл териларда бўладиган асосий нуқсонлар қуйидагиларга бўлинади: 1- ҳаёт (тирик) пайтидаги; 2 - сўйиш пайтидаги; 3 - даст-лабки ишлов бериш пайтидаги; 4 - сақлаш, жойлаш ва ташиш пайтидаги.

Ҳайвонларнинг тирик пайтидаги нуқсонлари асосан уларнинг ҳар хил касалликлар билан касалланиши (қичима, қўтир, кал, жунларнинг тушиши), бир-бири билан уришиши, яхши озукланмаслиги, индивидуал ўзгарувчанлик ва бошқа сабаблар орқали пайдо бўлади.

Тишланган жойлар айрим ҳайвонларнинг териларида уларнинг бир-бири билан урушган, тишлашган пайтида ҳосил бўлади (уй қуёни, омбор қаламуши, қуёнлар). Одатда тишланган жойлардан янги жунлар, айниқса қилтиқ жунлари ўсиб чиқади, натижада бу ерда тери тўқимаси қорамтир бўлади.

Жуни ейилган - жун қопламининг майда жун ейдиган ҳашаротлар билан шикастланади.

Кўтир-яғир - йиринглангандан сўнг тузалиб қотиб қолган жой ёки тери касаллигидан шикастланган жойлар. Ишлов бериш пайтида бундай жойлар йиртилиб кетиши ёки тақир бўлиб қолиши мумкин.

Қирқилган - тери жун қопламининг айрим жойлари (асосан жунининг учи) қандайдир механик таъсир остида бузилган жойлар.

Жун қопламининг чигалланиши - жун қопламининг ҳар-ҳар жойида жунларнинг кигизланиб қолиши. Бундай нуқсонлар ҳайвонларнинг кўпроқ ерга ағнаши, қафасда кўпроқ деворларга ишқаланиши ва бошқа сабаблар натижасида пайдо бўлади.

Яралар - тузалмаган яралар. Ишлов бериш пайтида бундай жойларда

тешиклар ёки тақирлар пайдо бўлади.

Сўна чакқан жойлартерини сўна қуртлари томонидан бузилган жойлар. Бу нуқсонлар кўпроқ қора мол ва бугуларда учрайди.

Ориклик - унча зич бўлмаган, юпка, бўш, латтага ўхшаш тери тўқимали (қўй терисида).

Чечак - чечак касали билан касалланган ҳайвон териларида учрайди. Улар ўсик ва ўсмаган ҳолда бўлади. Чечак одатда териларни ўрта қисмида чуқурчалар ва оқ доғлар ҳолида бўлади.

Қирланган жун қоплам - ахлатлар, сийдиклар, ёғоч смолалари, ёғлар, қонлар томонидан содир бўлади.

Жунларнинг сарғайиши (доғли ёки бари жойи бирдай бўлиши мумкин) - кичимадан яхши даволанмаганлиги сабабли пайдо бўлиши мумкин (қўйлар, қумуш ранг тулкилар).

Сўйиш нуқсонларига қуйидагилар киради: отилган жойлар - ўқ ёки сочма теккан жойлар. Оёқлари ёки панжалари йўқ терилар - ҳайвонларни қопқонлар билан ушлашда пайдо бўладиган нуқсон.

Жунсиз жойлар (тепакал) - итларнинг тишлашиши, йиқилаётган ҳайвонларнинг шохларга урилиши, ўлик ҳайвоннинг кўпроқ ётиб қолиши натижасида пайдо бўлади.

Тамоғидан нотўғри кесилган терилар ва ҳоказолар.

Дастлабки ишлов бериш нуқсонлари. Ёғли жунлар териларни шилиш ва ёғсизлантириш пайтида ёки ёғсизлантирилмаган хом ашёни сақлаш пайтида пайдо бўлади. Айниқса ёғли жунлар очик ёки оқ жун қопламли териларда жуда яққол билинади.

Ёғсизланмаган жойлар терининг тери тўқимасидан ёғлар олиб ташланмаганлиги сабабли бўлади. Бундай нуқсонлар териларни оғирлаштиради ва ўзоқ вақт сақлашда куйик доғлар ҳосил қилади.

Думи ва оёқларидаги суяклар - булар териларни шилиш пайтида улардаги суякчаларни тозаламаслиги сабабли қолади, одатда бундай жойлар олдин чирий бошлайди.

Гўшт қолдиқлари - бу парча гўшт, ёғ ёки пайлар бўлиб териларни шилиш пайтида ҳосил бўлади.

Қисмларининг етишмаслиги - кўпинча думлари, оёқлари, айрим ҳолда бошлари, қулоқлари ва бурунлари етишмайди.

Қорин томонидан кесилган - бу трубка ёки чулки усулида шилинадиган терилар нуқсонлари ҳисобланади.

Кесиклар ва тешиклар - булар нотўғри шилиниш пайтида тери тўқималарини кесиш, ёғсизлантириш ёки текислаш пайтида пайдо бўлиш мумкин.

Қотиб қолиш (куюк) - иссиқ қуёш нурида ёки оловга яқин жойда қуритиш натижасида ҳосил бўлади.

Жунларнинг дерма билан боғлиқлигини сусайиши - чиритиш микроорганизмларнинг пайдо бўлиши, секин ва бир хил қуритмаслик натижасида юзага келади.

Чириган тери - бузилган, микроорганизмлар фаолияти натижасида осон йиртиладиган терилар.

Юқорида қайд этилган нуқсонлардан ташқари дастлабки ишлов бериш пайтида қуйидаги нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин: қотиб қолган терилар, тери тўқималари хиралашиб ёки оқариб қолган терилар, жунлари тушган терилар, букламлар, нотўғри шилинган терилар, нотўғри текисланган терилар ва бошқалар.

Сақлаш, жойлаш ва ташиш нуқсонлари. Куя тушган - териларнинг айрим қисмларини куялар билан бузилиши.

Қўнғиз еган жойлар - тери тўқимасидаги майда тешикчалар.

Сичкон ёки каламушлар томонидан бузилган ёки суварак еган терилар. Ундан ташқари сақлаш, жойлаш ва ташиш пайтида қуйидаги нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин: жун копламининг сарғайиши, туз доғлари, моғорланиш, йиртиқлар, жунларининг қирилиши ва бошқалар.

Хом ашё нуқсонлари ишлов берилган терилар сифатига таъсир қилади, чунки айримлари ишлов бериш жараёнида каттайиб кетади (синиқлар, жунсиз жойлар), бошқалари ўз ҳолида қолиб терининг

фойдали майдонини камайтиради (тешиklar ва кесиб олинган жойлар).

Хом ашё стандартлари бўйича деярли барча териларга мўйна хом ашёсининг нуқсонлари учун уч даражали скидка ўрнатилган: кичик скидка (ки-чик нуқсон) - 10%, ўрта (ўрта нуқсон) - 25% ва катта (катта нуқсон) - 50%. Скидка даражаси терининг майдонидаги нуқсонларнинг катта-кичиклиги, аҳамияти, ўлчамлари, сони ва жойлашган жойлари бўйича белгиланади.

Жуда кучли шикастланган терилар яроқсиз ҳисобланади ва икки томон келишуви бўйича қабул қилинади (куя тушган, жунлари тушган, қуйган ва ҳоказо).

Терилардаги нуқсонлар унча аҳамиятли бўлмаса ва ўлдириш пайтида улар меъёрли ҳисобланса (олмахонинг терисида 1-4 гача тешиklar бўлса) ва терининг ишлаб чиқариш сифати унча бузилмаса, у ҳолда улардан скидка қилинмайди.

Агар терида 2-3 нуқсон бўлиб, уларнинг ҳар бири кичик нуқсон бўйича ифодаланса, бундай терилар ўрта нуқсонли териларга киради.

Қабул қилиш пайтида тўғриланиши мумкин бўлган нуқсонли терилар қайта ишлаш учун алоҳида ажратилиб қўйилади.

Терилар жун қопламанинг ранги бўйича навлаш. Териларнинг унча кўп бўлмаган сонларигина жун қопламанинг ранги бўйича навланади (савсар, қорақузан, қумуш қора тулқилар ва бошқалар). Бу териларнинг табиий ранги индивидуал жуда кучли ўзгарувчан бўлади.

ТЕРИЛАРНИ ТУПЛАШ ВА БОҒЛАШ

Терилар навлангандан сўнг бир хил белгилари (қряж, нави, нуқсони, ўлчами) бўйича тўпланиб бунт ёки пачкаларга боғланади. Бу эса ўз навбатида териларни санаш ва жойлаш учун имкон яратиб беради.

Териларни танлаш ва боғлаш пайтида қуйидаги белгилари бўйича танланади: қиймати, массаси, ўлчами, шилиш услуби, шакли ва терининг ишлатилиши.

Тери тўқимаси қалин ва териси жуда йирик ҳамда оғир ҳайвон терилари (айик, йўлбарс) бир-бирига қаланади-боғланмайди, чунки оғир ва йирик териларни боғлаш жуда қийин бўлади.

Трубка усулида шилинган терилар одатда бунтларга боғланади (олмахон, савсар, қоракузан, тулки, олакузан). Бунтдаги терилар сони уларнинг массаси ва қийматига боғлиқ бўлади. Масалан, олмахон териси бунтларга 50 тадан боғланади; каттарок савсарлар - 20; яна ҳам каттарок тулкилар - 10 тадан.

Гилам шаклида шилинган терилар уларнинг шакли ва текисланганлигига қараб боғланади. Шакли бўйича квадратга яқин турадиган майда терилар пачкага 50 тадан крестга ўхшатиб боғланади.

ТЕРИЛАРНИ ЖОЙЛАШ ВА ТАМФАЛАШ

Терилар маҳкам, ишончли, енгил ва тоза жойланиши керак. Бруттога нисбатан таранинг массаси одатда 14-18% ни ташкил қилади.

Атроф-мухит шароитларидан сақлаш учун таралар изотермик, ҳаво, нам ва ёруғлик ўтказмайдиган бўлиши керак. Таранинг иқтисодлиги, енгиллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таралар материали ва конструкцияси бўйича қаттиқ (фанера), ярим қаттиқ (корзиналар) ва юмшоқ (халталар) бўлади.

Терилар бунтларда тюклар ва яшиқларга жойлаштирилади, айримлари бундан мустасно (бўрсук, бўри, қуён, расамаха, тойча, упука, қўй, суғур).

Юкори навли ва қимматбаҳо териларни жойлашда тараларнинг конструкцияларига алоҳида талаблар қўйилади. жумладан, улар териларни ифлосликдан, ишқаланишдан, чангдан, нам ва шунга ўхшашлардан сақлаш керак. Қутиларнинг ичига сув ўтмайдиган қоғоз қопланади. Териларни йўлларда йўқолмаслигини олдини олиш учун қутилар ва тюклар пўлат ленталар билан тортилади. Жуда қимматбаҳо терилар қорзина ёки қутиларга жойлаштирилади, сўнгра улар пломбланади.

Кипларга (тюклар) жуда йирик ёки арзон терилар (корсак, ит), қутиларга эса ўрта ва майда терилар (олмахон, савсар, суғур) жойлаштирилади.

Кипларни тикишда полотнолар билан мустаҳкам равишда, бурчаклари ва бошқа жойларида бўш жойлар қолдирмасдан тикилади. Назорат шпагати жуда мустаҳкам, қизил рангли бўлиши керак, уларнинг учларига иккита пломба осиб қўйилади.

Пломбаларнинг маркалари аниқ билиниб туриши учун улар маҳкам сиқилади, шунинг билан биргаликда уларнинг жойлари ва сони кузатувчи хужжатда кўрсатилади.

Бир жойининг охирги массаси 80 кг гача етади. Кути кипдаги териларнинг сони, уларнинг ўлчами ва массасига боғлиқ бўлади. Масалан, бир қутига 3000 та олмахон, тюкка - 50-200 донагача бўри терисини жойлаш мумкин.

Жойланган тюк ва қутиларга жойлаш варағи қўйилади. Унда жўнатувчи ва олувчи бекатининг номи, жойланган вақти, жой номери, спецификация номери, териларнинг сони ва ассортименти кўрсатилади.

Кути ва тюкларнинг кенг ва тор томонлари мустаҳкам бўёк билан тамғаланади ва юқорида қайд этилган белгилар ёзилади ҳамда унинг брутто массаси кўрсатилади.

Кўпчилик терилар учун жойлаш ва тамғалаш бир-бирига ўхшаш бўлганлиги сабабли алоҳида стандартларда улар келтирилмайдди. Жойлаш ва тамғалаш қоидалари қишки, ёзги мўйналар, қорақўл, барра учун алоҳида ёзилган. Бу стандартларда бунтларни боғлаш услублари ва ундаги териларнинг сони, тарага бунтларни жойлаш, тюкларни тамғалаш ва хужжатлаштириш кўрсатилган.

ТЕРИЛАРНИ ТАШИШ ВА САҚЛАШ

Териларни сақлаш пайтида хонадаги ҳарорат, намлик, чанг, куя, чарм ейдиган қўнғизалар ва кемирувчиларнинг бўлиши териларни сақлашдаги сифатига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Жуда қуруқ ва нам хоналарда, нормал ҳолдаги хоналарда (нисбий намлик 60-65%) нисбатан терилар ёмон сақланади, чунки жуда қуруқ жойларда тери тўқимаси қотиб қолади, ҳўл хоналарда эса - моғорлаб қолади, шунинг учун оптимал ҳарорат $10-11^{\circ}\text{C}$, лекин $+25^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак.

Териларни сақлаш учун темир бетонли тошдан қилинган хоналар энг яхши ҳисобланади. Терилар тутун чиқадиған трубаларга яқин жойда сақланмаслиги керак, чунки иссиқлик тери тўқимасининг мустаҳкамлигини камайтиради. Териларни ерга тўшаб қўйишга рухсат этилмайди, уларни энг яхши ва ердан 15-20 см баланд стеллажларга тўшаб қўйиш керак. Терилар учун чанг ва ифлосликлар жуда салбий

таъсир кўрсатади, жун қопламларининг ялтироклигини йўқотади. Шунинг учун деворлар текисланиб шувалади ва окланади.

Қимматбаҳо терилар қутилар ва карзиналарда сақланади (шимол тулкиси, олмахон), ёки илгичларга бунтлари билан осиб қўйилади. Арзон терилар полка ва штабелларга 1,5 м дан баланд қилмасдан тахланиб қўйилади.

Ҳар хил турдаги ва қряждаги териларни сақлаш учун кенг полкага ўхшаш ва бир-бирига қўйилган стеллажлар қулайроқ бўлади. Терилар полкаларга бир-биридан қаторлар бўйича 15-20 см да тахланади.

Куя, тери сўйдиган қўнғизлар, каламуш ва сичқонлар мўйна хом ашёларининг ашаддий душмани ҳисобланади. Ҳозиргача қуяларни 14 тури маълум бўлиб, улардан тург хили (мўйна, қўйлак, пўстин ва гилам сўйдиган) жуда хавфли. Улар териларнинг жунлари билан озуқаланади. Қуялар айниқса қургга ўхшаш даврида жуда актив бузғунчиларга киради. Улар 3-4 ой мобайнида ўсади ва шу даврда жунлар билан озуқаланади. Капалакка айланиш даври 3,5 дан 10 ойгача давом этади. Бир йилда яхши шароитда қуялар икки мартагача уруғ қўяди.

Кейинги йилларгача қуядан сақланишнинг икки воситаси - қуритиб силкиш ва нафталин маълум эди. Нафталинни қўп қўллаш ҳам жун қопламига зарар етказиши ва у сарғайиб қолади.

Кейинги йилларда зараркунандалардан сақлаш мақсадида дихлордифенолтрихлорэтан - ДДТдан фойдаланилмоқда. Терилар ДДТнинг бензиндаги эритмаси билан пуркаланади, шунинг билан биргаликда пол ва деворларга ҳам сепилади.

Териларда қуяларнинг пайдо бўлиши билан уларни ташқарига чиқариб дарҳол уриб қоқиш керак. Куя ва уларнинг тухуми ҳамда капалакларидан тозалаш мақсадида тароклар билан таралиб, нафталин ва ДДТлар сепиш керак ёки хонада - 12°C ҳароратда уч ҳафта сақлаш керак.

Ундан ташқари қуяларга қарши курашишда айрим хоналарга олтингугурт газы, синил кислоталари билан димланади. Бу усул махсус ташкилотлар орқали амалга оширилади.

А.Евреинов ва Б.Мироноваларнинг тадқиқот ишлари бўйича қуяларга қарши курашишда яхши восита сифатида парадихлорбензол ҳам хизмат қилади, унинг 1 кг дозаси билан 100 та майда упука терисига ишлов берилганда қуялар 100% ўлган.

Куяларга қарши курашишда айрим ҳолларда газолин, керосин ва скипидардан фойдаланилади. Улар куяга тегиши билан дарҳол ўлдиради, лекин уларни қўллаш ёнғин чиқиш томонидан хавфлидир.

Куялардан ташқари терилар тери ейдиган қўнғизлар томонидан ҳам бузилади. Улар териларнинг ички томонидан кемириб, жун томирлари олдида тешиқлар ҳосил қилади. Уларнинг ривожланиш даври тухум қўйиш, қуртлар ҳосил бўлиш, қўнғизокқа айланиш бўйича давом этади. Уларга қарши курашиш ҳам куяларга қарши курашиш каби бўлади.

Куя ва қўнғизлар кўпроқ ишлов берилган териларга нисбатан ҳам териларни кўпроқ ва рангланган териларни камроқ бузади.

Териларни сичқон ва каламушлардан сақлаш мақсадида уларни потолокларга илиб қўяди ва темирлар билан маҳкамланган қутиларда сақланади.

Ҳар хил усулларда консерваланган терилар бўлак-бўлак, ёғли терилар эса ёғсизлантирилганларидан алоҳида сақланади.

Тузланган териларни куя ва қўнғизлар бузмайди, лекин нотўғри сақлашда улар бузилиши мумкин. Хўл тузланган ҳам ашёлар (қўйтери, пуқа) ни $1-10^{\circ}\text{C}$ да цементланган хоналарда сақлаш яхши.

Хом териларни тайёрланган жойларидан жўнатиш секин ва катта тезликда почталар орқали багажларда амалга оширилади. Қимматбаҳо терилар айрим ҳолларда самолётлар орқали жўнатилади, арзонлари - секин тезликда. Барча мўйна ҳам ашёларини жўнатишда улар суғурта (страхование) қилинади.

III - ҚИСМ

МҲЙНАЛИ ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ

МҲЙНАЛИ ХОМ АШЁНИНГ КУЗГИ ТУРЛАРИ

Тоғ савсари катта индивидуал ўзгарувчанликка эга. Унинг қилтиқлари сийрак ва дағалроқ, тивити ва қилтиқ жунларининг пастки қисми одатда очикроқ рангли, қилтиқ жунларининг юқори зонаси ўрмон савсариникига нисбатан қорамтир ёки кўпроқ. Томагининг тагидаги доғ кўпроқ оқ рангли бўлиб, кўкрагига қараб иккига ажралади. Ўрмон савсарига нисбатан оёгининг тагидаги жунлари кўриниб туради. Думлари узун ва дағалроқ, қулоғи кичик ва думалоқроқ. Терисининг ўлчами ўрмон савсариники каби. Улар иккита қряжга бўлинади: Кавказ ва Ўрта Осиё.

Ўрта Осиё терилари биров майдароқ, жун қоплами юмшоқ, сийрак қилтиқли, шунинг учун улар очик ранглига ўхшайди.

Жун қопламининг ранги бўйича улар ҳаво ранг (ҳаво ранг гусли, каштанга ўхшаш) ва тўқ-кум рангли. Тоғ савсари ҳам ўрмон савсари каби учта навга ажратилади. Уларнинг териси бир оз оғирроқ бўлади.

Савсарлар териси айрим ҳолларда горжетлар учун ишлатилади. Шунинг учун уларнинг оёқчалари, думлари, қулоқ ва бурунлари сақланган ҳолда уларга думалоқ шаклида ишлов берилади. Улар асосан аёллар ёқалари ва пардозлари ҳамда манто, палантина ва горжетлар учун ишлатилади. Уларни бичишда (сувсарлар каби) бўйни ва оёқлари алоҳида кесиб олинади.

Солонгой. Солонгой тоғ каланасига ўхшаганлиги сабабли уни тоғ каланаси деб атайдил. Ўлчами каланадан кичик (25-30 см), жун қоплами паст (1,5 см гача) қаттиқ, қизғич доғли, сариқ рангли. Думи катта ва паст жунли, думининг учи ингичка.

Каланага ўхшаб солонгой ҳам кучли жинсий ўзгаришга эга, терилари бир-биридан катта-кичиклиги билан фарқ қилади.

Солонгой икки навга ажратилади: қишки - тўлиқ жунли, кўкимтир тери тўқимали; ярим жунли + камроқ момик жунли. Баҳор олди терилар нуқсонли ҳисобланади. Шунинг учун баҳорги, баҳор охири ҳамда ёз ва баҳор олди териларини қабул қилиш ман этилган. Терилар учта ўлчамга бўлинади.

Солонгой манто, аёллар жакети, ёқаси ва мўйнали пардозлар учун ишлатилади.

Оқ сичқон. Оқ сичқон муҳим мўйналардан ҳисобланади. Терисининг узунлиги 20-26 см. Танаси узунчоқ, боши ва думи қисқа бўлади. Қишда у қорга ўхшаш оқ рангли, думининг учи эса қора. Оқ сичқоннинг жун қоплами зич, ялтирок, ипаксимон, эгилувчан ва калта (2 см), деярли узунлиги бир хил. Тивити қалин, узунлиги қилтигининг 2/3 баландлигини ташкил қилади (ўртача 12 мм). Оқ сичқоннинг ёзги терилари думини учи қоралиги ва тамоғининг очсариқ рангини ҳисобга олмаса, кўнғир жигар рангли бўлади.

Оқ сичқонлар икки хил усул билан ушланади: овчи итлари билан овлаш ва ҳар хил тутқичлар ёрдамида. Улар йилига икки марта туллашади ва шунга қараб уларнинг ранглари ҳам ўзгариб туради.

Оқ сичқонлар Европада Альп ва Пирнеевда, Арктика қирғоқлари, Шарқий Осиё ва Сибиргача тарқалган.

Стандарт бўйича куйидаги хом ашё қряжларига ажратилади: Ишим, Барабин, Березов, Норын, Петропавловск, Печёра, Алтай, Қозоғистон, Шимолий, Бошқир, Енисей, Якутия, Забайкал, ўрта шимолий ва ғарбий.

Олдинги бешта қряждаги терилар (ғарбий Сибирь) катта ўлчамли, шарқий сибирларда - майдароқ. Уларнинг терилари тулкига ўхшатиб шилинади ва тирноқлари сақланиб қолинади. Сўйилгандан сўнг дарҳол қонлардан тозаланиши керак, чунки қонлар оқ жунларда сариқ доғлар пайдо қилади, тери тўқималари қотиб қолади.

Оқ сичқонлар терисининг ўлчамлари 130-320 см² га тенг. Улар уч навга бўлинади:

1) кишки-тўла жунли, юпка тери тўқимали, оқ рангли; 2) киш олдиқамроқ тўла жунли, ҳар-ҳар жойида қора жунли (тумшуғи ва думининг ўзагида), бир оз қалинлашган, лекин тоза тери тўқимали; 3) кеч кузги-қамроқ тўлиқ жунли, унча кўп бўлмаган қора жунли, думи ва тумшуғи қул ранг, қалин тери тўқимали.

Оқ сичқон терилари нуқсонлиги бўйича уч гуруҳга ажратилади (кичик, ўрта ва катта нуқсонли).

Ишлов берилган териларнинг қиймати жун қопламининг баландлиги, мулойимлиги, оклиги ва териларнинг ўлчамларига боғлиқ. Стандарт бўйича ишлов берилган оқ сичқон терилари қряжларга бўлинмайди. Улар оклиги бўйича икки гуруҳга бўлинади: тоза оқ; кремга ўхшаш (кўпроқ сариқ доғли).

Ишлов берилгандан сунг терилар улчамлари бўйича уч гуруҳга бирлашади: йирик- майдони 250 см² дан катта; ўрта- 150 дан 250 см² гача; майда - 150 см² гача. Ишлов берилган терилар хом ашёларга ўхшаш учта навга бўлинади.

Оқ сичқон териси чиройли, қимматбаҳо бўлиб, кўпроқ декоратив ва пардозловчи мўйна сифатида ишлатилади, чунки у иссиқликни яхши сақламайди. Улар манто, жакет, палантина, ёқа ва аёллар телпакчалари олишда қўлланилади.

Латча (ласка). Латча савсарлар гуруҳининг энг кичиги ҳисобланади. Латчанинг териси кам қимматли, лекин бу ҳайвон жуда фойдали, чунки сичқонга ўхшаш кемирувчиларни қиради, шунинг учун айрим деҳқончилик районларида уларни овлаш тақиқланган. Латча оқ сичқонлар яшайдиган барча жойларда учрайди, терисининг узунлиги 16-26 см, жун қоплами паст, хира ва дағалроқ. Латча терилари икки-та қряжга бўлинади: Сибирь ва Кавказ. Уларнинг терилари ҳам оқ сичқон терилари каби шилинади.

Оқ латча икки навга бўлинади: 1) тўлик жунли-кишки; 2) кечки кузгикам тўлик жунли, кам маржонли, айниқса тумшуги ва думида, тери тўқимаси қалинлашган. Жигар рангли латча ҳам икки навга ажратилади. Кузги, эрта кузги ва ёзги териларни қабул қилиш ман этилган.

Ишлов берилган терилар икки навга бўлинади: 1 ва 2, майдони бўйича эса икки гуруҳга бўлинади: майда - (80 см² гача) ва йирик- (80 см² дан ортиқ).

Латча турлари оқ сичқон териларини арзон тарзда алмаштирувчи сифатида асосан аёллар ёқалари ва мўйнали пардозлар учун ишлатилади.

Сассиқкузан (хорь). МДХ ҳудудларида икки хил – ўрмон ёки оддий сассиқкузан (қора) ва чўл сассиқкузани (оқ равшан) яшайди. Бу сассиқ кузанлар мўйначилик касби учун энг муҳим объект ҳисобланади. Сассиқкузан мўйнаси энг турғун ҳисобланади, чунки бозорда унга доимо талаб бор.

Сассиқкузанларнинг жун қоплами тивит жунлардан ташкил топган бўлиб, кишки териларида баланд, зич ва очик рангли. Ундан ташқари, жун қопламида сийрак жойлашган қилтиқ ва йўналтирувчи жунлар ҳам бўлади. Улар учун жун қопламининг бир хилда жойлашмаслиги характерлидир. Тивит жунларининг узунлиги 2 см гача.

Сассиқкузанларнинг ўлчамлари индивидуал, жинсий ва ёш ўзгарувчанлигига қараб ўзгариб туради. Териларнинг ўртача узунлиги 30-45 см. Майдони бўйича уч гуруҳга бирлаштирилади: майда, ўрта ва йирик. Ургочиларининг териси доимо сезиларли даражада майда. Қора ва оқ сассиқкузанлар бир-биридан ранглари бўйича фарқ қилади. Оқ сассиқкузаннинг елкасидаги ранги очиқроқ, чунки тўқ (қорамтир) рангли қилтиқлари сийрак жойлашган. Думининг кўп жойи сариқроқ ва фақат учи қизғиш-қора, қора сассиқкузан думининг барча қисми қизғиш-қора бўлади.

Сассиқкузанлар икки марта туллайди (баҳор ва кузги).

Оқ сассиқкузан. Оқ сассиқкузан зарарли кемирувчиларни қириб, қишлоқ хўжалигига катта фойда келтиради. Оқ сассиқкузаннинг териси жун қопламининг ранги бўйича бир неча хилдаги тивитлардан иборат: оқ ва оч-сариқ (қилтигининг учи қора), кўнғир-қора ва гран-насида сарғич кўнғир рангли. Терисининг узунлиги 35-52 см.

Оқ сассиқкузаннинг териси 9 та қряжга бўлинади.

Семипалатин қряжи бошқа қряжларга нисбатан жун қоплами зич ва очиқ рангли терилардан ташкил топган. Улар бошқа белгилари бўйича бир-бирига ўхшаш. Кўпчилик терилар текислагичларда текисланади.

Жанубий-шарқ қряжи олдингиларга қараганда пастроқ, сийрак ва дағал жун қопламли, қилтиқ жунларининг учи сарғиш жигар рангли териларни бирлаштиради. Улар кенг текислагичларда текисланади.

Ўрта Осиё қряжи жуда ўсик, зич, лекин ярим юмшоқ жун қопламли ва қилтиқ жунларининг учи қора смолага ўхшаш терилардан иборат. Улар кенг трубкаларда текисланади.

Ҳар хил қряждаги териларнинг товарли хусусиятлари бир-бирига тўғри келади. Улар асосан бир-биридан шартли равишда текислаш услублари, белгилари ва тери таги клетчаткасининг тоза қирилганлиги бўйича фарқ қилади.

Оқ сассиқкузаннинг териси ўлчамлари бўйича катта фарқ қилади. Шунинг учун маълум қряжлар чегарасида улар текислаш услублари бўйича уч гуруҳга бўлинади. Уларнинг майдони 400 - 600 см² га тенг.

Оқ сассиқкузан терилари уч навга бўлинади: қишки; кеч кузги; кузги. Уларни ёзда, баҳор ва куз олдида сўйиш ман этилган, шунинг учун терилар қабул қилинмайди.

Ишлов берилган оқ сассиккузан терилари тўрт гуруҳча бўлинади. Биринчи гуруҳга ўсик, қалин ва юмшоқ жун Қопламли, тивитсиз Петропавлова, Оренбург, Семипалатин, Сибирь ва Қозон кряжлари киради. Булар бир-бирига жуда ўхшаш.

Иккинчи гуруҳга ўсик, қалин, ярим юмшоқ, оч-сарик жун қопламли, яъни Ўрта Осиё кряжи хом ашёсига кирадиган терилар киради.

Учинчи гуруҳга унча ўсмаган, сийракроқ ва дағалроқ жун қопламли, яъни Сара-тов ва жанубий шаркий кряж терилари киради.

Туртинчи гуруҳга жуда ўсик, дағал ва сийрак жун қопламли терилар (муғул кряжи) киради.

Оқ сассиккузан терилари табиий ҳолда эркаклар пўстинининг астарига, аёллар ёқасига ва пардози учун ишлатилади.

Қоракузан. Европа қоракузани ташқи кўриниши бўйича жун қопламининг рангидан ташқари ўрмон сассиккузанини эслатади, жун қопламининг ранги бўйича эса кундузга ўхшайди. Бу кимматбаҳо ҳайвончанинг боши кундузникига нисбатан ингичка ва қисқа. Думи танаси узунлигининг 1/3 қисмига тенг ва ўсик жунлар билан қопланган. Жун қоплами жуда чиройли, мустаҳкам, қалин, силлиқ, ялтироқ, унча ўсик эмас, танасига жипс ёпишган (кундузники каби) бўлади. Тивити нозик, қалин, қисқа, кул ранг, Қилтиғи жигар ранг ёки тўқ-жигар ранг. Кўкрагида оқ доғлари бор, ўлчами шакли бўйича ўзгарувчан. Терисининг узунлиги 30 дан 45 см гача бўлади.

Улар ҳайвонотчилик фермаларида урчитилади. Бу ерда териларнинг сифатини яхшилаш, қоракузанларнинг янги навларини яратиш мақсадида катта селекция ишлари олиб борилади.

Кейинги йилларда қуйидаги рангли қоракузан навлари етиштирилмоқда: ҳаво ранг (ирис, сапфир, кумуш ранг, платина рангли), садаф ранг, пушти ранг, оқ, қора ва ҳоказо. Булар одатдаги жигар ранг стандартли қоракузанлардан киммат туради. Ҳозирги кунда ҳайвонотчилик хўжаликларида қоракузаннинг 60 дан ортиқ турлари (ранги бўйича) боқилмоқда.

1-навли териларнинг (қишки) жун қоплами қалин, ўсик, ялтироқ, думи момик. 2-навли (қиш олди) терилар- қалин жунли ва ялтироқ жун қопламли. Буларнинг жун қоплами бир оз паст ва думининг момиклиги камроқ, тери тўқимаси бир оз кўкарган. 3-навли (кеч кузги) терилар - эркин яшайдиган қоракузанларнинг терилари. Уларнинг жун қоплами қалин, лекин унча ўсик эмас, қишки турларига

нисбатан тўқроқ, чунки уларнинг тивитлари паст жойлашган, тўқ қилтиқ жунлар тўдиқ қоплаб туради, думи унча момик бўлмайди, тери тўқимаси кўкимтир.

Эркин қоракузанларнинг баҳорги ва баҳор олди (туллаш ҳолатда), ёзги ва куз олди ҳамда уларнинг болалари териларини қабул қилиш ман этилади. Қафасда яшовчи қоракузанларнинг бундай терилари икки томоннинг қелишуви билан қабул қилинади, лекин 1-навли терилар нархининг 25% дан ... керак.

Қоракузанларга ишлов бериш сассиқкузанларга ишлов бериш каби. Уларнинг териларини шилиш пайтида тумшуклари, панжалари ва думлари сақлаб қолинади, чунки улар кўп микдорда горжетлар олишда ишлатилади.

Қафасда боқиладиган қоракузанларнинг териси жинси бўйича эркак (уларнинг терилари урғочилариникига нисбатан 1/3 га катта бўлади) ва урғочи қоракузанларга бўлинади. Ранглари бўйича беш гуруҳга бирлашади: 1) экстра (қора ва деярли тўқ қора кул рангли) ва туки ҳаво ранг тусли; 2) 1-рангли (тўқ жигар ранг ва жигар ранг, тивити жигар ранг тусли тўқ-кул ранг); 3) ок; 4) ҳаво рангли (платина, кумуш-ҳаво ранг, сапфир рангли ва бошқалар); 5) пушги (пастел, паломина, топаз ва бошқалар) ва бошқа рангли.

Ўлчамлари бўйича тўрт гуруҳга бўлинади: жуда йирик- (узуңлиги 65 см дан ортиқ, эни 7 см дан кам эмас); йирик- (узуңлиги 54 см дан 64,9 см гача, эни 6,5 см дан кам эмас); ўртача- (узуңлиги 45 см дан 53,9 см гача, 6 см гача); майда- (узуңлиги 35 см дан 44,9 см гача), улар йирик ўлчамдаги 1-навли рангта мос келадиган териларнинг 25% гача баҳоланади.

Эркин яшайдиган қоракузанларнинг терилари ўлчамлари бўйича бўлинмайди. Қафасда яшовчи қоракузанлар фақат икки (1 ва 2) навга ажратилади, шу билан бирга рангли териларнинг навлари уларнинг жун қоплами сифати бўйича тери тўқимасининг ранги ҳисобга олинмасдан аниқланади.

Қоракузан терилари нуқсонлари бўйича кам, ўрта ва кўп нуқсонли гуруҳларга бўлинади.

Қоракузан билан қора сассиқкузан чатиштирилиб янги навли терилар олинади. Дурагайлариининг жун қоплами сассиқкузанга нисбатан бир хилда майин қилтиқли, лекин тўқ тивити билан ажралиб туради. Уларнинг умумий ранги одатда қизғиш шоҳаларга ўхшаш бўлади.

Қорақузанларнинг терилари думалок, бунтларга қряжи, нави. ўлчами, ранги ва туси бўйича 20 тадан қилиб боғланади. Улар учта гуруҳга ажратилади: Биринчи гуруҳ - ипаксимон тўқ жигар рангли жун қопламли терилар; Иккинчи гуруҳ - дағалроқ жигар рангли терилар; Учинчи гуруҳ - дағалроқ очик жигар рангли терилар. Қорақузанларнинг терилари ёқа, аёллар горжети, нолантинаси, мантоси ва эр-каклар пальтосининг ички қисми учун ишлатилади.

Тулки териси. Тулки терилари ёввойи ёки хайвонотчилик фермаларида бокилаётган тулки териларидан олинади. Бу терилар узун жунли мўйналарга киради; айниқса булар кигиз ҳосил қилувчи йўналтирувчи жунларининг узунлиги (80 мм гача) билан ажралиб туради.

Йўналтирувчи жунларининг ранги бир тусли - тўқ ёки қора. Тулки терилари қилтиқ жунларининг учи очик рангли думалоғи бўлиши характерлидир. Қизил тулкиларда у сарғиш, сарикроқ ёки қирланган оқ рангли, қора қумуш рангли тулкиларда - оппоқ.

Жун қопламнинг табиий ранги бўйича тулки терилари қизил (одатдагидек), оқ тумшукли, крестовка, қора-қизғиш ва қумуш-қора бўлади.

Биринчи тўртта ранглар ёввойи тулкилар учун хос.

Қизил тулки. Улар МДХ ҳудудида тарқалган. Қизил тулкиларнинг иқтисодий аҳамияти жуда катта. Улар асосий мўйна гурларидан бўлиб ҳисобланади.

Қизил тулкиларнинг жун қоплами елкасида оч қумуш ранг, сарик ёки қул рангдан то алангамалла ранггача бўлади. Қорни тарафида жун қоплами оқ, қизил ёки қорамтир тусли, тамоғи очик қул рангдан оқ ранггача. Қизил тулкиларнинг қуйидаги ранг турлари мавжуд: аланга рангли - жун қоплами елкаси ва ёнбошларида бир хил ёрқин малла қизил рангли, тамоғи одатда оппоқ, қорин тарафи оқ тилимли ёки қора чизикли, шахсан қизил тулки рангининг умумий туси малла-ёрқин, елкасининг усти ва елкаси кўпроқ қорамтир, ёнбоши равшан рангли.

Алион рангли тулки - усти ва елкасининг крести оч-малла ёки сарик малла рангли, ёнбоши қум-сарик, томоғи оқ ёки қир-оқ, қорни одатда оқ рангли бўлади.

Очиқ рангли тулки усти ва елкасидаги крести ёрқин қум сарик рангли, ёнбоши жуда ёрқин-очик рангли, томоғи ва қорни қироқ рангли.

Кум ранг тулки - елкаси ва ёнбоши кул ранг, айрим ҳолда билинар-билинмас кирмалла тусли, томоғи ва қорни кул рангроқ.

Қизил кул ранг тулки - елкаси ва ёнбоши кул ранг ва аниқ билинадиган маллароқ тасмали (елкасининг ўртасида), елкасидаги крести оқ қизил, томоғи ва қорни оч кул ранг.

Тайёрланадиган териларнинг ярмидан кўпроғини қизил тулкилар, тахминан 20% ни олов рангли, 15% ни кул ранг ва қизил кул ранг, 6% га яқин очик рангли ва фақат 2% ни алвон рангли тулкилар ташкил қилади (Б.А.Кузнецовнинг маълумотлари бўйича). Улар териларининг ўлчамлари, жунларининг ўсиклиги, қалинлиги ва майинлиги бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шимол районларидан ушланган тулки терилари нисбатан йирик, ҳар хил майинлик даражасида момик жун қопламли, елкасида аниқ билинадиган ёрқинмалла рангли, оқ томоқли ва панжаларида қора доғлари бор.

Чўл ва ярим чўл районлари (Каспий бўйи, Қозоғистон ва Ўрта Осиё) да яшовчи тулкилар майда ва ўртача, паст, сийрак ва дағал жунли. Ўрта Осиё тоғларида яшовчи тулкиларнинг терилари ўрта ўлчамли ва майда. Жун қоплами ўрта баландлик, қалинлик ва майинликда бўлади. Шимол районларида яшовчи тулкиларнинг тери тўқималари, жанубдагиларникига нисбатан юпқа бўлади.

Тулки терилари трубка шаклида шилинганда боши, панжаси, думидаги жунлар сақланиб қолинади. Терилар жунлари ташқарига қаратиб текисланади.

Тулки териларида қуйидаги нуқсонлар учрайди: тешиқ, йиртиқ, қилтиғи синган, тақир жойлар, қон жунлар, питр ёғли, ўк изи, оёқлари ёки думи юлинган, ёғлар, туллаш белгилари ва ҳоказолар.

Собиқ СССР да йилига 300-400 мингта қизил тулки териси қайта ишланар эди. Шулардан 85% га яқини ўрта жанубий қряжлар, 15% га яқинини Сибирь ва шимолий европа қряжлари ташкил қилар эди.

Қизил тулкилар терилари қора, жигар ранг ёки қул рангга бўялади. Ишлов берилган териларнинг майдони 10-30 дм² га тенг, ўртача оғирлиги эса 220-260 г.

Жун қопламининг қалинлиги қряжига боғлиқ. Уларнинг майинлиги тулки териларининг қийматини белгиловчи асосий товарли хусусиятларидан ҳисобланади. Тери тўқималарининг қалинлиги 0,3-0,6 мм. Тулки териларининг чидамлилиги қундуз терисининг чидамлилигига нисбатан 40-45% ни ташкил қилади.

Тулки терилари жун қопламининг ўзига хос хусусиятлари бўйича 18 та қряжга бўлинади.

Баҳорги ва куз охирида ушланган тулки терилари ностандарт ҳисобланади.

Ишлов берилган қизил тулқилар ГОСТ 14781-69 рақамли стандарт бўйича навларга ажратилади. Жун қопламининг пардози бўйича терилар қирқилган, табиий ва бўялган жун қопламли гуруҳларга бўлинади.

Ишлов берилган қизил тулқилар қряжи бўйича бўлинмайди, лекин жун қопламининг характери ва унинг ранги бўйича 6 гуруҳга ажратилади. Узун жунли терилар уч гуруҳга, қирқилган терилар икки гуруҳга бўлинади.

Тулки терилари нуқсонлик даражаси бўйича нормал, кичик, ўрта ва кўп нуқсонли бўлади.

Корсак. Корсак - бу кичик тулқига ўхшаш (узунлиги 40-60 см) хайвон, жун қоплами нисбатан майин ва очиқ рангли (кул ранг - кумуш ранг). Корсакнинг панжалари оқимтир сарик, думи қора жунли, калта, боши кичик, қорни очиқ кул ранг. Қулоғининг ташқи қисмлари тулкиникига нисбатан қора эмас, балки сарикроқ қора. Корсак унча катта аҳамиятга эга эмас, чунки уларнинг сони жуда оз.

Корсак терилари қряжларга бўлинади. Тошкент қряжи майда, паст ва дағал, қизғиш кул ранг жун қопламли.

Корсакларнинг туллаши, уларга ишлов бериш услублари, нуқсонлари тулки-ларники каби бўлади.

Корсак терилари горжетлар олишда ишлатилади.

Бўри. Бўрилар ўлчамлари, ранги ва жун қопламининг тузилиши бўйича катта ўзгарувчанликка эга. Бўрининг ёзги терисини жун қоплами одатда сийрак, дағалроқ, калта ва қишқига нисбатан қизилроқ.

Бўри энг зарарли йиртқич, у чорвачилик ва овчилик хўжалиқлариغا миллионлаб зарар келтиради. Чунки улар доимо уй хайвонлари билан озуқаланади. Бўрилар ўқ отувчи қурооллар, қопқонлар ва заҳарлаш орқали ушланади.

Териларнинг ўлчамлари ва жун қопламининг ранги бўйича бўрилар 6 та қряжга ажратилади, шуларнинг 5 таси, яна ўз навбатида иккитадан қряжга бўлинади (ўрмон ва чўл).

Козогистон кряжи ўрта ўлчамдаги терилардан ташкил топади. Жун қопламлари майин ва момик (қилтиқлари Сибир кряжига нисбатан калта ва дағал), кул ҳаво рангли.

Ўрта Осиё кряжига одатда майда терилар киради. Ўрмонда яшовчи бўриларнинг жун қоплами момик, равшан кул ранг, қорнида жунлари ўсик, майин, деярли оппок, чўлдагиларники - дағалрок, калта ва сариқрок.

Бўрилар йил бўйи ўлдирилиши муносабати билан уларнинг терилари 4 та навга ажратилади: 1-нав - кишки, тўлиқ жунли; 2-нав - қиш олди кеч кузги, камроқ тўлиқ жунли, пастрок жун қопламли, кўкимтир тери тўқимали; 3-нав - кузги, ярим жунли, паст жун қопламли ва кўк тери тўқимали; 4-нав - баҳор олди, жуда калта жун қопламли, тери тўқимаси тўқ-кўк рангли ва ёзги, юпка, деярли тивитсиз.

Бўри болаларининг терилари майда, нозик қалин жун қатламли бўлади. Уларни 1-нав баҳосининг 25% гача бўлган нархида қабул қилинади.

Бўриларнинг думлари думалок, момик, тирноғи ўтмасрок, ёлли, тивити итларникига нисбатан кўп ва пешонаси шишиқ бўлади.

Бўри терилари нуқсонлари бўйича уч гуруҳга бўлинади (кичик, ўрта, катта). Уларнинг терилари ҳам тулкиларники сингари трубка шаклида шилинади.

Ишлов берилган бўри терилари 5 та номер (кряж), 4 та нав ва жун қопламининг характери бўйича, майин - ўрмонда яшовчи ва дағал-чўлда яшовчиларга ажратилади. Ўрта Осиё ва Кавказ кряжлари бирлаштирилган.

Бўри терилари аёллар ёқаси, астар ва ухлаш қоплари учун, ҳаво ранг ва тўқ ҳаво ранг терилар эса табиий рангли мўйна буюмлари олиш учун ишлатилади..

Чиябўри. Чиябўрини ўлдириш бўри сингари йил мобайнида амалга оширилади. Уларнинг иқтисодий аҳамияти унча юқори эмас.

Терисининг узунлиги 70-80 см. Жун қоплами дағал, сийрак ва каттиқ, кирмалла кул рангли, елкасида қора қилтиқлари кўпроқ. Ўрта Осиё бўрилари чўл кряжига ўхшайди, лекин улар майда, жун қоплами паст, дағал ва сийрак.

Чиябўри терилари кряжларга бўлинмайди. Бўриларга ўхшаш 4 та навга ажратилади. Биринчи ишлов бериш ҳам бўриларники каби. Улар бунтларга 20 тадан қилиб боғланади.

Ишлов берилган чиябури терилари уч навга ажратилади. Улар аёллар ёқалари ва горжетлар учун, айрим ҳолларда уч қаторли мўйна тарзида эркаклар пальтоларининг астарига ишлатилади.

Қоплон (барс). Қоплонларнинг жун қоплами тўқ қизғиш, хира, айлана шаклли, доғли кул ва ҳаво рангда бўлади. Жунлари ўсик (6 см гача), майин ва қалин. Ёш қоплонларнинг қора расми аниқ билинади, қариларида айниқса, қиш пайтида тарқалган ва билиб бўлмайдиган бўлади. Терисининг узунлиги 1,3 м гача. Думи яхши момик, қора ҳалқа билан қопланган ва танаси узунлигининг 3/4 қисмига тенг. Қоплонни ўлдириш йил мобайнида рухсат этилган.

Қоплон терилари 4 та навга ажратилади: 1-нав - қишки, туник жунли; 2-нав - кузги, камроқ тўла жунли; 3-нав - кузги, ярим жунли; 4-нав - ёзги, сийрак жунли ва калта жунли баҳор олди. Майдони бўйича 2 гуруҳга бўлинади: майдони 4500 см² дан ортқик; майдони 4500 см² дан кам. Терилари трубка шаклида шилинади.

Қоплон терилари асосан декоратив мақсадлар учун чучелаларга ва гиламларга ишлатилади, шунинг учун шилиш пайтида уларнинг барча қисми сақланиб қолиниши керак, ҳатто бурни, тирноғи ва кулоклари ҳам. Улардан яна аёллар ёқалари, оз микдорда мантолари олишда ҳам фойдаланилади.

Йўлбарс. Йўлбарслар қонун бўйича қўриқланади, чунки улар жуда озчиликни ташкил қилади. Йўлбарсларнинг географик ўзгарувчанлиги жуда катта; энг йирик (3 м гача) амур йўлбарси, елкасида жун қопламининг узунлиги 5 см гача, қорнида 3 см гача, елкаси ва ёнбоши малла, бутларининг оралари оқроқ, қора қўндаланг тилими бўлади.

Йўлбарс терилари чучела ва гиламлар учун ишлатилади.

Қоплон (леопард). Ўлчами бўйича йўлбарсдан кичик. Унинг ранги гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган майда ҳалқага ўхшаш доғли сарикроқ рангдан деярли кул ранггача ўзгариб туради. Думининг узунлиги танасининг ярмига тенг. Жун қоплами барсга (қоплон) нисбатан дағал ва калта, узунлиги 5 см гача. Одатда жун қоплами қанча паст, доғлари майда бўлса, расмлари шунча очиқ ва чиройли бўлади.

Силовсин. Силовинсинлар барча ҳудудларда кам тарқалган. Улар қўплаб овланадиган ҳайвонларни қириб ташлайди. Терисининг ўлчами 1,5 м гача. Индивидуал, географик ва ёши бўйича ўзгарувчанлиги жуда кучли.

Жун қоплами майин, оёқлари узун, думи калта. Қорнида жун қоплами ўсик ва қалин, одатда оқ ёки қора доғли рангда бўлади. Уларнинг териси икки қряжга бўлинади.

Жун қопламининг ранги бўйича терилар қуйидагиларга ажратилади:

1) кулга ўхшаш ҳаво ранг (яхши), бир тусли ёки кул - ҳаво ранг тивити аниқ ажралиб турадиган қора доғли; 2) қора-сарик; 3) қизил сувга ўхшаш қизғиш кул ранг; 4) малла қизил (энг арзон).

Силовсиннинг терилари ҳам қоплон териси каби тўрт навга бўлинади. Баҳорги терилар нуқсонли териларга киради. Майдони бўйича йирик - 4000 см² дан ортик, ўрта - 2750-4000 см² ва майда 2750 см² гача. Териси трубка шаклида шилинади. Ишлов берилган терилари хом ашё сингари икки қряж, тўрт ранг ва тўрт навга ажратилади. Улар аёллар пардози ва ёқалари учун ишлатилади.

Ёввойи мушук. Мўйналар учун мўлжалланган стандарт бўйича бир неча майда ёввойи мушуклар териси битта мўйна терисига бирлаштирилади. Буларга Европа ёввойи мушуклари, ола (чўл мушуги), бархатли, қамишга ўхшаш, Узоқ шарқ ўрмон мушуги, манул ва қаракал мушуклари киради. Бундай бирлаштириш бу турдаги мушукларнинг иқтисодий томондан кам қимматли бўлганлиги сабабли қилинган.

Мўйна стандарти бўйича керакли зоологик турларига қараб олти қряжга ажратилади.

Ола (чўл) мушук (Қозоғистон, Ўрта Осиё, Кавказ ортининг жанубий шарқ чўлларида) нинг узунлиги 70 см гача, жун қоплами сарик тусли кул ранг ёки қора майда доғли. Жун қоплами калта ва юмшоқ, лекин Европа ўрмон мушугиникига нисбатан дағалроқ, думи ингичка, ҳар-ҳар жойида қора ҳалқалари бор, узунлиги терисининг 1/2 узунлигига тенг.

Қамиш рангли мушук (Туркманистон ва Қозоғистон дарё ва кўллариининг ёнларида, Каспий денгизининг ғарбий қирғоқларида)нинг узунлиги 1 м гача, қилтиқ жунлари узун, қалин ва қўпол, малла кул ранг, қулоқларининг усти очик малла ранг. Тивити кул ранг, думи терининг 1/4 узунлигига тенг.

Манул мушуги ўрта ўлчамда, узунлиги 65 см гача. Улар жанубий ва шимолий бўлади. Шимолий (Байкал орти ва Қозоғистон) турдагиларга уй мушугининг ўлчамига тўғри келадиган мушуклар киради. Уларнинг жун қоплами жуда ўсик ва қалин (узунлиги 6 см гача),

сарик кул ранг, бир тусли ёки елкасида ингичка қора кундаланг тилими бор. Тивити очик ҳаво ранг. Думи хурпайган қора ҳалқали, узунлиги танасининг 1/4 га тенг.

Жанубий (Туркменистон, Тожикистон, Арманистон) турдагилари узун жунли зич, маллақизил рангли жун қопламли, малларок тивитли, думи хурпайган, узунлиги танасининг ярмига тенг терилар билан бирлаштирилади.

Каракал (Туркменистон). Жун қоплами ясси, елкасида дағал, сийрак малла-қизил рангда, бутларининг ораси ок. Силловсинга ўхшаш, лекин у майдарок (узунлиги 80 см гача). Думи тана узунлигининг 1/4 га тенг.

Бархатли мушук (қорақум). Майда (50 см), қум-кул рангли, қорни оқимтир, жун қоплами қалин ва майин (стандартга кирмаган).

Ёввойи мушук терилари уч навга бўлинади; 1-нав - қишки, тулик жунли; 2-нав - кеч кузги, кам тулик жунли; 3-нав - кузги ярим жунли, кўкимтир тери тўқимали.

Кеч баҳорги, ёзги ва баҳор олди ҳамда болаларининг териларини ностандарт сифатида қабул қилиш ман этилган.

Терилари трубка шаклида шилинади. Қулоқлари, панжалари ва думлари сақланиб қолинади. Бўялган ва табиий мушук терилари манто, жакет, горжет ва аёллар мўйнали либослари учун ишлатилади.

Айиқлар. Айиқлар - йиртқич ҳайвон отрядининг энг йириги ҳисобланади. МДХ ҳудудларида уларнинг уч хили учрайди: кўнғир, қора ва оқ ёки қутб айиғи. Иқтисодий аҳамияти унча катта эмас.

Кўнғир айиқ собиқ СССР чегарасидан то Тинч океанигача, Сахалин, Ўрта Осиё тоғлари ва Кавказ ўрмонларигача бўлган жойларда яшайди. Камчатка ва Кавказда яшайдиганларини ҳисобга олмаган тақдирда, улар унча кўп эмас. Терисининг майдони 22000 см² гача. Жун қоплами очик-кўнғир, кўнғир, қора, кўнғирдан қора рангача, жунлари узун, қалин (пахмоқ), дағалрок. Ёшларининг жун қоплами майин, тери тўқимаси жуда қалин ва оғир. Айиқ гўштини ейиш мумкин, ёғлари даволовчи хусусиятга эга ва яраларни даволашда ишлатилади.

Куёнлар. Собиқ СССР ҳудудида тўрт хил куёнлар яшайди: оқ куён, рускуёни, қум куёни ёки толай-манжурия куёни. Охириги куённинг териси оз бўлганлиги сабабли стандартга киритилмаган.

Айрим куён турлари яшаш шароити, тарқалиши ва териларининг киймати бўйича ҳар хил бўлади. Энг кўп оқ куёнлар тарқалган, улар тайёрланадиган куёнларнинг ярмини ташкил қилади.

Куёнларнинг жун коплами ва тери тўқимаси жуда бўш, шунинг учун улар арзон баҳоланади. Куён тивитлари фетр тайёрлашда ишлатилади. Мўйна буюмлари учун куён жунларининг патакланиши уларнинг камчилиги ҳисобланади. Куён гўштарини (оқ куён - 5 кг гача, рус куёни 7 кг гача) ейиш мумкин.

Оқ куён Собик СССРнинг Қрим ва Ўрта Осиёнинг жанубий қўлларида ташқари барча ҳудудларда яшайди. Собик СССРнинг Европа қисми, Тайга ва Фарбий Сибирь қўл ўрмонлари ва Қозоғистоннинг қўлларида нисбатан йирик (узунлиги 70 см) куёнлар ушланади. Айниқса ўсик жунли, лекин юпка тери тўқимали Қалмиқ-Чукотка куёнлари жуда йирик. Амур оқ куёни унча йирик бўлмайди, лекин уларнинг жунлари яхши ҳурлайган. Якутия ва Байкал ортида майин куёнчалар яшайди, уларнинг тери тўқимаси юпка ва жун коплами момик бўлади.

Оқ куёнлар қишда оппоқ, қулоғининг учи қора, жун копламининг баландлиги 3,5 см га етади, сийрак ва майин. Ёзда қорамтир, қўнғир кул ранг, тери тўқимаси юпка ва бўш, айниқса қорнида. Улар бир йилда икки марта туллайди (баҳор ва кузда). Кузги туллаш даври 90-95 кун. Улар гўрт қряжга бўлинади ва учта навга ажратилади: 1-нав - қишки, тўла жунли, унча кўп бўлмаган (елкасида) қора жунли ёки буларсиз, тоза тери тўқимали; 2-нав - кеч қузги, кам тўла жунли елкаси ва ёнбошларида қора жунлари бор ва бироз қалинлашган тери тўқимали; 3-нав - қузги, ярим жунли, қора жунлари кўп ва қалинлашган тери тўқимали.

Баҳорги, кеч қузги (туллаш пайти) кўп қора доғли ёки қора тери тўқимали, жунлари тушадиган ва қалта жунли баҳор олди ҳамда қалта сийрақроқ жунли ёзги ва куён болаларининг териларини қабул қилиш ман этилган.

Оқ куёнлар териси трубка шаклида шилинади. Улар жуда кам ҳолда ёғсизлантирилади.

Ишлов берилган куён терилари оқ маржонли ва бўялган гуруҳларга бўлинади. Оқлари уч навга бўлинади, деярли ҳамма қряжи киради: 1-нав - қалин узун жунли (урал ва шимол); 2-нав - жун коплами камроқ қалин ва ўсик бўлмаган (ўрта марказий); 3-нав - жун коплами сийрак ва қалта (Сибирь). Маржонли куёнлар икки навга

бирлашади: 1-нав - рашан-маржонли, усик; 2-нав - ярим қора-маржонли.

Маржонли ва қора маржонли жун қоплами куёнларнинг тери туқималари оқ куёнларга нисбатан мустаҳкамрок.

Оқ куён терилари (думалок шаклида) қора, ҳаво ранг, жигар ранг ва бошқа рангларга бўялади. Уларнинг терилари арзон горжетлар, жакетлар, пардозлар, аёллар ва болалар ёқалари учун ишлатилади. Қирқилганлари эса - телпаклар учун.

Қум куёни ёки толай, Жанубий Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Байкал орти чулларида яшайди. Рус куёнларига нисбатан териси кичик (узунлиги 48-50см), жунининг ранги унга ўхшаш, лекин очик рангли ва калта, тўлқинга ўхшаш жун қопламли. Панжаси ва оёқлари узун, елкаси сийрак бир хил бўлади. Овчилик учун катта аҳамиятга эга эмас. Бир йилда рус куёнига ўхшаш икки марта туллайди. Байкал ортиядан йирик ва қора рангли, Ўрта Осиёдан майда ва ёруғ рангли куёнлар ушланади.

Қум куён терилари икки навга бирлаштирилган: 1-нав - қишки, тулик жунли; 2-нав - кеч - кузги, кам тулик жунли. Бошқаларини қабул қилиш тақиқланган. Улар одатда фетр олишда ишлатилади..

Олмаҳон. Собик СССРда тайёрланадиган мўйнали ҳайвонлардан олмаҳон биричи ўринда турар эди. Олмаҳонларнинг сони нинча баргли дарахтларнинг мева беришига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Улар ўқ отувчи қуроллар, итлар ва қонқонлар ёрдамида ушланади.

Қишда олмаҳонларнинг елкасидаги жунлари ўрта баландлиқда (2-3 см), қалин ва майин, қул ҳаво ранг ёки қизғиш тутун рангли, қорин томони сийрак ва жун қоплами калта. Сағринида жунлари узунроқ, лекин бошига томон калтайиб боради.

Йилига олмаҳонлар икки марта туллайди - баҳор ва кузда. Кузги туллаш уларнинг сағрисида бошланиб елкаси томон ўтади ва бош томонига етади. Сўнгра қорин ва дум томони туллайди. Баҳорги туллаш бошидан, бўйнидан, сўнгра куракчаси, елкаси, ёнбоши ва сағринидан бошланади. Думи бир йилда бир марта (ёзда) туллайди ҳолос.

Олмаҳонда индивидуал, фасл ва географик ўзгарувчанлик кучли ривожланган, айниқса ранги бўйича. Айрим районларда қуйидаги олмаҳонлар учрайди: қора думли - думи қўнғир тусли, қора рангли; қорамтир думли - думи қора қул ранг, учи қора; қора-қизғиш думли - думи тўқ қизғиш; қизғиш думли; қизил думли; қул ранг думли. Евро-

па кряжларида думининг ранги бўйича фақат охирги учтаси учрайди. Ҳозирги пайтда Сибирь олмахонлари териларининг жун қоплами ранги бўйича навларга ажратишда думларини қуйидагиларга бўлади: қора думли; қизғиш думли; қизил думли. Олмахонларнинг ичида альбинослар ва хромистлар учрайди.

Олмахон терилари 13 та кряжга бирлаштирилади. Булардан энг қимматлиси Шарқий-Сибирь кряжи ҳисобланади.

Омбор каламуши. Мўйна териларига мўлжалланган стандарт бўйича омбор каламуши бир неча зоологик турларга бирлаштирилади: пасюк ёки кул ранг каламуш (шимол томонда) қора, майдарок (Закавказиянинг ўрта районларида), Туркистон каламуши - думи бошқаларга нисбатан калтарок (Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон); ҳинд ясси тишли ёки тупроқ каламуши (Ўрта Осиё дарёларининг қирғоқлари ва Капет-Доғ тоғларида).

Йилига миллионлаб омбор каламуши тайёрланади. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш товарларини кемириб йўқотади ва юқумли касаллик тарқатади. Шунинг учун улар йил мобайнида ушланади.

Омбор каламушларининг думи узун бўлади. Улар қанча йирик бўлса, жун қоплами шунча қаттиқ ва тери тўқимаси шунча қалин бўлади. Терилари бошқа кемирувчиларнинг териси сингари навланади.

Ишлов берилган омбор каламушининг терилари икки навга бўлинади: 1-нав - тўлиқ жунли, қалин; 2-нав - сийракрок, калтарок жунли. Терилари пачкага 50 тадан қилиб боғланади.

Омбор каламушининг терилари фақат қоракузанга ўхшатиб бўялади (жигар ранг). Табиий рангли ва бўялган терилар манто, жакет, болалар пальтоси ва аёллар ёқалари учун ишлатилади.

Ондатра. Ондатралар Балхаш кўли ва Амударёда кўп тарқалган. Йилига дунё мамлакатларида бир неча миллионлаб ушланади. Собиқ СССР ҳудуд-ларида давлат ондатра хўжаликлари тузилган. Улар балиқчилик хўжалигига унча зарар етказмайди, лекин улар эпидемиологик хижатидан анча хавфли.

Ондатралар қопқонлар ёрдамида ушланади. Яхши овчилар бир фасл ичида 1000-2000 тагача ондатра ушлашади. Уларнинг узунлиги 35 см гача. Жун қоплами елкасида малла, қизғиш, тўқ қизғиш, ҳатто қора рангача бўлади. Ондатралар ярим сув ҳайвони ҳисобланади. Думи узун ва ясси. Қорин томони елкасига нисбатан очикрок, тиви-

ти жуда зич, мулойим, қилтиғи кўпроқ қорамтир, унча зич эмас, ялтироқ, урта баландликда, тери тўқимаси мустаҳкам. Қишки тивитнинг жун қоплами елкасида 18 мм гача, қорин томонида - 15 мм гача, елкасидаги қилтиғи - 25 мм ва қорнида 22 мм гача етади. Айниқса ондатра терисининг енгиллиги ва мустаҳкамлиги киммат баҳоланади.

Ондатралар йилига бир марта (май-март) туллайди. Январ-март ойларида терилар тўла жунли, май ойларида эса жун қоплами жуда сийраклашади.

Ондатра терилари уч навга бўлинади: 1-нав - катта ва ёш ондатраларнинг тўлиқ жунли терилари, уларнинг жун қоплами ялтироқ, тери тўқимаси зич, кўкимтир рангсиз; 2-нав - катта терилар унча ялтироқ эмас, сийрақроқ жун қопламли; 3-нав - катта териларининг жун қоплами сийрак ва хира қилтиқли, ўсаётган жунлари ҳам бор. Ёш ондатра териси ҳали ўсмаган қилтиқ ва тивит жунли, елкасида жунлари тушган, тери тўқимаси тўқ кўк тусли бўлади.

Хира тусли, сийрак жун қопламли, дағал ва қалин тери тўқимали терилар ва болаларининг териси майдони 300 см² дан кам бўлганларини қабул қилиш ман этилади.

Нуксонлиги бўйича терилар уч гуруҳга бўланади. Терилари трубка шаклида шилинади. Консервалаш услуби куруқ - пресслаш. Катта териларининг уртасидаги кенглиги 13 см, майдаларида - 11 см бўлиши керак.

Ишлов берилган ондатра терилари (уzun жунли) уч навга, бўялган ҳолда - икки навга бўлинади. Қалин жунли ондатра терилари қилтиқ жунлардан тозаланиб (юлиниб) денгиз мушуги терисига ўхшатиб бўялади. Ондатра терилари манто, эркаklar пальтосининг астари, жакет, ёқа ва бошқалар учун ишлатилади.

Нутрия. Нутрия Жанубий Америкадан келтирилган. У ярим сув ҳайвони ҳисобланади. Ташқи кўриниши бўйича қундузга ўхшаш лекин кичикроқ (массаси 8-9 кг), жун қоплами сийрак ва хирароқ. ғуштини истеъмол қилиш мумкин.

Нутрия сентябр ва октябр ойларида қизғин туллайди. Нутриялар 8-11 ойлигида танлаб-танлаб ёғоч билан энсасига уриб ўлдирилади. Терилари трубка шаклида, думсиз, қулоқсиз, олдинги ва кейинги оёқларсиз шилинади. Сўнгра қуритилиб консерваланади.

Нутриянинг жун қоплами қалин, жуда юмшоқ, жигар ҳаво ранг тусли тивитлардан ва сийрак, узун, қаттиқ қилтиқдан ташкил топган. Елкасига нисбатан қорни очикроқ рангда. Тивит жунлари жуда ин-

гичка бўлиб, муйнага махсус киймат ато этади. Корин тарафида елкасига нисбатан тивити зичроқ, қилтиқлари сийрак. Тери тўқимаси енгил ва эластик. Уларнинг ҳар хил ранглари (ок, ҳаво ранг, олгин ранг, кумуш ранг ва бошқалар) мавжуд.

Нутриянинг тери тўқимаси йил мобайнида қуқимтир, жунларининг ўсиш пайтида - тўқроқ (қўқ) бўлади. Уларнинг терилари уч ўлчамга бўлинади: йирик - майдони 2000 см^2 дан ортиқ; ўрта - $1200\text{--}2000\text{ см}^2$; майда - $600\text{--}1200\text{ см}^2$. Нуқсон бўйича уч гуруҳга ажратилади (катта, ўрта, кичик).

Жунлари юлинган нутрия терилари ранги бўйича тўқ жигар ранг, жигар ранг ва очик жигар рангларга бўлинади. Ишлов берилган терилари эса уч навга ажратилади: зич (1-нав), сийракроқ тивитли (2-нав) ва сийраклашган тивитли (3-нав).

Нутрия териларидан манто, мўйнали пардозлар, эркак ва аёллар ёқаси ҳамда телпаклар тайёрланади.

МУЙНАЛАРНИНГ БАҲОРГИ ТУРЛАРИ

Тайёрлов пунктлари ишларини максимал равишда енгиллаштириш мақсадида майда кемирувчилар - бурундук, қум сичқон, қўшоёқ, оғмаҳона, юмронқозиқ ва бошқалар навларга ажратилмасдан, улар тула қимматли терилар, оз нуқсонли терилар ва катта нуқсонли териларга ажратилади.

Кузда уйқуга кетадиган ёки қишда ер тагида яшайдиган ҳайвонлар баҳорда ушланади. Майда кемирувчилар катта зарар келтиради (айримлари инфекция касаллигини тарқатувчилар ҳисобланади), лекин уларнинг мўйналари мўйна буюмлари учун яроқли ҳисобланади. Тула қимматли терилар гилам шаклида шилинади ва қуруқ-пресслаш ёки кислота-тузли консервалаш усулида консерваланadi.

Юмронқозиқ. Тайёрланadиган бундай дала зарарқундаларининг сони йилига ўнлаб миллионга етади. Кўпчилик юмронқозиқлар ёзнинг иккинчи ярми ва қишда уйқуга кетади. Улар баҳорда уйғонади ва тахминан 3-4 ҳафтадан сўнг туллай бошлайди. Улар йилига бир марта туллайди. Юмронқозиқларни тайёрлаш йил мобайнида олиб борилади. Ёзги терилари кам қимматли ҳисобланади. Баҳорги терилари сарикроқ ва тери тўқимаси қуруқроқ бўлади. Терисининг узунлиги 15-35 см.

Юмронқозиклардан теридан ташқари 30-40 г ёғ, 159 г гача гушт ва 7-10 г суяк ҳам олинади. Улар қопқон ёки инига сув қуйиш орқали ушланади.

Собиқ СССР ҳудудида юмронқозикларнинг 11 хили яшайди. Уларга узун думли, малларок, қизил юзли, кичик, холли, қумли, (сарик), кичик осиели, даурли, европали ва бошқалар киради. Буларнинг кўпчилиги кам тарқалганлиги сабабли деярли мўйначиликда аҳамияти йўқ.

Шаркий Сибирь узун думли юмронқозиғи. Йирик, узунлиги 35 см гача, жунлари узун, қалин ва майин, кўк қул рангли. Думи бошқаларига нисбатан узунроқ ва танасининг 1/2 қисмига тенг.

Ғарбий Сибирь қизил юзли юмронқозиғи. Ўрта ўлчамли, узунлиги 26 см гача, жун қоплами калта, майин, қизғиш-қул ранг. Қўзлари тўқ малла доғли.

Волга бўйи малла юмронқозиғи. Йирик, узунлиги 30 см, жунлари нисбатан яхши, ўсик ва зич, сарикроқ қул рангли.

Жанубий кичик юмронқозиғи Днепр, Қрим, Пастки Дон, Кавказ олди, Волга бўйи ва Қозоғистонда яшайди. Майда (узунлиги 20 см), тери тўқимаси бўш, жун қоплами дағал, сийрак, қизғиш сарик-қул ранг. Холлари жуда кам сезилади.

Холли юмронқозик Молдавия ва Волганинг ўрмон чўлларида яшайди. Майда, тери тўқимаси юпка, жунлари калта, сийрак, тўқ жигар рангли, елкасида аниқ билинадиган холи бор.

Туркман юмронқозиғи (Ўрта Осиё чўлларида). Бошқа турдаги юмронқозиклардан туллаш характери бўйича фарқ қилади. Йирик (узунлиги 30 см), зич ва узун, майин жунли, елкаси очик-сарик рангли.

Юмронқозик терилари пачкаларга 25 тадан боғланади.

Ишлов берилган ва бўялган терилари учта қряжга бўлинади: 1. Волга бўйи; 2. Ғарбай Сибирь; 3. Жанубий. Ишлов берилган терилар икки навга ажратилади; 1-нав - тўла жунли; 2-нав - камроқ тўла жунли. айниқса бўйин атрофида. Ўлчамлари бўйича юмронқозик терилари тўрт гуруҳга бўлинади.

Юмронқозик терилари жигар рангга (қорақузанга ўхшатиб), камроқ қора рангга бўялади. Улардан аёллар мантоси, жакети, пальтоси, қизлар учун телпақлар тайёрлашда фойдаланилади.

Қум юмронқозиғи. Сарик ёки қумга ўхшаш юмронқозик, юмрон-қозиклар ичида энг йирик (узунлиги 40 см) ва ўсик жунли ҳисоб-

ланади. Кўпроқ суғурга ўхшаш, лекин кичик ва ингичка, жунлари калта бўлади. Жун қоплами қора жунлар аралашган очик сарик рангли, мулойим, ўсик (2 см) ва зич.

Улар ёзнинг ўртасидан бошлаб уйқуга кетади ва феврал-апрел ойларида уйғонади (9 ой ухлайди). Баҳорда туллайди ва уйқуга кетиш олдидан тугайди.

Яшаш жойларига қараб улар бир-биридан фарқ қилади. Иргиз қум-юмронқозиғи жуда ўсик, қалин ва майин жунли, сарик кул рангли бўлади.

Новаказанкин юмронқозиғи (Волга орқаси) - калта, унча қалин бўлмаган ва қаттиқроқ жун қопламли, малла-сарик рангли бўлади.

Ўрта Осиё юмронқозиғи - калта ва сийрак жунли, очик-сарик рангли.

Қум юмронқозиғи икки навга бўлинади: 1-нав - тула жунли; 2-нав - калта сийрак жун қопламли. Кеч куз ва ёзги териларини қабул қилиш ман этилган (туллаш даври).

Улар ўлчамлари бўйича уч гуруҳга бўлинади: Йирик - майдони 350 см² дан ортиқ; ўрта - майдони 250-350 см²; майда - 175-250 см².

Қум юмронқозикларнинг териси гилам шаклида шилинади. Ишлов берилган терилар икки қряжга бўлинади.

Қум юмронқозиғи терисининг табиий ранги унчалик чиройли эмас, шунинг учун жунининг усти қорамтир-жигар ранг ва ҳаво ранг тивитли бўлган қоракузанга ўхшатиб бўялади. Ундан ташқари очик жигар рангга ҳам бўялади. Қора ранг ва қоракузанга ўхшатиб бўйаш камдан-кам модала хисобланади.

Қум юмронқозиғи терисининг қоракузанга ўхшаган ранги - яхши имитация хисобланади, чунки у ташқи кўриниши бўйича қоракузаннинг 2- ва 3-навларига жуда ўхшаш бўлади.

Қум юмронқозиғи териларидан аёллар мантолари, жакетлар, ёқалар, телпаклар ҳамда қизлар учун буюмлар тайёрлашда фойдаланилади.

Чўл суғури ва тоғ суғури (тарбаган). Собик СССР ҳудудида суғурларнинг олти тури урчитилади: булар узун думли, мензабир суғури, байбак, олтой суғури, қорателпакли суғур ва мўғул суғури. Мўйна стандарти бўйича улар икки турга ажратилади: чўл ва тоғ суғури (тарбаган). Чўл суғури текис чўлларда яшайди, улар калта (3 см гача) ва ётиқ (қилтиғи тивит толасидан унча баланд бўлмайди) жун қоп-

ламга эга тоғ суғури баланд тоғ яйловларида яшайди, уларнинг жун қоплами баландроқ (4 см гача) ва зичроқ. Чўл суғурига нисбатан жун қоплами янада қаттиқроқ бўлади. Иккала хилдаги суғурлар ҳам киши уйкуга кетади.

Собиқ СССР нинг Европа қисмида ва Фарбий Сибирда суғурлар кириб ташланган. Охирги йилларда Олтой суғурларини Доғистон, Бошқирдистон тоғлари ва Украинанинг айрим чўл зоналарида уларнинг иклимига мослаштириш бўйича анча ишлар қилинган.

Улар қопқон, милтиқ ва ҳалқалар ёрдамида овланади. Терисдан ташқари улардан 3 кг гача ейиладиган гўшт ва қимматли ёғлар олинади.

Суғурларда туллаш фақат ёзда бўлади: туллаш киши уйкусидан сўнг 30-40 кун ўтгач бошланади; туллаш суғурларда бир текисда бўлмасдан, ҳар хил жойларида ҳар хил ўтади ва кузнинг бошланиши ёки ўрталарига келиб тўхтади.

Суғурларнинг баҳорги жун қоплами (туллашгача) кузгига нисбатан қўполроқ, қирилган ва қизғиш. Ундан ташқари улар шу вақтда қўпайишади, шу сабабли уларни ушлаш тақиқланади. Қўплаб жойларда улар чума (ўлат) касали тарқатувчилар сифатида кириб ташланади. Туллаш пайтидаги ёзги терилар яроқсиз ҳисобланади.

Суғур териларида тиккайган жунлар ва тешиқлар каби нуқсонлар қўпроқ. Тиккайган жунлар туллаш охирига етмаган баҳорги териларда, тешиқлар эса ёзги ва куз олди териларда учрайди. Тешиқлар ёғсизлантиришни нотўғри ўтказиш натижасида ҳам пайдо бўлади.

Суғурларнинг кузги терилари учта қряжга ажратилади: Қозоғистон - (Шимолий Қозоғистон, Чкалов ва Троицкий районлари) ўрта ўлчамда, қум ранг-сарик ёки қумга ўхшаш сарик рангли юмшоқ зич жун қопламли, Ўрта Осиё - қорамтир, қилтиқли, сарикроқ қул рангли, баланд, зич, лекин бир оз қўполроқ жун қопламли, қорин тарафи очиқ сарик; Фарғона - думи узун (танасининг 1/2 гача узун), қорни малла, тўқ қилтиқли, малла-қўнғир рангли, аланд, лекин сийрак қўпол жун қопламли.

Олдинги иккита қряж стандарт бўйича биттага бирлаштирилган.

Сатҳи бўйича терилар учта гуруҳга бўлинади: йирик - майдони 1200 см^2 дан қўпроқ; ўрта - 700 дан 1200 см^2 гача; майда - 400 дан 700 см^2 гача.

Ўрта Осиёда баъзан суғур терилари уларнинг икки томонига лой суртилиб, сўнгра қуритилиб ёғсизлантирилади. Бу усул териларни куйик бўлишига сабаб бўлади.

Суғурларнинг ишлов берилган ҳолдаги терилари юқорида ҳам ашёсида кўрсатилган белгилари бўйича қряж ва навларга ажратилади.

Бўялган суғур терилари жун қопламининг юмшоқлиги бўйича икки гуруҳга бўлинади: юмшоқ ва қўпол жунли (Европа ва Фарғона суғури).

Ишлов берилган ва бўялган суғур терилари, ҳар бир қряжи бўйича майдониға қараб олти гуруҳга бўлинади (Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Фарғона қряжларидан ташқари, улар тўртга бўлинади).

Суғурларнинг табиий ранги чиройли бўлмаганлиги сабабли, улар сувсар (очиқ жигар ранг) ва қорақузан (тўқ жигар ранг, айрим ҳолда қора ранг) га ўхшатиб бўялади.

Суғур терилари аёллар ёқалари ва мантолари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Айрим эркаклар ёқалари учун, калта жунли терилар - телпаклар олишда фойдаланилади. Думлари чўтқалар тайёрлашда ишлатилади.

Сув каламуши. Сув каламуши - ярим сувда яшовчи ҳайвон, қишки уйқуга кетмайди. Улар қопқон, ов милтиги, найза ва таёқ билан уриб овланади. Одамлар учун хавfli бўлган касаллик - туляремияни таркатади.

Сув каламуши омбор каламушиға нисбатан майдароқ, жун қоплами ингичка ва зич; ондатраға нисбатан эса қилтиқлари калта ингичка ва қалин бўлади. Терисининг устки қисмида жун қоплами. қорин тарафиға қарағанда тўқроқ. Жун қопламининг узунлиги 2 см гача бўлиб, елкасининг орқа томонида узунроқ, қорин томонида эса жуда калта. Тери тўқимаси юпқа ва бўш. Фақат бир марта баҳор фаслида туллайди. Кузға бориб жунлари ўсаб бошлайди. Қиш пайтида, кеч кузда ва баҳорнинг бошланишида уларнинг териси бир хил жун билан қопланган ва сифатли бўлади; кузда сифати пастроқ.

Сув каламушининг терисида одатда йиртиқ, тақир жойлар, тешиқлар каби нуқсонлар учрайди. Уларда табиий нуқсон - “яралар” купроқ бўлади.

Ишлов берилган сув каламушининг териси ранги бўйича тўрт гуруҳға бирлашади: қора (энг яхши); тўқ ҳаво ранг; тўқ жигар ранг; бронзаға ўхшаш.

Тайёр терилар икки навга бўлинади: биринчи ва иккинчи (2-навли терилар камроқ тўла жунли). Улар жигар рангга бўялади. Териларидан қиз болалар учун мантолар, жакетлар ва пальтолар ҳамда ёкалар тайёрлашда фойдаланилади.

Оғмахона (хомяк). Уч хил оддий, осие олди ва кавказ олди оғма хоналар стандарт бўйича битта мўйна тури - оғмахонага бўлинади; мўйнатери хом ашёси сифатида асосан оддий оғмахоналарнинг терилари муҳим аҳамиятга эга.

Оддий оғмахоналар кузда уйқуга кетади ва март-апрелда эса уйғонади. Терисининг узунлиги 20--35 см, думи 6 см га тенг. Танаси ва бошининг икки ёнида 3-4 қатта ёрқин доғлари бор. Қорин тарафи қора, елка қисми маллақизил, сағри кул ранг, юмшоқ ва қалин жун қопламли, баландлиги 2 см гача. Кавказ олди ва осие олди оғмахоналарининг терилари бир оз майда, жун қоплами паст ва юмшоқ, елкаси қизғиш кул ранг, қорин қисми қора рангда, тери тўқимаси жуда юпка.

Туллаш бир марта баҳорнинг охирида бўлиб, октябр ойида тўхтайди. Улар қряжларга бўлинмайди. Баҳор олди ва кузги оғмахона терилари тўлиқ жунли; баҳор олди терилар - камроқ тўлиқ жунли баҳорги - камроқ ёки кўпроқ сийрак жунли.

Оғмахоналар териси гилам усулида шилинади. Ишлов берилган оғмахо-на терилари орасида ранги бўйича қизғиш қизил, қора, қоракизғиш ва кул ранглар мавжуд. Навлари бўйича икки гуруҳга бўлинади: 1-нав - тўлиқ жунли; 2-нав - сийрак жунли. Сатҳи бўйича ишлов берилган ва бўялган терилар тўрт гуруҳга бўлинади. Уларда учрайдиган нуқсонлар сув каламуши териларида учрайдиган нуқсонлар каби бўлади.

Оғмахона терилари манто, жакетлар, аёллар ёқаси ва пардозлаш буюмлари тайёрлашда қўлланилади. Улар 3-9 қаторли қилиб тикилади.

Туллаётган оғмахона терилари жуда буш жун қоплами билан ажралиб туради, шунинг учун улардан манто ва жакетлар тикишга рухсат этилмайди, улар болалар пальтоси, ёкалар ва шляпалар тайёрлашда қўлланилади.

Қумсичқон. Қумсичқон каламушларга ўхшаш, лекин жун қопламининг усти кум ранг, ҳар хил тусли, тери тўқимаси юпка, бўш, думи момик бўлади. Уларнинг фақат икки тури - қатта ва гробенчукли (танасининг узунлиги 20 см гача) терилари тайёрланади

Қушоёқ. МДХ худудида ун хилдаги қушоёқлар учрайди, лекин мўйна ови учун фақат бир хил - катта қушоёқ ёки ер куёни яроқли, қолганлари эса майда.

Катта қушоёқларнинг орқа оёқлари олдингисига қараганда 3-4 марта узун, думи жуда узун, қулоғи ҳам узун бўлади. Қишки уйқуга сентябр ойидан баҳоргача ётади. Туллаш бир марта май ойининг охирида ўтади.

Қушоёқнинг жун қоплами нисбатан баланд, ипаксимон, ялтироқ елка қисмида қўнғир кулранг ёки малла кулранг, қорни қисми оқ рангли, тери тўқимаси жуда юпка ва бўш.

Қишки жун қоплами август-сентябр ойларидан пайдо бўлади. Баҳор олди ва кузги терилар яхши, баҳорги - сийрак жунли, куз олди - сийрақроқ жунли ва тери тўқимаси кўкимтир.

Терилар майдони бўйича йирик, ўрта ва майда бўлиб, икки навга бўлинади. Кўпроқ қўнғир кул ранг терилар қимматли ҳисобланади; улар табиий рангда қолади, малла кул рангли териларни жигар рангга қоплонга ўхшатиб бўялади (трафарет). Улардан асосан аёллар кийимини пардоз, ёқалар, жакетлар ва болалар пальтолари тикишда (газлама ёпиштирилиб) фойдаланилади.

IV - ҚИСМ

УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ МҮЙНАЛИ ХОМ АШЁЛАРИ

Мўйнали хом ашёларга юқорида қайд этилгандек ҳар хил уй ҳайвонларнинг терилари киради. Улар зоти, ёши, сўйиш мавсуми, нави, ранги ва териларининг нуқсонлари бўйича навланади; қўй, эчки, от, қорамол ва буғи бузоқчаларнинг терилари тайёрлаш мавсумига қараб эмас, балки уларнинг жун қопламини ривожланиши даражасига қараб навланади (баландлиги, зичлиги, гули).

Қоракўл ва барра (мерлушка) гуруҳидаги хом ашёларга жинглак жун қоплами ҳар хил зотли қўй кўзиларнинг терилари киради, бу ерда тайёрлашда асосий ўрин кўпроқ қоракўл териларига берилади.

Уй куёни, мушук ва итларнинг терилари тайёрлаш мавсумига қараб навларга ажратилади (қишки мўйна ҳайвонлари каби).

ҚҮЙЛАРНИНГ МҮЙНАЛИ ТЕРИЛАРИ

Ярим катта ва катта қўй терилари қўйтери деб аталади. Барча туёқлилардан мўйна буюмлари олишда кўпроқ қўй терилари қўлланади.

МДХ мамлакатлари дунёда қўйларнинг сони бўйича биринчи ўринда туради, бу ерда уларнинг 60 дан зиёд зотлари урчилади. Қўйлар тоза зотли ва метис бўлади (майин, ярим майин ва дағал жунли). Улардан теридан ташқари жун, ёғ, гўшт, сут, ичак ва чармлар олинади.

Ҳозирги пайтда қўйтери - мўйнали хом ашёнинг энг кўп массадаги турига киради. Толасининг характери бўйича қўй жунлари икки типга бўлинади: бир хилли ва ҳар хилли.

Бир хилли жунлар штапеллар (ёғли терилар билан ёпишиб қолган тола тутамлари)дан ташкил топган. Буларга майин жунли ва ярим майин жунли қўйлар киради.

Ҳар хилли жунлар кокил-толалари тутамларидан ташкил топган (бу тутамларнинг учи бирдай таралган бўлади). Улардан кўп ёки оз миқдорда тузилишининг кўполлиги ҳар хил типдаги (тивит, қилтик, оралик, ўлик толалар) толаларга, уларнинг ингичкалиги ва узунлигига боғлиқ. Буларга барча дағал жунли ва қисман метис қўйлар киради.

Меринос қўйлари жун қопламининг зичлиги 1 мм^2 га 73 дан 190 тагача тола, бир хил жунли ярим қўпол жунли қўйларда - 14-38, дағал жунлиларда ўртача 7-8 тола тўғри келади.

Собиқ СССР даги қўй зотлари зоотехник белгилари бўйича беш гуруҳга ажратилади: 1) қалта орик думли; 2) узун орик думли; 3) қалта семиз думли; 4) узун семиз думли; 5) думбали. Хужалик нуқтаи назарида қўйлар мўйнали ва пўстинбоп, ишлатилишини эътиборга олган ҳолда, улар стандарт бўйича учта мўйнали ва иккита пўстинли гуруҳларга бўлинади: майин толали мўйнали қўйтери, ярим майин мўйнали, ярим дағал мўйнали, пўстинбоп рус ва чўл қўйтерилари.

Биринчи гуруҳга майда жингалакли, зич, бир хил узунлик ва ингичкаликда (ингичкалиги 25 мм гача), тери тўқимаси штапелли тузилишдаги бўш майин толали мўйнали қўйтерилар киради (Кавказ, аскан ва бошқа зотли меринос қўйлар).

Иккинчи гуруҳ бир оз йирикроқ жингалакли, тивитли, штапелли тузилишдаги, зич ва бир хил толали (ингичкалиги 25,1-37 мк) ярим майин толали мўйнабоп қўйтерилардан ташкил топган. Буларни териларининг чекка ва дум томонида қилтиқли жунлари бўлиши мумкин; тери тўқимаси зич (цигай қўйлари ва Куйбышев, линкольн, корридель ва бошқа зотлар).

Учинчи гуруҳга тивити бир хил бўлмаган, қалта штапелли сийрак жунли тузилишга эга бўлган, зич, узун қилтиқли, тери тўқимаси тигиз, ярим дағал мўйнали қўйтерилар бирлаштиради.

Туртинчи гуруҳ - жун қоплами бир хил бўлмаган, қалта сийрак жунли тузилишдаги, кўпроқ тивитли, тери тўқимаси тигиз, ўлик толалари бўлган рус пўстинбоп (дағал жунли) қўйтерилардан ташкил топган.

Бешинчи гуруҳ - жун қоплами ҳар хил бўлган, қалта сийрак жунли, ҳар хил даражада дағал қилтиқли жунлари ва ўлик толалари бўлган, тери тўқимаси зич чўл (думбали) пўстинбоп қўйтериларидан иборат.

Буларнинг ҳаммаси нуқсонлари ва уларнинг қўйтеридаги жойлашган жойига қараб тўрт навга бўлинади. Сатҳи 35 дм^2 дан кам сийрак жунли, толасининг узунлиги 1 см дан кам бўлган қўйтерилар чарм хом ашёси сифатида топширилади. Жун қоплами майдонининг 50% гача қизиланиб қолган мўйнали қўйтерилар 4-навга ажратилади ва улар чарм хом ашёси сифатида ишлатилади. Сифати 4-навдан кам бўлган қўйтерилар яроқсиз ҳисобланади.

Барча қўйтерилар ҳайвонларнинг ёши, қўйтерининг сатҳи, жун қопламининг сифати ва тери тўқимасининг ҳолатига қараб тўрт гуруҳга бирлашади. Ярим дағал (метис) жунли қўйтерилар, енгил ёш чорва, оғир ёш чорва, кекса енгил ва кекса оғирга бўлинади.

Енгил ёш чорва - тери тўқимаси кўпроқ юпка ва юмшоқ, момиқ жун қопламли (майдони 1700-3000 см²) энг майда қўйтери.

Оғир ёш чорва - бир оз қалинроқ тери тўқимали ва дағалроқ жун қопламли (майдони 3000-4500 см²), бир оз йирик терилар.

Енгил кекса - жун қоплами ва тери тўқимаси ёш чорваникига нисбатан дағалроқ, ўрта ўлчамли (майдони 4500-6000 см²) катта ёшдаги қўйнинг териси.

Кекса оғир - жун қоплами енгил, кексага нисбатан дағалроқ, тери тўқимаси кўполроқ, йирик кекса қўй териси (майдони 6000 см² дан кўпроқ).

Қўйтерининг сифати, уларни сўйиш ва жунларини қирқиш вақтига боғлиқ. Агар қўй май-июн ойларида сўйилса, уларнинг терилари ғовак тери тўқимали бўлиб, олдинроқ сўйилган номи билан олинади. Қўйлар биринчи марта июл-август ойларида сўйилади, бу вақтда жун қоплами мустаҳкам, ялтироқ, тери тўқимаси зич бўлади. Иккинчи сўйиш сентябр-октябр ойларида амалга оширилади - бу вақтда жун қоплами кам мустаҳкам ва кам ялтироқ, тери тўқимаси эса унча зич бўлмайди, лекин ёғли ва семиз бўлади. Бу вақтда қўйларнинг асосий массаси сўйилади, чунки яйлов вақти тугайди, молхонага ҳайдаш бошланади ва хўжаликларда бракка чиқариш ўтказилади.

Ноябр, декабр ва январ ойларида учинчи сўйиш ўтказилади - бу даврда қўй териларининг тивити қисман ўсган, жун қопламининг баъзи жойлари кигизланган ва тери тўқимаси жуда ғовак бўлади. Тўртинчи сўйишда (феврал-март) терининг жун қопламида кигизланиш жуда юқори ўтади. Бундай терилар мўйнали буюмлар учун яроқсиз ҳисобланади, чунки жун қоплами хира, қисман кигизланган ва жунлари туша бошлаган, тери тўқимаси жуда ориқ ва сусайган ҳолга келади.

Қўйларнинг жуни машинка ёки қайчилар билан қирқилади. Майин жунли, цигай ва бир хил жунли метис қўйлар бир йилда бир марта - баҳорда қирқилади. Дағал жунли ва метис қўйларнинг кўпчилиги икки марта - баҳор ва кузда қирқилади. Пустинбоп дағал жунли қўйлар йилига уч марта (қишда, баҳор ва кузда) қирқилади.

Кўй териларининг жун қоплами ҳар хил. Мўйнали кўйтерилар толаларининг узунлиги бўйича гуруҳларга бўлинади:

1) жунли кўйтери (5 см дан юқори); 2) ярим жунли (2 дан 5 см гача); 3) калта жунли (1 дан 2 см гача). Жун қопламининг узунлиги 1 см дан паст бўлган терилар яроқсиз ҳисобланади, чунки улар жуни кирилиб имитацияга яроқсиз (14-20 см) бўлиб қолади. Пўстинбоп кўйтерилар жун қопламининг баландлиги бўйича уч гуруҳга бўлинади; 1) баландлиги 6 см дан юқори; 2) 2,5 дан 5 см гача; 3) 2,5 см дан паст. Толасининг узунлиги тўғриланган ҳолда аниқланади. Чатиштирилган (метис) кўйларнинг териси ранги бўйича бир тусли ва ола-чипорга ажратилади. Кўйтериларнинг нуқсонлари жун қопламини ифлосла ниши, ёғсизлантириш сифати, тери тўқимаси ва жун толаларининг, касалланганлиги куя тушганлиги, ифлослиги, йиртиқлиги, синкклиги ва хоказоларга боғлиқ. Уларнинг ҳар бири жойлашган жойларга қараб баҳоланади.

Кўйтерилар гилам шаклида шилинади. Улар пресслаш, қурук тузлаш, намакоблаш ва кислотали тузли усуллари билан консерваланади.

ДАҒАЛ ЖУНЛИ КЎЙЛАРНИНГ МЎЙНАЛИ ВА ПЎСТИНБОП ХОМ АШЁЛАРИ

Рус дағал жунли мўйнали ва пўстинбоп кўйтери хом ашёларига асосан калта ориқ думли ва узун ориқ думли кўйларнинг терилари киради. Калта ориқ думли кўйларнинг жун қоплами оқ, қора ёки кул ранг. Қилтиклари дағал бўлганлиги сабабли улар дағал тукларга (щетина) ўхшайди ва синувчан (ўлик толалар). Жуслари газлама олишда кам яроқли, аммо кигиз этик олиш учун яхшидир. Пўстинбоп калта, узун ориқ ва семиз думли кўйлар “рус”, думбали кўйлар (тушин зотли ҳам) - “гул” кўйлар деб аталади. Рус кўйларининг тери тўқимаси чўл кўйларникига нисбатан зич ва жун қоплами юмшоқроқ.

Калта ориқ думли пўстинбоп кўйлар гуруҳига рус пўстинли кўйчилигининг гуруҳи, ажойиб пўстинбоп хусусиятга эга бўлган роман кўйлари киради. Роман кўйларининг жунлари ингичка ва мулойим, кўйларнинг ўзлари бошқа калта ориқ думли зотларга нисбатан майдароқ. Роман кўйлари серпшўштли, 4-5 та қузи беради (ўртача 100 қўйга 250 қузи). Роман кўйларининг жунларида тивити қилтиққа нисбатан жуда куп. Шунинг учун роман кўйтерисининг жуни кам

кигизланади. Тивити жуда юмшок, одатда қилтиқ толаларидан ўсик, зич ва кўп (шунинг учун роман ярим пўстинлари енгил ва иссиқ). Қилтиғи қора рангли, тивити оқ ёки кул ранг; жун қоплами ҳар хил тўқликда кул ранг бўлиб кўринади. Ярим пўстиннинг оғирлиги 2,5-2,8 кг. Олдин бир марта қирқилган қўй терилари фақат кўполроқ ярим пўстинлар учун ишлатилади. 6-7 ойлиқ қўзи териларидан энг яхши ярим пўстинлар тайёрланади ва бир йилда қўзидан 600 г гача, катта ёшдагилардан эса 2 кг гача жун олинади.

Собиқ СССР хуудидида гўшт-жун зотли узун ориқ думли қўйлардан Украина, Татаристон, Ўрта Волга ва Шимолий Кавказда боқиладиган қишлоқ қўйлари номи билан аталадиган қўйлар кўпроқ тарқалган. Бу қўйлардан тивити кам бўлган дағал жун, гўшт ва сифати паст қўйтери олинади. Гўшт -жун зотли қўйларга тўлқинсимон қора ва оқ жунли Баку, Михнов ва юмшок ялтироқ жунли черкасс қўйлари киради.

Калта ва узун ориқ думли, гўшт-жун зотли қўйлар эмбрионларининг терилари (рус) гўлак, муҳайяр ва клям деб аталади. Дағал жунли (қуйрукли ва кўзи терси барралардан ташқари) ёши бир ойгача бўлган ёш қўзичалар териси рус барраси (мерлушка), бир ойдан олти ойгача ёшдаги, ҳали қирқилмаган жун қопламилари - тряска деб аталади. Кекса қўйлардан эса, дағал жунли қўйтерилар олинади.

Рус барраси ва эмбрионлар териларига дастлабки ишлов бериш яхши чиқмайди: тоза шилинмайди, айрим қисмлари етмасдан қолади ва ҳоказо. Улар ҳам гилам шаклида шилинади, куруқ тузлаш ва куруқ пресслаш йўли билан консерваланади.

Теричалар ранги бўйича жуда кимматли, бир рангли, жуда арзон, олачипор турларга бўлинади. Уларнинг нуқсонлари йиртиқлар, букламлар, кал жойлар ва тери қисмларининг етишмаслигига боғлиқ (кўпроқ эмбрионларда).

Гўлак. 3,5-4,5 ойлик эмбрионлар териси гўлак деб аталади. Жун қопламининг ўсиш даражасига қараб гўлак уч навга бўлинади. 1-навга жуда кам сезиладиган муҳайярли ва калта, зич жун қопламли теричалар киради; 2-навга жуда калта жун қопламли, муҳайярли теричалар; 3-навга жунсиз, майда, тери тўқимали юпка терилар киради.

Муҳайяр (Муаре). Муҳайяр (туғилишгача 10-20 кун бўлган эмбрионлар) гўлакка нисбатан каттароқ, шунинг учун уларда жун қоплами баландроқ ва тери тўқимаси зичроқ. Муҳайяр уч навга бўлинади. 1-навга - зич жун қопламли ва майдонида 75% дан кам

бўлмаган мухайяр теричалар; 2-навга - жун қоплами унча зич бўлмаган ва сатҳининг 50-75% да унча аниқ бўлмаган мухайярли; 3-навга - сатҳининг 50% дан кам бўлмаган ноаниқ мухайярли кўзича терилари киради.

Клям. Клям - (туғилишига бир оз кунлар қолган ёки 2-3 кунлик кўзичоқлар териси) жингалаклар ҳосил қилиб бошлаган баланд жун қопламли эмбрионлар теричаси. Клям икки навга бўлинади. 1-навга аниқ гулли ёки сатҳининг 50% гача ёлли; 2-навга гулли ёки сатҳининг 50% гача ёлли, ёки анчагина ўсган жун қопламли теричалар киради.

Барра (мерлушка). Бу (ўлган) кўзичаларнинг териси. Рус баррасининг жингалаклари суғ ривожланган, ҳар хил шаклда; териларнинг ён томонлари, боши ҳамиша кам сезиладиган оддий жун қоплами билан қопланган. Тери тўқимаси одатда юпка.

Рус барраси икки навга бўлинади: 1-навга йирик ва ўрта ҳалқасимон ёки нўхатга ўхшаш, унча ўсмаган жингалакли теричалар киради; 2-навга майда ҳалқасимон ёки пармасимон жингалакли ёки ўсиб кетган силлиқ жун қопламли (туғриланганда 4-8 см гача бўлган) теричалар киради.

Тряска. Тряска деб, қирқилмаган, асосан барра-сутли ва пўстинбоп зотли қўйларнинг ўлик туғилган, ўсик, майин пармасимон, ўралиб кетган ва ҳалқасимон жингалакли теричаларига айтилади.

Тряска теричалари икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга қоракўл ва уларнинг метислари ҳамда сокол, решитило, малич ва бошқа зотларнинг ялтироқ ҳалқасимон ёки пармасимон эластик жун қопламли тряскалар киради. Иккинчи гуруҳга калта думли, кўплаб дағал жунли (қўйруқларидан ташқари) тряскалар киради. Тряскалар икки навга бўлинади: 1-навга кўпроқ эластик ва зич жун қопламли теричалар; 2-навга камроқ зич ва кам эластик жун қопламли теричалар киради.

Ундан ташқари тряскалар бир хил тусли ва ола-чипор, сатҳи бўйича - йирик рангга бўялади. Оқ терилар кўпроқ кул ранг, сарғиш, платина ва бошқа рангларга бўялади. Жунлари чирмашиб кетган мўйнали барра, айрим ҳолларда баландлиги 6-8 мм гача қилиб қирқилади ва ҳар хил рангга бўялади. Узун рус баррасининг териси ҳам кўпинча қирқилади.

Мухайяр ва клямлар аёллар ёқаси, манто, жакетлар ва пардозлар учун, гўлак теричалари - баҳорги пардозлар учун, барралар-

эркаклар ва аёллар ёқалари, манто, жакетлар, финка телпачи, телпак (кулоқчин), Украинка, кубанкалар учун ишлатилади

Табийий рангли трыскалар махсус кийим ёқалари учун ёки пиджакнинг астарига ишлатилади. Айрим ҳолларда (қирқилган ҳолда) улар сассиккузан, сувсар, тоғ сувсари ва нутрияга ўхшатиб бўялади.

ДУМБАЛИ ҚҲЙЛАРНИНГ МҲЙНАЛИ ХОМ АШЁЛАРИ

Думбали қўйлар асосан гўшт ва ёғ олиш учун фойдаланилади, чунки уларнинг жуни дағал, қилтикли бўлганлиги сабабли фақат оддий сукно ва кигиз олиш учун яроқлидир. Уларнинг жунида эластик ва хира қилтиқлар кам, лекин ўлик жуналар кўп. Тивити жуда нозик ва юмшоқ. Жунининг ранги кўпроқ малла, қизғиш, ҳатто кул ранг, оқ ва қора бўлиши мумкин.

Вояга етган чўл зотли қўйларнинг терилари қилтикли толаларининг катталиги сабабли, мўйнага ўхшатиш учун ўнча яроқли бўлмайдн, улар кўпроқ пўстинбоп қўйтери учун ишлатилади. Кеч кузги ва қишки терилар тивитли (қилтиғи юлинган) қўйтери олишда яхши хом ашё ҳисобланади. Уларни тайёрлашда дағал қилтиқлари юлиб олинади ва мулойим тивити қолади. Баҳорги, ёзги терилар ва гўлаклардан чарм буюмлари олишда фойдаланилади.

Думбали зотли қўйлар эмбрионларнинг (ўлик туғилган ва қорнидан ёриб олинган) теричалари гўлак, муҳайяр ва қлям деб аталади. Булар қимматбаҳо мўйнабоп хом ашё ҳисобланади.

Чўл гўлаки - силлиқ ёки озгина сезиладиган муҳайяр ва қлям тобланишдаги, эндигина тери тўқимасини тешиб чиққан жун қоплам-ли 3,5-4 ойлик ўлик туғилган ва ёриб олинган эмбрионлар териси. Терининг ўлчами майда, тери тўқимаси юпка, ғовак, сағрисида қалинлашган, бўйни кенг, думсиз, териларининг ранги бир тусли, рангли ва ола-чипор.

Чўл муҳайяри. 4-4,5 ойлик, гўлакка нисбатан жун қоплами кўпроқ ривожланган, муҳайяр гўл ҳосил қилган, ўлик туғилган ёки ёриб олинган эмбрионлар териси. Териларнинг майдони гўлакка нисбатан йирикроқ, тери тўқимаси юпка, ғовак, сағриси қалинлашган, бўйни кенг ва думсиз.

Ранги бўйича бир тусли, рангли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Чўл клями - 4-4,5 ойлик ўлик туғилган ва ёриб олинган эмбрионлар териси. Жун қоплами муҳайяр гулли бўлади. Тери тўқимаси юпка, бўш сағри қисмида қалинлашган, бўйни кенг думсиз. Ранги бир тусли, рангли ва олачипор рангларга ажратилади.

Чўл барраси - (мерлушка) ёши бир ойгача бўлган кўзиларнинг териси. Жун қоплами дағалроқ, шишасимон ялтироқ ёки хира ва тўлиқ жингалакка эга бўлмаган қалам гул, ловия, ҳалқа ва нўхатчага ўхшаш жингалакли ҳамда тўғри ёки бир оз тўлқинсимон бўлади. Ранги бўйича бир тусли, рангли ва олачипор териларга ажратилади.

Чўл баррасининг териси хом ашё сифатида уч навга бўлинади: 1-навга ярим жингалакли валик, лобия, тарқалган нўхатча ёки ўрта ҳалқали; 2-навга тарқалган лобия, тарқалган нўхатча ёки сует ҳалқали; 3-навга ҳар хил узунликдаги (4-7 см дан юқори бўлган), зич жингалакли ёки жингалаксиз жун қопламли терилар киради. Майдони бўйича гуруҳларга ажратилмайди, лекин майдони 400 см² дан кам бўлган терилар яроқсиз ҳисобланади.

Сак-сак - ёши 1-6 ойгача бўлган, жуни ҳали қирқилмаган, юмшоқ кокилчалардан тузилган ҳалқали, камроқ пармага ўхшаш жингалакли, ўлган ёки мажбуран сўйилган ёш қўиларнинг териси. Жун қопламининг учи асосан малла ёки қизғиш. Тери тўқимси қалинлашган, бўш, сағриси атрофида қалин, терисининг сатҳи 18 дм² гача, бўйни кенг ва думсиз.

Чўл астарбоп қўйтериси - кокилчали тузилишдаги бир хилда бўлмаган тивитли, оралик ва қилтикли толалардан ташкил топган жун қопламли кекса қўйларнинг териси. Уларда қуруқ жунлар кўпроқ бўлади.

48-жадвал

Қўйтерининг турлари бўйича таърифи

Қўйтери турлари	Гуруҳи	Жун қопламининг таърифи
Рус қўйтериси	" - "	Барча дағал жун зотли қўйлар (калта думли, орик думли ва семиз думли), шу жумладан, дағал жунли Кавказ ҳамда кекса қорақўл қўйлар териси, жун қоплами ҳар хил. асосан тўлқинсимон кокилча тузилишли, тивити кўп, қуруқ ва ўлик толалар учраб туради.
Чўл қўйтериси	" - "	Думбали дағал жунли ва кекса қорақўл қўйлар териси, жун қоплами кокилча тузилишли, қилтикли ва тивит толали бўлиб, қуруқ ва ўлик толалар учраб туради.

ҚОРАҚҮЛНИНГ МҮЙНАЛИ ХОМ АШЁЛАРИ

Бизнинг қорақул қўларимиз, кўзиларининг чиройли ва чидамли терилари туфайли дунё микёсида танилган. Қорақул териларига бўлган мода дунё бўйича ниҳоятда турғун, уларнинг нархи баланд. Қорақул қўларидан ёғли (7-8% ёғ) сут олинади. Бу қўларнинг гўштлари яхши ва овқат учун фойдаланилади. Жунлари (Бухоро) ва териси дағал. Жунлари гилам ва дағал газламалар тўқишда қўлланилади. Қорақул қўлари йирик, она қўининг ўртача вазни 40-48 кг, қўчқорлариники - 48-80 кг.

Бизнинг республикамызда қорақулчилик жуда катта хўжалик аҳамиятига эга, чунки уларнинг терилари экспорт ва ички бозорлар учун мулжалланган.

Қорақул зотли қўлардан олинadиган мўйнабоп хом ашёлар. Қорақул гўлаки ўлик туғилган ёки қорнидан ёриб олинган 3,5-4 ойлик эмбрионларнинг терилари.

Терилари майда, тери тўқимаси нисбатан юпқа, жуда калта тери тўқимасидан эндигина ўсиб чиққан жун қопламли, зич, силлиқ ёки суи ифодаланган муҳайяр товланишли бўлади. Ранги бўйича қора, кул ранг, бир тусли, рангли ва ола-чипор бўлади. Думи асосида кенг, учи қисқа S-га ўхшаш шаклда.

Қорақулча - 4-4,5 ойгача бўлган ўлик туғилган, қорнидан ёриб олинган ёки чала туғилган эмбрионлар териси. Гўлакка нисбатан майдони бир оз катта, тери тўқимаси эса қалин. Жун қоплами ҳали калта, лекин гўлакка нисбатан ўсикрок, ялтироқ ипаксимон, ялтироқ, қорақул жингалаклари (валик, ёл гул) ҳали ривожланмаган, аралаш муҳайяр расмли. Тери тўқимаси юпқа, аммо зич. Думининг шакли-қорақул кўзиларига характерлидир. Ранги бўйича қора, кул ранг, сур, бир тусли, рангли ва ола-чипор териларни фарқлаш мумкин.

Қорақул - биринчи уч кунликда сўйилган янги туғилган кўзиларнинг териси. Терилари зич, эластик, ҳар хил даражада ипаксимон ва ялтироқ жун қопламли бўлади. Бўйин қисми жингалаклар билан қопланган, бўйин атрофидаги жунларнинг узунлиги 3-4 см гача етади. Кейинги оёқларининг сакраш бўғимларидан пастроғида силлиқ жунлари бўлиши мумкин. Думи қорақул кўзилари учун характерлидир (асосида кенг, учи қисқариб S-га ўхшаш). Тери тўқимаси ҳар хил қалинлик ва зичликда.

Ранги бўйича териларни қора, кул ранг, сур, бир тусли, рангли ва олачипор рангларга бўлиш мумкин.

Яхобоб - 8 дан 30 кунгача бўлган ўлат натижасида ёки мажбуран сўйилган қўракўл қўзиларининг терилари. Улар жун қошларининг ўсиқлиги, ҳар хил даражада ипаксимонлиги ва ялтироқлиги билан характерланади. Бўйни атрофидаги жунларнинг узунлиги (туғриланган ҳолда) 3-5 см га тенг. Териларнинг майдони қорақўлга нисбатан йирикрок. Тери тўқимаси қалинлашган ва зич.

Ранги бўйича қора рангли, бир тусли ва ола-чипор бўлади.

Тряска - ёши 1-6 ойлик, ўлган ёки сўйилган ёш қўзиларнинг терилари. Жун қошлари ҳали қирқилмаган, юмшоқ кокилчалардан тузилган, пармасимон, камдан-кам ҳалқасимон жингалакли. Тери тўқимаси қалинлашган, зич. Териларнинг майдони 18 дм² гача, ранги қора ва оқ бўлади.

Ўстинбоп қўтери - кокилли тузилишдаги, қилтикли ва тивит толаларидан ташкил топган бир хилда бўлмаган жун қошлари кекса қўйларнинг териси. Бу териларда кўплаб қуруқ ва ўлик толалар борлиги кузатилади. Тери тўқимаси қалин ва юмшоқ.

Қорақўл метис қўйларидан олинадиган мўйнабоп хом ашёлар. Қора-қўл метис хом ашёлари дағал жунли зотли она қўйлардан туғилган, жун қошларининг ҳолати бўйича қорақўл қўйлар билан чатиштирилган қорақўл зотли қўйларникига яқин бўлган кекса қўйлар ва қўйлардан олинади.

Ўулак - 3,5-4 ойгача бўлган ўлик туғилган ва ёриб олинган эмбрионларнинг терилари. Терилари майда ўлчамли, юпқа ва қалин тери тўқимали, калта, эндигина ўсиб чиққан жун қошлари, шишасимон ялтироқ, сезилар сезилмас муҳайяр тусли ёки муҳайяр хусусиятлари билан характерланади. Думининг шакли қайишга ўхшаш ёки понасимон, сезилар-сезилмас қорақўл қўйрукли бўлади.

Ранги бўйича қора, кул ранг, бир тусли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Метис қорақўлча - 4-4,5 ойгача бўлган ўлик туғилган ва ёриб олинган эмбрионларнинг териси. Терининг майдони ўулакка нисбатан каттароқ. Тери тўқимаси юпқа, аммо қалин. Жун қошлари калта, шишасимон ялтироқ, тоза зотли қорақўлчага нисбатан дағалроқ, кўпроқ ёки камроқ аниқ билинадиган муҳайяр расми.

Ранги қора, кул ранг, сур, бир тусли, рангли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Метис қорақўл-қорақўлча 4,5-5 ойгача бўлган ўлик туғилган ва ёриб олинган эмбрионлар териси. Териларнинг майдони метис қорақўлчасига нисбатан катта, лекин ўзи туғилган кўзиларникидан кичик бўлади. Тери тўқимаси юпка, аммо зич. Жун қоплами бир оз кўтарилган, лекин калта, дағалроқ шишасимон ялтироқ, ҳар хил шаклдаги ривожланмай қолган жингалакли. Думининг шакли - қорақўл метис учун хактерлидир. Ранги бўйича қора, кул ранг, сур, бир тусли, рангли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Метис-қорақўли - 1-3 кунлик янги туғилган кўзилар териси. Тоза зотли қорақўлдан фарқли ўлароқ кам ипаксимонлиги, дағалроқлиги, шишасимон ялтироқлиги ёки хира жун қоплами билан фарқ қилади. Жингалаклари ҳам тоза зотли қорақўлники каби, лекин улар унча аниқ ва эластик эмас, терида тез-тез тақир жойлар, парма, ҳалқа ва дифференциацияланган жунлар учраб туради. Орқа оёқлари (сақраш бўғинларидан юқори) бўш суст жингалаклар билан ҳамда силлиқ ёки бир оз кўтарилган жун қоплами билан қопланган бўлиши мумкин. Боши, бўйни, оёқлари суст муҳайярли ёки силлиқ жунлар билан қопланган. Думининг асосига бориб қисқарган, бир оз сезиладиган қуйруқ билан тугалланган ёки камарга ўхшаш бўлади. Ранги бўйича қора, кул ранг, бир тусли, рангли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Метис яхобоб - 8 дан 30 кунгача бўлган ёки мажбур сўйилган бир оз улғайган кўзилар териси. Улар жун қопламининг ўсиклиги, шишасимон-ялтироқлиги ёки хиралиги, ҳар хил шаклдаги тарқалиб кетган жингалаклари билан характерланади. Бўйни атрофидаги жунларининг узунлиги 3-5 см га тенг. Териларининг майдони метис қорақўлига нисбатан, анча катта, тери тўқимаси қалинлашган, говак. Ранги бўйича қора, кул ранг, бир тусли ва ола-чипор териларига ажратилади.

Метис - тряска ёши 1-6 ойгача бўлган ўлган ёки мажбур сўйилган ёш қўиларнинг териси. Жун қоплами кокилли тузилишга эга, шишасимон-ялтироқ ёки хира. Кокилчалари пармасимон ёки ҳалқасимон эгилган. Териларининг майдони 10 дм² гача, тери тўқимаси қалинлашган ва бўш бўлади. Ранги бўйича қора ва оқ териларга ажратилади.

Пўстинбоп қўйтери - кекса қўйларнинг териси. Жун қоплами кокилчалар қилтиқли, оралик ва тивит толалардан ташкил топган,

дағал, териларда тез-тез ўлик жунлар мавжудлиги кузатилади. Тери тўқимаси қалин ва буш.

Барра (смушка) зотли қўйлардан олинадиган мўйнали хом ашёлар. Барралиларга сокол, решитилова, молдавия (чушка) ва ма-лич зотли қўйлар киради.

Барра гўлаки - 3,5-4 ойгача бўлган ўлик тўғилган ва ёриб олинган эмбрионлар териси. Терилари эндигина тери тўқимасидан ёриб чиққан жуда калта жун қопламли, кул ранг, қора ёки бошқа рангли, муҳайяр тобланишли ёки усиз бўлади. Териларнинг ўлчами кичик, тери тўқимаси юпка, зич эмас. Думи қисқа камарга ўхшаш.

Барра муҳайяри - 4-4,5 ойгача бўлган ўлик ёки ёриб олинган эмбрионлар териси. Жун қоплами гўлакка нисбатан бир оз ривожланган, шишасимон-ялтироқ ёки хира, муҳайяр гули ҳосил қилган. Сатҳи бўйича гўлакка қараганда каттароқ, тери тўқимаси юпка ва зич. Жун қопламининг ранги қора, кул ранг, бир тусли, рангли ва ола-чипор бўлиши мумкин.

Барра клями - 4,5 -5 ойгача бўлган ўлик ёки ёриб олинган эмбрионларнинг териси. Жун қоплами дағалроқ шишасимон-ялтироқ ёки хира, эндигина жингалаклар ҳосил қила бошлаган муҳайяр гулли. Муҳайярга нисбатан териларнинг сатҳи йирикроқ, аммо тўғилган қўзиларга қараганда майда бўлади. Тери тўқимаси юпка, зич. Жун қопламининг ранги қора, кул ранг, бир тусли ёки ола-чипор бўлиши мумкин.

Барра (смушка) - тўғилганидан сўнг 3-10 кунгача бўлган қўзилар териси. Жун қоплами шишасимон-ялтироқ, кам ялтирайдиган ёки хира, ҳар хил типдаги жингалакли, ҳалқа, нўхатча, парма каби жингалаклар кўпроқ бўлади. Бўйни сийрак ва ёзилиб кетган жингалаклар билан қопланган, чекка қисмидаги жунлари тўғри ҳолатга келган бўлиб, жунларининг узунлиги қора баррада 3,5 см ва кул рангида 4 см дан ошмаслиги керак. Боши ва оёқлари асосан тўғри жунлар билан қопланган. Думи камарга ўхшаш ёки учбурчак, кўп ҳолларда тўғри жунлар билан қопланган бўлади. Тери тўқимаси юпка, зич. Ранги бўйича қора, кул ранг, бир тусли, рангли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Барра яхобоби - 10-30 кунлик мажбуран сўйилган ёки ўлган қўзиларнинг териси. Улар жун қопламининг ўсиклиги, лобия ёки ҳалқасимон шаклдаги сийрак тарқала бошлаган жингалаклари билан характерланади. Тери тўқимаси юпка, зич, териларининг майдони

баррага нисбатан йирик. Ранги бўйича қора, кул ранг, бир тусли, рангли ва ола-чипор териларга ажратилади.

Барра тряскаси - 1-6 ойлик, юмшоқ кокилчалардан ташкил топган, пармасимон эгилган, айрим ҳолларда ҳалқасимон жун қоплами ҳали қирқилмаган ўлик ёки мажбуран сўйилган, ёши улғайган кўзиларнинг териси. Жун қоплами оқ ёки қора рангли, тери тўқима-си юпка, зич, майдони 18 дм² гача бўлади.

Пустинбоп қўйтери - кокилча тузилишли, кўп миқдорда тивитли, бир хилда бўлмаган жун қопламли кекса қўйларнинг териси. Қўйтериларда айрим ҳолларда қуруқ ва ўлик толалар учраб туради.

Майин, ярим майин ва ярим дағал жунли қўйлардан олинadиган мўйнали хом ашёлар. Бу гуруҳга майин, ярим майин ва ярим дағал жунли (дурагай) қўйларнинг терилари қиради.

Ҳар хил жунли зотли қўйлар тивитидан ташкил топган майин жунли зотли қўчқорлар билан чатиштирилганда улардан олинган метисларнинг жунлари ҳақиқий зотларга нисбатан сийрақроқ бўлади ва ҳамиша ҳар хил пропорциядаги тивит ва қилтиқлардан ташкил топади. Метис қўйларда наслдан наслга ўтиш заиф бўлади, муҳит ва шароитнинг ўзгариши билан осонгина ўзгариб кетади. Метисларнинг белгилари хилма-хиллиги сабабли, терилари ҳам қиймати бўйича хилма-хил бўлади.

49-жадвал

Қўйтери турининг таърифи.

Қўйтерининг тури	Жун қопламининг таърифи
Майин жунли	Майин жунли қўйларнинг жун қопламининг асосий майдонида зич, бир хил, узунаси ва қалинлиги бўйича тенглашган, штапел тузилишда майин жунларга хос аниқ эгик-букик тивит толаларидан ташкил топган, ингичкалиги 60--сифатдан (23,1-25,0 мкм) кам эмас.
Ярим майин жунли	Ярим майин жунли қўйларнинг жун қоплами асосий майдонларида зич, бир хил, штапел тузилишда, урта ёки йирик эгик-букикли, чеккалари ва дум томонида жунлари штапел-кокилли тузилишга эга бўлган, барча майдонида айрим қилтиқли толалари ўсган қўйтерилари ҳам қиради. Толасининг ингичкалиги 48-50 - сифатли (25,1-31,0 мкм). Жунининг ингичкалиги 46 - сифатли (34,1-37,0 мкм) цигаи қўйларнинг териси. Ёш қўйларнинг терисидан сиртки штапелининг чўп-хас билан ифлосланиши мумкин.
Ярим дағал жунли	Жун қоплами бир хилда эмас, аралаш, штапел - кокилчали тузилишда, кўп миқдорда тивитли, узун, оралик ва қилтиқли жунли.

Метисларнинг жун қоплами ранги бўйича ҳар хил: оқ, қора, кул ранг, маллароқ, қизғиш ва ҳоказо. Энг қимматлиси оқ рангли, чунки улардан хоҳлаган рангни ўхшатиш мумкин, кам қимматлиси - қора, оқ ва ола-чипор, чунки бу териларни фақат қора рангга бўяш мумкин. Метис қўйлари дағал жунлиларга нисбатан юмшоқ, зич ва эгилган тивитли бўлади.

Барча ёшдаги мўйнали қўйтерилар пласт (гилам) шаклида ишлаб чиқилади, қирқилган ва қирқилмаган ҳолда қимматбаҳо мўйналарга ўхшатиб имитация қилинади.

Қўйгери турини аниқлаш. Қўйтериларнинг турини аниқлаш учун уларни навлаш столига тушалади ва жун қўриб чиқилади, шунинг билан биргаликда, жуннинг бир хиллиги, узунлиги ва органо-лептик усулида жуннинг сифати аниқланади. Текширишдан кейинги характеристикага мувофиқ, жадвалда кўрсатилган белгилар бўйича қўйтериларнинг турлари аниқланади.

Узун жунли имитация. Буларга шимол тулкиси, тоғ сувсари, енот, сассиққузан, қора қизғиш тулки ва фантазий рангларга ўхшатиб узун жунли имитацияга бўялган қўйтерилар киради, қирқилиб имитацияланганлардан фарқли ўлароқ, уларнинг жун қопламини табиий баландлиги сақлаб қолинади (улар фақат таралади ва момиклик бериш ва тўғрилаш учун дазмолланади). Бундай имитациялар фақат учи ўткир қилтиқларни тивитларнинг устидан кўтариб ва ажратиб туришидагина чиройли бўлади. Жун қоплами унча ўсган бўлмаслиги керак (тахминан узунлиги 4-8 см). Бундай имитациялар учун мулойим, жун қоплами қирқилмаган тряска ва сак-сак, ҳамда ёш қўйларнинг териларини ишлатиш яхши

Қирқилмаган имитация. Жун қопламининг баландлиги 8-20 мм гача қирқилган ва бўялган қўй териларни қирқилган имитация деб аталади. Хом ашёдан қирқилган жунлар сукно ва кигиз олишда ишлатилади.

Қирқилган терилар кўпроқ равшан ва тўқ жигар рангга нутрияга ўхшатиб бўялади ва ажойиб имитация олинади. Бундай имитациялар учун қорақизғиш, тўқ ва ола-чипор ранглардан ташқари (булар қирқилган ҳолда қора рангга ёки денгиз мушугига ўхшатиб бўялади) барча ранглар яроқли ҳисобланади. Қирқилган оқ қўйтерилари яна платина, сарғиш ва бошқа рангларга бўялади, айрим ҳолларда эса табиий рангида қолдирилади.

Махсус ишловлар қўллаш билан аэрограф, трафарет, резерв, устидан қоплаш ёрдамида фантазий рангларга бўялган ва ялтироқ жун қопламли жигар ранг кундуз ва денгиз мушугига ўхшатиб қирқилган имитация алоҳида кизиқиш туғдиради. Бундай ажойиб имитация учун жун қопламига олдиндан пухталиқ билан ишлов берилади (айиқса ёғсизлантиришда); унга ялтироклик ва тўғрилиқ бериш учун - спиртларнинг ҳар хил аралашмалари билан ишлов берилади ва юқори ҳароратда дазмолланади. Имитациянинг камчиликларига эпидермис билан ғуддачали қатламниг сусайиши киради, бу эса буюмнинг чидамлилигини камайтиради.

Сунъий жингалаклар олиш. Қўйтериларининг тўғри ўсган жун қопламларида сунъий жингалаклар олиш услуги тадқиқот этилган. Сунъий жингалаклар олиш учун олдиндан қайта тикловчи аралашмалар билан ишлов берилган жун қопламига иссиқ босиб нақш солиш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилган. Бу, жуннинг шакл олиш хусусиятини оширади ва зич жингалак олишга имкон яратиб беради. Иссиқ босиб нақш солиш кубали ва бошқа ёруғликка чидамли ранг берувчи бўёқлар билан бўялган ярим фабрикатларда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дағал жунли қўйтериларда мўйнали имитация сифатини (меринос цигай қўйлари ва уларнинг дурағайларига нисбатан) пасайтирувчи дағал сийракроқ жун қоплами ҳамда дағал тери тўқимаси кузатилиб туради. Улардан иссиқ ва чидамли пўстинбоп қўйтери буюмлари қилинади.

Қирқилган ва имитация қилинган қўйтерилар ишлов бериш услуги бўйича икки гуруҳга бўлинади: оддий ва махсус ишлов бериш. Қўйтерилар яна қуйидагиларга ажратилади: 1) майин, қалин, бир хил, майда, жун қоплами эгик-букик тивитли ва бўш тери тўқимали; 2) майинлиги камроқ, ўрта ва йирик эгик-букикли, жун қоплами кўп тивитли бўлган ва майин жунларга нисбатан тери тўқимаси анчагина зич ярим майин жунли терилар; 3) ҳар хил, силлиқ ёки муҳайяри жун қопламли, қилтиқ жунлари кўп ва тери тўқимаси ўрта зичликда бўлган ярим дағал жунли терилар.

Ушбу уч гуруҳ атрофида улар уч навга ажратилади: 1-нав - кўпроқ зич ва қалин жун қопамли; 2-нав - камроқ зич жун қопламли.

Терилар нуқсонлари бўйича чокларининг узунлиги ва йўналиши, синиши, тешиги, чеккасида қотиб қолган жойларининг борлиги ҳамда жун қопламининг ёғлилиги ва кигизланганлиги (айниқса мери-

нос кўйларда) га қараб беш гуруҳга бўлинади (А,Б,В,Г,Д). Улар қирқилаётган пайтида кўпроқ ёки етарли даражада қирқилади, жун қопламнинг айрим қисмлари юлиб олинади, бўйишда эса - доғлар ва бир текисда бўялмаган жойлар бўлади.

Қирқилган ва бўялган кўйтерилар манто, жакетлар, эркаклар, аёллар, болалар ёқалари ва қулоқчинлари, финка ва гоголь каби телпаклар олиш учун қўлланилади. Улардан эркаклар пиджаклари ҳам тикилади. Телпаклар учун мўйнадўзликка нисбатан (14-20 мм) калта қирқилган бўлиши керак (8-14 мм). Муҳайярга ўхшатиб имитация қилинган терилар аёллар мантоси, ёқаси ва пардози ҳамда бут қулоқчинлар учун ишлатилади. Қирқилмасдан енот, шимол тулкиси ва бошқаларга ўхшатиб имитация қилинган терилар, асосан аёллар ёқалари, горжетлар ва пардозлар учун ишлатилади.

Шленка (лямка). Майин жунли, ярим майин жун зотли ва уларнинг дағал жули метисларининг 1-1,5 ойгача ёшдаги жуни қирқилмаган қўзиларининг териси шленка (лямка) деб аталади.

Улар икки навга бўлинади: 1-нав- ҳалқасимон жингалакли, 2-нав - майдонининг 50% дан кўп жойида силлиқ жун қоплами бўлган терилар. Уларни болалар буюмлари, шлемлар, жилетлар, қўлқоплар ва қулоқчинлар олишда ишлатилади.

ЭЧКИЛАРНИНГ МЎЙНАЛИ ХОМ АШЁЛАРИ.

Ёши бир ойгача бўлган ҳар хил зотли уй сутли эчкиларидан ёриб олинган ёки ўлик туғилган улоқларнинг терилари мўйнали эчкича деб аталади. Улар гўлак, муҳайяр, силлик ва мўйнали турларга бўлинади.

Гўлакка (ёриб олинган ёки ўлик туғилган) жуда калта жун қопламли ва юпка тери тўқимали терилар; муҳайярга (1-нав) - калта, ялтироқ муҳайяр қилтикли терилар киради. Тивит зотли эчки терилари жунларининг ҳар хил таркиблиги ва ранги билан характерланади. Улар ингичка, узун қилтикли ва нисбатан калта тивитли бўлиб, феврал ва март ойларига бориб туллаш белгиларини беради. Мартнинг иккинчи ярми ва айниқса, апрел ойларида тивити тулик туллайди. Кузда сўйилган эчки терилари энг яхши мўйнали хусусиятга эга бўлади: ҳар хил жунли, юқори ипаксимон, ялтироқ, юпка ва енгил жун қопламли. 6-8 ойлик саркаларнинг терилари алоҳида мўйнали сифатига эга.

30-йилларгача тивитли эчки териларидан ярим фабрика тайёрлашда килтик толалари юлиб ташланар эди.

Эчки териси тивитининг ранги ҳар хил - энг қимматли тоза оқдан кам қимматли жигар ранг, ола-чипор ва қорагача бўлади.

Ишлаб чиқаришда қолдиқ сифатида олинадиган тивитлардан енгил, иссиқ ва ҳар хил рўмоллар (Оренбург) тўқилади. Килтиқлари эса дағал рўмоллар, ҳарбий сукно ва чўткалар олиш учун ишлатилади.

Ҳозир деярли барча чўл эчкиларининг терилари чарм ва пүстин буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

50-жадвал

Эчки турларининг таърифи.

Тури			Таърифи
Калта	жуңли	эч-киларнинг териси	Барча зотли улоқлар терисининг майдони 400 см ² дан кам. Жуң қоплами зич, ўрта ялтироқ, муҳайярли ёки силлик, узунлиги 4 см гача. Терининг чов қисми қалин жуң қоплами билан қопланган. Тери тўқимаси юпка ва тигиз.
Узун	жуңли	эчкиларнинг териси	Майдони 40 см ² дан кам бўлган барча зотли эчки улоқларидан олинган терилар. Жуң қоплами қалин, жу́да ялтироқ, муҳайярга ўхшаш ёки силлик, узунлиги 4 см дан ортик. Чотлари қалин жуңлар билан қопланган. Тери тўқимаси юпка ва зич.

УЙ ҚУЁНЛАРИНИНГ МҲЙНАЛИ ХОМ АШЁЛАРИ

Ҳозирги пайтда қуёнчилик хўжалиги кўп минглаб лаззатли гушт ва миллионлаб тери беради. Уй қуёнининг териси энг кўп тарқалган мўйналардан бири ҳисобланади. Қуёнлардан ўртача 1,5-2 кг дан 7 кг гача гушт олиш мумкин, ичаклари торлар ва товуқларнинг еми учун ишлатилади; панжалари, қулоқлари ва кесиклари - елим учун; суяклари (майдаланган ҳолда) - уй паррандаларининг еми озуқаси учун. Қуёнчилик Украина, Сибир ва Кавказда кенг тарқалган.

Агар терилари мўйна учун яроқсиз бўлса (сийрак жуңли), у ҳолда жуңсиз терилар чарм ва атторлик буюмлари, жуңлар ва фетр олиш учун ишлатилади. Ёзги териларининг тери тўқимаси қишқи териларга нисбатан сифати пастроқ, чунки улар кам зич ва дағалроқ.

Уй куёни териларини ишлатилиши бўйича икки гуруҳга бўлиш мумкин: мўйнали ва тивитли (ангорли).

Мўйнали гуруҳига жунларининг баландлиги 3-5 см ва қалин бўлган барча зотли уй куёнлари киради.

Мўйнали зотли куёнларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1-керакли рангдаги терилар ва энг қимматли гушт берадиган куёнлар; 2-қолган барча зотли, зотсиз ва ёввойи куёнлар. Биринчи гуруҳга олтита зот куёнлар киради: фландр, ок забардаст, шиншилла, вена ҳаво ранг, рекс.

Фландр (кул ранг забардаст). Жуда катта (тирик массаси 9 кг гача), узун, қалин, ялтироқ жун қопламли, одатда кул, тўқ кул ва қора (аляска) рангли куён.

Оқ-забардаст. Бир оз майдароқ (тирик массаси 2,5-6 кг), жун қоплами ўсик, бир оз дағалроқ, зич, ялтироқ, тоза оқ.

Шиншилла. Ўлчами ўртача (тирик массаси 3-5 кг), жун қоплами зич, баланд, ялтироқ. ипаксимон, кумуш кул рангли, ҳаво ранг тусли ва елкаси учи қора қилтиқли, қорни - очиқ кул ранг тусли.

Шампан. Ўрта ўлчамли, жун қоплами ўсик, зич, ялтироқ, очиқ ёки тўқ ҳаво рангли.

Рекс (калта жунли). Ўрта ўлчамли, жун қоплами калта, қалин, ҳар хил рангли, қилтиқлари тивитга нисбатан узунроқ (баландлиги 1,5-2,5 см) ва ундан жуда кам фарқ қилади, етакчи жунлари бўлмайди.

Иккинчи гуруҳга майда, калта жунли, ҳар хил рангли зотсиз куёнлар ва стандарт зотли куёнлар киради.

Мўйнали уй куёнлари тўрт гуруҳга ва шу гуруҳлар ичида улар жун қоплами ва тери тўқимаси ҳамда нуксонларига қараб тўрт навга ажратилади. Шунга қарамасдан тўртинчи навли терилар мўйна учун ишлатилмайди.

Куя тушган (50% гача), жунсиз, кўтир тери тўқимали терилар ва тери парчаларини қабул қилиш ман этилган.

Тивитли куён терилари қуйидагиларга ажратилади: 1-узун жунли, таралмаган, елкасидаги тивитининг узунлиги 4 см гача бўлган; 2-4 см кам тивитли. Ундан ташқари ушбу гуруҳлар ўз навбатида нуксонлари бўйича тўртта навга бўлинади.

Ангор тивитли зоти жунининг жуда узунлиги (30 см гача), зичлиги, майинлиги, жун қопламининг ипаксимонлиги бўйича фетр ишлаб чиқариш учун жуда катта аҳамиятга эга. Уларнинг қилтиқ

жунлари ҳам тивитга ўхшайди. Бир йилда битта ангор қуёнини тараш натижасида 500 г тивит олиш мумкин.

Тери тўқимасининг қалинлиги бўйича (елкасининг ўртасида) мўйнали қуён терилари қуйидагича бўлади: 1-қалин терири - 0,7 мм дан ортиқ; 2-ўрта қалинликда - 0,4-0,7 мм; 3-юпқа терири - 0,4 мм гача. Қалин тўқимали терилар ўртача 10% ни ташкил қилади, уларга махсус ишлов берилади. Катта қуёнлар бир марта туллайди. Болалари эса икки марта (ёшига қараб) туллайди - биринчи тўлик - 1,5-2,5 ой, иккинчи - 3-4 ойда.

Уй қуёнларининг терилари трубка шаклида шилинади. Шилиш пайтида боши, орқа оёғи ва думи сақланиб қолинади, пресслаб қуритиш услуги билан консерваланadi.

Уй қуёни болалари терисининг майдони 300 см^2 кам бўлмайди, бирламчи жун қоплами унча баланд эмас, тулламаган тери тўқимаси нозик ва бўш.

Уй қуёнининг терилари беш ўлчамга бўлинади: 1-жуда йирик А-майдони 1900 см^2 дан ортиқ; 2-жуда йирик Б- $1600\text{-}1900\text{ см}^2$ 3-йирик - $1300\text{-}1600\text{ см}^2$; 4-ўрта - $100\text{-}1300\text{ см}^2$; 5-майда - $500\text{-}1000\text{ см}^2$.

Уй қуёни болаларининг терилари навларга ва ўлчамларга бўлинмайди.

Ишлов берилган табиий рангли уй қуёни терилари юқорида қайд этилган зотларга ва турт навга бўлинади.

Қуйидаги жадвалда мўйнали ва тивитли уй қуёнларининг навлари бўйича таърифи келтирилган.

Қўпчилик терилар бойитилади, чунки уларнинг озгина қисмидан мода талаби бўйича мўйна буюмлари ишаб чиқариш учун (табиий рангидан) фодаланилади (шиншилла, қумуш ранг, шампань). Қолган қисми бўялади ва уларнинг ранги ва нави бўйича ҳар хил катта жунли ва узун жунли имитацияларга бўлинади (сувсар, қорақузан, олмахон, нутрия дентиз мушуги, крот ва ҳоказоларга ўхшатиб имитация қилинади).

Нави	Териларнинг жун қоплами ва тери тўқимасининг таърифи	
	Муйнали	Тивитли
Биринчи	Тула жунли, ривожланмаган қилтик ва тивитли. Питр ёғи тоза. Бир оз унча яхши ривожланмаган қилтик ва тивит жунлари. Ёнбош ва қорин тарафида кўкимтир ранглар (2 см гача) ҳамда гуштпардада кўкимтир доғлар (агар бу доғлар майдонининг 1%-дан ошмаса) рухсат этилади.	Елкаси ва қорин томонида тулик жунли, таралмаган. Елкасидаги тивити 4 см дан ортик.
Иккинчи	Камрок тулик жунли, унча яхши ривожланмаган қилтик ва тивитли. Гуштпардаси тулик ёки ҳар-ҳар жойида кўкимтир, елкасининг уртасида гуштпардаси тоза ёки озрок кўкимтир бўлиши мумкин.	Камрок тула жунли туллаш арафасида турган, озрок тивитлари тушган, енгил таралган, ялонғоч ёки етарли даражада қорин томони ўсмаган терилар. Пишмаган жун қопламли, елкасидаги тивити 4 см гача бўлган.
Учинчи	Ярим жунли, қалта қилтик ва тивитли, гуштпардаси тулик ёки ҳар-ҳар жойида кўки бўлган терилар.	
Тўртинчи	Сийрак қилтик ва тукли, актив туллаш даврида, ўта пишиқ жун қопламли, елкаси қилтиксиз, пишмаган қалта тукли терилар. Гуштпардаси тула ёки узук-узук кўкимтир. Иккинчи гуруҳ терилари учун белгиланган меъёрдан нуксони кўп бўлган терилар (50% дан кўп бўлмаслиги ва йиртиг терининг бир ярим баробар узунлигдан кўп бўлмаслиги керак). Майдонининг 50% гача қуя тушган ёки кўнғизок еган ва кўтир бўлган ҳамда қотиб қолганг терилар рухсат этилади.	Биринчи ва иккинчи нав талабларига жавоб бермайдиган (тивитининг баландлиги ва зичлиги бўйича) ҳамда иккинчи гуруҳлар учун белгиланган нуксонлари бўлган терилар.

Қирқилган ва эпилировка қилинган уй қуёни терилари қалин ва йирик жунли бўлади. Улар олий, 1 ва 2-навларга бўланади. Олий нав - жуда қалин, ялтирок, ипаксимон жун қопламли, айниқса ёнбошларида майдонининг 15% гача; 2-нав - янада сийрак жун қопламли (айниқса ёнбошларида 30% гача).

Қирқилмаган терилар (қора ва ҳар хил рангга бўялган) уч навга ажратилади, ишлов берилган табиий рангли терилар - олий ва уч навга бўлинади.

Қирқилган ва эпилировка қилинган терилар нуксонлари бўйича гуруҳларга бўлинади (А,Б,В).

Қирқилган ва эпилировка қилинган денгиз мушугига ўхшатиб имитация қилинган уй қуёни терилари манто, аёллар ёқаси, эркаклар ёқаси, телпаклар, бадейкалар ва бошқа буюмлар олиш учун ишлатилади.

Сувсар, қоракузан ва лютерга ўхшатиб имитацияланган терилардан мантолар, болалар пальтоси, аёллар ёқаси ва пардозлар тайёрланади. Ёзги терилар кўпинча ишлов берилган ҳолда (бўялмаган) жилетлар, энглар ва қўлқопларга астар сифатида, хом ашё ҳолда эса - чармлар олишда (агар улар мўйна учун яроқсиз бўлса) ишлатилади. Бошларининг териларидан болалар пальтоси ва жакетлар тикилади.

УЙ МУШУГИНИНГ МЎЙНАЛИ ХОМ АШЁСИ

Уй мушугининг териси икки гуруҳга бўлинади: 1-унча узун бўлмаган (3,5 см гача), нисбатан дағал жунли майин тивитли уй мушуги; 2-узун, тоза, ипаксимон жун қопламли, тивитли уй мушуги (ангар).

Мушук терилари ҳар хил бўлган имитациялар учун тула яроқли, айрим ҳолларда табиий рангли терилар ҳам ишлатилади.

Мушукларни сўйиш йил мобайнида рухсат этилган. Шунинг учун улар тўрт навга ажратилади: 1-нав - қишки тулиқ жунли, зич тери тўқимали; 2-нав - кеч кузги, камроқ тула жунли, елкаси сийрак тивитли, калта жун қопламли; 3-нав - кузги, ярим жунли, сийрак тивитли ва қалинлашган тери тўқимали; 4-нав - ёзги, калта, деярли тивитсиз дағал жун қопламли ва қора, доғли тери тўқимали.

Ўлчамлари бўйича мушук терилари тўрт гуруҳга бирлаштирилади: йирик (майдони 1000 см² дан ортиқ), ўрта (750-1000 см²), майда (350-750 см²) ва мушукчалар (350 см² гача).

Мушук терилари ҳар хил рангли бўлади: тутун, ярим тутун, йўлбарс ва кул ранг, малла-сарик, оқ, қора ва ола-чипор.

Терилар трубка шаклида шилинади ва боши, оёқлари ҳамда думи сакланиб қолинади. Пресслаб-қуритиш усулида консерваланади.

Ишлов берилган мушук терилари хом ашёлар сингари турт навга бўлинади.

Қирқилган мушук терилари икки гуруҳга (эпилировка қилинган ва қирқилган) ва икки навга бўлинади (қалин ва сийрак).

Қуйидаги жадвалда мушук териларининг таърифи берилган.

52-жадвал

Хом ашё гури ва нави	Тери тўқимаси ва жун қопламанинг таърифи
Мўйнали уй мушугининг терилари	Жун қоплами яхши дифференциацияланган, қўп қилтиқ жунли (узунлиги 4 см дан кам) ва қалин тивитли. Тери тўқимаси ўрта қалинликда, бўйин томонида бир оз қалинлашган.
Тивитли мушук териси	Жун қоплами узун (4 см дан ортиқ), камрок таранг, тивитдан кам фарқ қилувчи ингичка узун қилтиқли. Тери тўқимаси ўрта қалинликда, бўйин томонида бир оз қалинлашган.
Биринчи	Тула жунли, ўсик жун қопламли, ялттирок қилтиқли ва қалин тивитли.
Иккинчи	Камрок гула жунли, унча ривожланмаган қилтиқли ва елкаси бўйича сийрак тўқли, бўйида жун қоплами калта.

1 ва 2-навли тугунга ўхшаш, қул ранг ва йўлбарс терисига ўхшаш табиий рангли терилардан манто ва жакетлар тикилади. Денгиз мушугига ўхшатиб имитация қилинган мушук териларидан манто, ёқалар, пардозлар, телпаклар тайёрланади. Мушук болаларининг териларидан пластинага ўхшатиб 3-4 ва 5 қаторли мўйна тикилади. Улардан енг астарлари ва жилетлар тикиш учун фойдаланилади.

ИТЛАРНИНГ МЎЙНАЛИ ХОМ АШЁЛАРИ

Қўплаб зотли итларнинг терилари уларнинг товарли сифатига қараб чарм буюмлари ва мўйна учун ишлатилади.

Итларнинг мўйнали терилари деб, асосан қиш, куз ва баҳор олдида сўйилиб олинган териларига айтилади, чунки улар мўйна олиш учун тўлиғича яроқли ҳисобланади. Чарм буюмлари олиш учун одатда жунлари тушган, сийрак жунли ва тери тўқимаси яхши ёзги ит терилари ишлатилади. Итларнинг танаси куйдирилиб техник салалар олинади, улар мўйна ва чармларни ёғлашда муҳим маҳсулот бўлиб ҳисобланади. Дайди, қутирган, тажриба қилинадиган итларни йил мобайнида сўйилиши натижасида ёзги ва кузги териларнинг маълум бир қисми ҳамиша бор бўлади. Ўлган итларнинг орасида

кўплаб жун қоплами ва тери тўқималари касалланган терилар учрайди.

Мўйнали итларнинг асосий қисмини зотсиз итлар ташкил қилади, уларнинг жун қопламлари яхши бўлади. Зотли итлардан энг яхшилари лайка ва авчаркалар ҳисобланади.

Ит терилари уч навга бўлинади. Уларнинг навлари зотлари ва яшаш жойларига боғлиқ. 1-навга қишки, тўла жунли, ўрта ёки ўсик, қалин жун қопламли терилар киради; 2-навга ярим тўла жунли, калтароқ, лекин қалин жун қопламли ва қишки, кам ўсадиган зотли ҳамда узун қўйга ўхшаш жунли ит терилари (рус авчаркаси); 3-навга калта дағал жун қопламли ёзги, деярли тивитсиз, қалин тери тўқимали, калта жунли ва сийрак жунли итлар териси.

Ит терилари асосан сарик, жигар ранг, қора, оқ, ола-чипор ва бўрининг рангига ўхшаш бўлади.

Қуйидаги жадвалда ит териларнинг мўйнали навларига таъриф берилган.

53-жадвал.

Нави	Тери жун қопламининг таърифи
Итнинг мўйнали териси	Жун қоплами мутоносиб (упругий), яхши дифференцияланган, қалин тивитли ва сийрак қилтиқли. Тери тўқимаси зич ва қалинлашган.
Биринчи	Тўлиқ жунли, ўсик ёки ўрта узунликда, қалин тукли ва сийрак қилтиқли.
Иккинчи	Ярим жунли, калта, ўсик ёки ўрта узунликда, қалин тукли ва сийрак қилтиқли.
Учинчи	Калта, дағал деярли тивитсиз, дағал гуштардали.

Ит терилари ўлчамлари бўйича учта гуруҳга бўлинади: йирик (3000 см^2 ортиқ), ўрта ($2000\text{-}3000 \text{ см}^2$) ва майда ($1000\text{-}2000 \text{ см}^2$).

Ит терилари гилам шаклида шилинади, кўпинча куруқ пресслаш усулида, айрим ҳолларда эса намакоблаш ва тузлаш усулида консерваланadi.

Ишлов берилган ит терилари уч навга бўлинади (1,2,3). Табиий рангли терилар бир тусли (қимматбаҳо) ва ола-чипор бўлади. Ит териларининг деярли ҳаммаси имитация қилинади ва бўялади. Улар қирқилмаган ҳолда елотга ўхшатиб (оқ, кул ранг ва бўри рангли), жигар ранг (кўпроқ сарик ва маллароқ) ва қора (лютер - барча рангли терилар) рангларга бўялади.

Жуда калин жунли териларни (асосан 1-навли) денгиз мушугига ўхшатиб бўйшада, уларни уй қуёни ва мушуклар сингари эпилировка қилинади (бўйшдан сўнг), айниқса эпилировка ҳолда ит болаларининг териларидан яхши майин жунли ва юпка тери тўқимали имитация олинади.

Яхши табиий рангли терилар кўпинча унтлар ва ухлаш учун қоплар, ёмонлари - астарлар учун ишлатилади (Шарқий Сибирь, Ўзоқ Шарқ). Табиий рангли узун, лекин сийрак жун қопламли ит терилари тулупларга, елотга ўхшатиб бўялган ва жигар рангли терилар эса аёллар ёқалари учун, қора ранга бўялган ва табиий рангдаги калта жунли терилар - эркаклар пиджаклари ва аёллар ёқаси учун ишлатилади.

Ит жунларини тўқимачилик саноатида ҳам ишлатиш мумкин.

МЎЙНАЛИ ТОЙЧА

Мўйначилар XIX асрлардаёқ от терилари билан қизиқганлар, чунки улар арзон ва чиройли. Афсуски йирик от терилари фақат чарм буюмлари учун яроқли, чунки уларнинг жун қоплами жуда сийрак, дағал ва тери тўқимаси зич ва қалин. Шунинг учун улар мўйна учун яроқсиз ҳисобланади. Лекин тойчаларнинг айрим қисмлари (айниқса зотли отлар) ишлов берилгандан сўнг улар мўйна учун яроқли ҳисобланади.

Бир ёшгача бўлган тойчоқ терилари мўйна ва чарм буюмлари (от хроми) олишда фойдаланилади.

Тойча терисининг жун қоплами асосан қилтиқ ва унча кўп бўлмаган тивит жунларидан ташкил топган. Яхши боқилган ва зотли отлардан туғилган тойча териларидан ялтироқ, қалин ва калта жунли яхши терилар олинади.

Ёшлари ва товарли хусусиятлари бўйича тойча терилари (уч ойгача) чала туғилган тойча, сут эмадиган тойча ва уросток (сув ичидиган ва хашак ейдиган уч ойга яқин) турларига бўлинади.

Юқорида қайд этилган мўйнали тойча терилари ёшига қараб жун қопламининг узунлиги ва қалинлиги бўйича навларга ажратилади (жунлари қанча узун ва сийрак бўлса, навлари шунча паст бўлади ва чала туғилган тойча гуруҳига киради). Узун жунли терилар унча чиройли бўлмайди.

Чала туғилган тойча. Охирги эмбрионал ривожланиш давридаги чала туғилган ёки ўлик туғилган тойчаларнинг териси - чала туғилган тойча, гуруҳига кириди. Уларнинг жун қоплами шунчалик калта бўладики, ҳатто уларни қўл билан турғизиб бўлмайди. Тери тўқимаси жуда юпқа ва ёллари унча тараққий этмаган.

Сут эмадиган тойча. Икки ойгача ёшдаги тойчалар. Жун қоплами она қорнидагидек ялтироқ, қалин, ҳар хил баландликда, лекин ўсик ва ёллари калта. Улар жун қопламининг баландлиги бўйича уч навга бўлинади: 1-нав (тахминан 1 см баландликда) - калта, қалин, зич ва ялтироқ жун қопламли, бир оз қалинлашган, тери тўқимали; 3-нав-янада ўсик, унча қалин бўлмаган ва камроқ ялтироқ жун қопламли ва қалинлашган тери тўқимали.

Уросток. Сув ичадиган ёки емиш ейдиган тойча териси (одатда икки ойдан ортиқроқ ёшда). Жун қоплами (туллаган) кам ялтироқ, сут эмадиган тойчаларга нисбатан дағалроқ, кам тивитли, чотлари деярли жунсиз (тойчаларда туллаш чотидан бошланади). Кузда тивит жунлари кўпроқ ўсиб чиқади. Тери тўқимаси жуда зич, қалин, ёли ва думи узунроқ, териси эса йирикроқ.

Уросток терилари икки навга бўлинади: 1- нав- муҳайяр (муар)ли; 2-нав муҳайярсиз. Уларнинг тери тўқималари, сут эмадиганларига нисбатан қалин, зич ва оғирроқ.

Шундай қилиб, терилар қанча катта бўлса (ёши бўйича), улар шунча йирик, узун жунли, тери тўқимаси қалин ва зич бўлади.

Муҳайярли тойчаларнинг бир партиясидаги умумий муҳайярли терилар сони 15-20% га етади, шунинг билан бирга бу муҳайярлар тўлиқ - терининг барча майдонида ёки фақат елкасининг пастки қисмида бўлиши мумкин (ярим муҳайяр). Муҳайярли терилар силлиқларига нисбатан қиммат туради.

Тойча терилари навлари муҳайяридан ташқари ўлчамлари. ва нуксонлари бўйича ҳам бирлашади. Жун қопламининг ранги бўйича рангли, қизил ва ола-чипорлиларга ажратилади. Рангли териларга қора, жигар ранг, тўқ пўлати ва бошқа рангли терилар кириди. Рангли терилар қизил ва ола-чипор териларга нисбатан юқори баҳоланади, улар бўялмайди. Баҳоси одатда қизил терига нисбатан 25% юқори бўлади.

Қизил териларга бир тусли сариқ, қизил, қизғиш-қизил жун қопламли, ҳамда ёнбошларида доғлари бўлган рангли терилар кириди. Улар қора, жигар, ранг ва бошқа рангларга бўялади.

Жун қопламида (оёғи ва бошидан ташқари) бошқа рангли доғлари бўлган терилар ола-чипор ҳисобланади. Одатда бундай терилар қизил териларга нисбатан 25% арзон туради. Чунки уларни қора рангдан ташқари бошқа рангларга бўяш имконияти бўлмайди. Ўртача 100 та тойча терисида 15% гача ола-чипор терилар бўлиши мумкин.

Сут эмадиган тойча терилари ўлчамлари бўйича икки гуруҳга бўлинади: йирик (майдони 3300 см² дан ортиқ) ва майда (3300 см² гача). Чала туғилган ва уросток терилари гуруҳларга бўлинмайди.

Терилари гилам шаклида шилинади, ёғсизлантирилади ва узунаси бўйича текисланади. Қуруқ пресслаш ва айрим ҳолларда тузлаб консерваланadi.

Тойча териларини ишлов беришдан олдин ҳисобга оладиган ўзига хос хусусиятларидан бири, териларнинг айрим қисмларида бир хил хусусиятга эга эмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун уларни икки қисм - олд қисми ва сағрисига ажратилади. Олд қисми нисбатан бўш, говакли ва сағринига нисбатан юпқароқ ва бўшроқ.

Тойча терилари кўпроқ қора, жигар ранг, айрим ҳолларда бошқа рангларга бўялади (кофе ва бинафша ранг).

Чала туғилган ва сут эмадиган тойча териларидан манто ва жакетлар тикилади. Узун жунли тойчадан (3-навли) эркаклар пиджаклари ва пўстинлари тикилади.

Тақир (голяк)лари - шапкалар ва фуражкалар, чала туғилган тойча терилари - кепка, фуражка ва джемперлар тикиш учун ишлатилади. Бош ва оёқлари терисидан манто ва жакетлар тикилади.

МУЙНАЛИ УПУҚА

Упуқа (опоек) - бу чала ва ўлик туғилган ёки 5-6 кунлик бузоқча териси.

Энг яхши упуқа собиқ СССР нинг Европа қисмининг шимолий ва ғарбий районларидан олинади. Сибирь ва Ўрта районларидан олинadиганлари мўйна буюмлар учун кам яроқли ва дағалроқ.

Упуқанинг жун қоплами тойчаларниқига нисбатан каттароқ ва тивитли. Ундан ташқари ҳар қандай бузоқчада ҳам ёллари бўлмайди. Тери тўқимаси бўйнида зичроқ, тойчада эса сағрисида зичроқ бўлади. Ўсимликлар билан озуқаланишга ўтган бузоқча териларининг тери тўқимаси қалинроқ ва дағалроқ, жун қоплами ҳам дағалроқ ва сий-

ракрок бўлади. Шунинг учун улар мўйна буюмлари тайёрлаш учун кам яроқли ҳисобланади.

Мўйнали упуқанинг аҳамияти унча юқори эмас, чунки улардан қилинган буюмларнинг чидамлилиги камрок, жун қоплами тезда қирилиб қолади.

Упуқа жун қопламининг узунлиги бўйича жунли ва яланғоч (голяк) гуруҳларига бўлинади.

Жунли упуқа. Улар жун қопламининг зичлиги, баландлиги ва ялтироқлиги бўйича уч навга бўлинади: 1-нав- ялтироқ жун қопламли, узунлиги 1 см дан кам; 2-нав- зич жун қопламли, узунлиги 1-2 см; 3-нав- 2,5 см.

Яланғоч упуқа (голяк). Жун қоплами калта, эндигина ривожлана бошлаган, айниқса сағрисида. Тери тўқимаси жуда юпқа.

Хўл упуқа ранги бўйича учта гуруҳга бўланади (рангли, қизил ва олачипор). Расми бўйича муҳайярли ва силлиқ бўлади. Упуқанинг нуқсонлари тойчаникига ўхшаш.

Жунли упуқа ишлов берилгандан ва бўялгандан сўнг хом ашёси каби уч навга бўлинади. Яланғоч упуқа эса яна қўшимча уч навга ажратилади: 1-нав ялтироқ жун қопламли; 2-нав- жуда калта ва сийрак жун қопламли; 3-нав юпқа, энди ривожлана бошлаган жун қопламли. Ишлов берилган упуқа териси ранги, нуқсони ва муҳайярли бўйича ишлов берилган тойча териси каби навланади. Терининг майдони тери узунлигини (бўйин остидан думини ўзагигача) унинг ўртача кенлигига кўпайтириш билан аниқланади.

Упуқа ҳам тойча териси каби қора, жигар ранг ва бошқа рангларга бўлинади.

V-ҚИСМ

МҲЙНА - ТЕРИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРИ

МҲЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

Терининг охирги қиймати мўйна товари сифатида ишлов бериш ва қисман бўялган ҳолати билан аниқланади.

Консерваланган хом материаллардан кийиш учун яроқли бўлган буюмлар тикиш мақсадида уларга хом ашё фабрикаларида ишлов берилади. Ишлов бериш қатор кимёвий ва механик операциялардан ташкил топади. Бу операциялар натижасида қотиб қолган терилар юмшоқ, пластик, чиришга чидамли ва енгил ҳолатга ўтади.

Ишлов беришнинг айрим операцияларида тери таги клетчаткасининг кераксиз қисмлари олиб ташланади, пикеллаш, ошлаш, ёғлаш, куритиш ва пардозлаш операциялари ёрдамида терилар мўйна буюмлари тикиш учун яроқли ҳолатга келтирилади.

Ишлов бериш натижасида терилар қатор янги товарли сифатларга эга бўлади. Ўзининг табиий рангини албатта сақлаган ҳолда жун қопламининг мутлақо тозаланиши ва ялтироқлигини ошиши (бўялмаган терилар учун) юмшоқлиги, пластиклиги ва нисбатан бир хиллиги, терининг енгиллиги, мустаҳкамлиги ва чириш жараёнларига чидамлилиги ҳамда кўплаб нуқсонларнинг бўлмаслиги.

Териларнинг бундай хусусиятлари яқин йилларгача фақат ташка томонидан кўриш-органолептик усули билан баҳоланиб келинган, чидамлилиги (мустаҳкамлилиги) эса - фақат улардан қилинган буюмларни кийишда амалий тажриба асосида аниқланган. Илмий лабораторияларда ва асосий мўйначилик саноатининг илмий-тадқиқот институтида кейинги йиллар мобайнида илмий маълумотларга асосланган ҳолда, териларнинг сифатини аниқлаш бўйича қатор объектив услублар яратилди. Тери тўқимаси ва жун қопламининг мустаҳкамлиги ҳамда тери тўқимасининг қайишқоқлигини аниқлашдаги механик услублар, тери тўқимасининг намланиши ва пишиш ҳароратини аниқлашда физик услублар, намлик, кул, ёғ ва кислота микдори ва бошқаларни аниқлашдаги кимёвий услублар.

Териларда еттигача оксил моддалар мавжуд. Бу оксиллар териларга ишлов берилгандан кейин ҳам муҳим аҳамиятга эга. Булар альбуминлар, глабулинлар (терининг лимфаларида ва конда), муцин-

лар ва мукоидлар (дерманинг толалараро моддалари, териларга ишлов беришда уларни максимал сақлаб қолиш керак) эластинлар (асосан дермада бўлади), кератинлар (эпидермис ва жуннинг таркибий қисми) ва меланинлар (пигмент оксиллари). Бу оксиллар ўзларининг индивидуал хоссаларига эга ва улар кимёвий таркиби билан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун бу белгилар териларга ишлов бериш пайтида ҳисобга олинади. Териларга ишлов беришда улар альбумин, глабулин ва муцинлардан тўлиқ тозаланади, бошқа оксиллар эса сақлаб қолинади.

Ҳозирги вақтда фабрикаларда териларга ишлов беришнинг икки усули ишлатилади: пикеллаш ва кваслаш, орқасидан ошлаш ва ёғлаш.

Фабрикада териларга ишлов бериш жараёнини уч гуруҳга бўлиш мумкин: тайёрлов, асосий (ишлов бериш) ва пардозлаш жараёнлари.

ТАЙЁРЛОВ ЖАРАЁНЛАРИ

Териларга ишлов бериш жараёни фақат хом ашёларни пухталик билан тайёрлагандан сўнг туғри қўйилиши мумкин.

Тайёрлов жараёни қуйидаги операцияларга бўлинади: ишлаб чиқариш навларига ажратиш, ифлос ва қолдиқлардан тозалаш (обрядка), тамғалаш, савалаш (порка), ивитиш, питр ёгдан тозалаш ва рандалаш; ёғсизлантириш.

Ишлаб чиқариш навларига ажратиш. Хом териларни товар сифатида баҳолаш мақсадида ўтказиладиган стандарт навлашдан, ишлаб чиқариш навлашнинг фарқи, териларга ишлов бериш пайтида аҳамиятга эга бўлган сифат белгиларини ҳисобга олишдир.

Ҳатто бир турдаги териларнинг сифат белгилари уларнинг беш турдаги ўзгарувчанлиги натижасида ҳар хил даражада бир-биридан фарқ қилади.

Белгилари бўйича максимал яқин бўлган терилар бир хил турдаги партияларга йиғилади. Бундай партияларга танлаш, териларга барча жараёнларда ишлов бериш учун бир хил шароит яратишга имкон туғдиради. Аксинча эса яхши сифатли маҳсулот олиш қийинлашади.

Хом териларга ишлов бериш учун ишлаб чиқариш партияларига ажратишда уларнинг саккизта белгиси ҳисобга олинади: нави, кон-

сервалаш ва шилиш услуби, шилиш усули, ўлиш шароити (сўйилган ёки ўлган), нуқсони, тери тўқимасининг қалинлиги, ёғлилик даражаси, ўлчами. Масалан, ҳар хил услубда консерваланган терилар ҳар хил усулда ивителиди.

Нуқсонлари (чириган, куйган, кал, йиртиқ, тешик ва ҳоказо) бўлган хом терилар алоҳида партияларга тушланади ва махсус технологик услуб бўйича ишлов берилади. Булардан олинган ярим фабрикатларнинг сифати нормал ҳолдаги нуқсонсиз хом ашёлардан олинган ярим фабрикатларга нисбатан анча паст бўлади.

Ўлик ҳайвонларнинг терилари (тўқ қизил тери тўқимали)га бошқача ишлов берилади, чунки уларнинг тери тўқималарини эластиклиги кам ва тезда чириydi.

Ифлос ва қолдиқлардан тозалаш, тамғалаш ва савалаш. Териларнинг ҳар бир партиясини ҳисобга олиш учун терилар алоҳида тамғаланади. Бунинг учун тамғалаш машинаси ва болғалардан фойдаланилади. Тамға рақам ёки ҳарф турида териларнинг унча зарур бўлмаган жойларига қўйилади (боши, почаси, чови).

Териларнинг айрим турлари ишлов беришдан олдин ифлосликлар ва қолдиқлардан, яъни мўйна олиш учун яроксиз (масалан, юморқозиқ ва суғурнинг думлари) ёки унча қимматли бўлмаган (тойчоқ ва упуқанинг боши ва оёғи) ва тузилиши бўйича терининг асосий қисмидан тубдан фарқ қиладиган жойлари тозаланadi. Гилам шаклида шилинган териларга ишлов бериш (питр ёғдан тозалаш, қуриштиш, пардозлаш) трубка ёки чулкига ўхшатиб шилинган териларга нисбатан бир мунча енгил ва тез бажарилади. Гилам шаклида шилинган териларга конструкция қилинган машиналарда ишлов бериш мумкин, юмалоқ терилар учун эса машиналар ҳозирча жуда кам (олмахонни питр ёғдан тозалайдиган Шебер машинаси бундан истисно). Шунинг учун чулки ёки трубка шаклида шилинган териларнинг айрим турлари (савалаганда сифати пасаймайдиган), кўпинча қорин тарафидан (агар у жойи кам қимматли бўлса) ишлов беришдан олдин саваланади. Шунда, трубка ёки чулки шаклидаги териларнинг сифати ишлов бериш пайтида осон назорат қилинади, чунки ҳар қандай йиртилиш ва узилиш тезда кўринади. Савалаш дискали пичоқ ёки ўткир даста ёрдамида ўтказилади.

Териларни ивитиш. Ивитиш - бу териларни намланишини тезлатиш ва сақланишини узайтириш мақсадида териларга сув ёки ош тузининг эритмасида ишлов беришдир. Терилар ивиш пайтида ҳул

терилар ҳолатига яқинлашади, натижада питр ёғдан тозалашда тери таги хужайралари тезда ажралади ва кейинги жараёнлар енгиллашади.

Ивитиш пайтида терилар қон қолдиклари, ифлосликлар ва ортикча эрийдиган оксиллардан тозаланadi. Кўп терилар 16-18 соат давомида битта эритмада ивителиди. Ивитиш барабанларда, баркасларда ва ёғоч ёки цементланган чанларда амалга оширилади. Терилар ботирилиб ёки сув пурқалиб ивителиди.

Мсёрида ивителиган териларнинг тери тўқимаси эгилувчан ва юмшоқ бўлади, яхши ивителимаган терилар питр ёғдан тозалашда йиртилиб кетади, тери таги клетчаткаси яхши ажралмайди. Нотўғри ивитиш сабабли териларнинг жун қоплами тўкиладиган бўлиб қолади.

Муйна ишлаб чиқаришнинг ивитиш пайтида тезлаткичлар (ош тузи, кучсиз кислоталар) ва антисептиклар (крем-фторли натрий, хлорли цинк ва бошқалар) қўшилади.

Қириш ва питр ёғдан тозалаш. Терилар ивителигандан сўнг питр ёғдан тозаланadi, чунки бу операция териларга ишлов бериш пайтида уларнинг таркибига кимёвий моддаларнинг сингиб киришини оsonлаштиради. Питр ёғдан тозаланган терилар енгил булади.

Питр ёғдан тозалаш ўроқлар, қирғичлар, питр ёғни тозалайдиган ўткир дискалар ва питр ёғдан тозаловчи машиналар орқали амалга оширилади. Ўроқ ва қирғичларда трубка шаклида шплинган қимматбаҳо турдаги (сусар, кумуш ранг тулқилар), жуда юпқа ёки тери тўқимаси кучсиз бўлган ҳамда нуксонли терилар питр ёғдан тозаланади.

Жуда қалин тери тўқимали терилар (қундуз, териси қалин уй куёни ва бошқалар) олдин қисман дермаси кесилиб, сўнгра қирилади.

Ёғсизлантириш. Кўй, суғур, юмронқозик ва бошқа айрим ҳайвонлар териларининг жун қоплами ва тери тўқималарида ёғ ва ифлосликлар кўпроқ учрайди. Ёғни кўп жушлар жуда қийин рангланади ва улар тезда ифлосланади. Ёғ терини оғирлаштиради, уни дағал қилади ва сақлаш пайтида тери тўқимасининг мустаҳкамлигини пасайтиради. Шунинг учун табиий ёғлар териларга ишлов бериш жараёнида ишқорли (совун) эритмалар ва юза-актив моддалар билан ювиб тозаланadi.

Ёғсизлантириш, аралаштиргичи бўлган (айланадиган парракли) баркас ва чанларда 36-40° С да 30-60 минут давомида амалга оширилади. Ёғсизлантирилган териларни ифлосликлар ва совун қолдикларидан тозалаш учун илиқ сувда ювилади. Ёғсизлантириш пайтида жун

қопламидан ёғни мутлақо тозалаб ташлаш мумкин эмас, чунки ёғсиз жун синувчан, дағал ва хира бўлади; ёғсизлантиришдан сўнг жун қопламида 2% гача ёғ моддаси бўлиши керак. Бу микдордаги ёғлар териларни бўйишда унча таъсир кўрсатмайди. Ёғсизлантириш операцияси нотўғри ўтказилса, жун толалари билан тери тўқимаси орасидаги боғланиш сусайиши мумкин.

ИШЛОВ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Асосий ёки хусусан ишлов бериш жараёнларига пикеллаш, кваслаш, ошлаш, ёғлаш ва қуритиш операциялари кирази. Пикеллаш ва кваслаш жараёнида тери тўқимасининг тузилиши ва хусусиятлари ўзгаради; йирик толалардан тузилган дерманинг асосий моддалари яна майда толачаларга ажралиб юмшайди, тери тўқимаси юмшоқ бўлади ва яхши тортилади. Териларга келгусида ишлов бериш ва уларни тайёр буюм сифатида ишлатиш пайтида барқарорлигини ошириш мақсадида улар яна қўшимча операциялардан (ошлаш ва ёғлаш) ўтаказилади.

Пикеллаш. Териларга сульфат (айрим ҳолларда сирка) кислотаси ва ош тузининг эритмасида ишлов беришга пикеллаш дейилади. Жараён $26-30^{\circ}\text{C}$ да 10-20 соат мобайнида (тери қалинлиги ва тери тўқимасининг зичлигига қараб) ўтказилади. Пикеллашда тери тўқималари юмшайди ва кислоталар оксиллар билан ўзаро боғланади, натижада тери тўқимаси юмшоқ, чўзилувчан ва ташқи таъсирларга бир мунча чидамли бўлади. Ош тузи тери тўқимасини янада шишишдан сақлаш учун ишлатилади.

Пикеллаш териларни баркас ёки барабанлардаги эритмаларга ботириш билан, қимматбаҳо териларпикел эритмасини суртиш билан амалга оширилади.

Кваслаш. Кваслаш - бу териларга нон квасида ишлов беришдир. Ҳозирги пайтда кваслаш фақат қорақўл ва барра кўзи териларига ва камданкам олмахон териларига ишлов бериш учун қўлланилади. Квас қўпол майдаланган сули ёки арпа уни ва ош тузининг аралашмасидан тайёрланади. Ун $40-42^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги сувда аралаштирилиб бир кунгача (ачиш учун) сақланади. Ачиш, ҳаво пуфакчаларининг ажралиб чиқиши ва органик моддаларнинг (кислота) йиғилиши билан аниқланади.

Кваслаш олдидан терилар питр ёғдан тозаланади, квасга ош тузи қўшилади. Терилар ачиган квасли барабанларга солинади. Тузларнинг қўшилиши натижасида органик кислоталар терини консервалайди ва уни юмшоқ ҳамда чўзилувчан қилади; газлар эса тери тўқимасини юмшатади. Одатда кваслаш териларни ботириб қўйиш ва камдан-кам суртиш билан амалга оширилади. Бундай квасни 2-2,5 марта ўтқирроқ қилади ва терилар бир неча марта кваслар билан суртилади, оралиқда эса дўппословчи машиналарда дўппосланиб турилади ва ётқизиб қўйилади.

Кваслаш жараёни $32-33^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 4-5 сутка давом этади. Бунда тери тўқималари юмшайди ва терининг пластиклиги ва юмшоқлиги ошади. Ушбу жараённинг нотўғри ўтказилиши жун толаларининг тери тўқимаси билан боғлиқлигини бўшаши ва дағаллашишига сабаб бўлади.

Ошлаш. Териларни пикеллаш ва кваслаш натижасида уларнинг тери тўқималари юмшоқ, пластик, жун қоплами - тоза ва терилар нисбатан чиришга чидамли бўлади. Лекин пикелланган ва квасланган териларнинг намлик ва юқори ҳарорат таъсирига чидамлилиги пасаяди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида терилар ошланади.

Ошлаш дерма тузилишини ўзгартирмасдан уни янада қотиради, унинг олдинги жараёнларда олган ҳолатини маҳкамлайди. Мўйначиликда ошловчи моддалар сифатида уч валентли хром тузлари ва айрим ҳолларда алюминийдан фойдаланилади.

Хромли ошлашда терилар бир оз қисқаради ва тери тўқимаси резинага ўхшаш бўлиб қолади. Шунга қарамасдан хромли ошлаш тери тўқимасининг мустаҳкамлигини, унинг нам ва юқори ҳароратга чидамлилигини оширади. Айниқса тери тўқималари юпқа бўлган (сув каламуш, қўшоёқ) териларини қалинроқ ва зичроқ ёки сийрак жунли териларни кичрайиш пайтида қалинроқ қилиш учун хромли ошлашни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Териларни тўлиқ ошланганлиги уларнинг пишиш ҳарорати ва хром оксидининг миқдори бўйича аниқланади, жараён тугагандан сўнг пишиш ҳарорати $65-70^{\circ}\text{C}$, тери тўқимасидаги хром оксидининг миқдори эса 0,5-1,5% бўлиши керак.

Ёғлаш. Пикеллаш ёки кваслаш ва ошлашдан сўнг терилар ёғланади, териларни ёғлашдан олдин тери тўқимасига ёғларни яхшироқ сингиб кириши ва бир хилда тарқалиши учун, одатда улар бир оз

дўппосланади. Ёғлаш тери тўқимасининг юмшоқлиги, пластиклиги, мустаҳкамлиги ва унинг намга чидамлилигини оширади. Бу жараёнда ёғ тери тўқимасининг толаларини қоплаб олади, шунинг билан биргаликда уларни қуритиш пайтида елимланишдан, тери тўқимаси тузилишини эса зичлашишдан сақлайди.

Ёғлаш сув, ёғ, эмульгатор ва аммиак эмульсиясидан тузилган ёғ эмульсияси билан амалга оширилади. Териларни ёғлашда одатда ёғли ёғлар (балиқ, ит, қўй ёғлари ва бошқалар)дан фойдаланилади. Кам миқдорда ўсимлик, минерал ва синтетик ёғлари ҳам қўлланилади. Ёғлаш жараёни нотўғри бажарилса, тери тўқимасининг дағалланиши, куйиши ва жун қопламининг сарғайишига сабаб бўлади.

Қуритиш. Терилар ёғлангандан ва бир оз ётқизиб қўйилгандан сўнг қуритилади. Қуритиш пайтида тери тўқимасидаги ортикча намлик чиқиб кетади, ошловчи моддаларнинг боғланиши янада кучаяди, ёғ эмульсияси охиригача бир хилда тарқалади. Хром тузлари билан ошланган терилар $35-60^{\circ}\text{C}$ да қуритилади. Агар пикеллашдан сўнг терилар ошланмаса, у ҳолда қуритиш 45°C гача бўлган ҳароратда ўтказилади. Айрим тери турлари (қўй, тойчоқ ва бошқалар) майдонини ўз ҳолатида сақлаб қолиш мақсадида уларни рамаларга маҳкамлаб қуритилади.

Териларни қуритиш пайтида ҳавонинг нисбий намлиги 30-60% гача, терининг намлиги қуригандан сўнг 10-14% атрофида бўлиши керак. Териларнинг айрим жойларида нам жойларини қолдирмасдан бир хилда қуритилади. Кўпроқ қуритилган териларнинг тери тўқимаси дағаллашади, кам қуритилганларники эса - барабанларда ўралиб қолиши ҳатто чириши мумкин.

Одатда териларнинг жун қоплами қуритилгандан сўнг бир оз хиралашади, тери тўқимаси қатади ва дағаллашади. Шунинг учун терилар қуритилгандан сўнг, уларни тозалаш, жун қопламини силклилаш, тери тўқимасини юмшатиш ва яхши тортиладиган қилиш керак. Бунинг учун эса пардозлаш операцияси қўлланилади.

ПАРДОЗЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

Пардозлаш жараёнларига юмалатиш (откатка), силкитиш, тери тўқимасини юмшатиш, дўппослаш, тараш, қирқиш, жун қопламини эпиловка қилиш ва дазмоллаш операциялари киради. Ушбу операциялардан ўтган терилар ярим фабрикалар деб аталади.

Юмшатиш. Терилар куритилгандан сўнг ичида 8-12 та бурама шаклида полкалари бўлган бочкага ухшаш барабанларда юмалатиб ишлов берилади. Полкалар териларни яхшилаб ағдариш учун хизмат қилади. Терилар ёппиз барабанларга қаттиқ ва смоласиз ёғоч қипиқлари ёки айрим ҳолда кум билан бирга солинади ва бир неча марта айлантирилади.

Барабанга солинадиган ёғоч қипиқлари (опилка) тахминан териларнинг массасига тенг бўлиши керак. Биринчи юмшатишда (откатка) териларнинг тери тўқимасини бир хилда намланишига эришилади, жун қоплами чанглардан, ёғлардан ва бошқа моддалардан тозаланиб, тоза, ялтироқ, жунлари ёзилган ҳолатга келади. Биринчи юмшатишда тери тўқимасининг намлигини 18-20% га етказиш учун, намлиги 30% атрофида бўлган ёғоч қипиқлари ишлатилади ва 3-4 соат давомида юмалатилади (дўппосланади).

Иккинчи бор юмшатишда, 10-12% гача намлиги бўлган ёғоч қипиқлари ишлатилади. Бу ерда тери тўқимаси тулиғича тозаланади, жун қоплами силликланади ва умуман тери юмшайди. Иккинчи юмшатиш 4-6 соат давом этади.

Юмалатиш нотўғри бажарилса жун қопламининг ёғоч қипиқлари билан ўралиб қолишига сабаб бўлади.

Силкитиш ёки чайқатиш. Силкитиш ёки чайқатиш сеткали барабанларда амалга оширилади. Барабанларнинг устки қисми металл сеткага ўхшаш бўлиб, улардан ёғоч қипиқлар, юлинган жунлар ва чанглар бемалол ўтади. Улар парраклар орқали тортиб олинади.

Юмшатиш (разбивка). Тери тўқимасини юмшатиш учун юмшатгич машиналардан фойдаланилади. Юмшатиш пайтида терилар тортилади, юмшайди ва эгилиб букилади ҳамда толалар бир-биридан ажралади, тўқималарнинг устки қисми тозаланади. Натижада тери тўқимаси пластик, юмшоқ, юзаси тоза ва силлиқ ҳолга келади.

Кичик ва трубка шаклида шилинган ҳамда нуқсонли териларни юмшатиш ўтмас банд (скоба)ларда амалга оширилади. Юмшатиш жараёни нотўғри амалга оширилса, терилар юмшоқ ва ҳар хил шаклда бўлмасдан, айрим ҳолларда уларнинг тери тўқимаси йиртилиб кетиши мумкин.

Дўппослаш. Бу операция жун қопламида қолган чанг ва ёғоч қипиқлардан тозалаш учун хизмат қилади. Дўппослаш натижасида жун қоплами сочилган-ёйилган ва тозаланган ҳолга келади. Дўппослаш чарм қайиши дўппослаш машиналарида олиб борилади.

Тараш. Тараш бир-бирига ўралашиб қолган жун копламини ёзиш, уларни тўғрилаш ва ёпишиб қолган жун толаларини тараш ҳамда бир хил йуналиш бериш учун амалга оширилади. Ундан ташқари тараш пайтида чанг ва ёғоч кипикларидан ҳам тозаланади.

Тараш махсус тараш машиналарида валлар ёрдамида ўтказилади. Қўлда тараш фақат жун коплами бир-бири билан жуда ҳам ўралиб қолганда ёки жун копламининг бирор қисмини алоҳида тараш керак бўлса қўлланилади.

Жунни қирқиш. Бу операция қўй, қуён, мушук ва бошқа турдаги териларга илов бериш пайтида амалга оширилади. Бунинг учун махсус қирқиш машиналаридан фойдаланилади. Ҳар бир тери икки мартадан кам қирқилмайди.

Эпилировка ва жунларни юлиш. Бу операциялар қилтикли жунларни юлиш учун хизмат қилади, натижада терида ипакка ўхшаш ялтироқ тивит жунлари қолади. Жунларни юлишда (қундуз, денгиз мушуги) қилтикли жунлар батамом юлиниб ёки кесилиб ташланади. Эпилировкада эса қилтиқлар тери тўқимасига яқин жойидан кесиб ташланади.

Дазмоллаш. Букланиб қолган жун копламини тортиш, тўғрилаш, тўғриланган ҳолатини сақлаб қолиш ва ялтироқлик бериш керак бўлса дазмоллаш амалга оширилади. “Махсус пардозлаш” деб аталадиган ушбу услуб қўй ва бошқа териларни қундуз ва денгиз мушуги каби ҳайвонларнинг терисига ўхшатиш (имитация) учун ишлатилади. Жун толаларини тўғрилаш ва ўзгартириш мақсадида улар органик кислоталарнинг спиртли эритмаси билан намланади.

МУЙНА ТЕРИЛАРИНИ БЎЯШ

Муйна териларни бўяш - жуда мураккаб жараён ҳисобланади, чунки у узоқ тажриба хусусиятлари ҳақида чуқур билим талаб этади.

Муйналарни бўяш қадимдан маълум. Муйна териларини яхши бўялиши бўёқлар ассортименти ва бўяш услубларига боғлиқ.

Кейинги йилларда усимлик бўёқларини қўллаш билан қийин олинадиган ҳар хил ранглар олиш учун кўп микдорда анилин ҳосилалари тайёрланган. 1926 йилдан бошлаб Анилин бирлашмаси терилар учун қуйидаги бўёқлари ишлаб чиқаради: қора - Д, жигар ранг - А ва бошқалар, улардан ташқари териларни қора рангга бўяш учун

(асосан денгиз мушугига ўхшатиб) қора анилин ва кубали бусқлар кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Мўйна териларини бўяшда жун қопламини ўзига хос равишда бўйиш, унинг мустаҳкамлигиңи йўқотмаслик ва максимум ҳолда тери тўқимасининг фойдали хусусиятларини (юмшоқлиги, тортилиши ва ҳокозолар) сақлаб қоллишга эришиш лозим. Ундан ташқари бўялган териларнинг жун қоплами куруқ ва намли ишқаланишга, ҳарорат таъсири (ёруғлик, намлик)га чидамли ва сақлаш пайтида бузилмайдиган бўлиши керак. Айрим ҳоларда териларнинг тери тўқималарини бўйиш керак бўлмайдиган, у ҳолда, бўйиш жунларининг устидан бўйиш усулида амалга оширилади.

Бўйиш принциплари. Терилар одатда маълум бир ранг ва тусларга доғсиз ва бир хилда бўйилади. Бўйилгандан сўнг жун қоплами тоза, тезда кир бўлмайдиган, ялтироқ, ишлатилганда ёруғлик, сув ва тер таъсирида жунлари тезда тушмайдиган бўлиши керак. Айрим турдаги териларнинг тери тўқималари маълум бир рангда бўлади. Масалан, қорақўлнинг тери тўқимаси сиёҳ ранг ва денгиз мушугига ўхшатиб бўйилган териларники - жигар рангга ўхшайди. Мўйна терилари ранги бўйича икки гуруҳга ажратилади: яхши табиий ва хунук табиий рангли.

Биринчи гуруҳга фақат сувсар, тоғ сувсари, кумуш ранг қора тулки ва бошқа ҳайвон терилари киради. Бу терилар бўйилмайди.

Иккинчи гуруҳга сарик, олачипор ва шунга ўхшаш терилар киради. Уларни сунъий равишда бўйиш ва имитация орқали бойитилади. Бу гуруҳни ўз навбатида олтита гуруҳчаларга ажратиш мумкин.

1. Киммати паст мўйна терилари, кимматбаҳо ҳайвон териларига ўхшатиб бўйилади (имитацияланади), масалан, кум юмронқозигини қорақўзганга ўхшатиб, уй куёнини-қўндузга ўхшатиб ва ҳоказо. Бу бўйиш тармоғи ишлов бериш услубларининг такомиллашиши ва моданинг талаби натижасида ривожланиб ва такомиллашиб боради.

2. Жун қопламининг ранги аниқ ифодаланмаган терилар сунъий равишда бойитилади. Бойитиш - ранг тусларини чуқурлатиш ва тўйинганлигини ошириш ҳамда ялтироқлигини кучайтириш учун қўлланилади. Бу асосан қора ва қора қизғиш (зайтун) ҳамда кул ранг тусли қорақўллар, барра ва қўзи терилари учун тааллуқлидир.

3. Терининг асосий майдонидаги рангдан ташқари бошқа ранг доғлари бўлган терилар, масалан, олачипор барра (мерлушка) ёки олачипор қорақўл бир хил рангга бўйилади (одатда қора).

4. Айрим кимматбаҳо (сувсар, тоғ сувсари, путрия, кундуз) ҳайвон териларининг тери тўқимаси ҳаддан гашқари равшан ёки ранги ўчган бўлади, улар патлар ёки чўткалар ёрдамида жунларининг устига ранглар суртилиб яхшиланиши мумкин. Бунда тери тўқималари мутлақо тоза ҳолда бўлиши керак.

5. Териларнинг айрим турлари уларнинг табиий рангларига мутлақо мос келмайдиган рангга бўялади: ок қуёнлар, шимол тулкилари ва ок сичқонлар сарик, кизил, кўк ва бошқа рангларга бўялади.

6. Кўй териларининг тери тўқимаси жигар ранг ва қора рангларга бўялади, шундай ҳолатда уларни мўйна ва газламалар ўрнида ишлатиш мумкин.

Кўплаб хунук териларни бўяш ва имитация қилиш натижасида қорақўл, қорақузан, денгиз мушуги ва ҳоказоларга ўхшаш мўйналар олинади.

Одатда терилар куйидаги рангларга бўялади: қора, жигар ранг, ҳаво ранг ва кул ранг. Бошқа рангларга терилар жуда кам бўялади (масалан, оксичқон ва шимол тулкиси - тўқ сарик рангга бўялади).

Бўяш услублари. Терилар куйидаги уч услубнинг бири билан бўялади: суркаш, ботириш, аралаш.

Суркаб бўяш услуби. Бу услуб энг қадимги услублардан бўлиб, ҳар бир терининг жун қоплами бўёқлар билан чўтка, шприц - аппарат ва боғлам патлар орқали суркалиб чиқилади.

Суркаб бўяш услуби айрим ҳолларда тиниқ рангли сувсар, тоғ сувсари, қорақузан ва сув кундузи каби ҳайвон териларини қорамтир рангли кундуз ва сувсарларга ўхшатиш учун қўлланилади.

Ботириб бўяш услуби. Ботириб бўяш услуби бир пайтда бир неча партия териларни бўяш имкониятини беради, шу сабабли ишлов бериш соддалашади ва суркаб бўяшга нисбатан арзонлашади. ботириш йўли билан терилар бир тусли рангга бўялади: қорақўл-қора, ок, қуён терилари-жигар ранг ва ҳоказо. Бўяш баркасларда, камроқ барбанларда амалга оширилади.

Терилар бўяшга, ишлаб чиқариш партияларига (чекка ва ноте-кис қисмларни қирқиш), ишлаб чиқариш навларига (ранги, нави, ўлчами, нуксони) ажратилгандан сўнг ботириб бўяш бошланади.

Ботириб бўяш жараёни маълум тартибда амалга оширилади: ёғсизлангириш ва хусусан бўяш.

Ёғсизлангириш. Териларни ёғсизлангириш мақсадида уларга ишқорли эритмаларда ишлов берилади (сода, аммиак, айрим ҳолларда

уювчи натрий). Бу жараён жундаги моддаларни нейтрализациялаш, келгуси жараёнларга керакли мухит (рН) тайёрлаш ва хусусан бўяш учун керак.

Ёғсизлантириш териларни 1-2 соат мобайнида парраклари тўхтовсиз айланиб турадиган барабанларда амалга оширилади. Ёғсизлантирилган терилар оқиб турган сувда ювилади.

Суркаш йули билан бажариладиган ёғсизлантириш юмшоқ чўткаларда амалга оширилади. Сўнгра терилар жун қопламани бир-бирига қаратилиб тахланади. Ундан сўнг терилар қуриштиш ва қурук ёғоч қириндиларида айлантириш (юмшатиш) учун жўнатилади.

Дорилаш (протравление). Дорилашда териларга хромпик ва айрим ҳолларда темир купороси билан ишлов берилади. Дорилаш жун қопламани бир хилда ва интенсивроқ рангли бўлишига имкон яратиб беради. Ундан ташқари улар ҳар хил тус беради ва ёруғликка чидамлилигини оширади. Терилар 4-6 соат мобайнида, 25-26° С ҳароратда барабанларда дориланади.

Хусусан бўяш. Одатда бўяш 3-6 соат мобайнида эритмаси 30-35° С гача ҳароратдаги барабанларда ўтказилади.

Бўёқ эритмаси - бўёқлар, оксидловчилар, ишқорлар ва ҳўлловчи моддалардан иборат бўлади. Кўпинча эритмага ош тузи қўшилади. Бўяш композициясининг тузишда асос сифатига энг тўқ ранг берувчи қандайдир битта бўёқ, кўпинча қора-Д олинади. Унга нозиклик берувчи ва равшанлантирувчи бошқа мўйна бўёқ маркалари қўшилади.

Қора ранг ва денгиз мушугига ўхшатиб бўяш учун қора анилинли усул қўлланилади. Бу усулда жунга ялтироқлик бериш учун шўр тузли анилиндан фойдаланилади. Бундай бўяш қуёш нури ва атмосфера таъсирига чидамли. Бўялган терилар сувда ювилади ва келажакда буюмни ифлослантирмаслик мақсадида реакцияга кирмаган бўёқлардан тозалаш учун сиқилади.

Тузлаш. Териларнинг тери тўқимасини юмшатиш ва жун қопламани мустаҳкамлаш мақсадида улар тузланади. Тузлаш суртиш ёки ботириш билан амалга оширилади, бунда глицирин билан ош тузи эритмасидан фойдаланилади. Эритмага айрим ҳолларда хромли ва алюминли кваслар қўшилади.

Қуриштиш. Қуриштиш ортиқча намликни йўқотиш учун амалга оширилади. Натижада янада қўшимча пардозланган ва мўйна буюмлари тайёрлаш учун яроқли қурук терилар олинади.

Пардозлаш. Қуритилган терилар олдин курук ёғоч қипиғи солинган берк барабанларда ифлослик ва чанглардан тозалаш учун айлантерилади. Айлантеришда териларнинг тери тўқималари юмшайди, терининг юза қисмида қолган бўёқлар тозаланади. Сўнгра махсус машиналарда юмшатилади ва яна барабанларда ёғоч қипиғида айлантерилади. Шундан сўнг терилар мўйна буюмлари тайёрлаш учун яроқли ҳолга келади.

Уй қуёни ва қўй терисини бошқа териларга (сув кундузи, денгиз мушуги ва бошқалар) ўхшатишда улар қирилади, эпилировка қилинади, айрим ҳолларда ялтироқлигини ошириш учун дазмолланади.

Кейинги йилларда мўйна ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан янги-янги бўяш услублари тадқиқот қилинмоқда. Айрим ҳолларда ишлов бериш ва бўяш пайтида (қўйтери, юмронқозик, улоқ ва бошқа терилар) кўпроқ “Тўғри юриш” (прямой ход) деб аталадиган услубдан фойдаланилади. “Тўғри юриш” услубида териларга ишлов бериш ва бўяш битта тўхтовсиз циклда амалга оширилади. Бу ерда бўяшдан олдин ўтказиладиган ёғлаш, қуритиш ва механик пардозлаш операциялари алоҳида амалга оширилади.

Бўяшнинг аралаш услуби. Бу услуб, кўпинча жунлари зонал рангли терилар ва зоналли терилар олишда имитация қилиш учун ишлатилади. Масалан, сувсар терисига ўхшатишда жунлари минимум икки зонали бўлиши керак: пастки қисми оч кул жигар ранг ва устки қисми-тўқ жигар ранг (гарчи сувсарда зоналар кўпроқ бўлади).

Зонали ранг олишда жун қопламнинг пастки қисми ботириб бўяш билан бўялади, сўнгра қуритилди ва қисман барабанда пардозланади, ундан сўнг жун қопламнинг устки қисми чўтка ёки патлар ёрдамида керакли бўёқ эритмаси билан суркалади. Бу эса очик рангли туклардан тўқ рангли қилтиқларга ўтадиган ранг беради. Бўёқлар қуригандан сўнг терилар яна қуритилади, барабанларда ёғоч қипиқлари билан айлантерилади ва юмшатгич машиналарда юмшатилади.

Суркаб бўяш услубларининг хиллари. Бўяшнинг аралаш усулларига аэрографли, трафаретли ва резервли усуллар қиради. Аэрографли (трафаретли) бўяшда терилар олдин бир тусли тиниқ рангга бўялади. Сўнгра териларнинг бўялган жун қопламига бўёқ пуркагич ва пневматик мослама билан жиҳозланган аэрограф машинасида пуркалган бўёқ, жунларнинг барча учки қисмини бир тусга бўяйди ёки

елкасининг тўқ томонидан терининг очик рангли ёнбош томонига қараб бўялади.

Трафаретли бўяшда, ботириб бўялган ёки табиий рангли териларга трафаретнинг маълум бир расми тешикчалари (қоплон, йўлбарс ёки фантазия расмлари ва орнаментлар) бўлган тешикчалари орқали ранглار берилади. Шунинг билан биргаликда териларнинг жун қопламларида бир, икки ва кўп рангли расмлар ҳосил қилинади. Расмлар фотофильм-печат орқали солинади.

Резервли бўяшда оқ учли жунларнинг учлари эритма (резерв) билан суртилади, натижада уларнинг учларини бошқа рангга бўялишидан сақлайди. Сўнгра терилар ботириб бўяш билан кул ва жигар рангларга бўялади. Бу усулда теридаги жунларнинг учлари оқ ва қолган қисмлари кул ранг ёки жигар ранг бўлади.

Териларни оқартириш. Терилар бўяшдан ташқари оқартирилади ҳам. Оқартириш куйидаги пайтларда амалга оширилади: 1-жун қопламлари табиий оқ рангга бўлган терилар баҳоланганда, афсуски шу пайтда улар тулик тоза оқ рангга бўлмаса, сарғиш ёки кукимтир бўлса (оқ сичқон ёки оқ жун қопламида сарғич ранглари бўлмаган шимол тулкиси); 2-имитация қилинган териларга нисбатан тўқроқ рангли жун қопламли арзон терилар.

Қорамтир териларни оқартириш билан уларни очик рангга бўяш имконияти туғдирилади (масалан, қизил тулки терисини оқ рангга бўяшда олдиндан қизғиш пигментларни парчалаш керак).

ТЕРИЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА БҮЯШДА ҲОСИЛ БҮЛАДИГАН НУҚСОНЛАР

Териларга ишлов бериш ва бўяшда ҳосил бўладиган нуқсонлар уч гуруҳга бўлинади: тери тўқимасининг нуқсонлари, жун қопламининг нуқсонлари ва умуман терининг нуқсонлари.

Тери тўқимасининг нуқсонлари. Тери тўқимаси лағал, қалин, жуда юпка, тез йиртиладиган, яхши тортилмаган, букла лари бўлган, йиртилган, кесилган, тешик, яхши қирқилмаган, чприй бошлаган, куйган, синган, шўри чиққан ва ёмон тикилган каби нуқсонлар - тери тўқимасининг ишлаб чиқариш нуқсонлари ҳисобланади.

Жун қопламининг нуқсонлари. Жун қопламининг ишлаб чиқариш нуқсонларига жун қопламининг сусайиши, жунининг тушиб

қолиши, юпқаланиши, қирилиб қолиши, буралиб қолиши, сийраклашиши, ифлосланиши, жун қопламининг қирланиши, жунларининг синиши, хиралиги, доғлиги, тукларининг куйиши, рангининг мустаҳкам эмаслиги, жунининг яхши қирқилмаганлиги, уларни юлиниб қолиниши, эпилировка ва бойитиш (суст ёки унча мустаҳкам бўлмаган ялтироклик, жунларининг ҳар томонга йўналиши ва ҳоказо) киради.

Умуман терининг нуқсонларига шаклининг ҳар хиллиги, юқори намлиги ёки кўпроқ қуритилганлиги, тери тўқимаси ва жун қопламидаги тузнинг чиқиб қолиши киради.

МУЙНА-ТЕРИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР АССОРТИМЕНТИ МУЙНА-ТЕРИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Муйна-тери ярим фабрикатларининг таснифлаш анчагина мураккаб, чунки уларнинг ассортименти муйнанинг тури, ишлов бериш услублари, айниқса пардози ва бир турдаги ярим фабрикатларнинг кўплаб кўрсаткичлари бўйича (жун қопламининг ҳолати, ўлчами, ранги ва шунга ўхшашлар) жуда хилма-хил. Шу сабабли ишлов берилган териларнинг ассортименти муйнали хом ашёларга нисбатан сезиларли даражада кенг ва хилма-хил. Ҳозирги кунда барча турдаги муйналарни таснифлаш учун яккаю-ягона стандарт йўқ.

Муйнали фабрикатларни ўрганиш учун муйналарнинг энг муҳим (асосан жун қоплами) итеъмол хусусиятлари кўрсаткичларига асосан тузилган товарли таснифлашдан фойдаланилади. Ушбу таснифланиш бўйича барча ярим фабрикатлар олтига гуруҳга бўлинади: муйнали (тивитли) ва уй ҳайвонларининг муйнали ярим фабрикатлари, қорақўл-барра ярим фабрикатлари, муйнали-қўйтери ва пўстинбоп-қўйтери ҳамда денгиз ҳайвонларининг муйнали ярим фабрикатлари.

МУЙНАЛИ (ПУШНОЙ) ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР

Муйнали (пушной) ярим фабрикатларнинг ассортименти кенг ва хилма хил. Қиш пайтида ёши катта ҳайвонлардан олинган терилар момиқ жун қоплами билан характерланади.

Жун қопламининг энг характерли белгиларига асосан мўйнали ярим фабрикатлар учта товар гуруҳига бўлинади: ҳам ерда, ҳам сувда яшовчи қишки турлари, ерда яшовчи қишки турлари ва ёзги турлари.

Мўйнали ярим фабрикатлар - ёввойи ҳайвонларнинг асосан қиш пайтида ушланган, ишлов берилган ва бўялган териларидир.

Мўйнали ярим фабрикатларнинг терилари жингалакланмаган момик жун қатлами билан ажралиб туради. Уларнинг сифати жун қопламининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Стандарт бўйича мўйнали ярим фабрикатлар қряжи, ўлчами, нави, ранги ва нуқсон гуруҳлари бўйича бўлинади.

Териларнинг қряжлар бўйича бўлиниши. Мўйнали ҳайвонлар географик яшаш жойига қараб бир хил бўлсада, уларнинг хусусиятлари ўзгариб туради, шунинг учун улар қряжларга бўлинади.

Ҳар хил қряждаги мўйнали терилар фақат битта қряждаги териларга мос бўлган хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади (ўлчами, момиклиги, баландлиги ва зичлиги, жун қопламининг туси ва ипаксимонлиги, тери тўқимасининг қалинлиги, массаси).

Териларнинг қайси географик райондан келиб тушганлигига қараб, уларга шу географик районнинг номи билан “қряж” берилади. Масалан, амур олмахони, якутия олмахони ва бошқалар.

Қряжлар бўйича мўйна турларининг ҳаммаси ҳам бўлинмайди, фақат ишлов берилган олмахон, қизил тулки, қорақузан, оқ шимол тулкиси, сувсар, суғур ва тарбаганлар бўлинади, холос.

Териларнинг ўлчамлари бўйича бўлиниши. Микдори бўйича жуда кучли фарқ қиладиган териларгина ўлчамлари бўйича бўлинади. Уларга ҳайвонларнинг жинси ва ёши бўйича ўзгарувчанлиги таъсир этади. Масалан, қорақузан ва оқ сичқонлар эркакларининг терилари ўлчамлари бўйича ҳар хил сонли категорияларга бўлинади. Одатда уларни уч категорияга бўлади: йирик, ўрта, майда, айрим ҳолларда тўрттага - жуда йирик, йирик, ўрта ва майда.

Териларнинг ўлчамлари уларнинг узунлиги (икки қўзи орасидан думининг томиригача) ва энини (ўртасидан) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Қуйидаги терилар ўлчамлари бўйича навланади: қорақўл, қундуз, қорақузан, олмахон, қумуш ранг қора тулки, шимол тулкиси, сувсар, майда кемирувчилар ва бошқа турлари.

Териларнинг навлари бўйича бўлиниши. Териларнинг навлари ҳайвонларни ушлаш вақтига (фасли) қараб уларнинг жун қоплами ҳолатини белгилайди. Мўйнали териларни навлаш деб, жун қопламининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлган маълум бир товар белгиларининг йиғиндисига айтилади. Йилнинг ҳар фаслида мўйнали ҳайвонлар жун қопламининг сифати ҳар хил. Ёзда сийрак ва калта бўлади. Мўйналар икки, уч ва тўртта навга бўлинади. Навларни аниқлашда товар белгилари бўлиб, жун қопламининг момиклиги, зичлиги, узунлиги ва майинлиги ҳисобланади.

1-навли териларга тўлиқ жунли, тез-тез учраб турадиган қилтикли ва қалин тивитли; 2-навли - камроқ тўла жунли, унча ривожланмаган қилтиқ ва тивит жунли; 3-навли - ярим жунли ва тўлиқ ривожланмаган қилтикли ва тивитли; 4-навли - ярим жунли ва тўлиқ ривожланмаган қилтикли ва тивитли ёки дағал жун қопламли терилар қиради. Айрим турдаги териларнинг 1-навидан олий нав (экстра) ажратиб олинади.

Териларнинг ранглари бўйича бўлиниши. Жун қопламларининг ранглари жуда кучли ўзгариб турган терилар ранглари бўйича бўлинади. Буларга олмахонлар, қумуш ранг қора тулкилар, савсарлар, қорақузанлар, нутрия, росамаха, ҳаво ранг ва оқ шимол тулкилар, силовсин ва сувсарлар қиради. Айниқса қафасда боқиладиган мўйнали ҳайвонларнинг жун қопламлари жуда кучли ўзгарувчан бўлади: қорақузан, нутрия, қумуш рангқора тулкилар, ҳаво ранг шимол тулкилари.

Нуксонлари бўйича гуруҳларга бўлиниши. Мўйнали ярим фабрикаларда кўпинча уларнинг баҳосини пасайтирувчи нуксонлар учраб туради. Улар нуксонларининг миқдори ва турлари бўйича тўрт гуруҳга бўлинади: 1,2,3,4. Ҳар бир гуруҳ учун стандарт бўйича маълум ўлчам ёки нуксон кўрсаткичи белгиланган.

Теридаги нуксонлар ҳар хил бўлади. Масалан, йиртик, жунсиз жойлар, қирқилган жойлар. Булар кесилиб тикилиши керак. Натижада у ерда тикилган жой ҳосил бўлади, бу эса стандарт бўйича нуксон ҳисобланади. Териларни ёки уларнинг қисмларини бирлаштиришда ҳосил бўлган тикилиш (чоклар) ҳисобга олинмайди.

УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ МҮЙНАЛИ (ТЕРИ) ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРИ

Бу ярим класс ярим фабрикатларига уй ҳайвонларининг (қишлоқ хўжалик) турлари киради. Уй ҳайвонларининг мўйнали (меховой) ярим фабрикатларига фақат саккизта ҳайвон турларининг терилари киради, холос. Мўйнали ярим фабрикат олти гуруҳга бўлинади: қоракўл-барра, кўзи териси, тряска, мўйнали калта жунти (баҳорги тури), мўйнали узун жунли (қишки тури) кўйтериси. Ҳар бир гуруҳ ўзига хос хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

54-жадвал

Тузилиш тури	Жун қопламининг эгилганлик дифференциацияланиши	Мўйна тури
Жингалакли	Кучли жингалақланган	Қоракўл
	Етарли жингалақланмаган	Барра
	Бўш жингалақланган	Кўзи териси
	Тарқалган	Улоқ
Муҳайярли	Муҳайярли	Гулак, қоракўлча, қоракўл-қоракўлча
Қирқилган	Бўш муҳайярли	Гулак, муҳайяр, клям
	Кучли дифференциацияланган	Уй куёни, уй мушуги ва уй ити
	Бўш дифференциацияланган	Упука, пўстинбоп-қўйтериси
	Дифференциацияланмаган	Мўйнали-қўйтери

Гуруҳлар, ярим гуруҳлар ва турларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдаги асосий кўрсаткич қўйидагилардан иборат: жун қопламининг баландлиги, қалинлиги, таранглиги, ипаксимонлиги ва ялтироклиги.

Мўйнали ярим фабрикатларнинг асосий нуқсонларига қўйидагилар киради: пачоқланган қилтиқли, етакчи ва қилтиқ жунларининг учлари қирилган, қирилган жойлар - одатда туллаш даврининг бошланишида (баҳорги);

жун қоплами юлинган жойлар - териларнинг айрим жойларида бошқа қисмларига нисбатан жуда калта қирқилган;

Мўйнали ярим фабрикатлар таснифи

Товар гурухи	Товар ярим гурухи	Товар тури	Жун копламининг тузилиши	Терининг ўлчами
Коракул -барра хом ашёси	Коракул- ча Тоза зотли коракул Дурагай коракул Қўзи тери- си (смушка) хом ашёси	Гулак-коракулча, коракул- ча, коракул-коракулча Кора коракул, кул ранг, рангли коракул, яхобоб Кора, кулранг ва рангли коракул Қўзи териси	Мухайярли Жингалакли Жингалакли Унча жинга- лакланмаган	Майда Ўрта Ўрта Ўрта
Барра (мерлуш ка)	Ўлик туғил- ган қўзи териси Барра	Гулак, мухайяр, клям Чул ва рус барраси, лямка	Кам мухай- ярли Кам жинга- лакланган	Майда Ўрта
Тряс- ка хом ашёси	Тряска	Тряска ва сак-сак	Кам дифферен- циацияланган	Йирик
Қўй- ри хом ашёси	Мўйнали қўй хом ашёси	Мўйнали қўйтери	Дифференциа- цияланмаган	Жуда йирик
Калта жунли мўйна- ли хом ашё	Эчки тери- си Йирик шоҳли моллар териси От терила- ри	Улоқ мўйнаси Упука Тойча	Таркок (ўрими очик Жингалаклан- маган Озрок мухайяр- ли	Майда Жуда катта Йирик

тери туқимаси қирилган жойлар - териларнинг айрим жойлари жун толаларининг пиёздониғача қирилган;

терининг жуни ҳурпайган жой - бир нуқтадаги сочлари ҳар томонга сочилган; (суғур, тарбаган, юмронқозиқ ва кротларда учрайди);

синиқ -эпидермиснинг узилиши натижасида тери туқимасининг синиши;

куя еган - жун қопламининг куя ейиши билан бузилиши;

Юқорида кўрсатилган нуқсонлардан ташқари яна қуйидаги нуқсонлар ҳам мўйнали (тери) ярим фабрикаларнинг нуқсонларига киради: жунларининг сийраклашиши, тери туқимаси юқалашган жойлар, жунсиз жойлар, жунларнинг тушиши, рангининг ўзгариши, чоклар ва бошқалар.

Ҳар хил ярим фабрикаларда жун қопламларининг тузилиши ҳар хил бўлади. Қорақўл-барра, кўзи терилари ва айрим калта жунли ярим фабрикалар жингалак тузилишга ёки кам дифференциацияланган тўлқинсимон эгилган тузилишга эга. Мўйнали узун жунли ярим фабрика кучли дифференциацияланган стерженга ўхшаш жингалакланмаган жун қопламли тузилишга эга.

Мўйнали ярим фабрикаларнинг таснифи ва турлари ҳамда ярим гуруҳларнинг таърифи қуйидаги жадвалда келтирилган. Бу жадвалда 2- навли ярим фабрикаларнинг сифат белгилари берилган.

ҚОРАҚЎЛ-ҚЎЗИ (МЕРЛУШКА) ЯРИМ ФАБРИКАЛАРИ

Қорақўл-қўзи ярим фабрикаларига жун қопламида жингалакларининг бор-йўқлиги билан ажралиб турадиган ҳар хил зотли кўзиларнинг терилари киради.

Кўйларнинг (айниқса барра зотлиларида) жун қопламлари уларнинг ёшлари бўйича ўзгариб туради. Хайвонларнинг ёши ошиши билан териларининг қиймати мўйна товари сифатида камайиб боради. Шунинг учун кўзиларнинг биринчи ҳаёт кунларидаги терилари юқори сифатга эга бўлади.

Ҳар хил зотли кўзилардан уларнинг сифат характеристикаси бўйича ҳар хил мўйнали ҳам ашёлар олинади. Қорақўл зотли кўйларнинг кўзилари энг яхши ҳам ашё беради, етарлича ва яхши ҳам

Жун коплами-нинг баландлиги	Жун копла- ми- нинг зичлиги	Жун копла- мининг эги- лувчанлиги	Жун копламин иг ипак- симонлиги	Жун коплами- нинг ялтироқлиги
Жуда калта жунли	Жуда сийрак жунли	Эгилувчан	Ипакси- мон	Ялтирок
Ўрта узун жунли	Сийрак жунли	Эгилувчан	Ипакси- мон	Ялтирок
Ўрта узун жунли	Сийрак жунли	Кам эгилув- чан	Ипакси- мон	Жуда ялтироқ ши- шасимон ялтирок
Ўрта узун жунли	Сийрак жунли	Етарлича эгилувчан	Камрок ипакси- мон	Кам ялтирок, хира
Калта жунли	Жуда сийрак	эмас Кам эгилув- чан	Дағалрок	Хира
Жуда узун жунли	Сийрак жунли	Кам эгилув- чан	Дағал	Хира
Жуда узун жунли	Сийрак жунли	Кам эгилув- чан	Камрок ипаксимон	Хира
Жуда узун жунли	Сийрак жунли	Кам эгилув- чан	Дағал	Хира
Ўрта узун жунли	Жуда сийрак	Кам эгилув- чан	Кам ипаксимон	Ялтирок
Калта жунли	Жуда сийрак жунли	Кам эгилув- чан	Дағал	Ялтирок
Калта жунли	Жуда сийрак жунли	Кам эгилув- чан	Дағалрок	Ялтирок

Хайвонларнинг ёши	Зотлари		
	Корақул	Дурагай қора-қорақул қуйлар	Украина барраси (смушка)
4 ойлик эмбрионлар	Корақул гулаки	Дурагай қорақул- гулаки	Барра- гулаки
4-4,5 ойлик эмбрионлар	Қорақулча	Дурагай қорақулча	Мухайярли барра
4,5 ойлик эмбрионлар	Қорақул- қорақулча	Дурагай қорақул- қорақулча	Барра клями
Янги туғилган қузи	Қорақул	Дурагай қорақул	Барра
Бир оз ўсган қузи	Яхобоб	Дурагай яхобоб	Барра
Ёш қузи ва қуйлар	Барра- тряскаси	Барра тряскаси	Барра тряскаси
Ярим катта ва катта қуйлар	Пустинбоп қўйтери	Пустинбоп қўйтери	Пустинбоп қўйтери

Товар гуруҳи	Товар гуруҳча- си	Товар тури	Жун қоплами-нинг тузилиши	Терининг ўлчами
Мўйнали узн жун-ли хом ашё (киш-ки тури)	Уй куёнининг териси Мушук тери- си Ит териси	Мўйнали уй куёни Мўйнали мушук Мўйнали ит	Дифференциа- цияланган Дифференциа- цияланган Дифференциа- цияланган	Урта Ўрта Йирик

ашё Украина барра (смушка) зотли қўйларида, жайдари қўйлардан эса кам қимматли терилар олинади.

Қоракўл-қўзи тери ярим фабрикати навлари, ранги ва нуқсонлар категорияси бўйича бўлинади.

Қоракўлча. Қоракўлча деб, қоракўл зотли қўзи эмбрионларининг (ўлик туғилган) терисига айтилади. Қоракўлча ёши ва жун қопламининг ривожланиш даражаси бўйича уч гуруҳга бўлинади: гўлак-жуда кам ривожланган терилар, қоракўлча-муҳайярли жун қопламли, лекин жингалаксиз, қоракўл-қоракўлча - энсиз, анчагина ясси жингалак ҳосил қилувчи, калта ва ипаксимон ҳамда ялтироқ жун қопламли.

Ҳар бир типдаги қоракўлча уч навга бўлинади.

Қоракўл. Қоракўл деб, қоракўл зотли қўзиларининг 1-3 кунлик териларига айтилади. Қоракўл зотли қўйлар кўпроқ Ўрта Осиё давлатларида бокилади.

Қоракўл икки гуруҳга бўлинади: қоракўл зотли қўзилардан олинадиган тоза зотли қоракўл ва дурагай қоракўл ёки дағал жунли зотли қўйлар билан қоракўл қўйлариининг чатиштириш натижасида олинган чатиштирилган қоракўл.

Тоза зотли қоракўл қора, кул ранг ва рангли бўлади.

Қора қоракўл жун қопламининг куйидаги хусусиятлари бўйича характерланади: ялтироқлиги, ипаксимонлиги, жун қопламининг зичлиги, шакли, жингалакларининг эгилувчанлиги, калталиги ва жойлашиши, тери тўқимасининг қалинлиги ва зичлиги.

Қоракўл жун қопламининг ялтироқлиги бўйича жуда ялтироқ, ялтироқ, кам ялтироқ, хира ва шишасимон-ялтироқ, ипаксимонлиги бўйича жуда ипаксимон, оз ипаксимон, бўш ипаксимон, дағалроқ, дағал, зичлиги бўйича зич, етарли даражада зич эмас, кам зич ва сийрак бўлади.

Қорақўл жингалаклари шакли ва ўлчамлари бўйича ҳар хил номлар билан айтилади: қалам гул (валек), ловия, ёл гул, ҳалқа, нўхатча, парма, тақир гул ва деформацияланган.

Қалам гул деб, усти ёпик жингалак ҳосил қилувчи спиралга ўхшаш эгилган жунларга айтилади. Қалам гул баландлиги бўйича баланд ва ясси бўлади, узунлиги бўйича-калта (20 мм гача), ўрта (20-30 мм), узун (30 мм дан ортиқ), кенглиги бўйича-тор (4 мм гача), ўрта (4-8 мм), кенг (8 мм дан ортиқ) бўлиши мумкин.

Ловия - жуда калтайган қалам гул, эни бўйича майда (8мм гача), ўрта (8-10 мм) ва йирик (10 мм дан ортиқ).

Ёл гул деб, деярли асосидан жунлари ўрта чизигидан икки томонига тарқаладиган жингалакларга айтилади. Ёл гул тор (4 мм гача), ўрта (4-8 мм) ва кенг (8 мм дан ортиқ) бўлади.

Ҳалқа - жунлари ҳалқа ҳосил қиладиган жингалаклар. Жуда майда ҳалқалар нўхатча дейилади.

Тақир гул - терининг кўпчилик қисмида жойлашган силлик тўғри жунлар.

Деформацияланган жингалаклар аниқ билинадиган бўлиб, эгилмаган, тарқок, гижжак ва бир-бири билан аралашиб кетган жунлардан ташкил топади.

Қалам гул ва ловия гул энг қимматли жингалаклардан, ёл гул-камроқ қимматли, ҳалқа-арзон баҳоли, қолган жингалаклар-паст сифатли ҳисобланади.

Жингалаклар эгилувчан ва бўш эгилувчан (бўш) бўлади. Эгилувчанлик деб, жингалакларнинг механик таъсирлари натижасида бузилган шаклини яна қайта тиклаш хусусиятларига айтилади.

Қорақўл терилар тери тўқималарининг қалинлиги бўйича юпқа, қалинлашган, ўрта қалинликда, қалин, зичлиги бўйича-зич, камроқ зич ва ғовак гуруҳларга ажратилади.

Қора қорақўл терилар юқорида қайд этилган белгилари бўйича 30 навга (маркага) бўлинади. Ҳар бир нав битта, иккита ёки учта ҳарф билан белгиланади (ГОСТ 9296-74):

П - танланган

ПП - Москва жакети

Е - жакет I

ЕЕ - танланган Флера

ЕА - қалин жакет

И - кипрук

ТТТ - қовурғасимон III

Д - яхши Кавказ I

ЛЛ - бўш Кавказ I, яхши

ЛЛЛ - йирик жингалакли

ЛБ - бўш Кавказ II

С - ясси юпқа I

ИИ - Флера	СТ - ясси қалин II
З - бўш жакет I ёки жакет	СС - ясси II
II нинг бошланиши	ССС - ясси қалин III
ЗЗ - бўш жакет II	Д - фигура
ЗЗЗ - партионли жакет III	ДА - Москва фигураси
Т - қовурғасимон I юпка	У - юмшоқ I
ТУ - қовурғасимон I қалин	УУ - юмшоқ II
тери тўқимали	УУУ - юмшоқ III
ТТ - қовурғасимон II	ЗА - қайта туғилган I
ЗБ - қайта туғилган II	

Ҳамма қора қорақўл навларини тўрт гуруҳга бирлаштириш мумкин: жакет, қовурғасимон-ясси, кавказ, арзон баҳоли (партионли, З-нав).

Жакет гуруҳи қорақўллар учун терисининг барча майдонида жунларининг нормал баландлиги билан характерланади; сағрини ва елкасида яхши жингалаклар жойлашган: қалам гул, ловия ва ёл гул. Жакет товари жингалакларининг характери бўйича ўрта жингалакли (танланган жакет I, Москва жакети ва жакет II), майда жингалакли (кипрук ва танланган Флера) ва йирик жингалакли (қалин жакет) бўлади.

Қовурғасимон-ясси гуруҳ қорақўл-териларида асосан параллел қатор жойлашган ёл гуллари билан характерланади.

Қовурғасимон навли терилар юпка гўштпардали (қовурғасимон юпка I ва II), қалин гўштпардали (қовурғасимон қалин I ва II), ясси жингалакли (ясси I, ясси II ва ясси III) навларига бўлинади.

Кавказ гуруҳли қорақўлларнинг жунлари бир мунча ўсик ва теридаги унча аниқ билинмайдиган жингалак жунлари билан фарқ қилади. Бу гуруҳ юпка гўштпардали (бўш Кавказ I ва II) ва қалин гўштпардали (Кавказ қалин I ва II) гуруҳларига бўлинади.

Арзон баҳоли қорақўл гуруҳига арзон баҳоли ва нуқсонли (нотўғри) жингалакли (ҳалқа, нўхатча, парма) терилар киради.

Бу гуруҳга энг паст навли қорақўллар киритилади: партион ва бўш Фигура, дағалроқ, кам дағалроқ, кам ялтироқ жингалакли.

Қорақўлнинг энг яхши навларига жакет I, кирпук, жакет қалин, Москва жакети киради. Бу навли терилар қалин, зич ва ипаксимон эгиловчан жун қоплами билан ажралиб туради; жингалаклар

шакли бўйича. кўпроқ қалам гулли ёки ловия; кенглиги бўйича-ўрта ёки тор, терисида бир текис жойлашган яхши жунли бўлади.

Ўрта сифатли териларга қуйидаги навлар киради: жакет II, юпка Кавказ I, Флера, унча зич ва эгилувчан бўлмаган ҳамда кам ипаксимон ва оз ялтироқ жингалакли, етарлича зич бўлмаган ва ўрта кенгликдаги терилар ундан ташқари йирик ловия жингалакли терилар.

Паст навли қорақўл терилар (Кавказ юпка II, жакет ясси III, Фигура, партион ва бошқалар) жун қопламининг кам ипаксимонлиги, кам ялтироқлиги ва бўш жингалаклари билан ажралиб туради.

Кул ранг қорақўл ранги, нави, ўлчами ва нуқсон категориялари бўйича бўлинади.

Ранги бўйича очик кул ранг, кул ранг, тўқ кул ранг ва қора кул ранг бўлади. Жун қопламининг сифати бўйича кул ранг қорақўл уч навга ажратилади: 1-навга ипаксимон, зич ва ялтироқ жун қоплам-ли терилар киради, жингалаклари кўпинча қалин, эгилувчан қалам гул ва ловия шаклида, 2-навга унча зич бўлмаган, кам ипаксимон ва кам ялтироқ жун қопламли терилар киради, жингалаклари қалта қалам гул, ловия, ҳалқа ёл гулли, 3-навга унча қалин бўлмаган, кам ипаксимон ва кам ялтироқ ёки хира жун қопламли терилар киради, жингалаклари бўш ловия (ҳар хил ўлчамда) ёл гул, ҳалқа ва бошқалар.

Рангли қорақўлга қуйидагилар киради: сур (жунларида пигмент зоналари бўйича бир хилда тарқалмаган) жигар ранг, очикжигар ранг, гулигаз (оқ жунларининг ҳар хил тусли жигар ранг билан биргаликда келиши), оқ.

Ишлов берилган дурагай қорақўл тоза зотлига нисбатан дағалроқ, кам ипаксимон, кам ялтироқ ёки шишасимон ялтироқ жун қопламли бўлади. Боши, оёқлари, бўйин ва қорин томони чеккаларида жун қоплами силлиқ, жингалакланмаган ёки кам жингалакланган. Жун қопламининг сифати бўйича дурагай қорақўл терилар 19 навга бўлинади, ҳар бир нав тоза зотли қорақўлларга ўхшаш ҳарфлар билан белгиланади.

Яхобоб. Яхобоб бир ойгача ёшдаги қорақўл қўйлари кўзиларининг териларидан олинади. Уларнинг жунлари ўсик, ловия ёки ҳалқа турдаги жингалакли, кам ипаксимон, кам ялтироқ ёки дағал ва хира жун қопламли.

Гулак, мухайяр, клям. Дағал жунли зотли қўйлардан олинган ёки ўлик туғилган, чала туғилган ва туғилган қўзиларнинг икки кунгача бўлган терилари (қорақўлдан ташқари) гулак, мухайяр ва клям деб аталади. Улар қора ва жигар рангли бўлади.

Гулак - энди ривожлана бошлаган силлик, ялтироқ мухайяр расми бўлмаган жун қопламли эмбрионлар териси.

Мухайяр - калта, ялтироқ ипаксимон жун қопламли ва мухайяр расми эмбрионлар териси.

Клям - қўйларнинг охириги бўғозлик давридаги эмбрионлари ҳамда 1-2 кунлик қўзиларнинг териси.

Барра (смушка) - бу Украина ва Молдавияда боқиладиган (чушка, решитилова, сокольское) ҳар хил зотли қўй қўзиларининг 2-4 кунлик терилари. Улар ўлчамлари, навлари ва нуқсон гуруҳлари бўйича бўлинади.

Ўлчамлари бўйича йирик ва майда; ранглари бўйича - кул ранг тўқ кул ранг, жигар ранг; бўялганлиги бўйича-бўялган, қора ва жигар рангли бўлиши мумкин. Жун қопламининг сифати ва жингалакларининг характери бўйича беш гуруҳга ажратилади.

Қўзи териси (мерлушка) - бу 30 кунгача бўлган дағал жунли қўй қўзиларининг териси. Қўзи териси рус-дағал жунли шимол зотли ва чўл-жайдари қўйлардан олинадиган гуруҳларга бўлинади. Қўзи териси қора, жигар ранг ва оқ бўлади, улар пластинага ўхшатиб тўқ сариқ ва қора рангга, алоҳида жигар рангга ҳам бўлади.

Қўзи териси ўлчамлари, ранги, жун қопламининг характери, навлари ва нуқсон гуруҳлари бўйича бўлинади.

МУЙНАЛИ ҚЎЙТЕРИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРИ

Мўйнали қўйтери, мўйначилик саноатида қайта ишланадиган асосий хом ашё турларидан бири бўлиб ҳисобланади. “Мўйнали қўйтери” номи билан қуйидаги қўй терилари бирлашади: майин жунли, ярим майин жунли ва ярим дағал жунли қўйларнинг ҳар хил зотлари, ҳар хил турлари ва дурагайлари. Уларнинг товарли хусусиятлари ҳар хил.

Мўйнали қўйтерилар қирқилган табиий (бўялмаган), одатдагича бўялган, велюрга ўхшаш сунъий жингалакли ҳолда олинади. Ишлов

бериш ва бўяш услуллари бўйича улар бир тусли, аэрографли, граф-ретли ва фильм печатли бўлади.

Жун қопламининг характери бўйича қуйидаги турларга ажра-тилади: майин жунли-бир хил, майин, ипаксимон жун қопламли, қа-линлиги 25 мкм дан ошмайдиган тивит жунли ва камроқ билинадиган муҳайярли; ярим майин жунли-бир хил, унча майин бўлмаган жун қопламли, бир оз дағалроқ тивит ва оралиқ жунлардан тузилган тери-лар; ярим дағал жунли-бир хил жун қопламли, ярим дағал, силлиқ ёки бир оз муҳайярли расмли, кичикли ва кўпроқ тивит жунли те-рилар.

Ишлов берилган, одатдагидек бўялган ва жун қоплами махсус ишланган мўйнали қўйтерилар икки навга бўлинади. 1-нав - қалин жун қопламли (терининг асосий майдонида) қўйтерилар; 2-нав - ай-ниқса, ёнбоши ва четларида кам зич жун қопламли терилар.

Ҳар хил навли қўйтерилар нуқсонлар гуруҳи бўйича биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи гуруҳларга ажратилади. Қўй-терининг асосий нуқсонлари икки гуруҳга бўлинади: Чизиқ бўйича ўлчанадиган - чоклар, синиқлар, қирилган жойлар. Майдони бўйича ўлчанадиган - тешиқлар, кўтир, қотиб қолган жойлар, жундаги доғлар ва бошқалар.

ПУСТИНБОП ҚЎЙТЕРИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРИ

Пустинбоп қўйтери ярим фабрикаларига ишлов берилган, табиий, бўялган, ва плёнка ҳосил қилувчилар қўлланилиб қоплама бўялган дағал жунли ҳар хил зотли қўйларнинг терилари киради. Улардан устки кийимлар олишда фойдаланилади. Уларнинг тери тўқимаси ташқари томон ва жун қоплами ичкари томонга қаратилиб тикилади (яланғоч (нагольный) кийимлар).

Дағал жунли қўйларнинг ўзига хос хусусиятлари жун қоплами-нинг бир хилда эмаслиги билан характерланади. Бу эса ўз навбатида юқори даражада иссиқ сақлаш, чидамлилиқ ва яланғоч буюмларга энгилилиқ ато этади.

Пустинбоп қўйтерилар тери тўқимаси ва жун қопламининг сифати бўйича маълум талабларга жавоб бериши керак. Тери тўқимаси яхши ошланган, юмшоқ, ёғсизроқ, яхши ишлов берилган, бир хил рангли, доғсиз бўлиши керак.

Жун қопламининг сифати ва зотлари бўйича мўйнали қўйтерилар қуйидаги турларга бўлинади: роман, рус, чул турлари.

Роман қўйтерисининг чиройли кул ранг-ҳаво ранг берувчи қора қилтиқ ва оқ тивитдан ташкил топган бўлади; тивит жунлари қилтиқ жунларидан бир оз узунроқ. 5-8 ойлик ёш қўзилардан (поярковий) олинган роман қўйтерилари энг яхши сифатли ҳисобланади.

Рус қўйтериси (Ўрта Осиё қўйларини ҳам қўшиб) учун қора рангдан тортиб то кул рангача ранглар характерли ҳисобланади; қилтиқлари одатда тивитидан узун.

Чул қўйтериси дағалроқ, кўпроқ малла рангли жун қопламли бўлади.

Пўстинбоп қўйтери қоплама бўялганларидан ташқари тўрт навга бўлинади.

КАЛТА ЖУНЛИ МЎЙНАЛИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР

Бу гуруҳга қуйидаги ярим фабрикаатлар киради: шимол бугисининг териси (чала туғилган, пыжик, неблюй), мўйнали тойча, упуқа ва улоқ.

Энг яхши калта жунли мўйнали ярим фабрикаатлар ёш уй ҳайвонларидан (ҳаётининг биринчи кунлари) олинади. Жун қоплами қанча калта ва майин бўлса, терининг нави шунча юқори бўлади.

Калта жунли мўйнали ярим фабрикаатлар ёш гуруҳлари, ўлчамлари, ранги, жун қопламининг характери, навлари ва нуқсон гуруҳлари бўйича бўлинади.

Ўлчамлари бўйича баҳорги тур калта жунли мўйнали ярим фабрикаатлар йирик, ўрта ва майда гуруҳларга ажратилади. Ранги бўйича қора, оқ, жигар ранг ва олачипор.

Жун қопламининг характери бўйича тойча, упуқа ва улоқ терилари расми яхши билинадиган муҳайярли ва силлик жун қопламлилариға бўлинади.

Навлари ҳайвонларнинг ёшлари ва жун қопламининг ҳолати бўйича, териларнинг сифатига қараб аниқланади.

Шимол бугисининг териси. Шимол бугисидан қуйидаги ярим фабрикаатлар олинади: ўлик туғилган, пыжик, неблюй. Улар калта (1

см дан кам), хира, энди ўсаётган жун қопламли бўлади. Ўлик туғилган деб, шимол буғисининг туғилмаган бузоқчаси терисига айтилади.

Пыжик - бу бир ойгача ёшдаги шимол буғилари боласининг ипаксимон, майин 1-2,5 см бўлган бирламчи жун қопламли териси.

Неблюй - 1-3 ойгача ёшдаги дағалроқ, кўпинча калта (2,5 см дан ортик эмас) қилтиқли ва сийрак тивитли иккиламчи жун қопламли, ўсиб бошлаган шимол буғиси бузоғининг териси.

Катта ёшдаги буғиларнинг териси пастель деб аталади, улар савдога тушмайди. Ўлик туғилган, пыжик ва неблюй терилари ранглари бўйича бир неча категорияга бўлинади: жигар ранг, тўқ жигар ранг, очик ранглар ва олачипор.

Мўйнали тойча. Мўйна буюмлари ишлаб чиқариш учун 2 ойгача ёшда бўлган тойча терилари яроқли ҳисобланади.

Стандарт бўйича тойчалар (мўйнали тойча) ранги, ўлчамлари, жун қопламининг характери, нуқсонлар категориясидан ташқари ёш гуруҳи бўйича ҳам бўлинади. Чунки уларнинг ёши ошиши билан жун қопламининг сифати ўзгариб туради. Шу белгиси бўйича тойча терилари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

туғилмаган тойча (скилизок) - калта ялтироқ муҳайярли ёки силлиқ жун қопламли туғилмаган тойча териси;

тойча - ялтироқ муҳайярли ёки силлиқ жун қопламли ва қалин жунли тойча териси;

уросток - хира муҳайярли ёки тери тўқимасига ёпишиб турадиган силлиқ, ўрта жунли тойча териси;

Ранглари бўйича тойча териси қора ва рангли (тўқ жигар ранг, қора, пўлат ранг, тўқ ҳаво ранг), қизил, олачипор бўлади.

УЗУН ЖУНЛИ МЎЙНАЛИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР

Узун жунли, яъни қишки турдаги мўйнали ярим фабрикатларга уй қуёни, ит ва мушук терилари киради.

Узун жунли мўйнали ярим фабрикатлар навлари, ўлчамлари, жун қопламининг ранги ва нуқсонлар гуруҳи бўйича ажратилади.

Уй қуёнининг териси ярим фабрикатларнинг асосий турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Улар тўрт гуруҳга бўлинади: табиий уй қуёни; бўялган уй қуёни; қирқилган ва бўялган уй қуёни; эпилировка қилинган ва бўялган уй қуёни.

Мўйнали уй куёнининг терилари куйидаги асосий зотлардан иборат:

оқ забардаст - жуда ўсик ипаксимон, ялтироқ ва зич жун қопламли, йирик ўлчамли, оқ рангли ёки бир оз крем тусли терилар;

кул ранг забардаст - (Фландр) ўсик ипаксимон ва ялтироқ жун қопламли, очик кул ранг ва қора рангли йирик ўлчамли терилар;

ҳаво ранг - ҳаво ранг ўсик жун қопламли, очик ва тўқ ҳаво ранг, терини барча майдони бир тусда;

шиншилла - зонали тусли, ипаксимон ялтироқ жун қопламли, кумуш ҳаво ранг тусли, қилтигининг учлари қора рангли, ҳаво ранг тивитли терилар;

кумуш ранг - (шомпан) ялтироқ ва ипаксимон жун қопламли, очик кумуш ранг тусли, очик ҳаво ранг тивитли.

Уй куёнининг табиий терилари жун қопламининг сифати бўйича уч навга, қирқилиб бўйланганди эса - икки навга, узун жунли бўйланганди - уч навга бўлинади.

Уй куёндари учун тишланган жой характерли нуқсон ҳисобланади ва улар кесиб ташланади.

Ишлов берилган табиий уй мушугининг териси стандарт бўйича ўлчамларига қараб беш гуруҳга ажратилади: жуда йирик, йирик, ўрта, майда ва мушук болалари териси; жун қопламининг ранги бўйича - қора, тутунсимон, кул ранг, йўлбарсга ўхшаш, ярим тутунсимон, сариқ рангларга бўлинади.

Бўйланган мушук терисини навлаш мушукнинг табиий терисини навлашдан бир оз фарқ қилади.

Ит териси савдога табиий, қора рангга бўйланган, қирқилган ва бўйланган ҳолда тушади. Улар ўлчамлари бўйича тўрт гуруҳга бўлинади; ранглари бўйича эса бир тусли ва ола-чипор.

МЎЙНАЛИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРНИНГ ИСТЕЪМОЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ишлов берилган терилар хом териларнинг кўпгина хусусиятлари (ранги, зичлиги, жун қопламининг узунлиги ва бошқалар)га эга, айниқса бўйланганда терининг жун қоплами ва тери тўқимасига қатор қўшимча тус ва ранглар берилади.

ЖУН ҚОПЛАМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ранги ва туси. Ишлов бериш жараёнида рангланмайдиган табиий рангли териларнинг (сувсар, тоғ сувсари) ранглари бошқа рангларга рангланмаслиги керак. Лекин нотўғри пикеллаш натижасида жун қопламида айрим қизил ва сариқ доғлар пайдо бўлиши мумкин, бундай доғлар, айниқса оқ терилар (шимол тулкиси, оқ сичқон) учун жуда ёқимсиздир. Рангланадиган терилар учун ранг бериш унча катта аҳамиятга эга эмас, лекин бўялган ва ясама рангли териларнинг рангига юқори талаблар қўйилади. Масалан, қора рангга бўялган териларнинг қоралиги ёки жигар рангга бўяшда қизғиш ранглارнинг бўлмаслиги ва ҳоказо. Ранг ёруғлик, “ёруғлик ҳарорати”, ҳўл ва қурук тирналиш, ҳамда терга чидамли бўлиши, бўялган терилар эса - кир бўлмаслиги керак (кенгроқ тушунча “ишлов берилган ва бўялган териларнинг синаш услублари”га мўлжалланган стандартда берилган). Жун қопламининг кирлиги махсус асбобларда аниқланади.

Табиий ранг фақатгина буюмларни кийиш давридагина эмас, балки уларни сақлаш пайтида ҳам ўзгаради. Оқ терилар вақт ўтиши билан сарғаяди, қора ва жигар рангдагилар - қизаради.

Ялтироқлиги. Жун қопламининг табиий ялтироқлиги ва ранги уларга ишлов бериш жараёнида яхшиланиши ва ёмонлашиши мумкин. Масалан, ишлов бериш ва жун таркибини, айниқса унинг кутикуляр қатламини бўяш жараёнида ялтироқлик пасаяди. Жун қопламининг ёғсизлантирилиши ва жун кутикуласининг кучли парчаланиши натижасида ҳам жун қопламининг ялтироқлиги пасаяди. Қайта ишлов беришдаги ифлосликлардан тозалаш ва пардозлаш жараёнлари (қириндида дўппослаш (откатка қилиш), дэзмоллаш) жун қопламининг ялтироқлигини оширади.

Баландлиги. Айрим териларнинг (уй қўни, мушук, қўй) жун қоплами қайта ишлов бериш жараёнида қирқилади (ясама денгиз мушуги, ясама нутрия ва ҳоказо), қўй терилари жун қопламининг эгри-бугрилиги эса тўғриланади. Шу билан биргаликда жун қопламининг табиий баландлиги ўзгаради.

Зичлиги. Ишлов берилган терилар жун қопламининг зичлиги тез-тез қисқариб туради (айрим ҳолда каттик). Бундай ҳодисалар, уларни тароқлар ёки тараш машиналарида тараш пайтида ҳосил бўлади ва мулойим жун қопламли ҳамда кўп тивитли териларда кўпроқ учраб туради. Масалан, крот, қўй ва мўйнабон қўзи терила-

рида. Лекин, айрим териларнинг жун қоплами шундай зички (масалан, майин жунли қўй терилари), қайта ишлов бериш пайтида бир неча бор таралганда ҳам уларнинг зичлиги сийраклашмайди.

Ишлов берилган терилар жун қопламининг зичлиги, ишлов бериш пайтида тери тўқимасининг чўзилиши ва қисқаришига ҳам боғлиқ; қанча қисқариш катта бўлса, жун қоплами шунча зич бўлади, бироқ терининг майдони қисқаради.

Юмшоқлиги (мулойимлиги). Тери жун қопламининг юмшоқлиги ишлов берилгандан ва бўялгандан сўнг, хом териники каби жуннинг тузилиши, ва кимёвий таркибига боғлиқ. Ишлов бериш услубининг айримлари жуннинг юмшоқлигига таъсир кўрсатади. Масалан, жуда кўпроқ ёғсизлантириш ва юқори ҳароратда қуриштириш жун қопламининг қўполлашишга сабаб бўлади. Маълум микдорда ёғ моддасининг қолдирилиши терининг юмшоқлигини сақлаб қолишга имконият яратади.

Чигалланиши. Туклари кўп териларни (шимол тулкиси, қўй териси) берк барабанларда дўппослаш (откатка) жараёни нотўғри бажарилса, териларнинг жунлари қириндисиз тўп-тўп бўлиб чигаллашиб ёки қириндилар билан тўдалашиб қолади. Тери жунларининг тўда-тўда бўлиб (закат) қолиши, уларни тарашда қийинчилик туғдиради ва аксарият ҳолларда тўлиқ яроксизликка олиб келади.

Эластиклиги. Териларга ишлов бериш ва бўяш жараёнларида жун қопламининг эластиклигини ўзгаришига қарамасдан, бу муаммо ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Нам ва айниқса, иссиқ вақтида юнглارнинг эластиклиги камайдиган, бу хусусият тайёр буюмлар ишлаб чиқаришда керакли шакллар бериш ва уларни узоқ вақтгача сақлаб қолиш имкониятини яратади.

ТЕРИ ТЎҚИМАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қалинлиги ва зичлиги. Ишлов берилган терилар тери тўқимасининг қалинлиги, хом терининг қалинлигига, ҳамда ишлов бериш ва бўяш услубларига боғлиқ.

Маълумки териларга ишлов бериш пайтида тери таги клетчаткаси олиб ташланади ва дерманинг қалинлиги ишлов берилган терининг қалинлигида муҳим роль ўйнайди. Қалин дермали териларга ишлов беришда уларнинг шишиб қалинлашишига йўл қўйилмайди, керакли қалинликдан ортиғи кириш пайтида кесиб ташланади. Тери-

ларни қуритиш ва пардозлаш натижасида уларнинг қалинлиги камаяди, майдони эса кўпаяди.

Тери тўқимасининг зичлиги унинг солиштирма оғирлиги билан характерланади.

Эгилувчанлиги (пластиклиги) ва майинлиги. Ишлов берилган бўялган териланинг тери тўқимаси эгилувчан ва майин бўлиши керак. Тери тўқимасининг эгилувчанлиги деб, унинг ҳар томонга чўзилиши ва чўзилгандан сўнг берилган шаклини сақлаб қолиш қобилиятига айтилади. Ишлов берилган ва бўялган терининг тортилиши унинг жуда қиматбаҳо хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тортилиш ҳисобига мўйналарнинг кўплаб майдонлари иқтисод қилинади ва териўз уларни бичиш пайтида ҳоҳлаган шаклини бериши мумкин. Эгилувчанлик эластикликнинг аксидир.

Эгилувчанлик ва майинлик ўзаро боғлиқ. Тери тўқимаси қанча майин бўлса, у шунча чўзилади. Ишлов берилган терига нисбатан, бўялган тери камроқ чўзилади. Тери тўқимасининг эгилувчанлиги тайёр буюмлар тикиш ва уларни эксплуатация қилиш жараёнларида муҳим аҳамияга эга.

Тери тўқимасининг эгилувчанлиги узунасига нисбатан кўндалангида кўпроқ бўлади. Эгилувчанлик терининг турига, майдончаларига ва ҳоказоларга боғлиқ. Кўпроқ ғовакли тери тўқималари зич тери тўқималарига нисбатан кўпроқ чўзилади. Агар тери тўқимаси кам эгилувчан бўлса, у тортилганда осонгина йиртилади. Майин ва эгилувчан тери тўқимали терилар озгина юк таъсирида ҳам кучли чўзилади. Қанча ёғ кўп бўлса, тери тўқимасининг эгилувчанлиги шунча юқори бўлади. Тери тўқимасининг қатламлари механик хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Масалан, эпидермис ўзининг чидамсизлиги учун эмас, балки унинг чўзилиш қобилияти паст бўлганлиги сабабли йиртилиб кетади. Бундай сабаблар териларнинг синишига олиб келади, айниқса бундай сабаблар қўйтериларда, қорақўл ва қўзи териларида кўпроқ учрайди.

Пишиш ҳарорати. Ишлов берилган терилар тери тўқимасининг пишиш ҳарорати муҳим белги бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун териларга ишлов бериш, уларнинг пишиш ҳароратидан пастроқ ҳароратда бажарилади (акс ҳолда у қаттиқ ва синувчан бўлиб қолади). Пишиш ҳарорати ишлов бериш ва бўяш услубларига боғлиқ; қорақўзан учун - 55°C , кролик териси - 60°C , мўйнабоп қўйтери - 75°C ,

пустинбоп кўйтери ва мўйна велюри учун - 90° С дан кам бўлмаслиги керак. Ошлаш жараёни шўр муҳитда олиб борилади.

УМУМАН ТЕРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ишлов берилган ва бўялган териларнинг чидамлилиги учта омилга боғлиқ бўлади: жун қопламининг чидамлилиги, тери тўқимасининг чидамлилиги ва жун қопламининг тери тўқимаси билан боғлиқлигининг мустаҳкамлиги.

Териларнинг чидамлилиги уларни эксплуатация қилиш характериға ва улардан қилинган буюмларға таъсир этадиган ташқи таъсирларға мос келиши керак. Масалан, чўнтак ва енг пастига мўлжалланган терилар чидамлироқ бўлиши керак, чунки буюмларни эксплуатация қилиш пайтида бу жойлари кўпроқ ишқаланади.

Ишлов берилган ва бўялган териларнинг тери тўқималари чидамлилиги уларнинг хом вақтидаги чидамлилигига, ишлов бериш ва бўяш услубларига боғлиқ бўлади. Ишлов бериш пайтида оксилларнинг кўпроқ ювилиб кетиши, тери тўқимасининг чидамлилигини пасайишиға олиб келади, кўпроқ ёғсизлантириш ва бўяш ҳам худди шундай таъсир кўрсатади.

Ишлов бериш ва бўяш жараёнлари юнг таркибини унча ўзгартирмайдиган даражада олиб борилиши керак. Юнг билан тери тўқимаси оралиғидаги боғланишға хом теридаги боғланиш ва ишов бериш жараёнидаги боғланишлар таъсир қилади. Технология жараёнларининг айримлари (кваслаш ва бошқалар) нотўғри ўтказилса, албатта жун қоплами билан тери тўқимаси ўртасидаги боғланишни сусайишиға сабаб бўлади. Айримлари (пикеллаш, металл тузлари билан ишлов бериш) эса, уларнинг боғланишини мустаҳкамлайди.

Турунтаев ва Яхилевичлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида (1935 йил) хом тери тери тўқимасининг чидамлилиги ишлов берилган терининг тери тўқимасидан 2 баробар зиёд ва бўялган териникидан эса - уч баробар ортиқ эканлигини аниқлаб беришган.

Мўйнали буюмларни кийилиши, териларни сақлаш давридаги эскириш, тери ва буюмларни тўлиқ ёки қисман бузилишиға, уларнинг чидамлилиги ва узоқ вақт кийилишини пасайишиға сабаб бўлади. Мутлақо кийилмаган буюмлар ва ишлатилмаган териларнинг бузилиб, яроксиз бўлиб қолганликлари тўғрисида амалда жуда кўплаб мисоллар бор. Масалан, қорақўлдан қилинган буюмларнинг тахминан

сақланиш муддати 15-20 йилга тенг; мўйнадан қилинган буюмларнинг 150-200 йилгача (қаланадан қилинган ёқа) сақланган ҳоллари ҳам маълум. Мўйнадан қилинган буюмлар ва териларнинг сақланишига албатта, уларга ишлов бериш ва бўяш услублари жуда катта таъсир этади. Мўйнадан қилинган буюмларнинг чоклари кўп бўлиши сабабли, чокларнинг ажралиши бўйича мустаҳкамлиги ҳам аниқланади.

Массаси. Ишлов бериш жараёнида тери таги клетчаткаси, кераксиз оксилларнинг бир қисми, ифлосликлар ва шу кабилар олиб ташланиши сабабли, ишлов берилган териларнинг массаси хом териларникига нисбатан камаяди. Ишлов берилган териларнинг массаси бўяш жараёнида кўплаб металл тузларининг ишлатилиши сабабли ошади. Жуда катта массадаги, айниқса қимматбаҳо турдаги терилар (қундуз, денгиз мушуги) нуксонли деб ҳисобланади, чунки улардан қилинган буюмларнинг массаси юқори бўлади. Табиийки, терилар қанча енгил бўлса улардан қилинган буюмлар ҳам шунча енгил бўлади.

Териларнинг катта-кичиклиги. Териларнинг катта-кичиклиги уларнинг майдони билан аниқланади. Ишлов берилган териларнинг майдони ҳам хом териларники каби, терининг икки кўзи орасидан (елканинг ўртасидан) то думининг ўзагигача унинг ўртача кенглигига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Ишлов берилган ва бўялган терилар одатда катта-кичиклиги бўйича 2 дан 6 гуруҳгача бўлинади. Ишлов берилган териларнинг катта-кичиклиги хом териларининг майдон, ишлов бериш жараёндаги қисқариши, чўзилиши ва улардаги кесикларга боғлиқ.

Қисқаришлар қуйидагича бўлади: асл ҳолига қайта оладиган, яъни ишлов берилгандан ва бўялгандан кейинги жараёнларда (ёки теридан буюмлар тикишда) териларни олдинги майдонигача чўзиб етказишга эришиш; асл ҳолига қайта олмайдиган, яъни териларга ишлов берилгандан кейинги ёки хом терининг асл майдонига чўзиб етказиш мумкин бўлмаслиги (бўяш вақтида қисқариши). Ўз аслига қайта олмайдиган қисқариш деярли барча турдаги терилар учун салбий ҳодисадир. Лекин қорақўл ва барра кўзи териларини бўяш вақтидаги унча катта бўлмаган қисқариш фойдали ҳисобланади, чунки уларнинг жингалаклари бу пайтда зичлашади. Ундан ташқари ясама денгиз мушугининг терисини олиш учун ишлатиладиган 2 ва 3-навли кролик ва мушук терилари учун ҳам қисқариш фойдалидир.

Териларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги қисқариши хом териларга ишлов бериш услубларига боғлиқ. Хом терилар жуда ҳам

кучли куритилса, уларда қисқариш сезилади, бу эса айрим ҳолларда териларга ишлов бериш жараёнида уларнинг майдонини асл ҳолига қайта оладиган қисқариш ҳодисаси ҳисобига кўпайтиради. Хом териларни жуда каттиқ чўзилиши, уларга ишлов бериш пайтида майдонини янада қисқаришига олиб келади.

Пикел ёки бўёқ эритмасининг жуда ҳам юқори ҳарорати ёки куритгичнинг юқори ҳарорати, эритманинг жуда ҳам кучли концентрацияси, ҳамда териларни юмшатиш (разбивка) ва дўппослаш каби механик операциялар етарли даражада ўтказилмаган бўлса, албатта териларни қисқаришга олиб келади. Териларнинг кўпроқ чўзилиши уларни жун қоплами зичлигини камайтишига сабаб бўлади.

Кваслаш жараёнида қисқариш бўлмасдан, терининг майдони кўпаяди, чунки ишлов беришнинг бу услубида терининг тери тўқимаси ғоваклашади. Айниқса, айрим турдаги терилар пикеллашда кўпроқ қисқаради (кролик), уларнинг қисқариши 15% гача етади (айрим ҳолларда ундан ҳам кўпроқ).

Бўяш пайтидаги қисқариш бўяш услубларига боғлиқ бўлади. Масалан, ботириб бўяшда ҳамиша қисқариш бўлади, суртиб бўяш услубида эса қисқариш бўлмайди. Териларни хромлашда аслига қайта олмайдиган катта қисқариш пайдо бўлади. Умуман терилар майдонининг қисқариши ишлаб чиқаришдаги қисқаришга эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнида териларнинг чеккаларини кесиб ташланишига боғлиқ.

Маълум бир буюм учун керак бўлган терилар сони уларнинг майдонига боғлиқ. Шунинг учун ярим фабрикал териларининг кўплаб хиллари уларнинг аниқ майдони бўйича дециметр ҳисобида баҳоланади.

ТЕРИЛАРНИНГ КИМЁВИЙ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Териларнинг кимёвий сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш, териларни эксплуатацияга чидамсиз қилиб ишлаб чиқаришга имконият бермайди.

Намлик. Ишлов берилган териларнинг намлиги ҳавонинг 50-60% даги намлигида 12-16% дан ошмаслиги керак.

Терининг таркибида намликни ўзига тортадиган кўплаб минерал тузлар бор, шунинг учун терилар гигроскопикдир. Теридаги намлик уларни сақланадиган жойига қараб доимо ўзгариб туради.

Териларнинг намлиги ошиши билан уларнинг майдони ҳам ошади, куритилганда эса - камаяди. Териларда ёғ қанча кўп бўлса, улардаги намлик шунча камаяди.

Юқори намликдаги терилар сакланиш пайтида тезроқ чириш ва моғорланишга мойил бўлади. Терилардаги намликни кўпроқ қуриши эса уларнинг сифатини ёмонлашга олиб келади, яъни қаттиқ ва синувчан бўлиб қолади. Маълум бир чегарагача намликнинг ошиши, терининг чўзилиш пайтидаги мустаҳкамлик чегарасини олдин оширади, сўнгра пасайтиради.

Ёғ. Ишлов берилган териларда икки хил ёғ манбаси бўлади: 1) ҳайвоннинг жинси, ёши, фасли, яшаш жойи, тури, унинг озукаланиш характери; 2) ишлов бериш ва бўяш жараёнларида пайдо бўладиган ёғлар. Терилардаги ёғлар кимёвий боғланган эркин ҳолда бўлади. Терилардаги ёғлар сонини соскелета аппаратида экстракция қилиб, боғланган ёғларни совунлаш усули билан аниқланади.

Пикелланган ёки бўялган уй қуёни терисининг тери тўқимасида тахминан 8-15%, жун қопламида 2% гача ёғ бор. Териларнинг жун қопламида ёғ моддаси кўпайса, у ёпишқоқ, шўрланган, бир хилда бўялмаган, ёғ 1% дан кам бўлса - тез синувчан бўлади. Ёғ моддасининг камайиши тери юнглари каттиқ бўлишига ва терини чўзилувчанлигига таъсир этади.

Ҳатто бир терининг ҳар хил жойида ёғ моддаси ҳар хил. Масалан, териларнинг ғовак ва тери тўқимаси юпка бўлган жойларида зич жойларига нисбатан ёғ кўпроқ ҳамиша қалин ва кўпроқ. Одатда, тери тўқимасида қанча ёғ кўп бўлса, у шунча майин, яхши чўзилувчан ва кам намланади.

Териларни буюм сифатида саклаш, кийиш ва ишлатиш пайтида уларнинг таркибидаги ёғнинг характери ўзгармасдан қолмайди, чунки ёғ моддаси вақти-вақти билан физик ва кимёвий ўзгаришлар таъсирига берилади (оксидланади). Ёғнинг оксидланиши тери тўқимасида ёғ қатламлари ва доғларини пайдо бўлишига, жун қопламининг сарғайишига (шимол тулкиси, оқ сичкон) ва ҳатто куйганга ўхшаб қолишига (ноғўғри ишлов беришда) сабаб бўлади.

Минерал моддалар. Териларнинг таркибида маълум миқдорда минерал моддалар мавжуд (териларни куйдирганда улар кулга айланади). Бу моддалар қисман хом териларнинг тери тўқималарида жойлашган бўлиб, айрим ҳолларда улар консервалаш, пикеллаш ва минерал моддалар билан ошлаш пайтида қўшилади. Ишлов берилган қўй

териларининг тери тўқимасида минерал моддалар 10% дан кўп бўлмайди. Агар териларга қваслаш йўли билан ишлов берилса, у ҳолда уларнинг таркибидаги минерал моддалар камаяди.

Тери таркибидаги ош тузининг миқдори асосан ишлов бериш ва бўяш услубларига (тузлаш, консервалаш) боғлиқ. Хром оксидининг миқдори териларда 0,8% дан кам бўлмаслиги керак. Териларда сульфат кислотаси ҳамиша оқсиллар билан бирга боғлиқ ҳолатда бўлади; эркин сульфат кислотаси териларда бўлмаслиги керак.

Териларда рН 3,5 дан 7 гача бўлиш керак, акс ҳолда улар юқори кислотали ёки ишқорли ҳолатга ўтади.

МЎЙНА-ТЕРИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН СТАНДАРТЛАР

Мўйнали ярим фабрикатлар учун мўлжалланган стандартлар собиқ СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган Умумиттифок Давлат стандарти (ГОСТ, ОСТ) “Едыные правила сортировки и приёма пушно меховых полуфабрикатов” номи билан маълум, бу стандартда қуйидаги маълумотлар келтирилган:

техник талаблар, яъни ишлов берилган ва бўялган терилар сифатига қўйилган талаблар ва навларга ажратиш қоидалари;

териларни текшириш ва синаш услублари; териларни боғлаш, жойлаш, маркалаш, ташиш ва сақлаш.

Мўйнали ярим фабрикатларни навларга ажратиш. Мўйнали ярим фабрикатлар ассортименти турларининг хилма-хиллиги ва кўплаб кўрсаткичлари бўйича фарқ қилади. Масалан, терилар катта-кичиклиги бўйича 1 см² га 1 мингдан 50 минггача тола, жун қопламининг баландлиги бўйича 10 дан 140 мм гача ўзгариб туради.

Мўйнали ярим фабрикатлар жун қопламининг кетма-кет бўялиши, қирқилиши, юлиниши, эпилировка қилиниши ва махсус ишлов берилиши муносабати билан уларнинг ассортимент турлари, мўйна хом ашёсининг ассортимент турларига нисбатан кенгрок.

Мўйнали ярим фабрикатларнинг таснифи мураккабдир, бунинг устига мўйна ярим фабрикатлари ва денгиз ҳайвонларининг мўйнабоп терилари таснифи ўзига хос хусусиятга эга.

Тери турларининг таърифи



Мўйнали ярим фабрикатининг товар гурухи	Товарнинг кенжа (под) гурухи	Товар турлари	Жун копламининг баланд- лиги
Ҳам сувда ҳам қурукликда яшовчи кишки турлари Қурукликда яшайдиган кишки турлари Баҳорги тур- лари	1.Қундузга оид.	Қундуз, калана, қорақу- зан	Узун жунли, ўртача узун жунли
	2.Ондатрага оид.	Ондатра, сув каламуши.	Ўртача узун жунли
	3.Айикка оид.	Ок, қунғир, қора айик.	Ортиқ даражада узун жунли
	4.Тулкига оид.	Тулкиларнинг барча турлари, бўри, чиябўри, қорсақ.	Ортиқ даражада узун жунли
	5.Сувсарга оид.	Тоғ сувсари.	Ўртача узун жунли.
	6.Сассиккуз унга оид.	Туқ ва равшан рангли сассиккузанлар, ок сичқон, арик сичқони	Ўртача узун жунли, калта жунли, ортиқ даражада калта жунли.
	7.Мушукка оид.	Ёввойи мушукларга оид барча турлари	Ўртача узун жунли
	8.Қуёнга оид.	Қуёнларнинг барча турлари.	Ўртача узун жунли
	9.Олма- хонга оид.	Олмахон, учар олма- хонлар	Калта жунли
	10.Сугурга оид.	Сугурлар, тарбаганлар, юмронқозиқларнинг барча турлари	Калта жунли, ортиқ дара- жада калта жунли
	11.Майда кеми- рувчилар	Оласичқон. сув кала- муши, кўр сичқон, қушоёқ, оғмахона, крот, соя.	Ортиқ даражада калта жунли.

Терининг катта-кичиклиги	Жун копламининг топография типлари	Елкасидаги 1 см ² даги юнлар сони (минг)	Битта ёпади-ган юнга туғри келади-ган туклар сони (сертуклик)	Тук узунли-гининг 1-категорияли қилтикли юннинг узунлигига нисбати	Тук калин-лигининг 1-категорияли қилтикли юннинг калинлигига нисбати
Ортик даражада йирик	Эквалатераль	30	100-300	1:2	1:16
Ўртача	" "	20	30	1:1,7	1:11
Ўртача майда	" "	16-18	40-50	1:2,5	1:11-1:12
Ортик даражада йирик	Дорзаль абдоминаль	0,6-1	5-8	1:2	1:3
Ортик даражада йирик	Скапуляр	7-22	30-54	1:1,4-1:2,1	1:5-1:7
Ўртача	Сакраль	10-20	40-56	1:1,5	1:7-1:8
Ўртача майда	Дорзаль, сакраль, латераль.	8-16	20-26	1:1,5	1:6
Ортик даражада йирик, йирик	Дорзаль абдоминаль	2,5-9	4-9	1:1,1-1:1,6	1:3-1:5
Ўртача	Абдоминаль	18-22	14-22	1:1,6	1:5-1:6
Майда, ортик	Сакраль	8-10	24-36	1:1,5	1:5
Ортик даражада майда					
Ўртача	Латераль	8-8,5	8-10	1:1,8	1:10
Майда	Латераль	4-8	5-8	1:1,8	1:9
Майда, ортик	Сакраль, дорзаль	1,5-4,5	10-14	1:1,5-1:1,7	1:9-1:10
Ортик даражада майда					
Ортик даражада майда	Экваль	12-17	-	1:1,1	1:2,8

Умумиттифок классификатори бўйича мўйнали ярим фабрикатлар “Мўйна, мўйнали ва пўстинбоп-қўйтери буюмлар” 89-классга, “Мўйнали ярим фабрикат” эса кенжа (под) классга киради. Бу кенжа класс 9 та гуруҳга бўлинган. Умумиттифок классификатори тавсия қилган иқтисодий-статистик характердаги номга эга бўлган тасниф, кўп ҳолларда етарли даражада илмий асосланмаган ва асосан у статистик учёт ва режалаштириш учун мўлжалланган.

Кўрсатилган 56 ва 57-жадвалларда мўйнали ярим фабрикатларининг муҳим истеъмол хусусиятлари кўрсаткичлари бўйича тузилган товар таснифи келтирилган.

Барча мўйна-тери ярим фабрикатлари энг юқори категория классга киритилган. Класслар учта кенжа (под) классга бўлинган: мўйнали ярим фабрикат, уй ҳайвонларининг мўйнали ярим фабрикатлари, денгиз ҳайвонларининг мўйнали тери ярим фабрикатлари.



VI - ҚИСМ

МЎЙНАЛИ БУЮМЛАР

Мўйнадўзлик - телпакчилик саноатининг мақсади, хом ашё-бўяш фабрикаларида ишлов берилган ва бўялган терилардан буюмлар тиқиш. Мўйнали буюмларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда, шунинг учун уларнинг фасон ва шаклига катта талаблар қўйилади. Буюмларнинг рационал шакл ва фасонларини ишлаб чиқиш ва белгилашда истеъмолчиларнинг ёш, профессионал, миллий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Шунинг учун мўйнадан қилинган кийим қулай, енгил, оддий, киши ҳаракатига ҳалақит бермайдиган, чидамли, чиройли ва модага мос бўлиши керак. Мўйнали буюмлар уч гуруҳга бўлинади: мўйнадўзлик, бош кийим ва атторлик буюмлари.

Мўйнадўзлик буюмлари кийимнинг бир қисми (ёқа, мўйнали астар, пардоз) ёки бутун мўйнали буюм (пальто, пиджак) бўлиши мумкин. Ундан ташқари палантина, пелерина, ярим пелерина, горжет, муфтилар ҳам мўйнадўзлик буюмларига киради.

Бош кийимлар кишки телпакларнинг барча фасонларини ўз ичига олади: телпак, гоголь, украина, москва телпаги, кубанка, боярка, бадейка, эскимоска ва ҳоказолар.

Атторлик мўйнали буюмларига қўлқоплар, (рукавица), перчаткалар ва муфтилар киради.

Мўйна буюмлари гуруҳини яна қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш мумкин: турлари (пальто, манто, ёқа, пиджак), ёш ва жинси (эркаклар, аёллар ва болалар), фасони (тўғри ёқа, гоголь телпаги, эскимоска телпаги) ва ўлчамлари.

ТЕРИЛАРНИ МЎЙНАЛИ БУЮМЛАР УЧУН ТАНЛАШ

Кўп йиллик тажрибалар натижасида мўйнали буюмлар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган териларни маълум принциплари белгилашиб олинган.

Пальто, ярим пальто ва пиджаклар учун унча оғир бўлмаган, жун қоплами калта ва ўрта узунликда бўлган териларнинг барча ўлчамлари ишлатилади. Бу буюмлар тез-тез терининг иккинчи даражали қисмларидан (оёқлари, бошлари) ҳам тикилади. Эркаклар паль-

тоси, астарлар кўпроқ мустаҳкам, калта ва ўрта узун жунли, арзон баҳодаги терилардан тикилади (қўйтери ва бошқалар).

Эркаклар пиджаклари (устки қисми) арзон, мустаҳкам, унча узун жунли бўлмаган йирик терилардан (қирилган қўйтери, упука, тойча, тюлень, ит) пиджак астари, одатда яхши иссиқ сақлайдиган арзон, жунлари бўйича нуқсонли, ўрта ва йирик ўлчамли (қирқилган қўйтери, қўзи териси ва бошқалар) терилардан тикилади.

Болалар пальтоси асосан енгил ва арзон терилардан (қирқилган қўйтери, табиий оқ уй қуёни, олмахоннинг қорин тарафи ва боши, юмронқозик ва бошқалар) тикилади.

Аёллар ёқаси жунларининг узунлиги, ранглари ва ўлчамлари ҳар хил бўлган, айниқса оғир тери тўқимали терилардан тайёрланади.

Эркаклар ёқаси калта, ўрта узун жунли, ўрта ўлчамли ва йирик қоракўл, қирқилган қўйтери, барра, уй қуёни, мушук, имитация қилинган, кундуз, сув кундузи териларидан тикилади.

Болалар ёқалари ҳар хил ўлчамли, арзон, енгил тери тўқимали терилардан қилинади.

Горжетлар шимол тулкиси, тулки, қоракузан, сувсар ва бошқа терилардан қилинади.

Палантинлар асосан қимматбаҳо сувсар, савсар, оқ сичқон, қоракузан ва бошқа терилардан тайёрланади.

Гилам ва пледлар кўпроқ йирик ҳайвонларнинг (леопард, айик) терилари ва мўйна бўлақларидан тикилади.

Эркаклар бош кийими енгил, ўрта оғирликдаги (буғу боласи, қоракўл ва ҳоказо), ўрта ва йирик ўлчамдаги, калта ва ўрта баландликдаги жун қопламли терилардан тикилади. Айрим ҳолларда узун жунли терилардан тикилади (Ўрта Осиё ва Кавказ районлари).

Аёлларнинг мўйнали шляпаларига майда, енгил (крот, юмронқозик, қоракўлча, калана, савсар, тулки ва бошқалар) ва нуқсонли терилар ишлатилади.

Атторлик буюмларига мўйна қолдиқлари (кесиклар), одатда нуқсонли терилар, барра ва уй қуёнларининг терилари ишлатилади.

МЎЙНАЛИ БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мўйнадўзлик соҳасида мўйна буюмлари юқори қисмининг бичими (пальто, жакет, пиджак ва ҳоказолар) ёки тўқимачилик мате-

риалларидан қилинган буюмларнинг мўйнали қисми-ёқалар, монжёлар, мўйнали астарлар ва ҳоказолар тайёрланади.

Мўйнали буюмлар ишлаб чиқариш қатор жараёнлардан ташкил топади: териларни ранги, навлари, ўлчамлари ва бошқа белгилари бўйича бир хилдаги буюмлар олиш мақсадида бир хил териларни бир партияга тўплаш учун ишлаб чиқариш навларига ажратиш, териларни яхшироқ текислаш ва тўғрилаш учун тери тўқимасини сув ёки бошқа эритмалар билан намлаш (ош тузи, глицерин, алюмин кваси), териларга керакли шаклни бериш учун уларни тўғрилаш ва максимал ўлчамигача уларнинг майдонини кўпайтириш, буюм учун сарфланадиган терилар сонини ва деталларини муҳимлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, терилардан андоза бўйича буюм деталларини олиш, териларни кесиш ва нуқсонларни кесиб ташлаш, кесилган териларни бичим (скрой)га йиғиш (ип ёрдамида қўйтерилар учун - №40, уй қуёни - №60, оқ сичқон - №100); бичимга йиғилган (тикилган) териларни тери тўқимасини яхши текислаш мақсадида намлаш, буюмларга аниқ шакл бериш учун тикилган бичимни тўғрилагичлар орқали текислаш, керакли шакл бериш ва ортиқча намликни йўқотиш учун буюмларни қуриштириш, тўғрилагичлардан тушириш, пардозлаш-тери тўқимасини бўшатиш, тараш, дазмоллаш ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда асосан қимматбаҳо турдаги терилар учун (қорақўл, қорақузан ва бошқалар) бичишнинг мураккаб усуллари қўлланилади. Масалан, икки хил теридан қорақўл ёқа тайёрлашда разбивка (бўлиш), териларнинг эни ҳисобидан уларнинг узунлигини ошириш учун эса роспуск (териларни понага ўхшатиб кесиш) усуллари қўлланилади.

Мўйнадўзлик жараёнида қўйидаги нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин: териларнинг рангини бир-бирига тўғри келмаслиги, жун коплами зичлигининг ҳар хил бўлиши, ёмон чоклар, расмларининг қийшайиши, тикиш чизикларининг қийшайиши, қотиб олган тери тўқима, кир ёки жунлари тушган, енглари, ёқаси, бортлари қийшайган ёки бир-бирига тўғри келмаслиги, қийшиқ тикилган тугмалар ва ҳоказолар.

Мўйнадўзлик буюмлари учун мўлжалланган стандартларда сифатли буюмлар олиш учун уларга, албатта рўя қилинадиган шартлар курсатилган. Бу шартлар қўйидагилардан иборат: у ёки бу буюм қайси терилардан тайёрланиши керак (қорақўл, денгиз мушугига ўхшатишган уй қуёнидан ва бошқалар), буюмларнинг ўлчамлари ва

рости: мактаб ёшигача - 20 дан 32 гача, мактаб ёшидаги - 34-44, катталар учун - 44-60, катталар учун масса ўлчамли 48 ва 50 ҳисобланади; мўйнали буюмнинг нави стандарт бўйича ярим фабрика таварига мос келиши керак, ҳар бир нав атрофида уларга нуксонлар гуруҳи белгиланган (А,Б,В,Г), техник шартлар, буюмларнинг ўлчамлари бўйича рухсат этиладиган чекланишлар ва аралаш ўлчамлар учун тафовутлар (см да), буюмларни жойлаш ва тамғалаш қоидалари.

МЎЙНАЛИ БУЮМЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА АССОРТИМЕНТИ

58-жадвал

Гуруҳи	Гуруҳчаси	Буюм гуруҳлари
1. Устки мўйнали кийимлар	Аёллар Эркаклар	Манто, пальто, ярим пальто, жакет, ярим пуштин, жилет Пальто, ярим пальто, пиджак, жилет, ярим пуштин, тулуп, бекеша-ярим пуштини.
2. Устки қисми газлама ва чармдан қилинган (кийимнинг мўйнали қисмлари) кийимларнинг мўйнали деталлари	Болалар Аёллар Эркаклар Болалар	Пальто, пиджак, куртка. Ёқалар, манжетлар, пардозлар, мўйнали астарлар. Ёқалар, пардозлар, мўйнали астарлар Ёқалар, опуш (этак)
3. Аёлларнинг мўйнали либослари		Горжетлар, палантилар, пелеринлар, муфталар, ярим пелериналар ва шарфлар.
4. Мўйнали бош кийимлар	Аёллар Эркаклар Болалар	Бут мўйнали: телпак, шляпа, берет, ток, эскимоска Аралаш: телпак, шляпа Бут мўйнали: одатдаги телпак, козирокли телпак, "Украинаская", "Московская", "Ленинградская", "Олимпийская", "Тоголь", кепка. Аралаш: телпак, боярка, кубанка. Бут мўйнали: телпак, эскимоска, капор, кепка. Аралаш: телпак, қулоқли бадейка
5. Мўйнали атторлик буюмлари.	Аёллар Эркаклар Болалар	Перчатка, қўлқоп, белбоғ. Перчатка, қўлқоп, галстук, чулки, пайпок. Қўлқоплар.
6. Мўйнали пойабзал.	Аёллар Эркаклар Болалар	Уй туфлиси, ботинкалар, этик. Уй туфлиси, ботинка, этик ва унт. Уй туфлиси, этиклар.
7. Маиший мўйнали буюмлар		Гилям, ухлайдиган қоплар, одеяла, пледлар.
8. Пластина ва меҳлар.		Пластина, мўйнали бичим (скрой).

Маълум навларга ажратилган ёқалар жунларини ичига қаратиб букланади ва пачкаларга 10-20 тадан қилиб жойланади. Пачкалар боғланади ва тамғаланади. Сўнгра улар шпагатлар билан боғланиб, фанердан ёки ёғочдан қилинган ичида қоғози бор қутиларга жойланади. Қоғознинг устига халтачада нафталин ва жойлаш қоғози жойланади. Унда терининг тури ва шакли, нави, ёқаларнинг сони ва ўлчамлари кўрсатилади. Товар солинган қутилар копоқлари беркирилиб маҳкамланади, сўнгра тамғаланади ва пломбланади.

Пиджаклар ва мантилар узунаси бўйича ички астарини сиртига қаратиб букланади, ёқаси эса ичида қолади.

Барча мўйнали буюмларда фирма тамғаси бўлади, унда фабриканинг маркаси, жойи, министрлик номи, ўлчами, нави, нархи ва браковшик тартиб рақами кўрсатилади. Тамғалари бўлмаса ёки нотўғри бўлса, у ҳолда таъминловчилар жарима тўлашади.

Мўйначилик саноати кенг ассортиментда мўйнали буюмлар ишлаб чиқаради. Барча кўп сонли мўйнали буюмлар ишлатилиши бўйича гуруҳларга, ёш ва жинси бўйича, гуруҳчаларга, гуруҳчалар атрофида эса турлари, фасони ва ўлчамлари бўйича бўлинади. Мўйнали буюмларнинг ассортименти юқоридаги жадвалда келтирилган.

УСТКИ МЎЙНАЛИ БУЮМЛАР

Аёллар устки мўйнали кийимлари. Аёллар мўйнали устки кийимлари ҳар хил турли мўйналардан тайёрланади. Аёллар мўйнали кийимлари ассортиментига пальто, ярим пальто, жакет ва мантилар киради.

Манто. Ҳозирги пайтда унча кўп ишлаб чиқарилмайди. Унинг қўлтиғи ва пастки қисми кенгрок, тугмасиз. Манто қимматбаҳо терилардан тикилади.

Пальто, ярим пальто ва жакетлар асосан бир-биридан узунлиги бўйича фарқ қилади: пальтонинг узунлиги 112-120 см, ярим пальто - 80-100 см, жакетлар - 65-75 см.

Аёллар устки кийимларининг фасонлари ҳар хил, ҳатто энги, ёқаси ёки бошқа қисмининг фасони бир оз ўзгарса ҳам уларнинг фасони ўзгарган ҳисобланади. Улар бир ва икки бортли, ёпишиб ёки ярим ёпишиб турадиган, белбоғли ёки белбоғсиз, тўғри ёки клёш шаклида, тўғри энгли, бир оз пасти кенгайган бўлиши мумкин.

Пальто, ярим пальто, манто ва жакетлар учун тўғри келадиган терилар сони уларнинг ўлчамлари, фасони, майдони ва терининг сифатига боғлиқ. Масалан, пальто учун тойчанинг 7-8, қўйтери-8, қорақўл-21-24, кротнинг - 300-500 та териси етарли бўлади.

Пальто, ярим пальто ва жакетларнинг мўйнали қисми стан-елкаси, ўнг ва чап томони (пол) ёқа ва иккита енгдан ташкил топган.

Мўйнали пальтолار тўққизта, жакетлар - еттита ўлчамда чиқарилади.

Бу буюмлар учун бир хил навли, рангли, узун жунли, ялтироқ жун копламли, қалинликда ва юмшоқликдаги терилар танлаб олинади, кўриниб турадиган қисмлари учун яхши сифатли терилар ишлатилади.

Мўйнали буюмларни майда (крот, қумт юмронқозиғи, оғмахона, олмахон) ва ўрта ўлчамдаги хайвон (уй қуёни, қорақўл, улок, суғур ва бошқалар) териларидан тайёрлаш пайтида уларнинг тери тўқималари газламалар ёрдамида тикилиб мустаҳкамланади.

Эркаклар устки кийими. Эркаклар устки кийимлари ичида мўйнали пиджаклар энг кўп тарқалган. Эркаклар пиджаклари қуйидаги ярим фабрикат турларидан тикилади: ярим дағал ва дағал жунли қўй терилари, нутрияга ўхшатиб қирқилган ит, тойча, упуқа, барра ва тюлень терилари.

Мўйнали пиджаклар одатда стандарт фасонида икки бортли, тўрт тугмали ёки ҳалқали, хлястик (белбанд)ли қилиб тикилади. Улар иккита ярим қисм (пол) енглар, ёқа ва чўнтак қопқоқларидан ташкил топган.

Пиджакларнинг устки қисми бир хил навли, бир хил рангли, бир хил баландликдаги жун копламли, юмшоқ ва пластик тери тўқимали терилардан тайёрланади. Яхши терилар елкаси, чап томони (пол) ва енгининг юқори томонига қўйилади.

Пиджаклар олти ўлчамда ва уч узунлик (рост)да чиқарилади.

Эркаклар мўйнали устки кийимларига мўйнали жилетлар ва яланғоч жилетлар киради. Уларнинг бир-биридан фарқи жунларининг ички ва сиртки томонга қаратилиб тикилишидадир.

Болалар устки кийими. Буларга пальто, пиджак ва ўғил болаларнинг курткалари киради. Буларнинг фасонлари болаларнинг ёшларига боғлиқ. Мўйначилик корхоналари болалар учун пальтолари учта ёш гуруҳлари бўйича ишлаб чиқаради: мактаб ёшигача, мактаб ёшдаги ва ўсмирлар учун.

Болаларнинг мўйнали пальтоси тўғри, эркин фасонда, асосан арзон терилардан (оғмахона, юмронқозик, кўйтери) ёки букачалар терисининг иккинчи даражали қисмларидан ва бошларидан тикилади.

Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг мўйнали пальтолари 24-32 (ўғил ва қиз болалар), мактаб ёшидагилар учун 34-42 ўлчамларда тикилади.

Ўғил болалар пальтосининг паст томони (подол) қиз болаларникига нисбатан торроқ, икки ён чўнтакли ва орқасида белбанди бўлади.

Болалар курткалари (ўғил болалар)нинг устки қисми тўқима-чилик материалларидан ёки мўйнадан тайёрланиши мумкин.

Буюмларнинг мўйнали қисмлари. Буюмларнинг мўйнали қисмларига ёқалар, манжетлар, опушлар, мўйна астарлар қиради.

Ёқалар ёши ва жинси, фасони, ўлчами, ранги ва навлари бўйича гуруҳларга бўлинади. Ёқаларининг фасонлари мода ва талабга қараб ўзгариб туради: тўғри, шал, “молодёжная” ва ҳоказо.

Ёқалар қуйидаги қисмлардан тузилган: “отлет” ва “пришив” (тикиладиган жойи). Отлет деб, ёқанинг сиртки (ташқи) чизигига айтилади, пришив-пальтога тикиладиган ёқанинг ички чизиги.

Мўйнали ёқалар эркаклар, аёллар ва болалар учун бўлинади. Ёқаларнинг ўлчамлари: эркаклар ва аёллар учун 44-56-60; болалар учун - 20-44. Ёқанинг ўлчами унинг “пришив” чизигининг узунлиги бўйича см ларда ўлчанади.

Ёқалар ишлов берилиши бўйича табиий-Н, бўялган-К, юлинган ёки эпилировка қилинган-Ш, қирқилган-С, жун қопламга махсус ишлов берилган-О бўлади. Ёқанинг нави, ёқа тайёрланган терининг навига боғлиқ.

Ёқаларга териларни танлашда яхши терилар уларнинг кўриниб турадиган жойларига қўйилади (охири ва отлетга).

Эркаклар ёқалари фасони бўйича тўғри ва шал (чўзиқроқ) бўлади. Уларга бўялган олмахон, қундуз, ҳар хил турдаги қорақўллар, барра, қўзи териси, денгиз мушугига ўхшатишган уй қуёни, мушук ва ит терилари, қирқилган кўйтерилар ишлатилади.

Аёллар ёқалари фасони бўйича хилма-хил. Асосий фасонларига тўғри, шал, “молодёжная” турлари қиради. Уларни тайёрлаш учун деярли барча мўйна ярим фабрикаларидан фойдаланилади. Энг кўп тарқалган эркаклар ва аёллар ёқаларининг ўлчамлари 50-52 ҳисобланади.

Болалар ёқалари бир хил фасонда тайёрланади: ўгил болалар учун-тўғри, қиз болалар учун - тўғри ва “коломбина”. Улар арзон турдаги ярим фабрикатлардан тайёрланади.

Мўйнали астарлар, газламадан тикилган эркаклар ва аёллар пальтосининг астарлари учун эгилувчан, қалин, унча узун бўлмаган жун қопламли мўйна ярим фабрикатларидан тайёрланади. Терилар унча оғир бўлмаслиги ва чидамли бўлиши керак. Улар учун олмахон, олакузан, қўйтери, қорақўл ва тулкиларнинг оёқлари ҳамда томоқ томони, қўйтери ва бошқалар ишлатилади.

Мўйнали астарнинг ўлчами пальтонинг ўлчамига мос келади.

Манжетлар ёқаларининг чап томонига тикиб қўйилади ва ёқа қилинган ўша навдаги, рангдаги ва турдаги терилардан тайёрланади.

Пардозлар. Пардозлар одатда терининг ингичка тасмаси бўлиб, енгларнинг учига ва пальтонинг этакларига тикилади.

АЁЛЛАРНИНГ МЎЙНАЛИ ЛИБОСЛАРИ

Аёлларнинг мўйнали либослари икки гуруҳга бўлинади: шойи астарлипелерина, ярим пелерина, палантина ва ясси горжетлар; астарсиз-трубкага ўхшаган (думалок) горжетлар. Бу гуруҳга мўйнали муфталарни ҳам киритиш мумкин.

Пелерина - бу енгсиз елкага кийладиган буюм. Улар қимматбаҳо терилардан тайёрланади: қоракузан, олмахон, сувсар, савсар, калана, оқ сичқон, денгиз мушуги, оқ ва ҳаво ранг шимол тулкиси, кумуш ранг қора тулки, крот, қорақўл, қорақўлча ва бошқалар.

Ярим пелерина - бу ёқага ўхшаш бўлиб (ёқа), кумуш ранг қора тулки, табиий ва бўялган шимол тулкиси, ҳар хил рангли қоракузан ва уссурия еноти терисидан олинади.

Палантин - бу мўйнали шарф бўлиб, узунлиги 2-2,5 м гача, эни 30- 50 см гача этади. Улар бошсиз қимматбаҳо терилар (сувсар, савсар, қоракузан, оқ сичқон, денгиз мушуги)дан қилинади.

Горжетлар думалок трубка (трубка шаклида) яхлит, кесилмаган бошли, думли, оёқли терилардан ёки ясси кесилган ҳолда шойи астарли қилиб ишлаб чиқарилади. Улар одатда битта теридан қилинади (тулкилар, шимол тулкилари, майин савсар, оқ сичқон, қоракузан, сувсар).

Муфта тўғри астарли ва думалок бўлади. Улар қоракўл, қўйтери, тулки, сувсар ва бошқалардан тайёрланади.

МҲЙНАЛИ БОШ КИЙИМЛАРИ

Мўйнали бош кийимлар ассортименти хилма-хил. Кейинги йилларда саноатда бош кийимларга янги фасонлар ва янги ярим фабрикатлар қўллашни ўзлаштирилиши натижасида уларнинг ассортименти жуда ўзгариб кетди. Жумладан, ҳозирги пайтда эркаклар бош кийимлари (олмахон, қизил тулки, қоракўзан) олдин фақат аёллар бош кийимлари учун ишлатилган терилардан тайёрланилмоқда.

Бош кийимлар ёш ва жинс белгилари бўйича аёллар, эркаклар ва болалар учун ишлаб чиқарилади.

Аёллар бош кийимининг фасони тез-тез ўзгариб туради, болалар ва эркакларники - деярли доимий.

Бош кийимлар материаллари бўйича бут мўйнали ва аралаш (устки қисми газлама, чарм, сунъий мўйнадан) бўлади.

Эркаклар бош кийими кўпинча олмахон, табиий ва бўялган кундуз, ондатра, ит, нутрия, қоракўл барра, кўзи териси, буғу боласи, қирқилган ва бўялган қўйтери, тойча, упуқа, оғмахона ва уй қуёни териларидан тикилади.

Аёллар бош кийимлари учун барча мўйнали ярим фабрикатлар қўлланилади (бўри ва айикдан ташқари).

Бош кийимлар ўлчамлари ич томонидан пастки бортининг айланаси узунлиги билан аниқланади. Катта ёшдагилар учун бош кийимлар 54-63, болалар учун - 50-60 ўлчамларда чиқарилади.

Мўйнали бош кийимлар қуйидаги асосий қисмлардан тузилган: мўйна, чарм ёки сукноли қалпок, тул - ҳар хил газламалардан тайёрланган астар, пахта ватали тўшама (настил), фурнитура - тасма, тугма, кнопка.

Бош кийимининг ҳар бир фасон ва ўлчами маълум бир майдонга эга бўлади. Қуйидаги жадвалда 58-ўлчамли бош кийим учун сарф бўладиган мўйна миқдори берилган.

Бош кийимининг фасони	Андоза майдо- ни дм ²	Бош кийимининг майдони	Андоза майдо- ни, дм ²
Бут мўйнали кулоқчин	22,5	54-улчамли бут мўйнали боярка	11,0
Аралаш мўйнали кулоқчин	8,2	Аралаш боярка	7,0
“Гоголь” телпаги	11,0	“Спортивная” телпаги	13,0
“Украинская” телпаги	11,5	Кубанка	8,2
“Московская” телпаги	16,0	54-улчамли ярим эскимоска	11,0

Бут мўйнали бош кийимларга кулоқчинлар, “Украинская”, “Гоголь” фасонли кулоқчинлар, бадейка, эскимоскалар, бояркалар, “Молодёжная”, “Олимпийская”, “Московская” фасонли телпаклар қиради.

Бут мўйнали кулоқчин қуйидаги қисмлардан тузилган: қалпоғи, орқа томони, қулоқлари ва соявони (козырок).

Кулоқчиннинг тепа қисми (тул) ярим ипак газламали сатиндан бичилади, тўшамаси эса нотўқима материал ёки варақли пахта вата-сидан қилинади. Қулоқларидаги иплари (тасма) қора ёки жигар рангли вискоза ипи ёки пахта ипидан тайёрланади. Қулоқчин учун ишлатиладиган мўйна сифати бўйича бир хил бўлиши керак: бир рангли, бир тусли, тери тўқимаси бир хил қалинликда. Терилар сағрисининг яхши жойларидан соявон, орқа томони ва қулоқлари, сифати бўйича ўртача қисмларидан қалпоғи, паст сифатли жойидан - таг қисмлари (орқа томони, қулоқлари ва соявоннинг ички қисми астари учун) бичилади.

Бут мўйнали кулоқчинлар бўялган ва бўялмаган уй қуёнлари, денгиз мушугига ўхшатишган ва қирқилган қорақўл, табиий қорақўл, барра териси, мушук, кундуз, ондатра, қорақузан, нутрия, оғмахона, юмронқозиқ ва бошқа терилардан тикилади.

“Украинская” фасонидаги телпаклар учун қуйидаги мўйна ярим фабрикалари ишлатилади: кундуз, қорақўл, денгиз мушуги, уй қуёни, кўзи териси, нутрия, ондатра, барра. Булар уч рост (узунлик)да чиқарилади. Узунлиги бир чизик бўйича фақат олдидан ўлчанади - пастидан тепасигача. 1-узунлик (рост) - 540 мм, 2-530 мм ва 3-узунлик - 520 мм.

“Тоголь” - бу бут мўйнали телпак. **“Украинская”** дан бир оз пастлиги бўйича фарқ қилади. Баландлиги бўйича уч узунликда ишлаб чиқарилади: 1-495 мм, 2-485, ва 3- 475 мм.

Бут мўйнали боярканинг гардиши (околыш) ва қалпоғи кенгрок бўлади. Улар денгиз мушуги, мушукка ўхшатилган уй қуёни, махсус ишлов берилган қўй териси, қундуз ва олмахондан тайёрланади. Гардиши ва қалпоғи ҳар хил мўйнадан қилинади. Бундай телпаклар индивидуал буюртмалар асосида тикилади.

“Московская” телпаги олди томонидан кесилган ёки кесилмаган кенг гардиши билан фарқ қилади. Қалпоғи бут мўйнали. Улар қора ва кул ранг қорақўл, махсус ишлов берилган қўй териси, сунъий мўйна ва денгиз ҳайвонлари териларидан тикилади.

“Олимпийская” телпаги қалпоқ, кенг орқа томони ва горизонтал соявондан ташкил топган, улар нерпа, табиий мушук, мўйнали қўйтери ва баррадан ясалади.

“Молодёжная” телпаги (**“Спортивная”**) қалпоқ, орқа томони, кичикрок қулоғи ва соявондан тузилган, қалпоғи орқа томонига нисбатан пастрок. Улар махсус ишлов берилган қўй териси, қорақўл, барра ва мушук терисига ўхшатилган уй қуёнидан тикилади.

“Ленинградская” телпаги қулоқчинни эслатади, лекин унча катта бўлмаган горизонтал жойлашган соявони бўлади.

Аралаш бош кийимларига қулоқчинлар, кубанка ва бояркалар киради.

Қулоқчинларда устки қисми тўқимачилик ёки чарм, орқа томони, қулоқлари ва соявони мўйнадан, қалпоғининг юза ости чарм ва юпқа туксиз сукнодан қилиниши мумкин. Чарм, сукно, сунъий мўйна ранглари бўйича табиий мўйна билан бир-бирига тўғри келиши керак.

Аралаш қулоқчинлар катта ёшдагилар ва болалар учун чиқарилади. Уларнинг ўлчамлари бут мўйнали қулоқчинларники каби бўлади. Улар (бўялган ёки қирилган уй қуёни, қорақўл, барра, қўзи териси, уй мушуги, ондатра, денгиз мушуги ва бошқалардан) тикилади.

Кубанкалар тепа қисми сукно ёки мўйнали бўлиши мумкин. Улар саккиз ўлчамда чиқарилади: 55-63. Кубанкалар қорақўл, барра ва қўзи териси билан пардозланади.

Эскимоска. Фасони бўйича қулоқчинга ўхшайди, лекин уларда қулоқлар ўрнига узун мўйна тахтаси (полоса) бўлиб, улардан бўйинга

боғлаш учун шарф сифатида фойдаланади. Асосан улар шимолда ва Сибирда кўпроқ кийилади.

Боярка. Боярка кенг гардиш (калана, денгиз кундузидан қилинади) ва қалпоқдан иборат (денгиз мушуги ёки уларга ўхшатилган терилардан).

Телпақларнинг ҳар бир фасони бўйича алоҳида стандартлар мавжуд. Уларда телпақлар учун ишлатиладиган тери турлари кўрсатилади. Масалан, телпақнинг устки қисми сукно ёки чармдан, қолган қисми денгиз мушугига ўхшатилган, эпилировка қилинган уй қуёни терисидан тайёрланиши керак.

Тайёр телпақлар уч навга бўлинади, навлари ушбу фасондаги телпақ учун ишлатилган мўйнанинг навига боғлиқ бўлади.

Қулоқчин ва финкалар нуқсонлари бўйича беш гуруҳга навланади (нормал, А,Б,В,Г.).

МЎЙНАЛИ АТТОРЛИК БУЮМЛАРИ

Мўйнали атторлик буюмларига перчатка ва қўлқоплар кирази. Қўлқопларнинг устки қисми пахта ва чармдан, астари - қўйтери, барра, улоқ ва бошқа турдаги терилар ҳамда уларнинг қисмларидан тайёрланади. Перчаткалар ҳам устки қисми ва астардан ташкил топган, устки қисми чармдан, астари - қўлқоп учун ишлатиладиган терилардан қилинади.

МЎЙНА ҚОЛДИҚЛАРИДАН ҚИЛИНГАН БУЮМЛАР

Териларга мўйначилик корхоналарида ишлов бериш пайтида ҳар хил қолдиқлар қолади. Бу қолдиқлар буюмлар (бошлари, оёқлари) ёки техник ёғлар, жун ва елимлар олиш учун (тери таги клетчатка, дерма, кесиклар) ишлатилади.

Қолдиқларнинг асосий турларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: хом ашё қолдиқлари, жун қолдиқлари ва кийқимлар (лоскут).

Хом ашё қолдиқлари хом ашёларни омборларда обрядкалаш (ортиқча кераксиз қисмларини олиб ташлаш) ва биринчи ишлов беришда пайдо бўлади. Уларга қуйидагилар кирази: а) айрим турдаги ҳайвонларнинг бошлари, оёқлари ва думлари; б) гўштпардадан тозалаш ва қириб ташлаш пайтида олиб ташланадиган дерманинг бир

қисми ва питрёғлар; в) териларни иккига ажратишдаги кесик (спилок - болалар телпагининг қалпоғи учун)лар.

Жун қолдиқлари (жуда қимматбахона) асосан жун қопламини кесиш жараёнида пайдо бўлади. Улар кигизчилик, фетр олиш ва тўқимачилик саноатларида ишлатилади.

Қийқимлар, оёқлари, думлари ва кулоқлари ҳар хил шаклда (квадрат, учбурчак, эллипс) бўлиб, асосий қолдиқларга киради. Улар асосан териларга механик ишлов бериш ва уларни деталларга бичишда пайдо бўлади. Қийқим қолдиқлари йирик фабрикаларда ўз жойида ишлатилади. Майдаларидан курилиш учун кигизлар олинади. Ундан ташқари қийқимлардан мўйнадўзлик буюмлари олиш мумкин (ёқалар, жакет ва мантолар).

Айрим ҳайвонларнинг думларидан ёқалар, гиламлар ва чўткалар олинади.

Териларнинг кесиклари одатда тортилиб сотилади. Эркаклар ёқаси учун ўртача 400 г, аёллар ёқаси учун - 500 г уй куёни терисининг кесиклари, эркаклар ёқасига эса 300 г қорақўл ва қўйтери кесиклари сарфланади.

ҚЎЙТЕРИДАН ТИКИЛГАН ПЎСТИН БУЮМЛАР

Қўйтеридан тикилган пўстин буюмлар деб, пўстинбоп қўйтериларидан астарсиз тикилган буюмларга айтилади. Буюмларда пўстинбоп қўйтери бир пайтда ҳам усти, ҳам астар учун хизмат қилади. Уларнинг тери тўқимасини устки қисмига қаратиб тикилади. Бу буюмлар яна яланғоч (нагольный) деб ҳам аталади. Улар юқори иссик сақлаш хусусиятига эга, мустаҳкам, нам ва паст ҳароратларга чидамли. Бу буюмлар қишлоқ жойларида кенг тарқалган. Ундан ташқари очиқ ҳавода кўпроқ турадиган профессия билан боғлиқ бўлган ишчилар ва кўплаб бошқа профессиядагилар учун ишчи кийим ҳисобланади (ўрмон кесувчилар, шофёрлар, қўриқлаш органлари ва бошқалар).

Кейинги йилларда шаҳар аҳолисининг ҳам яланғоч буюмларга бўлган талаби анча ошиб кетди, айниқса уларнинг сифатини яхшилаши ва ассортиментининг кенгайиши сабабли.

Қўйтерилардан тикилган пўстин буюмлар қуйидагича туркумланади: ёш ва жинси бўйича-эркаклар, аёллар ва болалар; турлари бўйича - тулуплар, ярим пўстинлар, пиджаклар, пальтолар, ярим

пальтолар, жакетлар ва жилетлар; ўлчамлари бўйича - ҳар хил. Булар табиий ва ҳар хил рангларга (қора, жигар ранг, оч сариқ ва бошқа) бўялган ҳолда чиқарилади.

Пўстинбоп қўйтериларнинг сувга чидамлилигини ошириш мақсадида улар юқори полимерли материаллар (латекслар) билан қопланади.

Қўйтеридан қилинган пўстин буюмларига қуйидагилар киради: эркаклар пальтоси, пиджаги, аёллар пальтоси, ярим пальтоси, жакети ва жилетлар.

Тулуп - бу киш пайтида пост ва йўл кийими ҳисобланиб, одатда иссиқ кийим устидан кийилади, шунинг учун у етарлича кенг ва узун. Тулуп елка, пол, енг ва ёқадан ташкил топган; иккита ҳалқа ва тугма орқали қадалади, бир бортли ва уч ўлчамда (56, 58, 60) чиқарилади. Ёқаси қайтарилган ва чўзилган бўлади. Қўйтерининг сифати, бичилиши ва тикилиши бўйича тулуплар уч навга бўлинади.

Ярим пўстин - ялонғоч пиджак - тўғри бичимли энг оддий типдаги мўйнали буюм ҳисобланади, асосан улар эркаклар учун мўлжалланган. Ярим пўстин бир бортли, тўртта тугма ёки ҳалқа орқали қадаладиган, қайриладиган узунчоқ ёқали, кесик ёки тўғри чўнтакли бўлади.

Ярим пўстин олти ўлчамда (48-58), учта узунликда (рост - I-III) чиқарилади. Сифати бўйича икки навга бўлинади.

Ярим пўстин - бекеша лиф ва юбкадан ташкил топган. Айрим ҳолларда бекешалар пахта газламаси билан қопланади. Ярим пўстиннинг лифи (белидан юқори қисми) елка, икки ёнбоши ва икки кўкракдан тузилган. Юбкаси бир неча қўйтеридан тикилади, бир бортли, кесилган вертикал чўнтакли ва қайриладиган ёқали бўлади.

Кейинги вақтда қўйтеридан тикилган пўстин буюмларининг шаҳар шароитида кундалик эҳтиёж учун кийиладиган сифати яхшиланган турлари ишлаб чиқилмоқда. Улар ҳар хил рангларга бўялган пўстинбоп қўйтерилар ҳамда тери тўқимаси плёнкалар билан қопланган қўйтерилардан тикилади.

Бу гуруҳдаги буюмларга, велюрга ўхшатиб ишланган мўйнали қўйтеридан қилинган дублёнкалар ҳам киради.

Велюрга ўхшатиб мўйнали қўйтериларидан тикилган буюмлар одатдаги пўстин буюмларидан жун қопламининг калталиги (8-20 мм), юмшоқлиги ва яхши патланган тери тўқимаси билан фарқ қилади.

Пўстин буюмлар қуйидаги ўлчам ва узунлик (рост)ларда чиқарилади:

60-жадвал

Буюмнинг номи	Ўлчамлари	Узунлиги (рост)
Эркаклар пальтоси, ярим пальто ва пиджаги	46,48,50,52,54,56.	I, II, III.
Аёллар пальтоси ва ярим пальтоси	44,46,48,50,52,54.	I, II, III.
Аёллар-жакети	44,46,48,50,52,54.	I, II, III.
Ўғил болалар пиджаги	32,34,36,38,40,42.	I.
Ўғил ва киз болалар пальтоси	32,34,36,38,40,42.	I.

Эркаклар пиджаги роман ва рус қўйларининг терисидан қора, жигар ранг ва озроқ очик тусли рангидан олинади.

Асосий қўтеридан тикилган пўстин буюмларига қараганда эркакларнинг қўтеридан қилинган пиджаклари, худди тўқимачилик материалларидан тикилган пиджаклар каби тикилади. Елкаси ва полкаларида кесилган кокеткаси (бурама) бўлади. Пиджаклар икки бортли тўрт тугмали, ҳар бир бортида, тўртта ҳалқали қилиб чиқарилади. Орқасида белбанди (ингичка камар), иккита горизонтал ва вертикал жойлашган чўнтаклари, ёқаси қайрилган ва мўйнадан қилинган бўлади.

Аёллар жакети қора жигар ранг ва очик рангларда бўялган, бир бортли, уч тугмага қадалади. Жакет юпқа лиф, енг ва ёқадан тузилган. Чўнтаклари қийшиқ, мўйна билан ёпилган, ёқаси қайрилган ёки қайрилиб чўзилган бўлади.

Эркалар пальтоси рус ёки чўл қўйларидан, жигар ранг, ҳаво ранг, зангори ва бошқа рангларда бўялган, бир бортли, камарли, бутун елка ва полли ҳамда иккита кесик чўнтакли қилиб чиқарилади. Ёқаси қирқилган ёки жингалакли қўтери, мўйна ва қоракўлдан шаль фасонда ясалади.

Аёллар ярим пальтоси бир бортли, тўғри елкали, поллари фигурали кокеткали қилиб чиқарилади. Ўнг борти мўйналар билан пардозланади. Чўнтаги кесилган, қирқилган ва бўялган қўй териси, қоракўл ва мўйнали қўтерилардан тайёрланади, ёқалари орқага қайтарилган бўлади.

Пўстинбоп қўтерилардан яна ўғил ва киз болалар пальтолари ҳамда ўғил болалар пиджаги тикилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Беседин А.Н., Ганцов Ш.К. Товароведение пушно-меховых товаров: учебник для товаровед. фак. торг. вузов. - М.: Экономика, 1983. - 128 с.
2. Верещагин Н.К., Батиров Б. Фрагменты истории тернафауны Средней Азии. Бллютень МОИП отд. биолог, т. 72(4), М., 1967.
3. Гревцев Е.А. Товароведение животного сырья. Учебник для техникумов. - М.: Экономика, 1977. - 231 с.
4. Елемесов К.Е. ва бошқалар. Технология производства каракульчи и баранины. - Алма-Ата.: Кайнар, 1989. -184 с.
5. Елемесов К.Е. ва бошқалар. Товарведение каракульево-смушкового, пушно-мехового и овчинно-шубного сырья. -Алма-Ата.: Кайнар, 1993. 1-2 қисм.
6. Закиров М.Д., Юнусов С.Ю. Биология каракульской овцы. - Ташкент, Фан, 1992. -203 с.
7. Закиров М.Д. Каракуль Узбекистана. -Ташкент, 1970.
8. Закиров М.Д., Каримов К.Г. Смушководение, 3-е изд., Ташкент.: Мехнат, 1976. -215 с.
9. Закиров М.Д., Шарофиддинов Ф.Ш., Хамракулов Д.Ю. Қорақул-шунослик. - Ташкент, 1961.
10. Закиров М.Д. Справочник для каракулеводоов. -Т.:Мехнат, 1989. - 215 с.
11. Ишунин Г.И. Млекопитающие (хищные и кошачьи) фауна УзССР, Т.3. - Ташкент, 1961.
12. Ишунин Г.И. О биологии камышевого кота в южном Узбекистане. Ж. Зоолог., Т. 44, вып.4. - Ташкент, 1965.
13. Ишунин Г.И. Распространение и численность видры. В кн: "Редкие и исчезающие звери и птицы Казахстана". - Алма-Ата, 1977.
14. Ишунин Г.И. Промысловые животные Узбекистана. -Ташкент, 1987.
15. Кузнецов Б.А. Основы товароведения пушно-мехового сырья. - Москва, 1941.
16. Лебенгарц З.Я. Товароведение пушно-меховой продукции. - М.: Заготиздат, 1938.
17. Охота и охрана природы Узбекистана. - Ташкент, 1984.

*аниот
210*

-
18. Полваниязов М. Хищные звери пустынь Средней Азии. - Нукус, 1974.
 19. Петров Б.М. Охотничье-промысловые звери и птицы западных ответлений Тянь-Шана. Бюлл. Совета Всеарм. военно-охотн. общ. ТуркВО №2 (20). - Ташкент, 1962.
 20. Перверзева А.Д. Товароведение пушно-мехового сырья. Учебник для техникумов. - М.: Экономика, 1982. - 288 с.
 21. Церевитинов Б.Ф., Беседин А.Н. Товароведение пушно-меховых товаров. Учебник для товаровед. фак. торг. вузов. - М.: Экономика, 1977. - 151 с.
 22. Чернишев В.И. Фауна и экология млекопитающих тугаев Таджикистана, т.85. - Сталинабад, 1958.

2

3

ЗАКИРОВ МАХМУД ДЖЎРАЕВИЧ

4

5

Ўзбекистонда ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
МАНЭБ академиги, то. ЮНЕСКОнинг ҳақиқий аъзоси, "Нури Хўжанд"
халқ академиясининг Президенти, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

6.

7.

8.

АТАМУРОДОВ КАРИМ АТАМУРОДОВИЧ

9.

10.

11.

12.1

ХАЙДАРОВ ЯВКОЧТИ ХАЙДАРОВИЧ

13.1

Халқаро педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси,
"Техника фанлари номзоди, Педагогика фанлари доктори, Профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими.

14.1

1

15.К

М

16.Л

З

17.О

М у н д а р и ж а

КИРИШ	3
Мўйна-тери хом ашё савдосига оид.....	5
Биринчи қисм	
Қорақўл-барра хом ашёлари товаршунослиги.....	13
Қорақўл қўйларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари.....	13
Ҳомиланинг она қорнида ривожланиши ва тери-жун қопламининг шаклланиши.....	14
Қорақўл қўзилар тери қопламининг тузилиши.....	18
Қорақўл жингалаги ва терисининг ҳосил бўлиши.....	22
Қорақўл жингалакларининг таснифи.....	32
Жингалакнинг шакли ва типлари.....	39
Қорақўл жингалагининг хусусиятлари.....	48
Қорақўл жингалакларидаги жун толаларининг хусусиятлари.....	64
Қорақўл терисининг хусусиятлари.....	103
Қорақўл териларига дастлабки ишлов бериш қўзи сўйиш техникаси ва терини шилиш.....	119
Ишлов бериш жараёнларида қорақўл терилар хусусиятларининг ўзгариши.....	124
Стандартлаштириш асослари.....	128
Иккинчи қисм	
Мўйна-тери хом ашёлари товаршунослиги.....	130
Мўйна-тери хом ашёларининг таснифи.....	131
Ҳом терининг тузилиши ва кимёвий таркиби.....	132
Тери тўқимаси ва жун қопламининг тузилиши.....	133
Мўйна-тери хом ашёларининг товарли хусусиятлари.....	141
Жун қопламининг товарли хусусиятлари.....	142
Тери тўқимасининг товарли хусусиятлари.....	148
Умуман терининг товарли хусусиятлари.....	150
Терининг товарли хусусиятларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.....	158
Териларнинг ўзгарувчанлик турлари.....	158
Ҳайвонларни овлаш ва сўйиш усуллари.....	163
Териларга дастлабки ишлов бериш.....	165
Мўйна-тери хом ашёларига мўлжалланган стандартлар.....	181
Стандартларнинг мазмуни ва моҳияти.....	181
Териларни навларга ажратиш.....	183

Териларни тўплаш ва боғлаш.....	190
Териларни жойлаш ва тамғалаш.....	191
Териларни ташиш ва сақлаш.....	192
Учинчи қисм	
Мўйнали хом ашё турлари.....	195
Мўйнали хом ашёларнинг кузги турлари.....	195
Мўйнали баҳорги турлари.....	212
Тўртинчи қисм	
Уй ҳайвонларининг мўйнали хом ашёлари.....	219
Қўйларнинг мўйнали терилари.....	219
Дағал жунли қўйларнинг мўйнали ва пўстинбоп хом ашёлари.....	222
Думбали қўйларнинг мўйнали хом ашёлари.....	225
Қорақўлнинг мўйнали хом ашёлари.....	227
Эчкиларнинг мўйнали хом ашёлари.....	234
Уй қуёнларининг мўйнали хом ашёлари.....	235
Уй мушугининг мўйнали хом ашёлари.....	239
Итларнинг мўйнали хом ашёлари.....	240
Мўйнали тойча.....	242
Мўйнали упуқа.....	244
Бешинчи қисм	
Мўйна-тери ярим фабрикатлари.....	246
Мўйна ишлаб чиқариш технологияси асослари.....	246
Тайёрлов жараёнлари.....	247
Ишлов бериш жараёнлари.....	250
Пардозлаш жараёнлари.....	252
Мўйна териларини бўяш.....	254
Териларга ишлов бериш ва бўяшда ҳосил бўладиган нуқсонлар.....	259
Мўйна-тери ярим фабрикатларининг ассортименти.....	260
Мўйна-тери ярим фабрикатларининг таснифи.....	260
Мўйнали ярим фабрикатлар.....	260
Уй ҳайвонларининг мўйнали ярим фабрикатлари.....	263
Қорақўл-қўзи (мерлушка) ярим фабрикатлари.....	265
Мўйнали қўйтери ярим фабрикатлари.....	271
Пўстинбоп қўйтери ярим фабрикатлари.....	272
Калта жунли мўйнали ярим фабрикатлари.....	273
Узун жунли мўйнали ярим фабрикатлари.....	274
Мўйна-тери ярим фабрикатларининг истеъмол хусусиятлари.....	275
Жун қопламининг хусусиятлари	276

Тери тўқимасининг хусусиятлари.....	277
Умуман терининг хусусиятлари.....	279
Териларнинг кимёвий сифат кўрсаткичлари.....	279
Мўйна-тери ярим фабрикалари учун мўлжалланган стандартлар....	283
Олтинчи қисм	
Мўйнали буюмлар.....	287
Териларни мўйнали буюмлар учун танлаш.....	287
Мўйнали буюмлар ишлаб чиқариш... ..	288
Мўйнали буюмларнинг таснифи ва ассортименти.....	290
Устки мўйнали буюмлар.....	291
Аёлларнинг мўйнали либослари.....	294
Мўйнали бош кийимлар.....	295
Қўйтеридан тикилган пўстин буюмлари.....	299
Фойдаланилган адабиётлар.....	302

М.Д. Закиров, К.А. Атамуродов, Я.Х. Хайдаров

ҲАЙВОНЛАР ХОМ АШЁСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ

Такризчилар: З.Н. Ризаев – Самарканд кооператив
институтининг профессори;
Т.Т. Джурабеков – Марказий-Осиё халк
академиясининг мухбир аъзоси
С.Ю. Юсупов – СамҚХИнинг доценти
Саҳифаловчи: В.В. Петренко

“Элдинур” нашриёт уйи
Тошкент, Абай кўчаси, 6.
Тошкент -1999

Бичими 84x108¹/₃₂. Ҳамжи босма тобоқ.
Адади . Буюртма 517
Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг.
Тошкент рангли босма фабрикасида босилди.
700128 Тошкент, У. Юсупов кўчаси, 86

4000